

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**С.С.Агзамходжаев, Д.О.Раҳимжонов,  
Н.А.Муҳамедов, Ж.Х.Нажмиддинов**

# **ДУНЁ ДИНЛАРИ ТАРИХИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент-2011**

## **Тузувчи – муаллифлар:**

**С.С.Агзамходжаев**, тарих фанлари доктори, профессор  
**Д.О.Рахимжонов**, тарих фанлари номзоди, доцент  
**Н.А.Муҳамедов**, тарих фанлари номзоди, доцент  
**Ж.Х.Нажмидинов**, илмий тадқиқотчи

## **Масъул муҳаррирлар:**

**А.М.Маннонов**, филология фанлари доктори, профессор  
**А.А.Ҳасанов**, тарих фанлари доктори, профессор

## **Тақризчилар:**

**М.М.Исҳоқов**, тарих фанлари доктори  
**Ҳ.Ҳ.Йўлдошхўжаев**, тарих фанлари номзоди, доцент  
**М.А.Ортиқов**, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ўқув қўлланма “Ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш” мавзуидаги Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ИТД 4-156-сонли илмий лойиҳаси доирасида яратилди.

Мазкур қўлланма олий таълим тизими талабаларига мўлжалланган бўлиб, Республика олий ўқув юртларида “Маънавият асослари”, “Диншунослик” ва “Дунё динлари тарихи” фанларини ўқитишда, шунингдек, Республика Маънавият тарғибот маркази бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари масъуллари, маҳалла фаоллари учун қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ушбу қўлланма Тошкент давлат шарқишунослик институти Илмий кенгашининг 2011 йил сентябрь ойидаги 2-сонли йиғилиши қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2011 йил 7 сентябрдаги 1753-рақамли тавсияси билан нашр этилди.

## СЎЗ БОШИ

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган пайтда динга муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилаётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ҳозир Ўзбекистон Республикасида 16 диний конфессия эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам кўпдинлилик шароитида ёшларимиз барча билимлар қатори дунё динлари тарихидан ҳам хабардор бўлмоғи зарур.

Ўз навбатида, “дунёвийлик” тамойилини тўғри англаш, жамият ва дин орасидаги муносабатларда мувозанатни сақлаш лозим бўлади. Зеро, диннинг жамиятда ўзига хос ўрни мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан айтилган қуйидаги сўзлар ниҳоятда муҳимдир: “Дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтиришимиз лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди. Шу маънода, биз муқаддас динимиз арконлари ва қадриятларини доимо улуғлаб, шу билан бирга, дунёвий ҳаётга ҳам қатъий ишонч билан интилиб яшаган тақдирдагина ўз эзгу мақсадларимизга ета оламиз”<sup>1</sup>.

Бу ғояни амалиётга татбиқ этишни назарда тутган ҳолда олий ўқув муассасалари, ўрта махсус касб–хунар коллежи ва академик лицейларда “Дунё динлари тарихи” фани таълим тизимида жорий этилди.

“Дунё динлари тарихи” фанининг асосий вазифаларидан бири – миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, бу қадриятларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, талабаларда динга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 96.

нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли шахсни тарбиялашдан иборат. Бу эса ўз навбатида, ўқувчи ва талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаб ва оқимлари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, динийлик ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади.

Ўн йил аввал яратилган дунё динлари тарихига оид дарсликларда буддавийлик, христианлик, ислом каби жаҳон динлари билан бир қаторда уруғ-қабила динлари ва алоҳида миллатларга хос миллий динлар тарихи ёритилган. Шунда кўзга кўринмаган айрим муҳим масалалар диққат-эътибордан четда қолган.

Мана энди, йиллар давомида “Дунё динлари тарихи” фанини ўқитиш жараёнида муайян тажриба орттирилди ва замон талабларига мос бўлган дарсликнинг янги варианты тайёрлаш кун тартибининг долзарб вазифасига айланди. Бунинг учун авваламбор замонавий педагогик технологиялар асосида шаклланган ўқув қўлланмасини яратиш зарур бўлиб қолди.

Тарихчи-диншунос олимлар томонидан ишлаб чиқилган “Дунё динлари тарихи” номли ушбу ўқув қўлланма, Давлат таълим стандарти бўйича бакалаврият талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблари асосида тайёрланган. Унда турли динларнинг келиб чиқиши тарихи, асосий манбалари, ҳозирги даврдаги ҳолати, маълум халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий илмий тушунчалар беришга эътибор қаратилган.

Қўлланмада замонавий илмий концепцияларга таянган ҳолда, мавзуларни бир-бири билан узвий боғлиқлиги, тарихийлик, минтақавийлик тамойиллари қўлланилди.

# 1-МАВЗУ. “ДУНЁ ДИНЛАРИ ТАРИХИ” ФАНИГА КИРИШ

## Режа

1. Ўзбекистонда динга янгича қараш ва муносабатларнинг шаклланиши.
2. “Дунё динлари тарихи” фанининг мақсад ва вазифалари.
3. Диннинг таърифи ва унинг жамиятдаги вазифалари.

## Таянч сўз ва атамалар

- |                    |                               |
|--------------------|-------------------------------|
| 1. Дин             | 6. Ибодат                     |
| 2. Жаҳон динлари   | 7. Компенсаторлик             |
| 3. Миллий динлар   | 8. Регуляторлик               |
| 4. Эътиқод         | 9. Интеграторлик              |
| 5. Ишонмоқ туйғуси | 10. Яккахудолик ва кўпхудолик |

*Мавзу ўқув мақсади: Талабаларда Дунё динларининг тарихи, вужудга келиш жараёни, ривожланиш босқичлари, диннинг кишилик жамиятида тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари, эътиқод қилувчиларнинг динга бўлган муносабатлари, дунё динлари таълимотларидаги юксак гояларнинг ривожланиши, комил инсонни тарбиялашдаги диннинг илгари сурган эзгу гояларининг диний, илмий, маънавий ва бугунги кунга хос бўлган замонавий жиҳатлари ҳақида тушунчаларни шакллантириши.*

**Ўзбекистон  
Республикасида  
динга янгича қараш  
ва муносабатнинг  
шаклланиши**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг динга янгича қараш ва муносабат билдириш имконияти тугилди. Натижада нисбатан янги бўлган диншунослик фани вужудга келди. Бу фан илгариги атеизмдан

фарқли ўларок, динни танқид қилиш; уни жамиятдан йўқотиш мақсадида эмас, балки унга миллий маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни холисона ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни ва туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди: собиқ совет тизимининг динга атеистик ҳужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали қафолатланди.

Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ диннинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнига мувофиқ, буюк аждодларимиз томонидан яратилган кадриятларни қайта тиклаш асосида аниқ ва принципиал чора-тадбирлар кўра бошлади. Давлатнинг динга янгича муносабати “инсон этикодсиз яшай олмайди” деган аниқ ишонч асосида белгиланди. Бу тамойил ҳозирги кунга келиб “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда” сўзларида ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” китобида диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида жумладан шундай дейди: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолининг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашуш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”.

Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга қорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас этикоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд динларнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси тадрижий тараққиётини ўрганиш ватан тарихини чуқурроқ тушуниб етиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Дин ва Қонун

ўзаро муносабатларини билиш республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида сўз кетар экан, унинг асосида энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ётишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: *“Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”*.

Мазкур моддада муҳим аҳамиятга эга қондалар мустаҳкам қўйилган. Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Иккинчидан, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Бундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу масалалар ўз ечимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳуқуқий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади:

*“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод*

*қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.*

Мазкур коидада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодалайдиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллариини излаш зарурати;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, конституциявий дунёвий-маърифий давлатда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга асосан диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

Ўзбекистоннинг ташқи олам билан ҳар томонлама – сиёсий, иқтисодий, илмий алоқалари янада мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги кунда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд бўлиб келган динларнинг тарихи, ҳаётий тадрижий тараққиётини ўрганиш, талабаларда Ватан тарихини чуқурроқ тушуниб етиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

“Дунё динлари тарихи” фани талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри



илмий хулосалар чиқара оладиган дунёвийлик ва динийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиради. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, жинойят, фуқаролик, оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Дин ва қонун ўзаро муносабатларини тўғри англаш, республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мамлакатимизда талабаларга “Дунё динлари тарихи” фанини ўқитиш муҳим масалалардан бирига айланди.

**“Дунё динлари тарихи”  
фанининг мақсад ва  
вазифалари**

Дунё харитасида мавжуд мамлакат борки, унда яшовчи халқларнинг ўз дини, урф-одатлари ва анъаналари мавжуд. Ана шу қадриятлар халқларнинг юриш-туриши, кундалик фаолияти ва умуман ҳаёт тарзини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Дунё халқлари тарихини ўрганишда уларнинг диний қарашлари, эътиқод ва диний амалиётларини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. “Дунё динлари тарихи” фани ана шу муҳим омилни тадқиқ этиб, тарих билан боғлиқ равишда таҳлилий ўрганади.

*“Дунё динлари тарихи” фанини ўқитишдан мақсад* – талабаларга буддавийлик, христианлик, ислом каби жаҳон динлари билан бир қаторда уруғ-қабил динлари ва алоҳида миллатларга хос миллий динлар тарихини замонавий илмий концепциялар асосида чуқурроқ ўргатиш. Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, диний қадриятларни тиклаш, диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш йўлида қилинаётган муҳим ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида маълумотларни бериш кўзда тутилган.

Мустақиллик даврида миллий ва диний қадриятларнинг халққа қайтарилиши билан бирга жаҳонда мавжуд халқларнинг динлари ҳақида кенг маълумот олиш, уларнинг қадриятларини ўрганиш имконияти юзага келди. Натижада диншунослик фани изчилликда ривожлана бошлади. Бунда аллома аждодларимиз

қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш билан бирга шу кунга қадар чет элларда амалга оширилган изланиш ва тадқиқотларнинг натижаларидан унумли фойдаланиш зарурати пайдо бўлди.

“Дунё динлари тарихи” фани динни танқид қилиш ёки кўр-кўрона мақташ мақсадида эмас, балки динни тарихийлик, холислик асосида турли халқлар ҳаётида тутган ўрнини илмий жиҳатдан, маънавий ҳаётнинг бир бўлаги сифатида ёндошиб ўрганади.

**“Дунё динлари тарихи” фанининг вазифалари** куйидагилардан иборат:

– диннинг жамиятга ижтимоий, маънавий, руҳий таъсири ҳақида билимлар бериш;

– ибтидоий диний тасаввурлар, миллий ва жаҳон динлари таълимотлари ҳақида маълумот бериш;

– диннинг моҳияти ва унинг кишилик жамияти тараққиётидаги турли тарихий босқичларда тутган мавқеи ҳақида тушунча бериш;

– жамиятни маънавий жиҳатдан камол топтиришда диний қадриятларнинг аҳамиятини ёритиш;

– дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатларини ёритиб бериш;

– диний ақидапарастлик, экстремизм ва фанатизм каби салбий иллатлар моҳиятини ёритиш ва уларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантириш;

– Ўзбекистон Республикасида динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, хусусан, ислом дини қадриятларини тиклаш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш.

**“Дунё динлари тарихи” фанининг амалий аҳамияти** шунда ҳам кўринадики, у талабаларда ислом ва бошқа динлар қадриятларига ҳурмат билан қараш, уларни қадрлаш, бошқа динларга ва уларнинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялайди.

“Дунё динлари тарихи” фани бўйича талабаларнинг билими, уқуви ва кўникмаси учун куйидаги муҳим талаб, вазифалар қўйилган:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзбек халқининг маънавий мероси, дини, жумладан, ислом дини қадриятлари, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалар, таъриф ва тавсифларни мазкур фанни ўрганишда назарий асос қилиб олиш;

Иккинчидан, Ўзбекистон Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун ва бошқа қонуний ҳужжатларда дин масаласи юзасидан белгиланган инсон ҳуқуқлари, турли диний ташкилотлар ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиш;

Учинчидан, “Дунё динлари тарихи” асосий фанлар қаторида ўқитилиши, дин, диндорлар ва диний ташкилотларга нисбатан давлат томонидан адолатли сиёсат ўрнатилиши, фуқаролар учун виждон эркинлигининг конституцион кафолатланиши мустақиллик шарофати эканлигини тушуниб етиш;

Тўртинчидан, қонунга ҳурмат ҳиссини, фақат ўзининг эмас, балки бошқаларнинг ҳам диний ҳис-туйғулари билан ҳисоблашиш лозимлигини, ўз шахсий фикрларини бошқа кишиларга тазйиқ билан ўтказиш, турли норасмий диний мазҳаб ва гуруҳларга жалб этиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат эканлигини, жамоат жойларида диний масалаларда зўравонлик, мутаассибликка, агрессивликка йўл қўйиш мумкин эмаслигини чуқур тушуниб етиш;

Бешинчидан, “Дунё динлари тарихи” фанининг бошқа гуманитар фанлар билан бирга ривожланишини назарда тутган ҳолда, ўзи қўлга киритган соҳа ютуқларидан ушбу фанни ўзлаштиришда фойдаланиш.

**Диннинг таърифи ва унинг жамиятдаги вазифалари**

Дин – эътиқод ва у ҳар бир кишининг шахсий иши ҳисобланади. Диний нуқтаи назарга кўра, дин – муайян диний эътиқодларга, яъни илоҳга, унинг томонидан инсонларга хабар етказувчиларнинг ғайриоддий салоҳиятга эга эканига (пайғамбарлик), инсонлар атрофида унга кўринмайдиган аммо ундан анча юқори даражада турувчи мавжудотлар борлигига (фаришталар, жинлар) инсон идеал ҳаёт кечириши учун азалдан белгиланган қонуниятлар

мавжудлигига (муқаддас китоблар), инсон ҳаёти мунтазам назорат остида эканига, қилинган барча яхшилик ва ёмонлик учун мукофот ёки жазо муқаррарлигига (охират, ҳисоб-китоб қилиниш), инсон қисмати аввалдан белгиланишига (тақдир) ва шу каби қарашларга ишониш, уларни ақида сифатида қабул қилишдан иборат.

Дин – табиат, жамият инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятнинг бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш таълимотдир. У муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули, оламда инсониятнинг илк тарихидан то бизгача ўтган даврларни илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда салмоқли тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучдир.

Дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран ва гўзал руҳий-маънавий эҳтиёжларидандир. Дунёда дини, ишончи бўлмаган халқ йўқ. Халқ динсиз, эътиқодсиз бирор-бир нарсага ишончсиз ҳолда яшай олмайди. Социологик нуқтаи назардан қараганда дин жамият учун зарурий нарса, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. У ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи ва амалга оширувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу эса динни жамиятда бажарган вазифаларига кўра ўрганиш мумкин демакдир.

Диннинг вазифалари унинг алоҳида шахс ва жамиятга таъсири ва табиатидан келиб чиқади. Диннинг вазифаси ёшларга шахс, оила, жамият ҳаётига кириб бориши, маданият ва маънавиятни бойитишга қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришдир.

Диннинг ижтимоий вазифалари ҳақидаги таълимотни *функционализм* ривожлантиради. Функционизм жамиятга ижтимоий тизим сифатида қарайди. Унда жамиятдаги ҳар бир элемент муайян функцияни бажаради. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ҳар бир дин ўз эътиқод қилувчилари учун тўлдирувчилик, тасалли берувчилик – *компенсаторлик* вазифасини бажаради. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил қилиш ҳодисасини олайлик. Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётий мақсадларига эришиши иложсиз бўлиб кўринганида, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурият сезади. Бу диний эҳтиёж бўлиб, у маънавий-руҳий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва бажармоқда.

Масалан, буддавийлик дини роҳибликни тарғиб қилади, христианликда эса, ҳар бир христиан Исо масиҳнинг қайтишига умид қилиб, сабр-бардош билан ҳаёт кечиради. Исломи динида ҳар бир мусулмон дунёда эришмаган моддий ёки руҳий орзу-истакларига охирабда эришишга ишонган ҳолда яшайдилар.

Иккинчидан, дин ўз таълимот тизимини вужудга келтиргач, ўзига эътиқод қилувчилар жамоасини, шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилган ва ҳозир ҳам шундай. Бу диннинг бирлаштирувчилик – *интеграторлик* вазифаси деб аталади. Дин доимо ижтимоий, этник, ижтимоий ва маънавий ҳаётда узвийлик, мунтазамлиликни таъминлаш мақсадида у халқларнинг ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, адабиёти ва санъатига боғланган.

Масалан, яҳудийликда мазкур дин вакиллари бир мафкура атрофида бир миллат ва ягона маслак эгалари бўлиб, ягона худо Яхвенинг севимли бандалари эканлиги уқтирилади.

Христианликда диний меъморий, тасвирий, мусиқа санъатидан фойдаланиб икона чизувчилар мактаблари фаолият олиб боради.

Учинчидан, ҳар бир дин ўз қавмлари турмушини тартибга солиб назорат қилувчилик – *регуляторлик* вазифасини бажаради. Динлар ўз урф-одатлари, маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан ўз вақтида, қатъий тартибда амал қилишини шарт қилиб қўяди.

Масалан, исломда кунига беш маҳал намоз ўқиши, ҳар ҳафта жума намозини жомеъ масжидларида адо этиш ва ҳоказолар.

Тўртинчидан, дин алоқа боғлашлик – *коммуникативлик* вазифасини ҳам бажаради, яъни ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлиги, турли диндаги кишиларнинг ўзаро алоқалари, ўзаро ҳуқуқ ва бурчларининг борлиги, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб бажарилиши лозимлиги назарда тутилади.

Бешинчидан, дин қонунлаштирувчилик – *легитимловчилик* функциясини ҳам бажаради. Диннинг бу функцияси назарий асосини америкалик социолог Т.Парсонс ишлаб чиққан. Унинг фикрича, “ҳар қандай ижтимоий тизим муайян чекловларсиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун у қонун даражасига кўтарилган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқиши керак. Дин бундай нормаларни қонунлаштирибгина қолмай, уларга бўлган муносабатни белгилайди”.

Олтинчидан, дин вазифаларининг фалсафий, назарий жиҳатлари мавжуд. У инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмунини, дорулфано ва дорулбако дунё масалаларига ўз муносабатларини билдириб туришдан иборатдир.

Дин инсониятнинг руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётида доимо у билан бирга бўлади. Динни ўрганиш бу инсониятни ўрганишдир. Дин инсоният билан бирга дунёга келган.

Динлар турли гуруҳларга бўлинади:

- Уруг-қабила динлари – тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уругидан чиққан сеҳргар шомон қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар ҳозир Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабилаларда сақланиб қолган:

- Миллий динлар – маълум миллатга хос бўлиб, бошқа элат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яҳудийлик, ҳиндуийлик, конфуцийлик, синтоизм киради;

- Жаҳон динлари – дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъи назар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом дини киради.

Динлар таълимотига кўра, монотеистик – яккахудолик (яҳудийлик, ислом) ва политеистик – кўпхудолик (ҳиндуийлик, конфуцийлик) динларига бўлинади.

## Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. “Дунё динлари тарихи” фанининг асосий мақсади нималардан иборат?
2. Динга қандай таърифлар берилган?
3. Дин жамиятда қандай вазифа(функция)ларни бажаради?
4. Динлар қандай омиллар асосида тасниф қилинади?
5. Динлар қандай гуруҳларга бўлинади?
6. Комил инсонни тарбиялашда дин омилнинг ўрни қандай?
7. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин ва диний ташкилотларга муносабат масаласида қандай ўзгаришлар амалга оширилди?

## Мустақил иш топшириқлари

1. “Мустақиллик ва дин” мавзусида реферат тайёрланг.
2. Дунё динларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. “Дунё динлари тарихи” фанининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Турли олимлар томонидан динга берилган таърифлар ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

## Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
4. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Гуннар Скирбекк, Нилс Гильё. Фалсафа тарихи. –Т.: Шарк, 2002.
6. Ислоҳ зиёси ўзбегим сиймосида. – Т: “Тошкент ислоҳ университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
7. Фалсафа комусий лугати. –Т.: Шарк, 2004.
8. Қахҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. –Т.: Тафаккур, 2009.
9. Мень А. История религии. – М.: 1994.
10. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. –М.: Прогресс-Традиция, 2001.
11. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
12. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.

## 2-МАВЗУ. ИЛК ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАР

### Режа

1. Диний онг асосларининг шаклланиши.
2. Илк диний тасаввурлар
3. Инсониятнинг қадимий ҳаёт тарзи.

### Таянч сўз ва атамалар

- |              |              |
|--------------|--------------|
| 1. Дин       | 6. Монотеизм |
| 2. Эътиқод   | 7. Анимизм   |
| 3. Мифология | 8. Тотемизм  |
| 4. Теология  | 9. Фетишизм  |
| 5. Политеизм | 10. Шаманизм |

*Мавзу ўқув мақсади: Талабаларда илк диний эътиқодларнинг вужудга келишидаги тарихий-тадрижий босқичлари, кишиларда илк диний эътиқоднинг шаклланиши, илк диний эътиқодларнинг қачон ва қайси минтақаларда вужудга келганлиги, инсонларнинг у эътиқодларни қабул қилишидаги қарашлари, илк диний эътиқодларнинг диний, илмий, маънавий, тарихий ва замонавий кўринишлари ҳақида тушунча ва тасаввурларни шакллантириши.*

#### Диний онг асосларининг шаклланиши

“Инсон қачондан бери Худога ишониб келади?”, “Дин қачон пайдо бўлди?” каби саволлар доимо олимларни қизиқтириб, ўйлантириб келган. Мазкур изланишлар неча асрлардан бери давом этиб келаётган бўлса-да, ҳали ҳануз бу борада бир тўхтамга келинмаган. Умумий маънода, бугунги кунда фанда динларнинг шаклланиши тарихига оид икки хил қараш мавжуд.

**Биринчи** қарашга кўра диннинг пайдо бўлиши бевосита инсониятнинг яралиши билан боғлиқ. Худо илк инсонларни яратиши билан уларга Ўзини танитди, натижада инсон илк динга эътиқод қила бошлади. Бундай қараш фанда “*теологик ёндашув*” деб номланади. Бугун мавжуд бўлган ҳар қандай дин ўзининг тарихини инсоният яралиши – илк инсон билан боғлашини



кўришимиз мумкин. Жумладан, ислом динида – Одам ва Ҳавво, яхудийлик ва христианликда – Адам ва Ева, зардуштийликда – Говмард, синтоизмда – император Микадо ва бошқалар. Мазкур таълимотлар динларнинг муқаддас манбаларида баён қилинган.

Теологик ёндашувга кўра, турли буюмларга сиғиниш ва кўпхудолик, жумладан анимизм, тотемизм, фетишизм ва шомонлик яккахудолиқдан кейин юзага келган.

Динларнинг келиб чиқиши ҳақидаги иккинчи қараш фанда “*материалистик ёндашув*” деб номланади. Мазкур қарашларнинг пайдо бўлиши антик даврга бориб тақалиб, илк бор қадимги юнон файласуфлари қарашларида акс этган. XVII асрга келиб Европада черков ҳокимиятининг сусая бошлаши, хурфиррилиқ намояндалари - дин танқидчиларининг пайдо бўлиши, XIX асрнинг иккинчи ярмида Чарльз Дарвин томонидан “Турларнинг келиб чиқиши” (1859) номли асарнинг чоп этилиши ҳам туртки бўлди. Кейинчалик мазкур қарашлар Август Комт ва Людвиг Бухнерлар томонидан энг чўккисига кўтарилди. Унга кўра дин бу ижтимоий ҳодиса, инсон тафаккури, эмоциялари маҳсулидир. Мазкур қараш тарафдорлари фикрича, динлар соддадан – мураккабга, умумийликдан – хусусийликка, кўпхудоликдан – яккахудоликка томон узоқ тарихий эволюцион жараёни босиб ўтган. Унга кўра, илк даврдаги ибтидоий одамнинг жисмоний, физиологик, асаб-эндокрин, биологик, психологик ва бошқа соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга эди. Бу нафақат унинг ҳаёти ва фаолиятига, феъл-атвориға, балки унинг фикрлаш даражасига, кучли ҳаяжонланишиға, тасаввур этишиға, мустаҳкам, ҳақиқий ёки сохта мантиқий қонуниятларни кашф этишиға таъсир кўрсатади. Уйку, туш ва нафас олиш каби ҳолатларда танани бошқарувчи ва ўлим билан ундан ажратиб турувчи, ҳаёт бағишловчи қандайдир куч мавжудлиғига ишонган аждодларимиз, мазкур куч ҳаракат қилувчи ҳар бир нарса: дарё, куёш, ой, дарахт каби мавжудотларда бор деб тасаввур қилганлар. Натижада, инсон кўркуви, ҳурмати, эҳтиёжи ва зарурати даражасида уларға сиғина бошлаган.

Материалистик мактаб тарафдорлари фикриға кўра, кўркув динларнинг келиб чиқишида асосий роль ўйнаган ҳиссий ҳолатдир. Жумладан, инглиз файласуфи Херберт Спенсер (1820-

1903) ҳам ибтидоий қабила динларининг келиб чиқишига кўрқув натижасида “аждодларга сиғиниш” сабаб бўлганлигини таъкидлайди. Спенсер ижтимоий ҳисоб-китобларга суянган ҳолда, ҳаёт кўрқувининг динлардаги ўрнига алоҳида диққатни тортади. Бу кўрқувнинг аждодларга нисбатан ибодатнинг барча кўринишлари шакллантирганлигини ва тангриларнинг устун ёки қаҳрамон бўлган аждодлардан танланганлиги фикрини илгари суради; ҳар бир динда аждодларга алоҳида эътибор қаратилганлигига ишора қилади.

Таникли психолог Зигмунд Фрейд (1856-1939) ҳам диннинг келиб чиқишини айнан кўрқув ҳисси билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, матриархат даврида ўзига жуфт топиш учун ёш йигитлар оталарини ўлдириб, ҳатто ўз оналарига ҳам уйланганлар. Вақт ўтиши билан ўғил ўз отасининг жонига қасд қилганидан виждони кийналиб, отасининг руҳи ундан қасос олишидан кўрқиб, унга ибодат қила бошлаган. Фрейд бу назарияни “*эдип комплекси*” деб атади.

Макс Мюллер (1823-1900) фикрига кўра, диннинг келиб чиқиши табиат ҳодисаларининг инсонга берган даҳшатидан келиб чиққан ва у “*натурализм*” дейилади. Натурализм, физикавий муҳитда учрайдиган қувват ва мавжудотларнинг идеаллаштирилиши, шахслаштирилиши ва илоҳийлаштирилиши демакдир. Ушбу фикрни илгари сурган Макс Мюллер хиндуизмнинг муқаддас китоби Ведаларга суянган. Ведалардаги худо номларининг табиат ҳодисалари билан алоқадор эканлиги фикрини ўртага ташлаган; мисол учун “Агни”нинг “олов”, “Дяус”нинг “кўк” (осмон) маъноларини билдиришини, бу сўздан французча “*Dieu*” (лотинча *Deus*), испанча “*Dios*” (Худо) сўзларининг келиб чиққанини маълум қилган. Мюллер деярли барча динларда худо номлари, аввал олов бўлиши билан бирга, табиат ҳодисаларини билдиришини; табиат кучларига ғайритабиий баҳо бериш мойиллигини уйғотганлиги ва тил ўзгаришлари натижасида динлардаги барча муқаддас тасаввур ва эътиқодларнинг юзага келганлигини билдирган.

Мазкур мактаб тарафдорлари динларнинг юзага келиши ва шаклланиши анимизм, тотемизм, фетишизм ва шаманизм каби босқичларда юзага келганини таъкидлайди.

## Илк диний тасаввурлар

**Анимизм.** Лотин тилида anima – “рух”, “жон” маъноларини англатади. Анимизм рухлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда рух, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклидир. Анимизм 1871 йили инглиз антропологи Эдвард Тайлор томонидан диний қарашларнинг илк шакли сифатида олға сурилган. У тотемизм билан бир вақтда шаклланган. Анимизм табиатнинг қудратли кучлари – осмон ва ер, куёш ва ой, ёмғир ва шамол момақалдиروق ва чақмоқларни илоҳийлаштириб, уларда рух мавжуд деб билар эди. Ибтидоий одамлар тоғлар, дарёлар, адир, ўрмонлар, дарахт, харсанг тош жарликлар ҳам жонли, сезувчи ва ҳаракат қилувчи, яхшилик ва ёмонлик келтириши мумкин деб тушунганлар. Қурбонликлар қилиб уларнинг ҳаққига дуо қилиб, маросимлар уюштиришган.

Баъзи антропологлар анимизмдан олдин ҳам диний қарашлар мавжуд бўлганини даъво қилиб, улар уни “аниматизм” деб номлайдилар. Аниматизм бир томондан нарсаларнинг ўзига хос ғайритабиий кучга эга эканлигига, бошқа бир томондан эса рухларнинг мавжудлигига ишонишдан иборат. Бу назарияга кўра “ибтидоий инсон” бошқа-бошқа мавжудотларни шахс сифатида танишдан аввал, бутун бир оламга ёйилган ҳаёт бағишловчи якка “Куч”ни тасаввурига келтирган бўлиши мумкин. Бундай бир тушунча “мана” фикри билан қўллаб - қувватланган бўлиши ҳам эҳтимол. “Мана” сўзи ғайритабиий, кўз билан кўринмас кучни ифодалаш учун ишлатилувчи сўз бўлиб, уни ибтидоий диний тасаввурга кўра кучли, таъсирчан ёки жамият томонидан эътибор билан қаралувчи нарсалар (ҳайвонлар, ўсимликлар, тошлар) ёки кишилар (қабила раиси, сеҳргар, донишманд) да мавжудлигига ишонилган махфий кучни ифодалаш учун ишлатилган. Ибтидоий қабила аъзолари ўзларини кўз билан кўринмас кучлар билан ўраб олинганликларига ишонганлар. Бу эътикод ҳар бир қабилада ўзгача номлар билан номланган.

Тейлорнинг шоғирди бўлган Р.Мареттининг 1909 йилда нашр қилган “Диннинг ибтидоси” номли китобида биринчи марта изоҳланган бу назарияда диннинг келиб чиқишини шахсияти

мавжуд бўлмаган умумий динамик кучдан кидириш, изланиш кераклигини билдиради.

Анимизм замонавий динларнинг асосий ақидавий қисмини ташкил этади. Жаҳон динларида ҳам рухлар ҳақидаги таълимот мавжуд.

**Тотемизм.** Тотем сўзи – Шимолий Американинг Ожибва қабиласи тилида “унинг уруғи” маъносини англатади. Унинг моҳияти “одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор”, деб эътиқод қилишидир. Уруғдош гуруҳлар ўзларининг умумий белгилари ва тотемлари бўлган ҳайвон ва ўсимликдан келиб чиққан деб билар эдилар. Тотемлар ва одамлар орасидаги алоқалар узок ўтмишга тегишли бўлиб, уни қадимги ривоятлар тасдиқлайди. Масалан, Австралия аборигенлари орасида сақланиб қолган афсоналардаги тасаввурлар бунга яққол мисол бўла олади.

Тотемизм таъсирида пайдо бўлган урф-одатлар, нормалар асрлар давомида қатъий равишда қўлланилди. Табу – тақиқлаш, яъни, тотемни озуқа сифатида истеъмол қилишни тақиқлаш тизими пайдо бўлди. Фақатгина баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёки қабила бошлиқларига тотемни ейиш рухсат этилган. Тотемизм уруғчилик жамоаси ижтимоий уруғ қабила жамоаларнинг энг биринчиси саналиб, диний кўринишларнинг тарихий асоси бўлиб қолди.

Тотемизмнинг асосий вазифалари – бирлаштириш ва тартибга солишдан иборат бўлган. Тотемизм диний шаклларнинг илк даврга тегишлиси бўлишига қарамадан, ҳозирда ҳам баъзи халқларнинг урф-одатларида, эътиқодларида унинг қолдиқлари сақланиб қолган. Масалан, Ҳиндистонда сигир, Австралияда кенгуру афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланади.

**Фетишизм.** Фетиш сўзи французча *fetishe* – бут, санам, тумор маъносидаги сўзни англатади. У табиатдаги жонсиз нарсаларга сизгинишдир. Фетиш ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир этиш кучига эга.

Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бутларда, туморларда жамоалар ғайри табиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Ибтидоий одамларнинг дастлабки диний таассуротлари умумий мажмуасининг шаклланиш жараёнида фетишизм якунловчи босқич бўлиб қолди. Дунё ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан такомиллашиб борди ва инсоният ҳаётида узоқ вақт мобайнида ўз таъсирини ўтказиб келди. Барча динлардаги ҳайкаллар, суратлар, тумор, кўзмунчоқ ва турли рамзлар ҳозирги даврда ҳам сақланиб қолган.

**Шаманизм (шомонлик).** Шаманизм (“шаман” сўзи тунгусманчжур тилидаги “са” – билмоқ феъли билан боғлиқ, “саман” – билувчи киши). Шаманизм анимизм, тотемизм ва фетишизм натижасида юзага келиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота-боболарининг руҳлари билан ҳаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. Ўтмишда кўпроқ аёллар шаманлик билан шуғулланганлар. Шаманлар жазавали, асабий кишилар бўлиб, одамлар уларнинг руҳлар билан мулоқотда бўлиши, жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига жуда ишонганлар.

Шаманлар ритуал ҳаракатлари орқали – овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ноғоралар ва кўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазавага солиб, ўзини йўқотиш, жазавани юқори натижага етказиш билан афсунгарлик қилишган. Шаман маросим охирида бир ҳолатга келиб ҳеч нарсани эшитмай, кўрмай қолар эди. Шунинг учун унинг руҳлар дунёси билан мулоқоти худди шу ҳолатда амалга ошади деб ҳисобланарди. Бу одамларнинг фикр юритиши, онгининг мустаҳкамланишида катта роль ўйнади ва диний онгининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

**Сеҳргарлик (Магия).** Сеҳргарлик (афсун) – одам, ҳайвон ва табиатга ғайритабiiй йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган ритуал урф-одатлар мажмуасидир. Афсунгарлик урф-одатлари билан махсус кишилар –шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар.

Сеҳргарлик маросимлари якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга оширилиши мумкин эди.

Сеҳргарлик мақсадига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1) “Яхши ниятда” амалга ошириладиган – “оқ сеҳргарлик” (“белая магия”)

2) “Ёвуз ниятда” амалга ошириладиган – “қора сеҳргарлик” (“чёрная магия”);

3) Ҳарбий сеҳргарлик (қурол аслахани сеҳрлаш);

4) Севги сеҳргарлиги (“иссик”, “совук” қилиш)

5) Тиббий сеҳргарлик (даволаш мақсадида)

6) Об-ҳаво сеҳргарлиги (ёмғир чақириш)

Сеҳргарлик замонавий динларда ва турли халқлар урф-одатларида сақланиб қолган.

### **Инсониятнинг қадимий ҳаёт тарзи**

Инсониятнинг қадимий ҳаёт тарзи, қийинчиликлари, муаммолари, орзу-истаклари мифологик образлар ва афсоналарда ўз аксини топган. Мавжуд воқелик инсоннинг ижоди билан бирга унинг ҳаёт тарзи, диний қарашлари, урф-одатларига ҳам таъсир кўрсатмай қолмаган. Турли халқ ва қабилаларнинг ҳаётида асосий ўрин тутган ҳайвон ёки буюмнинг илоҳийлаштирилиши натижасида фетишизм, тотемизм, анимизм каби дин шакллари юзага келди. Космогоник сюжетлар ибтидоий мифологияда катта ўрин эгаллаган. Яъни ер ва осмон, қуёш ва ой, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг инсон ҳаётидаги ўрни диний тасаввурларда намоён бўлган. Ҳаёт ва ўлим, табиат ва маданият, аёл ва эркаклар орасидаги алоқалар ибтидоий мифологияда тасвирланган.

Неолит – янги тош даври одамларнинг турмушини, уларга таъсир этадиган барча соҳаларни тубдан ўзгартирди. Дехқончилик-зироатчилик, чорвачиликнинг ривожланиши, ўсимликларни етиштириш, озуқа захираларини кўпайтириш, ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш одамлар ҳаётида озуқа захираларини яратиш, гўшт, сут, теридан фойдаланишни ўргатди. Лойдан идишлар, уй қуриш учун фойдалана бошланди. Тош буюмларни силлиқлаш ва сайқал бериш шаклланди. Кишилар ўтроқ ҳаёт кечирishга ўта бошлаб, зич ва кўпчилик гуруҳлар билан ўрнашарди. Қишлоқлар кенгайиб, атрофларида кичик қишлоқчалар юзага кела бошлади. Аҳоли кескин кўпайиши янги ерларни ўзлаштиришга, ҳаёт тарзининг ўзгариши диний тасаввурларнинг ривожланишига янги имкониятлар яратди.

Дехқончиликнинг эҳтиёжлари – хосилни узоқ вақт сабрсизлик билан кутиш, аниқ вақтни ҳисоблаш муҳимлигини, ер фаслларининг цикларини билиш – буларнинг ҳаммаси дехқон қабилаларининг осмон-у ерга, куёш-у ойга, ёмғир-у шамолга янги қизиқишининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Қудратли руҳларга боғлиқлик сезиларли ва кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Илтижо ва қурбонлик уларга аталди. Натижада руҳлар қудратли худоларга айлана борди. Худолар учун ибодатхоналар ташкил этилиб, уларга махсус мутахассис хизматкорлар – келажакдаги қоҳинлар хизмат қиларди. Баъзи худоларнинг кўриниши ҳайвон, қуш, балиқларнинг ё боши, ё танаси шаклида бўларди. Мифологик жиҳатдан бу қахрамонларнинг худога қариндошлиги сақланиб қолган. Фетишизмнинг характери ўзгариб, илоҳларнинг бутлари ибодатхоналар ёнига ўрнатилган йирик ҳайкаллар шаклига айланди.

Баъзан бутлар ўрнига рамзий ҳайкалчалар, турли шаклдаги тошлардан фойдаланилди. Мазкур ҳайкал ва қурилмалар ибодатхоналарнинг рамзи бўлиб қолди.

Афсун ҳам ўзгариб, афсунгарлар энди илоҳлар билан алоқа маросимлари, диний маросимлар, ибодат ва қурбонлик қилиш тартиблари юзага келди. Фол очиш ва башорат қилиш каби янгиликлар вужудга келди. Фол ва башоратнинг мақсади истакни билиш эди.

Хулоса қилиб айтганда, барча илмий адабиётларда диннинг пайдо бўлиши борасида билдирилган фикрлар илмий гипотезалардан иборат. Диний адабиётлардаги ушбу масаланинг талқини эса ҳар бир инсоннинг диний эътиқодига боғлиқ.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Диннинг қандай ибтидоий шаклларини биласиз?
2. Диннинг пайдо бўлиши ҳақида тадқиқотчилар қандай фикрлар билдиришган?
3. Илк диний эътиқодлар нималарга асосланиб таснифланган?
4. Фетишизм диннинг қандай кўриниши саналади?
5. Анимизм қандай эътиқодга асосланади?

6. Шаманизм деганда нимани тушунасиз?
7. Илк диний эътиқодларнинг замонавий кўринишлари ҳақида нималарни биласиз?

### **Мустақил иш топшириқлари**

1. Динларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ёндашувлар ҳақида маълумотнома тайёрланг.
2. Илк диний тасаввурларнинг бугунги кундаги кўринишлари ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).
3. Қадимги Марказий Осиё халқлари ҳаётида анимистик, тотемистик, фетишистик ва шаманистик тасаввурларнинг ўрни ҳақида маълумот тўпланг.

### **Адабиётлар**

1. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номли миллий кутубхона нашриёти, 2007.
2. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети нашриёти, 2008.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. – Т.: Mehнат, 2004.
4. Кривелев И.А. История религий. – М.: 1989.
5. Кулаков А.Е. Религии мира. – М.: 1996.
6. Мень А. История религии. – М.: 1994.
7. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001.
8. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
9. Токарев С.А. Религия в истории народов мира., – М., 1965.
10. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.



### 3-МАВЗУ. ҚАДИМГИ МИСР, МЕСОПОТАМИЯ, ЮНОН ВА РИМ ДИНЛАРИ

#### Режа

1. Қадимги Миср динлари.
2. Қадимги Месопотамия ва Юнонистонда илк диний эътиқодларнинг шаклланиши ва тарихий тадрижи.
3. Қадимги Рим динларининг пайдо бўлиши.

#### Таянч сўз ва атамалар

- |                  |                      |
|------------------|----------------------|
| 1. Осирис        | 11. Хатор            |
| 2. Ном           | 12. Нейт             |
| 3. Нил маъбудаси | 13. Сохмет           |
| 4. Файюм         | 14. Нефтида          |
| 5. Бубастис      | 15. Мемфис           |
| 6. Буто          | 16. Олимп маъбудлари |
| 7. Гор           | 17. Зевс             |
| 8. Атум          | 18. Посейдон         |
| 9. Амон          | 19. Аид              |
| 10. Нехбет       | 20. Гера             |

**Мавзу ўқув мақсади:** Талабаларда қадимги Миср, Месопотамия, Юнонистон ва Римда вужудга келган динлар, уларнинг таълимотлари, кишилик жамиятида тутган ўрни, унга ишонувчиларнинг дунёқарашлари, унга бўлган муносабатлари, мазкур давлатларда яшовчилар томонидан табиат кучларига сизинишлари, ҳар бир миллатнинг ўз худолари, осмон ва ер жисмларига нисбатан номланган худолар, ҳайвонот оламидан худо деб сизинадиган жонзотлари, кишилар томонидан динни ўрганилиши, унинг инсонлар учун фойдали томонлари ва шу каби илмий, диний, тарихий, маънавий билим ва тушунчаларни шакллантириши.

## Қадимги Миср динлари

Қадимги Миср динлари номларнинг раҳнамо-худоларига сиғинишга асосланган. Мил. ав. IV асрда қабилалар *номлар* деб аталган. *Ном* худоларига сиғиниш жуда узоқ муддат давом этганлигига қарамадан ўзининг қадимий хусусиятларини сақлаб қолган. Ҳар бир қабила ўз худосига ибодат қилиш, уни эъзозлаш билан бир қаторда ўша худо билан қандайдир жиҳат билан боғлиқ муайян ҳайвонни ҳам эъзозлаган ва унга сиғинган. Улар иккаласи ёки алоҳида-алоҳида шаклда ёхуд зооантропоморф, яъни одам-ҳайвон шаклида тасвирланган. Масалан, Элефантинда – кўйга, Дендерада – сигирга, Сиутда – чиябўрига, Гермополда – ибис (лайлакка ўхшаш узун оёқли куш) ва павианга (иттумшук маймун), ал-Файюм водийсида – тимсоҳга, Бубастисда эса мушукка сиғинганлар. Жанубий Мисрнинг қадимий бирлашишига асос бўлган Нехенда қалхат аёл худосига, унга яқин жойлашган Нахабда сув нилуфарига сиғинганлар. Шимолий Миср бирлашувининг қадимий маркази Бутода муқаддас илонга, кўшни Пе жамоасида асаларига сиғинганлар.

Кўриниб турибдики, Қадимги Миср динларида кўпроқ тотемистик унсурлар сақланиб қолган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Миср тотемизми қабилавий эмас, балки маҳаллий бўлган. Шунга қарамай, Африка этнографияси келтирган ишончли далиллар ҳайвонларни улуғлаш ва уларга сиғиниш одатлари аввал маълум бир қабила микёсида бўлиб, кейинчалик муайян ҳудуд доирасини камраб олганлигидан далолат беради.

Деярли барча маҳаллий раҳнамо-худоларга сиғиниш удумлари муқаддас ҳисобланган ҳайвонга одам шаклини бериш билан келиб чиққан. Масалан, мушук кейинчалик мушук бошли Бастет худосига, лочин – Гор худосига айланган. Тотанинг ибис бошли, Аноубиснинг ит бошли, Собекнинг тимсоҳ бошли, Сохметнинг урғочи шер бошли, Хатхор худосининг сигир бошли қилиб тасвирланиши муқаддас ҳайвонларнинг кейинчалик ярим одам-ярим ҳайвон шаклига кирганидан дарак беради.

Миср худолари орасида Нехебт, Хатхор, Нейт, Сохмет, Нефтида каби кўп сонли аёл худоларининг мавжудлиги қадимги

Мисрда матриархал муносабатлар кучли бўлганлигининг исботидир.

Мисрнинг бирлашиш давридан аввалроқ бутун Мисрнинг умумий худолари култи вужудга келганлигини кузатиш мумкин. Агар бирон-бир қабила Мисрнинг бирлаштирилишида асосий ўринни эгалласа, ўша қабиланинг худоси умумдавлат маъбудига айланган.

Мисрнинг умумий худолари орасида энг қадимийларидан бири лочин Гор худоси бўлиб, аввал унга Иераконполь ва Эдфуда сигинганлар. Бу минтакадан чиққан Горга сигинган подшоҳлар Мисрнинг илк бирлаштирувчилари бўлганлар (1-2-сулола; мил. ав. тўртинчи минг йилликнинг охири). Улар ўз қабилавий худоларини умуммиср куёш худосига айлантирдилар. Мамлакат пойтахти Мемфисга кўчирилган вақтда (3-сулола; мил. ав. 3000 й. атрофи) Мисрнинг асосий расмий худоси Птах номли Мемфис худоси бўлиб қолди. Мил. ав. 2700 йиллар атрофида 5-сулола ҳокимият тепасига келган пайтда Он (Гелиополь) шаҳри билан боғлиқ бўлган Атум (Ра) худоси Мисрнинг олий худосига айланди. 11-12-сулолалар даврида (мил. ав. 2100-1800 й. ) жуда ҳам машҳур бўлмаган Амон худоси умуммиср худоларининг асосийсига айланди ва олдинги олий худо Ра билан бирлашиб Амон-Ра шаклини олди.

Мамлакатнинг бирлаштирилиши натижасида маҳаллий худолар ҳам иккинчи даражали маъбудларга айланганлар. Гермополь худоси Тот (Ибис) олимлар ва котиблар раҳнамосига, Сиут худоси Анут нариги дунё ҳукмдорига, Латополнинг аёл худоси уруш худосига, Коптос худоси Мин ажнабийлар раҳнамосига айланди ва ҳ.к.

Қадимги Миср динлари гуруҳларидан бири халқ деҳқончилик эътиқодлари ва маросимлари билан боғлиқ бўлган. Улар ҳақида маълумотлар нисбатан кам, чунки қадимги ёзма ёдгорликларда халқ динлари эмас, балки давлат динлари ҳақида хабар берилади. Бироқ давлат динларига ҳам халқ эътиқодлари ўз таъсирини кўрсатган. Бу таъсирни расмий дин худолари тимсолида кўриш мумкин: серҳосиллик худоси аввалда Коптос худоси Мин, Фива худоси Амон, Элефантин худоси Хнум, Дельта аёл худоси Исида

ва х.к. бўлган. Аммо халқнинг дехқончилик динлари асосий худоси Осирис бўлган.

Қадимги Мисрда подшоҳлар – фиръавнларнинг илоҳийлаштирилиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Мамлакатни бирлаштирган Гор худосига сизинган қадимий подшоҳлар ўзларини худоларининг паноҳида деб ҳисоблаганлар ва ҳатто, ўзларини унинг номи билан атаганлар. 5-сулола давридан бошлаб, фиръавн қуёш худоси Ранинг ўғли деб саналадиган бўлди. Подшоҳларни худонинг ўғли деб билиш милоднинг бошларигача давом этган. Подшоҳнинг ўзи асосий диний маросимларни шахсан ижро қилган: ибодатхоналарга асос солган, унинг ёлғиз ўзи худога аталган қурбонликларни адо этган. Руҳонийлар фақатгина подшоҳ номидангина иш юритганлар. Фуқаролар унинг хузурида ер ўпиб таъзим қилганлар, подшоҳ номини айтиш тақиқланган, диний рамзларда унинг сурати акс эттирилган. Буларнинг ҳаммаси подшоҳ насабининг худога тегишли деб эътиқод қилинганидан дарак беради.

Қадимги Мисрда дафн маросимлари аста-секин тараққий этиб борди. Аввалда ўлган одам жасадини ёнбошлашиб, баъзи ашёлар билан бирга қўмганлар. Баъзан жасад бўлақларга бўлиб қўмилган. Вақт ўтиши билан, айниқса, подшоҳлар дафн расм-русумлари ўзгариб борган. Сағаналар бора-бора кенг ва мураккаб услубда курила бошлаган. Аввал ердан озгина юқори кўтарилган пирамида шаклида, кейинроқ эса баланд пирамида шаклини олган. Вафот этган подшоҳнинг жасади мумиёланиб дафн этилган. Кейинчалик подшоҳ мулозимлари, сўнграқ ўрта табақа кишилари ҳам мумиёланидиган бўлган. Мумиёлашнинг мураккаб технологияси тобора ривожланиб борган. Мумиёлаш руҳонийлар томонидан бажарилган. Улар бу ишда жуда моҳир бўлганлар. Мана шунинг учун ҳам улар томонидан мумиёланган жасадлар бугунги кунга қадар сақланиб келмоқда.

Қадимги Мисрда жасадларнинг мумиёланиши ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишончдан дарак беради. Қадимги мисрликлар эътиқодларига кўра, одам ўлиши билан унинг жасадидан унинг номи (рен), руҳи (ба), жони (ка) чиқиб кетади. Ка – инсоннинг жони жасаднинг тақдири билан боғлиқ

хисобланган. Ка ўлмас эмас, агар жасад керакли анжомлар билан кўшиб дафн этилмаса, “ка” очлик ва чанқокдан ўлиши мумкин. Агар турли сеҳрли дуолар ёзиб кўйилмаса, “ка”ни нариги дунёдаги махлуқлар еб кўйиши мумкин. Жасад яхшилаб мумиёланиб, узок сақланса ёки ҳеч бўлмаса, унинг устихони қанча узок сақланса, руҳи ҳам шунча узок яшайди.

Мисрликларнинг эсхатологик тасаввурига кўра, олий насаб, бой кишилар ўлгандан кейин нариги дунёда фаровон ҳаёт кечирадилар. Ушбу тасаввурлар ҳақида 6-сулола вакиллари сағаналарида акс эттирилган суратлар хабар беради. Бу каби фаровон ҳаётга, уларнинг фикрича, бу дунёда ҳам фаровон ҳаёт кечирганлар етишган ёки бундай ҳаётга сеҳр-жоду билан эришиш мумкин бўлган. Мисрликлар қадимги эътиқодида марҳумлар раҳнаمولари бўлган худолар ҳақида тасаввурлар мавжуд бўлган.

Ўрта подшоҳлик даврида ўлганлар руҳлари устидан ҳукм чиқариш ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Бу таълимотлар пирамидалар матнларида учрамайди. Улар Осирис худосини руҳлар устидан ҳукм қилувчи худо сифатида таърифлаганлар.

Қадимги Миср динлари тарихида сеҳр-жоду катта ўринни эгаллаган. Бизгача етиб келган ёзма ва тасвирий манбалар, ашъвий далиллар халқ ҳаётининг турли соҳаларида Миср тарихининг барча босқичларида сеҳргарликдан кенг фойдаланилганлигидан далолат беради. Жумладан, тиббиёт билан боғлиқ даволаш-ҳимоялаш сеҳргарлиги бунга яққол мисолдир. Миср тиббиёти, хусусан, доришунослиги нисбатан юқори ўринда турган ва уларнинг барчаси сеҳргарлик тасаввурлари билан боғлиқ бўлган. Эберс папируси (12-сулола даври, мил. ав. 2000 й.) номини олган тиббиётга оид нисбатан илмий асарда ҳам дорилар таркиби ҳақида ёзила туриб, улар орасида бир қатор касалликни кетказувчи сеҳрли сўзлар ҳам берилган. Бошқа тиббий асарларда эса сеҳргарлик янада кўпроқ учрайди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тиббиёт рухонийлар қўлида бўлган. Ундан ташқари, об-ҳаво сеҳргарлиги ҳам амалда кўп қўлланган. Мана шундай маросимлардан бири Ранинг душмани Апопга қарши Фива ибодатхонаси рухонийлари доим куёш порлаб туриши учун ҳар куни сеҳргарлик маросимларини ўтказар эдилар. Шунингдек, душманга зарар

еткизиш сеҳргарлиги мавжуд эди. Бунда душман тимсолига қарата зарар етказувчи дуолар ўқилган. Шу билан бирга, юқорида зикр этилганидек, марҳумларнинг руҳи нариги дунёда роҳат-фароғатда яшаши учун ўтказиладиган сеҳргарлик маросимлари ҳам бўлган.

Миср диний ҳаётида, айниқса, кейинги даврда руҳонийлик катта аҳамиятга эга бўлган. Дастлабки пайтда бундай мансаб бўлмаган. Қадимий подшоҳлик даврида руҳонийлар жуда кам бўлган. Диний маросимларни асосан дунёвий кишилар – ҳокимлар, оқсоқоллар, марказда эса фиръавнлар амалга оширган. Руҳонийлар эса мазкур бошликлар номидан иш юритганлар. Руҳонийлар орасида фақатгина Мемфис худоси Птах, Гелиополь худоси Ра ибодатхонаси руҳонийларигина нуфузли мавқега эга бўлишган.

Миср аҳолисининг миллий ҳиссиётлари кучайган ва подшоҳликнинг заифлашган даврида (мил. ав. 1700-1570 й.) руҳонийларнинг обрўси ошди. Кейинчалик эса руҳонийлик авлоддан-авлодга мерос тарзида ўтадиган бўлди.

19-20-сулолалар даврига келиб (мил. ав. XIV – XI асрлар) нуфузи пасайиб қолган фиръавнлар руҳонийлар ёрдамисиз иш юрита олмас эдилар. Шунинг учун ҳам руҳонийларга катта-катта ер-мулклар берилган.

Миср ҳаётининг мафкуравий соҳасини ўз қўлига олган руҳонийлар мамлакат ижтимоий ҳаётида сезиларли таъсирга эга бўлган.

**Қадимги Месопотамия  
ва Юнонистонда илк  
диний эътиқодларнинг  
шаклланиши ва  
тарихий тадрижи**

**Қадимги Месопотамия динлари.** Миср билан деярли бир даврларда Дажла (Тигр) ва Фрот (Евфрат) дарёлари оралиғида шумерлар давлати барпо бўлган. Бу давлат ўзининг юқори маданияти билан машхур эди.

Милоддан аввалги IV-III минг йиллик арафасида Шумерда қатъий ишлаб чиқилган илоҳиёт тизими мавжуд эди. Шумер давлатининг дини ҳам кўпхудоликка асосланган, ҳар бир шаҳар ўз ҳомий-худосига эга бўлган. Шу билан бирга, уларнинг умумий худолари ҳам бўлган. Уларнинг эътиқодларига кўра, осмон

худоси – Ану, ер худоси – Энлиль, сув худоси – Энки ёки Эа, ой худоси – Наинар, куёш худоси – Уту ва хоказо. Худолар оламида Ану бош худо ҳисобланган.

Илоҳлар табиатнинг стихия кучларини ифодалаганлар ва кўпинча космик жисмлар сифатида тасвирланган.

Месопотамия цивилизациясининг кўплаб худолари аллақачон инсон қиёфасига киргизилган бўлса-да, уларнинг еттитаси осмон сайёралари тимсолида гавдалантирилган. Шумерлар, аккадлар ва бобилликларнинг афсоналарида оламнинг яратилиши ва оламшумул тўфон ҳақида маълумотлар бор. Мазкур афсонага биноан, ер ва осмондаги ҳаёт илоҳий буйруқлар асосида кечади. Уларнинг исломий ривоятларда қайд этилиши муайян бир даврларда бу халқлар орасида яккахудолик тарғиб этилгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Мусулмон панд-насихат адабиётларида бобилликлар ҳаётидан олинган лавҳаларнинг учраши шу фикрга олиб келади.

Месопотамия цивилизацияси астрономиянинг кенг тараққий этгани билан аҳамиятлидир. Шунинг учун бу давлатларнинг диний тизимида инсонларнинг осмон ёритқичлари билан ўзаро муносабатига алоҳида аҳамият берилади. Бу диний тизимлар осмон сайёралари воситаларида ердаги ходисаларнинг сабаблари ва ифодасини аниқлашга ва астрология, нужум илми ёрдамида инсон ҳаётини башорат қилишга ҳаракат қилганлар.

Куёш худоси Уту, ой худоси Наннар (у Энлилнинг ўғли), севги ва ҳосилдорлик маъбудаси Иннар (бобилликлар ва ассирийлар уни Иштар деганлар), мангу тирик табиат ва ўлиб-тирилувчи набоботни акс эттирувчи Думузи (бобилликларда Таммуз) халқ ичида энг машҳур ва ҳурматли маъбудлар эдилар. Уруш, касалликлар ва ўлим худоси Нергал Марс сайёраси билан боғланган. Ҳар бир илоҳга алоҳида функциялар юкланган. Масалан, Энлиль (Ниппур шаҳри ҳомийси) тақдир худоси, шаҳарларни яратувчи, деҳқончилик асбоблари (плуг ва омон)ни яратган худо ҳисобланган.

Шумер икки дарё оралиғидаги ягона давлат эмас эди. Шумерлар каби аккадлар, бобилликлар ва ашшурлар (ассурийлар) дам-бадам ўз ҳукмронликларини ўрнатар, муайян даврдан сўнг ўз ўрнини бошқасига бўшатиб берар эди. Милоддан

аввалги XX-XIX асрларда Месопотамия давлатлари – Фрот (Евфрат) устидаги Мари, Дажла (Тигр) дарёси этагидаги Ашшур, Эшнунна давлатлари ўртасида киргинбарот урушлар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам бу минтақада ҳамиша диний-эътиқодий тизимнинг шакли ўзгариб, уйғунлашиб борган: баъзи худолар эсдан чиқарилиб, уларнинг вазифаси ва хизматлари уларнинг ўрнига келган янгиларига ўтказилар, ибодатхоналар ҳам шунга мослаштирилар эди.

Бобилликларнинг олий худоси Мардук (Юпитер), донишмандлик рамзи ҳисобланган. Мардук Бобил (Вавилон) шаҳрининг ҳомийси саналган. Дунёнинг яратилишига оид Бобил афсоналарига кўра, ибтидода олам Тиамту исмли махлук киёфасида бўлган. У худоларни дунёга келтирган, аммо улар жуда шовкин қилиб, оналарини безор қилганлар. Шунда Тиамту уларни ўлдирмоқчи бўлган. Қўркмас Мардук барча худолар билан келишиб у билан ёлғиз ўзи олишмоққа қарор қилади ва бунинг эвазига барча худолар унга келажакда тобе бўлишлари лозим эди. Мардук Тиамтуни ўлдиришга муваффақ бўлади. Унинг танасидан осмонни, юлдузларни, ерни, ўсимликларни, ҳайвонларни ва балиқларни яратади. Шундан сўнг Тиамту томонига ўтгани учун қатл этилган бир худонинг қонини лой билан қориб, одамни ясайди. Шумерларда ҳам шунга яқин қараш бўлган аммо уларда Мардук ўрнида Энлил махлукни ўлдириб, дунёни яратган дейилади. Маъбудлардан ташқари, Месопотамияликлар турли эзгу девларга эҳтиром кўрсатганлар. Ёвуз девларга эса, касаллик ва кулфат, бахтсизлик, ўлим келтирмасликлари учун садақалар қилиб турганлар. Ёвуз девлардан дуо ва сеҳрлар, туморлар воситасида сақланишга ҳаракат қилганлар. Барча девлар ярим одам, ярим махлук киёфасида тасаввур этилган. Айниқса, Ламассу номли одам бошли, қанотли ҳўкиз киёфасидаги эзгу дев жуда машхур бўлган. Ашшур подшоҳларининг сарой дарвозалари олдида ана шу ламассуларнинг баҳайбат ҳайкаллари қурилган бўлиб, улар гўё саройга ёмон девларни қўймас эмиш.

Шумер ва аккад халқи нариги дунёга ишонганлар. Уларнинг тасаввурича, нариги дунё соялар салтанати бўлиб, марҳумлар мангу очлик, сувсизликдан азоб чекадилар ва лой ҳамда чанг



билан озиқланадилар. Шунинг учун марҳумларнинг болалари уларга ҳамиша озуқа – қурбонликлар юбориши лозим.

**Қадимги Юнонистон (Греция) динлари.** Мазкур динлар ҳақида қадимги юнон достонлари, юнон файласуф мутафаккирларининг бизга етиб келган асарлари ва манбаларидан маълумот олишимиз мумкин.

Қадимги юнонлар хайвонлар тимсолларини илоҳийлаштирганлар. Ҳўкиз тимсоли биринчи ўринда бўлиб, илон тимсолида эса илоҳий куч эгасини тасаввур қилиб, бир қатор хайвон ва қушларни илоҳийлаштирганлар. Бу юнонларда тотемизм тушунчалари кенг ёйилганлигидан дарак беради.

Қадимги юнонларда одам шаклидаги худо тимсоллари кўп учрайди. Худолар кўпинча аёл суратида бўлган. Куёш ва ойни ҳам илоҳийлаштирганлар. Тошлар ва баъзи дароҳтларда илоҳий куч мавжуд деб ҳисоблаганлар. Форлар ва унсурларга ҳам диний тус берганлар.

Тотемизм каби диний тасаввурларнинг баъзи белгилари мирмадан халқининг чумолидан тарқалганлиги ёки илоноёқ Кекропнинг Афина асосчиси эканлиги ҳақидаги афсоналарда баён этилган.

Қадимги овчиликка оид маросимлар, сеҳргарлик урф-одатлари об-ҳаво билан боғлиқ бўлган. Ёмғир чакириқ маросимлари ҳам ўтказилган. Юнонлар табиатни ўраб турган турли майда руҳлар: сув руҳлари, ўрмон илоҳлари-наяд, дриад, тоғ руҳлари кабиларга ишонганлар. Юнонларда қадим ўтмишда ёмонлик келтирувчи сеҳрга ишонч мавжуд бўлган. У ер ости қора кучлари ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ. Қаҳрли Геката худосининг номи билан кимни йўқ қилмоқчи бўлсалар лаънатлаб, лаънат ва дуои бад қилиш ёвузлик маросимлари тарзида бажарилган. Ёвуз сеҳргарлик катта аҳамиятга эга бўлмаган.

Даволаш ва муолажа қилиш ишларида юнонлар сеҳрдан фойдаланиб, у табобат билан боғлиқ урф-одатлар узок сақланган.

Қадимий юнон эътиқодларидан бири – ўлим ва ундан кейинги ҳолат ҳақидаги тасаввурлардир. Ўлган киши танаси юнонларда ерга кўмилган ёки сағанада сақланган. Юнонлар тасаввурида ўлганлар руҳлари ер ости макони Аидада тўпланади. Барча марҳумлар ким бўлишидан қатъи назар, Аидада руҳлари

тўпланиб, унда машаққатли ва ғамгин тақдирга йўлиқадилар. Шу сабабли юнонлар мархумни сўнгги кузатиш маросимини охириги бурч деб билиб, уни катта эътибор билан амалга ошириб, мархумларни озиқ билан таъминлашга уринганлар.

Юнонлар аслзода қаҳрамонларни илоҳийлаштирганлар, бунга худоларга бўлган ишончнинг пасайиши сабаб бўлган. Аслзода хонадонларнинг алоҳида ажратилиши билан уларнинг илк аждодлари ҳам улуғлана бошланди. Уларнинг номлари юқори кўйилиб, уни улуғловчи ва унга сизгинувчилар сони ортиб бориб, Геракл, Иффокал, Иврином, Борса, Эрота каби қаҳрамон худолар пантеони вужудга келди.

Геракл – куёш худоси, тадқиқотчилар уни дорий қабиласига мансуб Гераклидлар сулоласининг бобокалони ҳисоблаб, халқ қаҳрамони шахсининг афсонавийлаштирилиб юборилган кўринишидир. Мил. авв. XII-XI асрларда дорийлар томонидан Пелопоннессанинг катта қисми босиб олинишига сабаб бўлган “Гераклидлар юриши” тарихий воқеаси бўлиб Гераклнинг бу юришдаги қаҳрамонликлари бутун Юнонистон бўйлаб машхур бўлиб, у ҳақда афсоналар тўқилишига сабаб бўлди. Гераклни осмонга кўтарилиб кетгани ва Эллада худоларидан бирига айланганлиги ҳақидаги афсона тарқалди. Гераклнинг ўғли Фест Сикионликларни ўз отасини қаҳрамон сифатида эмас, худо сифатида улуғлашга мажбур қилди.

Афинада Эрехтей, Бута каби қаҳрамонлар култи зодагон Бутада хонадони кўлида бўлган. Қадимги юнон худолари маҳаллий ва умумий худоларга бўлинган. Маҳаллий худолар ўзаро урушларда ёрдам беради, деб эътиқод қилинган, умумий худолар эса ташқи душманга қарши курашларда ёрдам беради деб ишонилган. Шаҳарларнинг ўз худолари бўлиб, бу Юнонистоннинг сиёсий тарқоқлигидан хабар беради. Гомер даврида юнонларнинг кўплаб жамоаси Олимпия худоларига ибодат қилганлар. Шу ўринда айтиш керакки, Олимпия улуг худолари пантеонининг келиб чиқиши жуда мураккаб масала ҳисобланган.

Худоларнинг энг улуги Зевснинг хотини Гера ҳисобланган. У сигир худо кўринишидадир. Иккинчиси Посейдон

Пелопоннессада қадимий денгиз худоси бўлиб, унга балиқчилар сиғинишган.

Афина шаҳарлар ва кўрғонлар ҳомийси ҳисобланган. Уни “Афина худоси”, “Афиналик аёл”, “Паллада”, “Полиада” каби элликка яқин сифатлари бўлган. “Эллада тавсифи” китобида унга атаб етмиш учта турли ибодатхона, зиёратгоҳлар қурилгани ёзиб қолдирилган. Афина Артемидадан кейинги ўринда бўлиб, афсоналарда у жанговар худо сифатида тўла қурулланган ҳолда тасвирланган. У бойкуш, илон, зайтун дарахти тимсолларида тасаввур қилиниб, Афинанинг образида тотемистик жиҳатлар сақланиб қолганлиги белгисидир.

Юнон худоси Артемида – овчи қиз шаклида тасвирланган. Унга атаб ибодатхона ва муқаддас қадамжолар бунёд этилган.

Апполон юнон афсоналарида Зевс ва Летонинг ўғли, Артемиданинг акаси ҳисобланади. Апполон сўзининг маъноси баъзида “ҳалок қилувчи”, гоҳо “чорва раҳнамоси” сифатида талқин қилинган.

Зевс олимпия худоларининг улуғларидан бўлиб, “худолар ва одамлар” отаси ҳисобланган. Унда элликка яқин маҳаллий худоларнинг сифатлари жамланган. У ҳақдаги афсоналар Крит ва Фессалияда тарқалган. Зевс номи “ёғдули осмон” маъносини билдиради. Юнонлар яна Асклепий, Пан, Афродита, Арес, Гефест, Гестия, Гермес каби худоларга сиғинганлар.

**Қадимги Рим  
динларининг пайдо  
бўлиши**

Римда дин бир неча кўринишли бўлиб, ўзининг тараққиётида бир неча мураккаб босқичларни босиб ўтган. Ўтмишда қадимги римликлар мажусий бўлиб, асосан юнон ва этрусск худоларига эътиқод қилишган. Кейинчалик мажусийлик маданиятининг тезкорлик билан ўсиб бориши афсонавий даврни ўзгартирди. Охир-оқибатда эса диний дунёқараш ниҳоясида Қадимги Римда сиёсий куч сифатида христианлик ғалаба қозонди. IV асрда Рим империясининг Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб кетиши натижасида католиликнинг аниқ кўриниши вужудга келди.

Римликларнинг қадимги диний дунёқарашни табиатни илоҳийлаштирувчи деҳқончилик билан ва одатда оила бошлиғи

томонидан амалга ошириладиган сеҳргарлик расм-русумлари ва аждодлар руҳи билан боғлиқ бўлган. Кейинчалик давлатнинг расм-русумларни ўтказиш ва такомиллаштиришни ўз қўлига олиши олдинги худодлар ҳақидаги тасаввурни ўзгартирган расмий динни вужудга келтирди. Рим пантеони (худодлар уйи)да дастлаб осмон худоси Юпитер, уруш худоси Марс ва худо Квининлар, кейинчалик бошқа учлик: Юпитер, Юнона (Юпитернинг хотини, никоҳ илоҳаси) ва Минерва (донишмандлик, санъат ва хунармандчилик илоҳаси)лар асосий худодлар саналган. Мазкур худодлар давлат ҳимоячилари ҳисобланиб, уларнинг Капитолиядаги ибодатхонаси давлат даражасидаги культларнинг асосий маркази бўлган.

Рим динларида ҳам бошқа италян культларида бўлгани каби тотемизм қолдиқлари чуқур сақланиб қолган. Буни Рим асосчиларини эмизган она бўри ҳақидаги афсоналарда ҳам кўриш мумкин. Бўри билан боғлиқ Фавнга бағишланган луперкалий (лотинчада бўри – *lupus*) байрами ва Луперкал ибодатхонаси мавжуд. Бошқа худодларнинг ҳам ўзларига аталган ҳайвонлари бўлган. Масалан, бўри ва буқа Марсга, ғозлар эса Юнонага аталган ҳайвонлар ҳисобланади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, тарихий жараёнда Римда ҳайвонларни муқаддаслаштирувчи тотемистик культларнинг хусусиятлари кузатилмаган. Маънавий ривожланишнинг бу босқичи италян қабилалари томонидан ўтиб бўлинган жараён эди.

Тарихий ривожланиш босқичида Римда оила илк ижтимоий тузилма ҳисобланган. Ўз навбатида мазкур ижтимоий тузилма дастлаб динда намоён бўлганини кузатишимиз мумкин. Ҳар бир оила ўз зиёратгоҳи, хомий-худоси ва культига эга бўлган. Мазкур культларнинг марказий ўчоғи олдида *pater familias* турли муҳим маросимлари бажарилган. Масалан, оила бошлиғи ўчоқ олдида янги туғилган чақалоқни ўз фарзанди деб эълон қилган. Уни қўриқчилари пенатлар деб аталган ва улар оиланинг тинчлиги ва фаровонлиги ҳақида қайғурганлар. Мазкур илоҳлар ичида уй остонасини қўриқловчи ва оилани асровчи Янус худоси ўзига хос алоҳида ўринга эга бўлган.

Ҳар бир оила аъзосининг ўз хомий руҳи бўлган, улар ўша оила аъзосининг куч-қудратини, қувватини, фазилатларини ва

унинг бутун борлиғини ифодалаш билан бирга, унинг кўриқчиси ҳам бўлган. Оила бошлиғининг ҳомий руҳи бутун оила хурматиغا сазовор бўлган ва у *genius familiae* ёки *genius domus* деб аталган. Оналарнинг ҳам Юнона деб аталган ҳомий илоҳалари бўлган ва у оилага янги келин олиб келиш, аёлларнинг туғруқ жараёнини осонлаштириш каби вазифаларни бажариши назарда тутилган.

Оила аъзоларининг ўтган аждодлари ҳақида қайғуришидан римликларнинг қабр ҳаёти ҳақидаги тасаввурлари етарли даражада шаклланмаганини кўрсатади. Улар инсон ўлгандан сўнг унинг руҳи қабрда яшайди, деб ҳисоблаганлар ва шу сабабли мурда қўйилган жойга озиқ-овқатлар олиб келишган. Дастлаб бинафша, пирог, вино ва бир ховуч ловия каби жуда оддий нарсалар олиб келинган. Қадимги Римда авлодлари ҳақида қайғурадиган аждодлар руҳи – *мета*, яъни яхши худо деб ҳисобланган. Авлодлари ҳақида қайғурмайдиган руҳлар эса – *лемур*, яъни ёвуз ва қасоскор худоларга айланадилар, деган тасаввур мавжуд бўлган. Аждодлар руҳи саналмиш ҳомий руҳ ўз аксини оила бошлиғи ҳисобланган отада ифода этган.

Қадимги Римдаги оила ҳаёти ва уруғ-қабилла динига тегишли бўлган диний эътиқодлар, шунингдек, ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар Рим динларининг асоси анимизмдан иборатлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос бўлади. Рим анимизмининг ўзига хослиги унинг мавҳумлиги ва шахсизлигидадир. Оиланинг ҳомий руҳлари, пенатлар ва ларлар, манлар ва лемурлар дуо ва қурбонлик келтириш орқали таъсир қилиш мумкин бўлган оила тинчлигини сақловчи шахсиз кучлар ва руҳлар ҳисобланади.

Римликларнинг қишлоқ ҳўжалигидаги ҳаёт тарзи турли табиат кучларига сиғинишларида ўз аксини топган. Аммо антропоморфизмдан узоқ бўлган Рим динига табиатни инсон фазилатлари билан уйғунлашган худолар билан тасвирлаш хос эмас ва бу томондан у юнон динига мутлақо қарама-қарши эди. Рим анимизмининг ўзига хос жиҳати табиат ҳодисаларига тегишли бўлган мистик кучлар ҳақидаги тасаввурлар бўлган. Бу кучлар инсонга ҳам фойда, ҳам зарар келтириши кутилган худолар (*numina*) эди. Сиёсий ҳаёт ва жамиятнинг ривожланиши жараёнида йўқ бўлиб кетаётган “умид”, “номус”, “ҳамжиҳатлик”

каби тушунчалар муқаддаслаштирила бошланди. Шу тарзда, Рим худолари мавҳум ва шахссиз бўлган.

Айни пайтда кўп сонли худолар ичидан бутун жамият учун аҳамиятли бўлган худолар ажралиб чиқа бошлаган.

Рим пантеони бошқалар учун ҳам ёпиқ бўлмаган, шунинг учун, римликлар бошқа худоларнинг пантеонга қабул қилинишига қарши бўлмаганлар. Улар бошқа халқлар билан доимий алоқада бўлиб, баъзи диний тасаввурларни ўзлаштирганлар ва ўз навбатида бошқа халқларнинг диний тасаввурларига ҳам таъсир ўтказиб келганлар.

Юнон дунёси билан яқинлашув мобайнида Рим худолари юнон худолари билан бир қаторга қўйила бошланди: Юпитер – Зевс, Юнона – Гера, Диана – Артемида, Венера – Афродита, Виктория – Ника, Марс – Арес, Меркурий – Гермес ва бошқалар. Натижада юнон афсоналари ҳам ўзгара бошлади, улардан энг машҳури Геракл ҳақидаги афсона бўлиб, римликлар уни Геркулес деб аташган. Пантеонга рим мифологиясида йўқ бўлган юнон худолари ҳам қўйилди: Эскулапа, Аполлона ва бошқалар. Кейинроқ Римга Мисрнинг асосий культлари – Исида, Осирис, Кибела каби бошқа шарқ культлари ҳам кириб кела бошлади.

Римликлар этруск қабилаларидан ҳам бир қатор худоларни ўзлаштириб олишган. Улардан баъзилари аввал маълум бир этруск уруғларининг ҳомийси бўлган, кейинроқ эса умумхалқ аҳамиятга эга бўлган. Масалан, Сатурн аввал Сатрий этрусклар уруғининг муқаддас илоҳи саналган ва кейинчалик бутун халқнинг муқаддас илоҳига айланган. Римликларда эса у экин худоси ҳисобланиб, унинг исми лотинча sator – тарқатувчи сўзи билан боғлиқ, дейилади. У биринчи бўлиб инсонларга озиқ-овқат бериб, дунёни бошқарган. Унинг фаолияти инсонлар учун олтин давр бўлган. Сатурналий байрамида ҳамма тенг ҳуқуқли ҳисобланган, унда инсонлар на хўжайин, на хизматкор ва на кулга ажратилган. Кейинчалик эса мазкур байрам афсонага айланиб қолган.

Римликларнинг диний маросим ва анъаналари қадимий диний тараққиёт босқичида ўз аксини топган. Бир қатор диний таъқиқлар кўхна табуга бориб тақалади. Масалан, Силван (ўрмон

худоси)га ибодат қилишда аёллар, Яхшилик илоҳаси (Бона dea) учун аталган маросимда эса эркаклар иштирок этишмаган.

Рим култида асосий ўринни барча турдаги сеҳргарлик ва жодугарлик эгаллаган. Римликлар култини ҳайвонлар ва ўсимликларни қурбонлик қилиш, ибодат ва махсус расм-русумлар ташкил этади. Римликлар учун ибодат худо билан боғланиш ёки қандайдир илоҳий кучга магик таъсир этиш воситаси бўлган. Худога қурбонлик қилиш эвазига сўралган ниятлари амалга ошади деб ҳисоблашган. Улар ҳеч нарсани назардан четда қолдирмаганлар ва худоларидан илоҳий ваъдани талаб қилиш учун узоқ ибодат қилишган.

Шунингдек уларда агар худога “сенга келтирган виноимни қабул қил” демасак, худо “ертўладаги барча винолар менга экан” деб ўйлайди, мазмунидаги тасаввур мавжуд бўлган. Қадимий афсонада Нума Помпила ва Юпитернинг савдоси ҳақида шундай ёзилади: Юпитер Нума Помпиладан “қурбонлик учун менга бош олиб кел”, деб талаб қилади. Нума Помпила “яхши, мен ҳозир сенга томорқамдан саримсоқ пиёзнинг бошини олиб келаман”, дейди. Шунда Юпитер “йўқ, мен инсоннинг бошини назарда тутяпман”, дейди. Нума Помпила эса “яхши, унда инсоннинг сочини олиб келаман”, дейди. Юпитер “йўқ, мен тирик нарсани назарда тутяпман”, деганда. Нума Помпила “хўп, майли унда шу нарсаларга кичкина балиқ ҳам қўшиб бераман”, деб жавоб беради. Шунда Юпитер кулиб юборади ва барча нарсага рози бўлади.

Римликларнинг ибодатларида жозибадорлик ва ҳаяжон этишмасди. Улар учун бу ибодатлар оддий ирим-сирим, бидъатдан бошқа нарса эмас эди. Худоларга оила аъзолари ва бошқаларга нисбатан қандай муносабатда бўлсалар худди шундай бўлишган. Ушбу муносабатлар ҳақиқат ва диёнатга асосланган. Римликларнинг динларида маълум бир ахлоқ нормалари мавжуд бўлмаган. Улар учун энг муҳими диний маросимларни тўла бажариш ва таъқиқларга риоя қилиш бўлган. Муҳими, (милоддан аввалги I аср ва ундан кейинги даврларда) Рим ёзувчилари *religio* сўзидан алоқа қилмоқ, боғланмоқ маъноларини англатувчи *religare* сўзини истеъмолга киритдилар.

## Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Юнонларда қандай худолар бўлган?
2. Юнонларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига дин ва худоларнинг таъсири қандай бўлган?
3. Месопотамияда диннинг вужудга келиш тарихи?
4. Месопотамия кишилиқ жамиятининг юксалишида дин қандай ўрин тутган?
5. Месопотамияда қандай худолар бўлган ва уларнинг жамиятдаги вазифаси нима бўлган?
6. Рим худолари нима билан шуғулланган?
7. Рим аҳолисининг худоларга бўлган ишончи нима билан асосланган?
8. Римда бош худолар нима деб аталган?

## Мустақил иш топшириқлари

1. Миср тарихида худоларнинг аҳамияти ҳақида маълумот беринг.
2. Эҳнатон ислохотлари натижалари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Қадимги Миср, Юнонистон, Месопотамия ва Рим худолари пантеони ҳақида маълумот берувчи кўргазмали слайдлар тайёрланг (MS Power Point).

## Адабиётлар

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Рахимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehнат, 2004.
2. Васильев А. История религий Востока. – М., 1996.
3. Винничук Л. Люди, нравы, обычаи Древней Греции и Рима. – М., 1988.
4. Кривелев И.А. История религий. – М., 1989.
5. Мень А. История религии. – М., 2001.
6. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001.
7. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
8. Токарев С.А. Религия в истории народов мира., – М., 1965.
9. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.



## 4-МАВЗУ. ХИТОЙ ВА ЯПОНИЯ ДИНЛАРИ: КОНФУЦИЙЛИК, ДАОЛИК, СИНТОЙЛИК

### Режа

1. Хитойда конфуцийлик ва даолик таълимотларининг вужудга келиши тарихи.
2. Японияда синтоийлик динининг шаклланиши ва тарихий босқичлари.
3. Хитой ва Япония динларининг ўзаро ўхшаш ва муштарак жиҳатлари.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                                    |                         |
|------------------------------------|-------------------------|
| 1. Конфуций (Кун Цзи)              | 9. “Санюан”             |
| 2. Ли қонунлари                    | 10. “Иккита тўққизлик”  |
| 3. “Дао” – яратувчи                | 11. “Беш Ла”            |
| 4. “дэ” – яхши фазилат             | 12. “Нефрит императори” |
| 5. “Самовий Дао”                   | 13. Ками                |
| 6. “ци” (хитойча – “хаёт”)         | 14. “Кодзики”           |
| 7. “лин” – (хитойча – “руҳ”)       | 15. Такама-нохара       |
| 8. лин – “гуй” (хитойча – “чизиқ”) | 16. Акицусима           |

*Мавзу ўқув мақсади: Талабаларда Хитой, Япония давлатларида вужудга келган диний таълимотлар, Конфуцийлик динининг кишилар ҳаётидаги ўрни, унинг эзгу гояларининг кишилар маънавий юксалишидаги аҳамияти, ушбу дин асосчисининг гоялари, Ли қонунлари, Даонинг таълимотлари ва Буюк Ипак йўлида вужудга келган диний таълимотлар ҳақида замонавий билим ва тушунчаларни шакллантириш.*

**Хитойда конфуцийлик ва даолик таълимотларининг вужудга келиши тарихи**

**Конфуцийлик** (Конфуцианизм) фалсафий гоя сифатида майдонга келган. Унинг асосчиси Конфуций (Кун Цзи) мил. ав. 551 йилда

тугилиб мил. ав. 479 йили вафот этган.

Конфуций отасидан эрта ажраган ва онаси қўлида тарбияланган. Онаси ҳам кўп ўтмай дунёдан ўтган. Конфуций

таълим олиб, илм ўргангач, 19 ёшида уйланади. Ёшларга таълим беришга киришади. Янги устознинг онг ҳақидаги фикрлари, чуқур маъноли сўзлари мамлакат бўйлаб кенг тарқалади. Конфуций ҳузурига мамлакатнинг турли минтақаларидан илмга чанқоқ ёшлар оқиб кела бошлайдилар. Конфуцийнинг 3000 га яқин шогирдлари орасида етмиш икки энг кўзга кўринган издошлари мамлакатнинг обрўли хонадонларидан бўлиши билан бир қаторда камбағал, оддий кишилардан ҳам иборат бўлган. Конфуций мактаби қадимги Хитойда аста-секин катта таъсир доирасига айлана борди. Унинг кўплаб шогирдлари қадимги Хитой подшоҳликларида нуфузли мансабларни эгалладилар. Конфуций ёшлар тарбиячиси ва устози сифатида кенг шуҳрат қозониб, илк Хитой маърифатпарвари номига сазовор бўлган бўлса, у томонидан таклиф қилинган ислохотларнинг амалга оширилишида унинг акси бўлди.

Конфуцийнинг асосий эътиборини тортган нарса ўз замонасининг камчиликлари ва айбу нуксонлари эди.

Оддий халқнинг ночорлиги, амалдорларнинг чексиз зулми, ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, қадимги маънавий анъана ва қадриятлардан узоқлашиш – буларнинг ҳаммаси Конфуций кескин танқидий қарашларининг юзага келишига туртки бўлди. Унинг фикрлари жамоатчилик томонидан қабул қилиниши учун ҳамма эътироф қилган обрўга эга бўлиш керак эди. Конфуций худди ана шу обрўни узоқ ўтмишнинг ярим афсонавий образларидан топди. Конфуций вафотидан бир неча аср ўтгач, унинг ўзи орзу қилганидек, подшоҳлар доно, амалдорлар фидойи, халқ эса фаровон бўлган пайтда унинг таълимоти халқ ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб улгурди.

Конфуций “комил инсон” (Цзюнь-цзу) ҳақидаги гоёсини яратди. *Цзюнь-цзи* юксак маънавиятли инсон – икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият (аждодлар олдидаги қарзни)ни ҳис қилиш. Комил инсон, энг аввало, ишончли ва фидойи бўлиши керак. У ўзини аямасдан ўз ишончига, ўз ҳукмдорига, ўз отаси ва барча ўзидан катталарга хизмат қилиши керак. Бундай инсон доимо камолот сари интилиши зарур.

Конфуцийликда марказий ўринни ахлокий масалалар эгаллаган.

Диний масалалар, ақидаларга конфуцийчилик анча совуққон муносабатда бўлган. Конфуцийнинг ўзи қадимги Хитойда кенг тарқалган турли рухларга бўлган ишонч масаласига шубҳали муносабатда бўлган. "Луный" (Конфуцийнинг фалсафий фикрлари ва суҳбатлари мажмуаси, у конфуцийликнинг асосий манбаси)да келтирилишича, Конфуций ғайритабиий нарсалар ва рухлар тўғрисида гапиришни ёқтирмаган. Шунингдек, у тақдир, инсон умри, ўлим ҳақида сўз юритишдан қочган. Ундан "ўлим нима?" - деб сўраганларида, у "Биз тириклик нима эканлигини билмаймиз-у, ўлим нима эканлигини қаердан била олар эдик"- деб жавоб берган экан.

Бирок ўша даврда қадимдан давом этиб келаётган диний қадриятлар, урф-одатларга Конфуций эҳтиром билан муносабатда бўлган.

Конфуцийнинг яна бир асосий таълимоти – "Сяо" таълимотидир. Мазкур таълимотга кўра инсон ўз ота-онасига муносиб бўлиши ҳақидаги ғояни ўзида мужассамлаштирган. Конфуций фикрича, инсон учун "Сяо"дан муҳимроқ нарса йўқ. "Сяо" ва "ди" (уканинг акага, кичикларнинг катталарга хурмати) инсонийликнинг асосидир" деган. Ундан "Сяо"нинг асосий маъноси нима, фарзандлик хизмати қандай бўлиши керак, деган саволга Конфуций шундай жавоб берган: "ақлли ва ота-онангни боқишга ярқли бўлишингдир. Зеро, одамлар уйларидаги итлар ва отларини ҳам боқадилар-ку, агар инсонлар ота-оналарига ортиқ эҳтиром кўрсатмасалар хайвонларни боқишларидан нима фарқи қолади?".

"Сяо" таълимотининг "Ли қонунлари"га кўра фарзанд ота-она ҳаётлик чоғида мутлақо уларнинг ихтиёридадир. То улар дунёдан ўтгунича ўзига-ўзи эгалик қилишга ҳақли эмас. Агар ота-онаси вафот этадиган бўлса, фарзанд қандай иш билан машғул бўлишидан қатъи назар, қандай лавозимни эгаллаган бўлмасин, барча ишини ташлаб 3 йил давомида аза тутиши шарт. Конфуцийликнинг "Сяо" таълимоти асрлар мобайнида Хитой маданияти, ахлокий нормаларига катта таъсир ўтказиб келди.

Конфуцийлик таълимотига кўра, оила никоҳдан, ёшларнинг келишуви билан бошланмайди. Балки, оила эҳтиёжлари учун никоҳ амалга оширилади. Конфуций урф-одатларига кўра, авлодлар ўз аجدодлари руҳи олдида қилишлари зарур бўлган барча маросимларни ўз ўрнида, мунтазам равишда бажаришлари лозим.

Конфуций таълимоти бунинг аксини, яъни “тириклар ўтганлар олдида қарздордирлар”, деган ғояни илгари сурди. Конфуций ўзидан олдин жамиятда мавжуд ўтганлар руҳлари ҳақидаги ақидаларни тамоман ўзгартириб юборди.

Модомики, тирикларнинг асосий вазифаси ўтганларни рози қилиш, уларга хизмат қилиш экан, бутун оила мана шу асосий ғояга хизмат қилувчи бир жиҳозни ташкил қилади. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир оила бошлиқлари ўз аجدодлари олдидаги қарзларини адо этишлари учун оила наслини давом эттиришлари керак. Конфуций фикрича, дунёдан бефарзанд ўтиш ва ўзидан насл қолдирмаслик нафақат шу инсоннинг ёки шу хонадоннинг, балки бутун жамиятнинг фожиясидир.

Конфуцийлик жуда тез муваффақиятга эришмади. Конфуцийнинг ўзи эса, замондошлари томонидан тан олинмай вафот этди. Кейинчалик унинг шогирдларига ҳам осон бўлмади.

Гарчи конфуцийчилар ўз таълимотларини қадимги Чжоу ақидаларига боғлиқ урф-одатлар, маросимлар, ахлоқий меъёрлар асосига қурган бўлсалар-да, улар мазкур ақидалар орасида ўз муносабатлари, қолаверса, ҳар бир масала юзасидан ўз хулосаларини ҳам бериб баён қилардилар. Мана шу нарса конфуцийликнинг муваффақиятга эришишига сабаб бўлди. Ундан ташқари, унинг муваффақиятига сабаб бўлган омиллардан яна бири – конфуцийчиларнинг ўзлари фойдаланган қадимги китоблар, шеърлар, рисоаларни йиғиб ўқувчиларига ўргатганликларидир. Бу ишнинг асосий қисми Конфуцийнинг ўзи томонидан бажарилган эди. У турли подшоҳликларда мавжуд бўлган 3 мингдан ортиқ қадимий қўшиқлар, ёзувларни жамлаб, уларни қайта таҳрир қилган. Конфуций ва унинг шогирдлари томонидан таҳрир қилинган асарлар кейинчалик конфуцийликнинг асосий манбаларига айланди.

Мил. ав. IV-III асрларга келиб Конфуций таълимоти ўз асосчиси давридагидан кўра анча кенг тарқалди ва катта таъсир доирасига эга бўлди.

Хань сулоласи даврига келиб, (мил. ав. III-II асрлар) Конфуцийлик давлат мафкураси даражасига кўтарилди. Хань подшоҳлари Конфуций таълимотини тўлиқ қабул қилмаган бўлсалар-да, унинг кучини, жамиятда эгаллаб, улгурган мавқеини эътироф қилган ҳолда ундан давлат бошқарувида фойдаландилар.

Конфуций ўзи яшаб ижод этган жой Цуйфуда вафот этгандан кейин унинг қабри яқинида бир ибодатхона қурдилар. Ибодатхонага Конфуцийнинг шогирдлари ва яқинлари томонидан унинг барча табаррук нарсалари, унга тааллуқли ашёлар - ёзган асарлари, мусика асбоблари, рўзгор анжомлари, араваси ва бошқа нарсалар келтириб қўйилди. Вақт ўтиши билан файласуфнинг нуфузи ошиб, таълимоти кенг тарқалгани сари ушбу ибодатхона ҳам аста-секин доимий зиёратгоҳга айланиб борди. Цуйфу яқинида Конфуций шогирдлари ва издошлари макон тутган каттагина қишлоқ барпо бўлди. Лу подшоҳлиги ҳукмдорининг ўзи Цуйфуга келиб Конфуций ибодатхонасида унинг хотирасига қурбонлик қилди. Ибодатхонанинг аҳамияти ошгани сайин унинг ер мулклари ҳам кенгайиб борди. Бу жой оддий маҳаллий ибодатхона шаклидан Хань сулоласи даврига келиб бутун мамлакат миқёсидаги муқаддас зиёратгоҳга айланди. Мил. ав. 195 йилда биринчи Хань подшоҳи Лю Бан шахсан ўзи Конфуций ибодатхонасида унга атаб "тай-ляо" (Хитойда энг олий қурбонлик - қўй, хўкиз ва чўчқа) учталиқ қурбонлиги келтиради.

Мил.аввалги 195 йилдан бошлаб Конфуций номи Хитойда илоҳийлаштирилди ва унга атаб мунтазам қондалар асосида қурбонликлар қилинадиган бўлди.

Хань сулоласи даврида Конфуцийга князлик унвони берилди. X-XIII асрларга келиб, Сун сулоласи даврида унга императорлик унвони, отасига эса князлик унвони берилди. Кейинроқ Юань ва Мин сулоалари (XIII-XIV асрлар) даврида унга яна ҳам юсакроқ унвон – "Энг ҳақиқий донишманд", "Миллатларнинг улуг устози" унвонларига сазовор бўлди.

Хитой шаҳарларида Конфуцийга атаб 1000 дан ортик ибодатхоналар қурилди. Илк даврларда ибодатхонанинг

қурбонлик қилинадиган жойида оддийгина Конфуций номи ёзилган лавҳа осилган эди. Хитойга буддавийликнинг кириб келиши оқибатида бу лавҳа ўрнини Конфуцийнинг ҳайкали эгаллади. Цуйфудаги ибодатхонадан бошқа барча ибодатхоналар бир хил шаклга эга эди. Унда Конфуций ҳайкали ёнида унинг шоғирдларидан 86 тасининг номи ёзилган лавҳа ёки ҳайкаллари кўйилган. Цуйфудаги ибодатхонада уларнинг сони кўпроқ.

Ҳар ойда икки марта 1 ва 15 кунларда Конфуций ҳайкали олдида одатий қурбонликлар, йилда икки марта — баҳорда ва кузда алоҳида тантанали маросимлар ўтказилар эди. Тантананага келган император ва уларнинг мулозимлари донишманд тимсоли олдида туриб унга "Сен буюксан, эй мутлақ донишманд, сенинг фазилатларинг кўп, таълимотинг бекиёс, ўтганлар орасида сенга тенги йўқ!" каби мақтовлар ва олқиш сўзлари билан мурожаат қилишган.

Конфуций номи ўрта асрларда Хитойда илоҳийлаштирилди. Унинг тимсоли ҳаттоки подшоҳлар бошидаги тожлардан ўрин олди.

**Даолик (Даоизм).** Хитойда мил. ав. бир минг йилликнинг ўрталарида конфуцийлик билан деярли бир вақтда пайдо бўлди. Бу таълимот, диний тасаввурлар билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Даолик тарғиботчилари ҳам подшоҳлар орасидаги тинимсиз урушларни қоралар эди.

Даолик бир жиҳатдан шаманизм ва фолбинлик билан боғлиқ эди, чунки қадимги даволаш услублари фалсафа, айниқса, дао фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шаманлар даволаш услубларида инсон танасидаги жараёнларни ташқи фазовий кучлар, ҳар хил руҳлар таъсири билан боғлаб, жодугарлик ва сеҳрдан кенг фойдаланганлар.

Дао назарияси мил. ав. IV-III асрларга келиб ривожлана бошлади. Ижтимоий-сиёсий масалалар ва ахлоқ даолик учун унчалик муҳим эмас эди. Бироқ даолик вакиллари биринчи бўлиб борлик, табиат, коинот ҳақидаги тушунчаларни ишлаб чиқа бошладилар. Хитойдаги файласуфлар академиясида даолик назарийтчилари Тянь Пень, Сун Цзянь, Инь Вень, Шень Дао, Хуань Юань ва бошқалар тўпланган бўлиб, у ерда ўз фикрларини олга суриб, бетўхтов мунозаралар олиб бордилар ва рисоалар

ёздилар. Уларнинг ёзган асарлари ҳозирги кунгача сақланмаган бўлса-да, уларнинг фикрлари даоликнинг асосий манбаси саналадиган "Дао де цзин" рисоласида ўз аксини топган. Мазкур рисола муаллифи, анъанага кўра, Лао-Цзи ҳисобланади.

Лао-Цзи мил.ав. III аср ўрталарида яшаган деб тахмин қилинади. Унинг таълимотига кўра, табиат, жамият ва бутун борликнинг асоси Буюк Дао ҳисобланади. Дао – йўл, ҳақиқат, тартиб демакдир. Дао ҳақидаги таълимот конфуцийликда бўлган. Чунки дао тўғрисидаги фикрлар конфуцийлик ва даолик шаклланишидан анча олдин вужудга келган, шунинг учун ҳам ҳар икки таълимотда бу нарса ўз аксини топган. Дао - ижтимоий меъёрлар, интизом ва ахлоқнинг йигиндисидир. Даолик вакиллари эса, даога бошқачароқ қараганлар. Яъни, улар учун дао умумий табиат қонуни, бошланиш ва тугашнинг асосидир. Дао тўғрисидаги фикрлар умумлаштириладиган бўлса, дао - бутун борлик демакдир. Даони ҳеч ким яратмаган, барча нарсалар даодан келиб чиққан ва унга қайтади. Дао ҳеч кимга кўринмайди, сезги аъзолари уни илғай олмайди. Нимани кўриш, эшитиш, сезиш, англаш мумкин бўлса, у дао эмас.

Даолик таълимотининг асосий моҳиятларидан бири бу дао ва у билан алоқадор табиат фалсафаси ҳамда космогония масалаларидир. Иккинчи асосий нуқта мавжудлик, ҳаёт ва ўлимнинг нисбийлиги ва шунга боғлиқ ҳолда узоқ яшаш, абадий ҳаётга эришиш тушунчасидир. Милоднинг биринчи асри – Хань даврига келиб, абадий ҳаёт масаласи даолик олимларининг асосий муаммосига айланди. Учинчи ва сўнгги масала *у вей* принциpidир. Даолик фалсафасининг мана шу уч таълимоти Хань асрига келиб даоликнинг шаклланишига асос бўлди.

Милодий II асрга келиб даоликда янги секталар пайдо бўлди. Улардан бири "*Тайиндао*" (буюк тенглик таълимоти) бўлиб, унинг асосчиси Чжан Цзуэ ҳисобланади. У халқ орасида сеҳр-жоду орқали барча касалликларни тузатувчи ҳамда киши умрини узайтирувчи шахс сифатида шуҳрат топди. Унинг атрофига кўплаб одамлар йиғилдилар. Чжан Цзуэ одамларни 36 жанговор гуруҳга бўлган. Катта гуруҳларга "да фан" катта сеҳргарлар, кичик гуруҳларга "сяо фан" кичик сеҳргарлар бошлиқ этиб тайинланганлар. Сектада юқори бошлиқ Чжан Цзуэ (буюк осмон

рахнамоси) саналади. Унинг икки укаси буюк ер раҳнамоси ва буюк инсон раҳнамоси деб талқин қилинади. Бу учталиқ даосизмнинг осмон, ер ва инсон бирлиги таълимотининг рамзий кўриниши эди. "Тайпиндао" сектаси таълимоти "*Тайтинцзин*" китобига асосланади.

"*Удоумидао*" (Беш доу гуруч таълимоти) сектаси ҳам мавжуд бўлиб, унинг асосчиси машҳур даочи Чжан Дао Лин бўлиб, доолик ибодатхонасининг асосчиси ҳисобланади.

Доолик милодий асрнинг биринчи минг йиллиги давомида буддавийлик ва Конфуцийлик билан рақобатлашиб келди. Милоднинг VI асрига келиб, доолик конфуцийликдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган эди. XIII асрдан бошлаб Доолик таълимотининг аниқ асосларга эга эмаслиги ва илк даврдаги юксак таълимотлари турли хурофотлар билан алмашгани туфайли инқирозга юз тута бошлади.

XX аср бошларига келиб, Хитойда турли доолик секталарига қарши кураш бошланди. XX асрнинг иккинчи ярмида Дао тарафдорлари жуда озчиликни ташкил қилди. Ушбу кичик гуруҳлар монахлар, тарғиботчилар ва башоратчиларни ўз ичига олган.

**Японияда синтоийлик динининг шаклланиши ва тарихий босқичлари**

**Синтоийлик** (Синтоизм) дини қадимги Японияда вужудга келган. Унинг номланиши хитойча "синто" (худолар йўли) сўзидан олинган.

Синтоийлик динининг вужудга келишига оид аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Синтоийлик яна японлар учун ҳам тарих, ҳам анъана, ҳам ҳаёт тарзи демакдир.

Синтоийлик таълимотига кўра, Микадо (император) - осмон руҳларининг давомчисидир. Ҳар бир япон кишиси иккинчи даражали руҳлар ("*Ками*")нинг ворисидир. Японлар "ками"ни аждодлар ва қаҳрамонларнинг руҳлари деб эътиқод қиладилар. Художўй япон вафот этгач ўзининг ҳам ўша "ками"лардан бири бўлишига ишонади.

Синтоийликда олий илоҳ тушунчаси мавжуд эмас. У аждодлар руҳи ва табиатга сиғинишга ўргатади. Синтоийликда умумий ҳаётий риоя қилиниши лозим бўлган қоидалардан бошқа



диний урф-одатлар йўқ. Унда бир умумий маънавий қоида мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса “Умум қонунларига риоя қилган ҳолда Табиат қоидаларига мос ҳаракат қил”. Японлар тасавурида улар яхшилик ва ёмонлик тушунчаларини табиатан яхши билганлар. Синтоийлик ҳақидаги маълумотлар “Кодзики” (Қадимий ёзувлар) ва “Нихонги” (Япония анналлари) манбаларида учрайди.

“Кодзики” – синтоийликнинг муқаддас китобидир. Бу китоб Япония ва у ерда яшовчи халқларни тушунишнинг калити ҳисобланади. Унда иккита асосий мазмун мужассам: қон-қабилавий бирлик ва сиёсий ҳокимият ғояси.

Япон ёзувларида таъкидланишига қараганда, оламда биринчи бўлиб тартибсизлик ҳукмронлик қилган. Ундан сўнг ер осмондан ажралиб чиққан ҳамда аёл ва эркак жинси пайдо бўлган. Аёл жинси тимсолида аёл худо Изданами, эркак жинси тимсолида унинг эри Изданаги юзага келди. Улардан аёл жинсидаги куёш худоси Аматаэрасу, эркак жинсидаги ой худоси Цукиёми, шамол ва сув худоси Сусаноо туғилди. Аматаэрасу галаба қилиб осмонда қолди, Сусаноо эса ердаги Идзумо мамлакатига қувилди. Сусаноонинг ўғли Окунинуси Идзумо ҳокими бўлди. Аматаэрасу бу ҳолатга чидаб тура олмай, Окунинусини ҳокимиятни ўз набираси Нинигига топширишга мажбур қилди. Ниниги осмондан тушиб, Идзумо давлати раҳбарлигини қабул қилди. Унга ҳокимиятнинг рамзи сифатида уч муқаддас нарса - кўзгу (илоҳийлик тимсоли), қилич (қудрат тимсоли) ва яшма (садоқат ва фидойилик тимсоли) топширилди. Нинигидан Дзиммутэнно келиб чиқди. Тинно унвони “олий ҳукмдор” маъносини англатади. Бу сўз бошқа тилларда император маъносини билдиради. Дзиммутэнно Микадо – япон императорлари сулоласининг биринчи намояндаси, Япониянинг афсонавий биринчи императори ҳисобланади. Кўзгу, қилич, яшма ўша қадим замонлардан бери япон императорлари хонадонининг белгиси бўлиб қолган.

Император микадо, у бир оиладан иборат миллатнинг бошлиғидир. Японияда 300 йилдан ортиқ ҳукмронлик қилган сёгонлар ҳам ўзларини микадо намояндалари деб атаганлар. Синтоийлик таълимотида ёритилган Микадо ғоясининг

бошқарувчилик хусусияти ҳозирги кунда кучи анчагина заифлашган бўлса-да, японлар тасаввуридан ўчиб кетмаган.

Ҳозиргача синтоийлик ибодатхоналарида император оиласига атаб турли маросимлар ўтказилиб туради.

Синтоийлик японларга мавжудот олами, табиат, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақидаги қарашларни сингдирган. Бу қарашлар беш тамойилда намоён бўлади.

Биринчи тамойилнинг таъкидлашича, бутун борлиқ дунёнинг ўз-ўзича ривожланиши натижасидир. Дунё ўз-ўзича вужудга келган бўлиб, у яхши ва мукамалдир. Синтоийлик таълимотига кўра, оламни бошқарувчи куч оламнинг ўзида мужассамдир.

Иккинчи тамойил ҳаёт кучини таъкидлайди. Ҳаётдаги ҳар бир табиий ҳолат эътиборга олинади. Фақатгина “нопок” бўлган нарсага аҳамият берилмайди. Бироқ ҳар қандай “нопок”лик тозаланиши мумкин. Шунинг учун синтоийлик маросимлари инсонда мослашишга мойиллик уйғотишга қаратилган. Шу боис, японлар тозалаб, ислоҳ қилинган ва япон урф-одатларига мослаштирилган ҳар қандай замонавийлашувни қабул қиладилар.

Учинчи тамойил табиат билан тарихни ягона деб тушунтиради. Синтоийлик таълимоти дунёни жонли ва жонсизга ажратмайди. Унга эътиқод қилувчилар наздида дунёдаги ҳайвонлар, ўсимликлар, жисмлар, умуман, табиатдаги барча нарсалар тирикдир ва инсон вужудида “ками” худолари яшайдилар. Синтоийликга кўра “ками” дунёси одамлар дунёсидан алоҳида дунё эмас, балки у одамлар билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун инсон нажотни қандайдир бошқа дунёдан эмас, кундалик ҳаётда нажотга “ками” билан бирлашиб кетиш натижасида эришилади.

Тўртинчи тамойил кўпхудолик билан боғлиқ. Синтоийлик маҳаллий табиат, уруғ, қабила худоларига бағишланган маросимлардан келиб чиққан. Синтоийликнинг ибтидоий шаманлик ва сеҳргарликка оид одатлари фақатгина V-VI асрларда император синто ибодатхоналари фаолиятини ўз назоратига олгач, ҳозирги маълум бўлган ягона шаклга кирган. VIII аср бошларида император саройида синто ишлари билан шуғулланувчи махсус бўлим ташкил этилди. X асрга келиб эса,

синто худоларининг рўйхати тузилди. Ўшанда уларнинг сони 3132 та эди, кейинчалик эса бу сон янада кўпайди.

Бешинчи тамойил миллий руҳий асос билан боғлиқ. Бу тамойилга кўра, синто худолари “ками”лар барча инсонларни эмас, балки фақат японларнигина вужудга келтирганлар. Шунинг учун ҳам японлар ўз фарзандларига ёшлигиданоқ биз синтога тегишлимиз деган ақидани сингдириб борадилар. Шу йўл билан ахлоқ нормаларини бошқаришнинг икки муҳим омили мавжуд. *Биринчидан*, “ками” фақатгина япон миллати билан боғлиқ эканлигини тасдиқлаш; *иккинчидан*, Синтоийлик нуктаи назардан агар чет эллик киши синтога эътиқод қилиб, “камига” ибодат қилса япон бўлмаган кишининг бундай қилиши ахлоқсизлик саналади. Шу билан бирга, синтоийлик японларни бошқа динларга эътиқод қилишларига қаршилиқ қилмайди. Мана шунинг учун ҳам деярли барча японлар, синтоийлик билан бир қаторда, яна бошқа бир динга эътиқод қиладилар. Агар японларни диний эътиқодига кўра гуруҳларга ажратиб, умумий сони ҳисобланадиган бўлса, уларнинг сони мамлакат умумий аҳоли сонидан кўп чиқади.

Синтоийликда ҳар бир ибодатхонанинг ўз худоси бўлиб, унинг бошқа ибодатхоналарга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Оддий япон киши учун унинг ўз ибодатхонаси, унда амалга ошириладиган маросимлар, йилда бир марта бўладиган рангин байрамлар ҳаётининг зарурий қисми бўлиб қолган. Унинг ота-боболари ҳам шундай яшаганлар, ўзи ҳам ундан оширмасдан шу тарзда яшайди.

1868 йилда Мейдзи ислохотларидан кейин синтоийлик руҳонийларини ўқитадиган таълим тизимини яратишга ҳаракат қилинганди. *Каннуси* деб аталадиган бундай руҳонийлик лавозими одатда мерос сифатида ўтар эди. 1945 йилда конституция йўли билан дин давлатдан ажратилди.

Ибодатхонада турли ибодатлар амалга оширилади. Диндорлар алтар олдида туриб, махсус катакли қутига бирор танга ташлайдилар, таъзим қиладилар, бир неча марта чапак чаладилар ва ибодат сўзларини қайтарадилар. Синто ибодатхоналарида ҳар хил байрамлар ҳам ташкил қилинади.

Синтоийликнинг кенг тарқалган байрамларидан бири Моцуридир. Бу байрам баъзи ибодатхоналарда йилда бир марта, баъзиларида эса икки марта нишонланади. Кўпинча бу байрам деҳқончилик ишларининг бошланиши, ҳосил йиғиб олиш, шунингдек, ибодатхона ёки маҳаллий худога бағишланган сана билан боғлиқ бўлади. Байрам жуда юқори кайфиятда ўтади. Руҳонийлар байрам ҳақида фақатгина доимий ибодатга келадиган кишиларни эмас, балки атрофдаги барча аҳолини хабардор қиладилар. Моцури байрамида жуда кўп одам тўпланиб, улар тантаналар ва ўйин-кулгуда қатнашадилар. Айрим ибодатхоналарда Моцури ранг-баранг карнавал кўринишида ўтади.

Ҳар бир ибодатхонада “синтай” худоси турадиган “хонден” (муқаддас жой) бор. Хонденнинг ёнида “хайден” (ибодат қилувчилар турадиган жой) бўлади. Ибодатхоналарда худолар тимсоли йўқ. Аммо баъзи ибодатхоналар шер, баъзилари тулки, маймун ёки кийик тимсоллари билан безатилган. Бу ҳайвонлар муайян худоларнинг элчиси ҳисобланади. Буларнинг барчаси синтоийликнинг турли-туман, ўзига хос миллий эътиқодлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

Халқ орасида тулки табиатига эга бўлган одамларни сеҳргар, фолбин, башоратчилик хусусиятига эга деб ҳисоблайдилар. Улар тулки тимсолидаги худога сиғинадилар. Қадимда японлар бўрига сиғинишган. Яқин-яқинларгача улар бўрини Аками тоғларининг руҳи деб ҳисоблаб келишган. Шунингдек, японлар тошбақа, илон, чувалчанг, балиқ, ниначи, аюла, краб каби кўплаб турли ҳайвонларни муқаддас ҳисоблаб, уларнинг тимсолларини ёмон руҳлардан ҳимоя қилувчи, омад-бахт келтирувчи нарсалар сифатида уйлари, ибодатхоналарига осиб қўядилар. Ундан ташқари, ўсимликлардан баъзи дарахт ва гулларни, жонсиз нарсалардан тоғ, булоқ, тош кабиларни ҳам илоҳийлаштирадилар. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу урф-одатлар диний эътиқоддан кўра кўпроқ халқнинг қадимий тасаввурлари билан боғлиқ.

## Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Хитойда диннинг вужудга келиши.
2. Конфуцийлик динининг ғоялари нимага асосланади?
3. Даоликнинг асосчиси ким?
4. Даоликда қандай диний секталар шаклланган?
5. Синтоийлик қандай вужудга келди?
6. Синтоийликнинг фалсафий таълимоти нималардан иборат?
7. Синтоийликда қандай байрамлар мавжуд?
8. Ибодат маросимлари қандай олиб борилган?

## Мустақил иш топшириқлари

1. Хитой динларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
2. Конфуцийлик ва хитой халқи анъаналари уйғунлиги тўғрисида маълумотнома тайёрланг.
3. Даочиликнинг бугунги кундаги тақдирини ҳақида маълумот тўпланг .
4. Синтоийликдаги синкретистик унсурлар ҳақида кўргазмани слайд тайёрланг (MS Power Point).

## Адабиётлар

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
2. Низомиддинов Н. Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Ислом. – Т., 2006.
3. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997.
4. Кривелев И.А. История религий. – М.: 1989.
5. Кулаков А.Е. Религии мира. – М.: 1996.
6. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001.
7. Пронников В.А. Ладонов И.Д. Японцы. – М., 1985.
8. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
9. Токарев С.А. Религия в истории народов мира., – М., 1965.
10. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.

## 5-МАВЗУ. ҲИНДИСТОН ДИНЛАРИ: ВЕДИЗМ, БРАХМАНЛИК, ҲИНДУЙЛИК, ЖАЙНИЗМ ВА СИКХИЙЛИК

### Режа

1. Ҳиндистонда Веда манбаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. Брахманлик (Брахманизм): таълимоти ва тарихи.
3. Ҳиндуийликнинг пайдо бўлиши.
4. Жайнизм ва сикхийлик динларининг вужудга келиши тарихи ва тадрижий босқичлари.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                  |                  |
|------------------|------------------|
| 1. Веда          | 10. Упанишада    |
| 2. Веда худолари | 11. Сансара      |
| 3. Варуна        | 12. Тримурти     |
| 4. Индра         | 13. Бхагавадгита |
| 5. Митра         | 14. Махавира     |
| 6. Ашвина        | 15. Сикхийлик    |
| 7. Савитар       | 16. Амритсар     |
| 8. Ушас          | 17. Харимандр    |
| 9. Каста         | 18. Ниргун       |

*Мавзу ўқув мақсади:* Глабаларда Ҳинд динларининг келиб чиқиши, динларнинг таълимотлари, кишилар ҳаётида Веда, брахманлик, ҳиндуийлик, жайнизм, сикхийлик динлари ва уларнинг таълимотлари, кишилар томонидан у динларнинг қабул қилиниши, Жайнизм динидаги эзгу гоялар, кишилик жамиятидаги юксалишига бўлган эътибор, Веда таълимотида худоларнинг мадҳи, уларга атаб қилинган қурбонликлар, динга эътиқод қилгувчилар томонидан Ведалардаги диний, маърифий гояларни амалга татиқ қилганликлари, шунингдек, мазкур динлар ҳақида илмий, диний, маънавий ва замонавий билим, кўникмалар ҳамда тушунчаларни шакллантириши.

**Ҳиндистонда Веда  
манбаларининг пайдо  
бўлиши ва ривожланиши**

**Ведалар (Ведизм).** Милоддан аввалги иккинчи минг йилликлар ўрталарида Ҳиндистонга, Панжоб худудига ғарбдан Ҳиндикуш

довони орқали орий жангари халқлар бостириб келганлар. Улар Эронга кўчиб келган кўшни қабила тилларига яқин хинд-европа тилларида сўзлашар эдилар. Улар ҳарбий ишларда, шеърятда уста бўлиб, ўзлари билан муқаддас ёзувлари-Ведалар (санскрит-муқаддас билим)ни олиб келганлар.

Ҳинд адабиёти бой бўлиб, унинг анчагина қисми йўқолиб кетган. Унинг бошланиши Ведалардир.

Ведалар таркибига турли даврларда ёзилган бир неча китоблар кириб, уларда ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий воқеалар баён этилган. Ведалар тўрт йирик тўпламдан иборат:

1. Ригведа (“Мадҳиялар ведаси”);
2. Самаведа (“Кўшиқлар ведаси”);
3. Яжурведа (“Қурбонликлар ведаси”);
4. Атхарваведа (“Афсун ва жодулар ведаси”);

*Ригведа.* Ригведа худоларга айтилган мадҳияларнинг тўплами, диний ёдгорликлар бўлиб, унинг муаллифлари риши куйловчиларнинг асосий вазифалари худоларни орий томонга оғдириш бўлган. Ригведада зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” билан ўхшаш афсона ва маросимлар бор. Ригведа Панжобда, Ҳинд ҳавзаси ва унинг оқидами милоддан аввалги VI асрда пайдо бўлган. Унда Шимолий Ҳиндистонда милоддан аввалги 2-1-минг йилликларда юз берган воқеалар ҳақида маълумот берилади.

*Самаведа.* Ригведага кўпроқ боғлиқ бўлиб, у ҳозирги даврга икки таҳрирда етиб келган (sakha – айнан, шаҳобча); Каутхума (Kauthuma) ва Ранаяния (Ranayaniya).

Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақат 76 таси Ригведада учрамайди. Ундаги шеърлар Ригведанинг VIII ва IX мандаласидан олинган бўлиб, тантанали қурбонлик маросими пайтида ўқилади. Тўпам икки қисмдан иборат: биринчи қисм ҳажми Агни, Индра, Сама худоларига, иккинчи қисм Сомага қурбонлик келтириш маросимида айтиладиган

кўшиқлардан иборат. Самоведанинг мақсади диний маросимларда айтиладиган кўшиқларни ўргатишдан иборат. Ҳиндистонда ҳозирда ҳам ведаларни куйга солиб куйловчилар-самовединалар сақланиб, уларнинг мактаблари мавжуд.

*Яжурведа.* Яжурведа шраута (қурбонлик маросими) билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий қисмини қурбонлик усуллари – яжус ташкил этади. Бу маросимларда тўлин ойли тунда, янги ой чиққан пайти Агни учун қурбонликлар ўтказилган.

Веданинг бу мактаблари қора ва оқ яжурведага бўлинган. Қора яжурведанинг турли мактабларга хос бўлган Катхоха, Капиштхала-Катха, Майтрайани, Тайттирия каби таҳрирлари мавжуд. Оқ Яжурведанинг Вajasанейи номли биргина таҳрири бор.

Яжурведанинг таркиби уч асосий босқични ташкил этади. I. Маросим. II. Яжус ва мантралар. III. Брахмана шарҳлари.

*Атхарваведа.* У мил.ав. I-минг йилликлар бошларига бориб тақаладиган қадимий ҳинд афсунларини ўзида акс эттирган. Қадимий ҳинд жамиятида мавжуд бўлган барча тарафларни, нуқсон ва камчиликларни ўзида акс эттирган. Атхарваведа афсонавий руҳоний Атхарвана (“Олов руҳонийси”) номи билан боғлиқ бўлиб, афсун ва жодулар ўша даврда олов устида бажарилган. Атхарваведа 6 минг шеърдан иборат бўлиб, 371 мадҳияни ўз ичига олади. Улар йигирмата китобда жамланган.

Ведаларда бутун табиатнинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимот илгари сурилади. Ҳиндистонда кўпхудолик кенг тарғиб қилинади. Худолар орасида “энг улуғи, энг кичиги, энг қариси, энг ёши бўлмай, улар барчаси улуғликда тенгдир. Бир худо баъзида бутун борлиқнинг ҳукмдори бўлиши ва шу билан бирга у иккинчи бир худога тобе бўлиши мумкин. Масалан, Индра ва барча худолар Варунага тобе бўлиши мумкин. Варуна ва бошқа барча худолар Индрага бўйсундилар. Бу Веда илоҳиётчилигига хос бўлиб, шу муносабат бошқа худоларга ҳам тегишлидир.

Ведаларда худолар осмон худолари куёш худолари, ҳаво худолари, ер худолари, аёл худолар каби худолар тоифаси ҳақида мадҳиялар баён этилган.



*Осмон худолари.* Дяус, Варна, Индра каби худолар осмонларни бошқариб турувчиларга кирганлар. Кейинчалик Варуна сув ва денгизлар худосига айланиб кетган.

*Куёш худолари.* Ригведада куёш энергиясининг турлича намоён бўлишидан беш худо юзага келганлиги ҳақида сўз юритилади. Митра (дўст) – қадимий худодир. Суря – куёшнинг ёрқинроқ намоён бўлган кўринишидир. Савитри -куёшнинг қувват берувчи кучида намоён бўлади. Пушан мурувватли бўлиб, куёшнинг маҳсулдорлик фаолиятини ўзида намоён қилади. Вишну худолар орасида абадий бўлиб, ҳозир Ҳиндистонда улуғланади.

Яна Ашвина ва Ситвар номи билан аталувчи икки тонг худоси қўшилади.

Индра осмон подшоси ва орийларнинг миллий худосидир. Ёмғир худоси Панжания, шамол худоси Вайюлар Ведаларда аниқ тасвирланмаган. Улар Индра билан жамланган ҳолда тасвирланади.

Рунада одамлар қўрқиб унга бағишлаб мадҳия, дуолар ўқиганлар. У Ригведада Шива (ёқимли) номи билан зикр этилади. Шива Вишну билан кейинчалик Ҳиндистонда унутилган худолар туркумини эгаллади.

*Ер худолари.* Агни – олов худоси, у ҳақидаги афсоналар Ҳиндистондан ташқарида вужудга келган. У одамларнинг қурбонликларини худоларга етказувчи руҳоний сифатида тасаввур қилинган.

Ушас – тонг ва унинг нури маъбудасидир. Сарасватилар – дарё худоси, кейинчалик сўз худоси сифатида тасвирланган.

Веда ибодатлари икки турга бўлинган. Биринчиси, дуолар, иккинчиси, худоларга атаб қилинадиган қурбонликлар ёки нарсаларни тақдим қилишдан иборат бўлган. Дуо китоблари бўлмаган пайтда ибодатлар фақат қурбонликлар шаклида амалга оширилган. Кейин Ригведа, Атхарваведа каби мадҳия ва дуоларни ўзида жамлаган китоблар пайдо бўлгач, ибодатнинг иккинчи кўриниши – дуо ва мадҳиялар худоларга атаб ўқиш одат тусига кирган.

**Брахманлик  
(Брахманизм): таълимоти  
ва тарихи**

Брахманлик – веда динларининг бир тармоғидир. Ўз ҳаётларини ибодат қилиш, илоҳиёт илмини ўрганиш, мураккаб маросимларни ўтказиш ва халқ руҳоний ҳаётини бошқаришга бағишлаган брахманлар кастаси (табақаси) вужудга келди. Динда илоҳий тилни ўзгартириб бўлмаслиги, санскритнинг муқаддас тилга айланиб қолиши брахманликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Орийлар кўчманчиликдан ўтроқ ҳётга ўтиб давлатдаги ҳукмрон синфга айланиб, маданияти, ҳаёт тарзи бошқача бўлган турли халқлар билан учрашиб, бошқа табиий шароитга дуч келдилар. Уларнинг эски динлари – *ведизм* тараққий этди. Бу тараққиёт динни фалсафий жиҳатдан чуқурлаштириш, руҳонийлар табақасини, мавқеини кўтариш, ибодат ва маросимларини мураккаблаштириш ҳисобига бўлди. Кейин ўзгартириш тақиқланган диний ақида вужудга келди. Брахманликда кўпроқ руҳонийлар табақасининг манфаатлари ҳимоя қилинган.

Брахманликнинг асосий элементлари брахманлар ва ведаларга тегишли сутралардир. Сутралар санъатнинг алоҳида кўриниши бўлиб, санскрит тилида ёзилган. Унда маълум табақага юқори ўрин берилган.

Брахманлар ўзларининг келиб чиқилини етти руҳоний оиланинг бошлиқлари бўлган кишидан деб ҳисоблайдилар. Орийлар Ҳиндистонда ҳарбий юришларини давом эттириб, борган сари камроқ қаршиликка дуч келардилар. Улардан кшатрий (жангчилар) табақаси эътиборидан четга чиқиб, диний – руҳий жиҳатдан таъсири кучлироқ бўлган табақа – брахманларнинг нуфузи ошиб борди. Улар диний, ҳуқуқ, урф-одат каби соҳаларидан ҳам хабардор эдилар.

Брахманларнинг ҳаёти тўрт босқичдан иборат.

Биринчи босқичда брахманнинг диний ҳаёти балоғат ёшига етиб, муқаддас босқичнинг қабул қилиш ва бахшида қилиш “маросимидан” кейин бошланади. Брахманнинг ёшлиги бирорта донишманд брахман ҳузурида ведаларни ёдлаш, унинг уйида муқаддас оловнинг доимо тутиб туриш, устознинг хизматини

бажариш, унинг учун садақа йиғиш билан ўтади. Брахман бу босқичда “брахмачарин” деб аталган.

Иккинчи - “грихаста” номли босқичда уй хўжайини вазифасини бажариб, уйланиши, оилани боқиши, фарзандлар тарбияси, амалий ҳаёт илми (қачон ва нимани ейиш, нимани ечиш, ибодат қилиш, марҳумларни дафн этиш, меҳмонларни қандай кутиш, овқатни қандай тайёрлаш, қарияларга, аёлларга, ёш болаларга муносабат)ни қонун асосида фуқаролик бурчларини бажариб бориши лозим.

Учинчи босқич “ванапрастха” (ўрмон зоҳиди) даври бўлиб, унда оиласи ёки ёлғиз ҳолда ўрмонга кетиши керак. Брахман у ерда “ўз нафсини жиловлаб” илдишлар, меваларни еб, диний амалларни “жон-жаҳди” билан бажариши лозим. Бу даврда бир қатор машаққатларни ўз бошидан кечиради.

Тўртинчи босқичда таркидунёчилик ёки диний қашшоқлик – “санияси” даврини бошдан кечиради. Унинг мақсади “Олий Брахмага етишиш, у билан қўшилиб кетиш, бу дунё ва ўлгандан кейинги абадий бахтга эришиш”га интилади. У таркидунёчилик босқичида фақат садақадан тушган нарсалар ҳисобига кунига бир марта овқатланиб кун кечиради.

### **Ҳиндуийликнинг пайдо бўлиши**

**Ҳиндуийлик (Индуизм)** мураккаб дин бўлиб, у ижтимоий ташкилот, турли динлар қоришмасидир. У кастачилик асосига қурилган. Брахманлик билан буддавийлик ўртасида каста таълимоти бўйича курашни ифодаловчи хиндуийлик дини шаклланди. Бу динга Ҳиндистон аҳолисининг 83% эътиқод қилиб, унинг асосий шартин Ҳиндистондаги каста тизимини қабул қилишдир. Ҳиндуийликда беш қоида ва ақида тан олинган.

1. Ведаларнинг муқаддаслиги;
2. Гуру (пир, устоз) нинг тан олиниши;
3. Муқаддас жойларга зиёратга бориш;
4. Санскрит муқаддас тил эканлиги;
5. Сигирнинг муқаддас эканлиги тан олинган.

Ҳиндуийликда брахманлар асосий ўрин эгаллаб, кенгрок “Маҳобхорат” муқаддас ёзувлар қаторига қўшилган. Брахманлар эски ақидалар замон талабига жавоб бермаслигини кўргач, янги

конун-қоидаларга хос турли оқимларни юзага келтириб, буддавийликка қарши кураш олиб бордилар. Ҳиндуийлик брахманликдан фарқ қилиб унда “Маҳобхорат” ва бошқа шеърӣ матнлар санскрит тилидан замонавий ҳинд тилига таржима қилиниб, асл матни билан бир хил ҳисобланган. Ҳиндуийликда брахманлар нафақат олий табақа вакилларида, балки оддий халқ ичидан ёки аёллардан бўлиши мумкин.

Ҳиндуийликда тримурти (учлик) – Брахма, Вишну, Шива худолари асосий бўлиб, Брахма уларнинг энг каттаси, дунёни яратган худоси. Шунга қарамай, ҳиндуийликда асосан Вишну ва Шивага тоинадилар. Ҳиндуийлик икки асосий оқимга бўлинади:

1. Шивага сугинувчилар оқими.
2. Вишнуга сугинувчилар оқими.

Шива –камбағаллар худосидир. У Ригведанинг биринчи нусхаларида Пудра номи билан зикр этилган. У Ишана, Шивара, Махадева (Буюк худо) номлари билан ҳам аталади. Шиваизм Ҳиндистонда 13 га яқин асосий оқимлари мавжуд. Бу оқимлар тридандина, смарт, данди, лингачилар, йоглар мактра, шакта ва бошқа оқимлар бўлиб, халқ орасида Шиванинг бир минг саккизта номи мавжуд.

Вишну. Ҳозир Ҳиндистонда биринчилик учун курашаётган иккинчи илоҳдир. Ригведада у куёш худоси – биринчи даражали худо ҳисобланиб, ибодат пайтида уни Савитар Рохита, Суря, Аудита номлари билан атайдилар. У “Кришна билан қўшилиб ярим инсон, ярим худо шаклидаги қахрамон деб тан олинади”.

“Маҳобхорат” ва “Рамаяна” дostonларида “Аватара” – инсоннинг Вишнуга қўшилиб кетиши ҳақида сўз юритилади. Вишну баъзида тўртқўлли қилиб тасвирланади. Вишну ҳеч қачон инсон ва ҳайвонни қурбонлик қилишларини талаб қилмаган.

Кришна мураккаб образ бўлиб у ҳақда олов, чақмоқ, момақалдирик, осмон, куёш билан боғлиқ афсоналар мавжуд. Кришна жанговар, енгилмас қахрамон сифатида таърифланади.

Вишнуизм байрамлари турли-туман бўлиб, улар бир неча кунларга чўзилиб кетади. Улар дуолар ўқиш, таъзим бажо келтириш, оммавий диний маросимларда қатнашиш, ҳадя, қурбонликлар аташ, ибодатхона яқинидаги ёки ичидаги ҳовузларда чўмилиш кабилар бўлган. Бу маросимлар фақат

рухонийлар бошчилигида бажарилади. Сигир муқаддас ҳайвон ҳисобланганлиги учун у худолар қаторида эъзозланади. У кейинчалик “тирик бут”га айланиб, Шиванинг маъбудлик ўрнини тўлдирди. Вишнуизмда муқаддас ҳайвон маймун бўлиб Ригведада “Вришакани (эркак маймун) тимсолида Хануманнинг тимсолини кўришимиз мумкин”,-деган ривоят келтирилган. Маймун Рам (Рамаяна достонидаги одам-худо) нинг иттифоқчиси маймун –худо Хануманнинг вакили сифатида улуғланади.

Ҳиндуийликда Ҳиндистоннинг ҳар бир ҳайвони худо ёки худонинг ҳамроҳи деб эътиқод қилинади. Ҳиндуийликнинг ақидавий, маросимий, рамзий соҳаларидаги тизими мураккаблашиб кетади. Халқ оммаси доирасида ҳозирда ҳам содда, бут ва руҳларга сизиниш давом этмоқда.

**Жайнизм ва сикхийлик  
динларининг вужудга  
келиши тарихи ва  
тадрижий босқичлари**

**Жайнизм** (санскритча “жина” - “музаффар” сўзидан олинган). Жайнизмнинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб афсонавий ривоятлар мавжуд. Ригведа китобида жайнизмнинг икки

*тиртхакарлари* (йўл тузувчи, руҳларни озод қилувчи) Ришабха ва Ариштанем ҳақидаги ривоят келтирилган. Улардан биринчиси – Ришабха жайнизм таълимотининг асосчиси ҳисобланади. Бу ривоятларда Ришабха шахсида илоҳиёт Нарояна, яъни Вишну мужассам бўлган. Бу маълумотлар жайнизмнинг веда динларидан ҳам қадимийроқ эканлигини кўрсатади.

Жайнизм дини вакиллариининг эътиқод қилишича, бу таълимотга 24 *тиртхакар* (пайғамбар ёки авлиё) асос солган. Уларнинг барчаси *кишатрийлар* хонадонидан бўлган. Ушбу *тиртхакарларнинг* 22 таси ҳақида маълумот деярли йўқ, 23-си – Вардхамана Махавирадан 250 аввал яшаган Паршванадха – Банорас подшоҳи Ашвасаннинг ўғли бўлган. Бироқ роҳиблик йўлини ихтиёр этиб, отасининг саройини тарк этган. У ўзидан кейин жуда ҳам чиройли низомга солинган диний кўрсатмалар қолдирган. Вардхамананинг ота-онаси, оила аъзолари Паршванадханинг динида бўлганлар. Вардхаманада ёшлигидан жайнизм таълимотига кучли қизиқиш пайдо бўлган. Шундай

қилиб, Вардхамананинг ўзи жайнизмнинг навбатдаги ва сўнгги *тиртхакари* бўлиб етишган.

Вардхамана мил. ав. VI асрда Ҳиндистоннинг Бихар штатида бой *киатрий* оиласида туғилди. Отаси Сиддхардха Жнатрик қишлоғининг *киатрийлар* сулоласи бошлиғи эди. Онаси Трисала Личчхави сулоласидан бўлган машҳур подшоҳ Вайшали ҳукмдори Четакининг синглиси эди. Магадхи подшоҳи Бимбисара Четакининг қизи Чилланага уйлангач, Вардхамана қудратли Магатхи сулоласи билан қариндош бўлди. Бунинг натижасида унинг олдида олий даражада таълим олиш, илм ва санъатнинг барча соҳалари билан танишиш имкони пайдо бўлди.

Махавира Яшода исмли қизга уйланди ва ундан қиз фарзанд кўрди. Айнан мана шу қизининг эри Жамали Махавиранинг биринчи шогирди, кейинчалик эса жайнизм ибодатхонасининг ҳиндуизмдан ажралиб чиқишининг ташаббускори бўлди. Вардхамана ўттиз ёшигача оддий дунёвий кишилардек ҳаёт кечирган. Кейин эса барча мулкидан воз кечиб, кўп йиллар саёҳат қилган. Доимий ўй-фикрга чўмиб, ўзини ички изтироблар домига ташлаган. 13 йилдан кейин Паршванадха тепалигида гўёки, “ботиний” билимга эга бўлади. Бу энг олий билим бўлиб, Вардхаманани 42 ёшида шодлик ва қайғулардан буткул озод қилган ва уни юқори даражадаги диний устозларга бериладиган Жина номи билан машҳур қилди. Кейинчалик унга Махавира (“улуғ қаҳрамон”) унвони берилди. Махавира кўп йиллик саёҳатлари давомида кўплаб инсонларни ўзига эргаштирди. Унинг шогирдлари *нигрантха* (“кишандан озод қилинганлар”) деб атала бошланди.

Вардхамана Махавира роҳиблар, оддий эркак ва аёл инсонлар баробар эътиқод қила оладиган диний таълимотга асос солди. Махавира мил. ав. 527 йили 73 ёшида вафот этди. Жайнизм адабиётида келтирилишича, у *нирвана* – сўнгги озодлик ҳолатига эришган.

Жайнизм таълимотининг асосий ғояси деярли барча ҳинд динлари учун умумий бўлган *кармалар* ва *нирвана* ҳақидаги таълимот ҳисобланади. *Нирванага* эришган инсон қайта туғилишдан озод бўлади. Бунга эса фақат таркидунё қилганларгина эришиши мумкин, холос. Шунинг учун ҳам ушбу

таълимотда таркидунёчиликка алоҳида эътибор берилади. Инсон дунёда ўзининг барча эҳтиросларидан воз кечгач, ўз нафсини тийиши, ўз-ўзини енгиши – янги *карма* ҳосил бўлишига йўл қўймайди. Натижада *карманинг* кучи емирилиб, унинг руҳи кишанлардан озод бўлади. Кишининг *кармаси* қанчалар заифлашса, унинг ички дунёси шунча бойиб боради. Бу жараён руҳнинг тўла озод бўлгунигача давом этади. Ва, ниҳоят, руҳнинг бутунлай озод бўлиши – *нирвана* ҳолати юз беради.

Дунёвий кишидан ҳам, таркидунё қилган роҳибдан ҳам маълум ахлоқий қоидаларни бажариш талаб қилинади. Чунки ҳаётнинг мақсади руҳни ёмон *кармадан* саклаш, янги *карманинг* юзага келишига йўл қўймаслик, борини ҳам аста-секин йўқ қилиб юборишдан иборат. Бунинг учун дунёвий одам беш нарсага амал қилиши керак: *биринчиси* – зарар етказмаслик (*ахинса*), *иккинчиси* – рост сўзлаш (*сатя*), *учинчиси* – ўғирлик қилмаслик (*астея*), *тўртинчиси* – зино қилмаслик (*брахмачаря*), *бешинчиси* – тамагирлик қилмаслик (*анариграха*). Мана шулар инсоннинг ахлоқий мезонини ташкил қилади. Бундан ташқари, у яна икки асос – *чин эътиқод* ва *тўғри билим* тамойилларига ҳам амал қилиши лозим. Уларнинг биринчиси – жайнизм динига эътиқод қилишни билдирса, иккинчиси – руҳнинг абадий озодлиги ва ҳаётнинг ҳар бир жисмда мавжудлигини билишдир. Роҳиблар учун бир мунча мураккаб қоидалар ишлаб чиқилган.

Жайнизм таълимоти борлиқнинг илоҳиёт томонидан яратилгани ва унинг борлиқ устидан назорат қилиб туришини тан олмайди. Унга кўра, руҳ – абадий мавжудот, олам эса азалийдир. Руҳ моддий танани енгиб ўтиб, абадий ҳаётга етиши мумкин. Махавиранинг фикрича, дунёдаги ҳар бир жисм, унинг жонли ёки жонсиз бўлишидан қатъи назар, қандайдир даражадаги англаш хусусияти билан яратилган. Шунинг учун жайнизмда *ахинса* – зарар етказмаслик қоидасига кўпроқ эътибор берилади, яъни жонли ёки жонсиз нарсаларга озор етказмаслик талаб қилинади.

Махавира ведаларнинг улуғлигини инкор этди ва веда урф-одатларига брахманларнинг ҳукмронлигига қарши чиқди. У инсонни маънавий юксакликка олиб борувчи ҳаёт қонунларини, ашаддий роҳибликни, руҳни озодликка олиб чиқувчи деб ҳисобланган нафсни тийиш фазилатини кенг тарғиб этди.

Махавиранинг ашаддий роҳиблик тамойиллари ва содда баён қилинган таълимоти кўпчиликни ўзига жалб қилди. Унинг *ганадхара* (“мактаб бошлиқлари”) номи билан машҳур бўлган 11 шогирди бўлиб, улар Махавира вафотидан кейин унинг таълимотини давом эттирганлар.

Жайнизмнинг асосий қоида-тамомойилларини ўз ичига олган 45 та асар мавжуд бўлиб, улар Махавира томонидан битилган. Бирок мил. ав. III асрда оғзаки матнларни китоб ҳолатига келтириш мақсадида қилинган ҳаракатлар оқибатида жайнизм икки оқим – *шветамбарлар* ёки *светамбарлар* (“оқ кийим кийганлар”) ва *дигамбарлар* (“мовий кийим кийганлар”)га бўлиниб кетган. *Дигамбарлар* жайнизмнинг асл ҳолатини сақлаб қолишга кўпроқ аҳамият берганлар. Улар Ришабханинг қадимий қонунини йўқолган деб ҳисоблаб, *шветамбарлар*даги матнларни ҳақиқий эмас деб эълон қилдилар. Жайнизмнинг икки оқимга бўлиниши ҳар икки оқимнинг ўзига хос урф-одатлари, кийиниши ва бошқа ҳаётий қирраларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Ваҳоланки, улар асосий диний қоидаларда ўзаро фарқланмайдилар.

Ҳозирги кунда дунёда бир ярим миллиондан ортиқ жайнизм дини тарафдорлари мавжуд. Улар, асосан, Ҳиндистоннинг Ражпутан, Гужарот ва бир қатор жанубий минтақалари, Мадхя, Бхарат штатларида истиқомат қиладилар.

**Сикхийлик (Сикхизм).** Ҳозирда сикхийлик динига эътиқод қилувчиларнинг сони 17 млн. бўлиб, бу динга бўлган қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Шуниси қизиқки, XV аср охири XVI аср бошларида соф диний ислоҳот шаклида бошланган сикхийлик ҳаракати XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб ўз эътиқод қилувчиларини фаол ҳарбий анъаналар билан суғорилган сиёсий ташкилот атрофида жамлади. Бундай ўзига хос тараққиётнинг натижаси шу бўлдики, XVI аср бошларида кичкинагина ҳарбий-диний жамоа Ранжид Сингх асос солган кучли давлатга айланди.

Сикхийлик динига Панжобда гуру (устоз) Нанак (1469-1539) томонидан асос солиниб, унга эргашганлар ўзларини *сикхлар*, яъни шогирдлар деб аташган. “Сикхийлик” атамаси ҳам шу сўздан олинган.



Нанакнинг вафотидан кейин унинг таълимотини 9 та *гуру* ривожлантирган. Хусусан, тўққизинчи *гуру* Говинд Сингх (1675-1708) бу ишда муҳим роль ўйнаган. Улар ягона таълимотни тарғиб қилган ягона *гуруни* 10 қиёфада намоён бўлади деб ҳисоблаганлар.

Сикхийлик талқинида ҳиндуизмдаги Брахма, Вишну, Шива ва исломдаги Аллоҳ бир илоҳиётда мужассам бўлади. У *ниргун* (“сифатлардан холи”) ва *сагун* (“сифатлар эгаси”) деб талқин қилинади. Унинг асосий ҳолати *ниргун* бўлиб, бу ҳолат ҳар қандай сифатлардан холидир. Бироқ инсон уни қандайдир сифатлар орқали таниши учун у ўз хоҳиши билан *сагун* ҳолатига ўтади. Сикхийлик таълимотига кўра, илоҳиёт – Яратувчи, Сақловчи, Вайрон қилувчи (Брахма, Вишну, Шивалардек) сифатларни ўзида мужассам қилади. У кудратли ва ҳукмдордир. Унинг томонидан яратилган дунё эса ўзгарувчан ва фонийдир. Илоҳиёт эса – абадий. У азалда ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам мустақил равишда мавжуддир. Азалийлик, вақтдан ташқарида бўлиш, туғилмаганлик, ўлмаслик каби унга берилган сифатлар унинг моҳиятини англатади. Худога бўлган муҳаббат, ишонч, садоқат йўлини тутган ҳар бир инсон Унга етишиши ва У билан бирлашиб кетиши мумкин.

Худога ибодат қилиш, сикхийлик таълимоти бўйича асло дунёвий ҳаётдан узилишни, роҳиблик йўлини тутишни англатмайди, аксинча, ҳаётда фаолликни, тўла меҳнатни ва оиладаги ўз вазифасини бажаришни англатади. Бу тамойилларга тўла амал қилиш пировард натижада туғилишлар занжирининг узилишига ва инсоннинг худо билан бирлашиб кетишига олиб келади. Ҳар ким худо билан бевосита мулоқотда бўлиши мумкин.

Сикхийлик Ҳиндистон халқи диний тафаккурининг бир босқичи сифатида кучли ислоҳотчилик ҳаракатлари заминида юзага келди. Ушбу ҳаракат Рамананд, Горакхнатх, Чайтаньях, Кабир ва Валлабхачарья номлари билан боғлиқ бўлиб, бутун XVI асрни ўз ичига олди. Бу даврда ҳиндуизм каби сикхийликга ҳам исломнинг таъсири кучли бўлди. Мазкур ҳолатда маданиятлар орасидаги доимий кураш ўз аксини топган. Нанак ҳам Кабир каби ҳиндуизмни бутпарастликдан тозалаб, исломга яқинлаштиришга ҳаракат қилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, сикхлар бир Худога

эътиқод қиладилар. Бу дин бошқа илоҳ ва бутларга ибодат қилишни, ҳиндуизмнинг йирик зиёратгоҳларига боришни, фолбинлик ва сеҳр-жодуга ишонишни тақиқлайди ҳамда туғилиш ва ўлим билан боғлиқ поклаш маросимларини тан олмайди. Сикхийлик ижтимоий тизим сифатида каста табақаланишини инкор этади ва бу йўл билан брахманларнинг туғилиш, ўлим ва никоҳ маросимларидаги раҳбарлик мавқеига барҳам беради.

Бошқа динлар каби сикхийлик ҳам ўзининг муқаддас китобига эга. Унинг муқаддас китоби – Адигрантх (“Бошланғич китоб”) бўлиб, бешинчи *гуру* Аржун (1581-1606) томонидан тузилган. У, шунингдек, Гурурантх (“Гуру китоби”) ёки Грантхсахиб (“Соҳибнинг китоби”) номлари билан ҳам аталади. Унга аввал дастлабки беш *гуру*нинг, кейинчалик эса бошқа *гурулар*нинг мадҳиялари кирган. Жумладан, Кабирнинг, Намдевнинг, Фаридиддин Ганжишакарнинг (XV аср) мадҳиялари билан бир қаторда бир неча Бхакти ва суфийлик ҳаракати намояндаларининг ҳам мадҳиялари кирган. У панжоб тилида ёзилган бўлиб, ҳозирги кунда Амритсардаги сикхларнинг бош ибодатхонаси ҳисобланмиш “Олтин Ҳарам”да сақланади.

Кейинги йилларда сикхийликда ҳиндуийлик одатларини ўзлаштириб олган дин вакиллари билан соф сикхлар орасида бўлиниш кузатилмоқда. Биринчи гуруҳ намояндалари томонидан энг муқаддас жойларнинг ишғол этилиши 1926 йили Панжоб сиёсий майдонида “Ақолий Дал” ҳаракатининг юзага келишига сабаб бўлди. Диний тамойиллар асосида тузилган бу ҳаракат намояндалари мусулмонлар, ҳиндуийлар ва сикхларнинг сиёсий тенглигини талаб қилиб чиқдилар. 1947 йили Ҳиндистоннинг иккига бўлиниши натижасида мусулмонлар Панжобнинг Покистонга тегишли қисмига, ҳиндуийлар ва сикхийлар эса Панжобнинг Ҳиндистонга тегишли қисмига кўчиб ўтганларидан кейин бу ҳаракатнинг таъсири кучайди.

XX асрнинг 50-60-йилларида бу ҳаракат ягона ирқ ва тил масаласидан келиб чиқиб, Панжоб штати тузилишини талаб қилди. Натижада 1966 йили шундай штат ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу штатда Ҳиндистон сикхийларининг 80 % истиқомат қилади.

## Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Ҳиндуийлик қандай динлар қаторига киради?
2. Ҳиндуийлик таълимоти нималардан иборат?
3. Ҳиндуийликда қандай оқимлар мавжуд?
4. Ҳиндуийликдаги илоҳлар қандай таърифланади?
5. Веда таълимоти нимани ўрганади?
6. Ведада Худоларга бағишланган мадхлар ва қурбонликлар нималар асосида амалга оширилган?
7. Жайнизм диний таълимоти қачон ва қаерда шаклланган?
8. Жайнизм диний манбалари қандай номланади?
9. Сикхийлик дини қандай динлар гуруҳига киради?
10. Сикхийлик диний таълимотида асосий ғоя нимадан иборат?
11. Ҳиндуийлик, Ведизм, Жайнизм, Сикхийлик динларининг ўхшаш ва муштарак жиҳатлари нималарда билинади?

## Мустақил иш топшириқлари

1. Орий қабилаларининг Ҳиндистон ижтимоий ҳаётига таъсири ҳақида маълумот тайёрланг.
2. Веда худолари таснифи ҳақида сўзлаб беринг.
3. Ведизмдан брахманизмнинг келиб чиқиши сабабларини очиб беринг.
4. Брахманизмнинг ҳиндуийликка айланишига сабаб бўлган ижтимоий омиллар ҳақида маълумот йиғиб, тақдим этинг.
5. Жайнизм тиртхакарлари ҳақида гапириб беринг.
6. Сикхийлик таълимотида ислом ва ҳиндуийлик синкретининг акс этиши ҳақида ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

## Адабиётлар

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
2. Низомиддинов Н. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва Ислом. – Т., 2006.
3. Низомиддинов Н. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва хинд – муслмон маданияти. – Т., 2008.
4. Бонград-Левин Г.М. Древнеиндийская цивилизация. -М., 1980.
5. Васильев А. История религий Востока. – М., 1997.
6. Кётлер Ф. Труды по ведийской мифологии. -М., 1986.
7. Кривелев И. История религий. – М.: 1989.
8. Кулаков А. Религии мира. – М.: 1996.
9. Мень А. История религии. – М.: 1994.
- 10.Пронников В., Ладонов И. Японцы. – М., 1985.
- 11.Радугин А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
- 12.Тамкин Э., Эрман В. Мифы древней Индии. -М., 1982.
- 13.Яблоков И. Основы религиоведения. – М. 1998.

## 6-МАВЗУ. ЗАРДУШТИЙЛИК ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШИ

### Режа

1. Зардуштийлик (Зороастризм)нинг келиб чиқиши.
2. Зардуштийлик шаклланган тарихий шароит.
3. Зардуштийлик таълимоти.
4. Зардуштийликнинг ахлоқий-фалсафий асослари.

### Таянч сўз ва атамалар

- |               |              |
|---------------|--------------|
| 1. Ахурамазда | 7. Фраваша   |
| 2. Ахриман    | 8. Ясна      |
| 3. Зардушт    | 9. Яшт       |
| 4. Авесто     | 10. Видевдат |
| 5. Арта       | 11. Висперад |
| 6. Дайва      |              |

*Мавзу ўқув мақсади: Зардуштийлик динининг келиб чиқиши, асосчиси, муқаддас манбалари, уларнинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.*

**Зардуштийлик  
(Зороастризм)нинг  
келиб чиқиши**

Зардуштийлик милоддан аввалги VII-VI асрларда Марказий Осиёда юзага келган дин ҳисобланади. Бу диннинг номи Зардушт исмли шахсга нисбат берилади. Бу диннинг номи унинг муқаддас китоби ҳисобланмиш “Авесто”да “Маздаясна” (“Маздага сиғиниш”) деб аталган. “Мазда” сўзи “дониш, донишманд, оқил” каби маъноларда талқин этилади.

Мазкур дин тарқалган халқлар орасида зардуштийлик “бехдин”, яъни “энг яхши дин” деб улуғланган. Унга кўра, барча эзгу борлиқ Мазданинг иродаси билан яратилган деб эътиқод қилинган. Мазда сўзи олдида улуғлаш сўзи “Ахура” кўшилиб, зардуштийликнинг илоҳи – “Ахура Мазда” (Ахурамазда) номи пайдо бўлган. Бу кўшимча сўз “Жаноб Мазда” ёки “Худо Мазда” демақдир.

Зардушт номи манбаларда Заратуштра, Зардуст, Зороастр кўринишларида ҳам ишлатилади. Тадқиқотчилар ўртасида Зардуштнинг тарихда бўлган ёки бўлмаганлиги борасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар уни тарихий шахс деб билсалар, бошқалар афсонавий шахс деб ҳисоблайдилар. Манбаларнинг хабар беришича, у милoddан аввалги, тахминан 570 йилларда туғилган илоҳиётчи, файласуф, шоир бўлган. Зардушт Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган кўпхудоликка асосланган қадимий диний тасаввур ва эътиқодларни ислоҳ қилиб, янги динга асос солди.

Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жойи тўғрисида икки фикр мавжуд.

Биринчиси, “Ғарб назарияси” бўлиб, унга кўра Мидия (ҳозирги Эрон ҳудудида) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади. Бу фикр тарафдорларининг далили – биринчидан зардуштийликнинг қадимий Эрон ҳудудларида кенг тарқалганлиги бўлса, иккинчидан, зардуштийликнинг муқаддас китоби саналмиш “Авесто”га ёзилган шарҳларнинг қадимий эрон-пахлавий тилида бўлганлигидир.

Иккинчиси, “Шарқ назарияси” бўлиб, унга кўра Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади. Кўпчилик манбашунослар иккинчи назария тарафдоридирлар. Хоразм биринчи бўлиб зардуштийликнинг муқаддас олови Озархурра ёқилган ва шу динда энг буюк худо ҳисобланган Ахурамазданинг Зардушт билан боғланган жойи ҳисобланади. Зардуштийликнинг асосий манбаси Авестода: “Биринчи бор муқаддас олов “Озархурра” “Эран-веж” (баъзи манбаларда “Айриан веджа”)да ёқилди”, – дейилади.

“Эран-веж”нинг географик ва иқлимий тавсифи Хоразмниқига тўғри келади. “Авесто”да Ахурамазда томонидан яратилган “Баракот ва нажот” соҳиби бўлган бир қатор мамлакатлар зикр этилади ва уларнинг энг биринчиси, “дунёда ҳеч нарса чиройига тенг кела олмас Эран-веж”, кейин эса “одамлар ва чорва подаларига мўл” Согд (Суғд), “қудратли ва муқаддас” Моуру (Марв), “Баланд кўтарилган байроқлар мамлақати” Бахди (Бактрия) зикр этилади.

“Авесто”да, шунингдек, Зардушт туғилган ва ўз фаолиятини бошлаган юрт ҳақида ҳам маълумот берилади. Айтилишича, “Бу мамлакатнинг кўп сонли лашкарларини ботир саркардалар бошқарадилар, баланд тоғлари бор, яйлов ва сувлари билан гўзал, чорвачилик учун барча нарса муҳайё, сувга мўл, чуқур кўллари, кенг қиргокли ва кема юрар дарёлари ўз тўлқиларини Иската (Скифия), Паурута, Моуру (Марв), Харайва (Арея), Гава (суғдлар яшайдиган юрт), Хваризм (Хоразм) мамлакатлари томон элтувчи дарёлари бор”.

Шубҳасиз, “Кенг қиргокли, кема юрар дарёлар” бу Амударё ва Сирдарё бўлиб, “Авесто”да тасвирланган мазкур шаҳарлар Марказий Осиё шаҳарларининг икки дарё қирғокларида жойлашганидир.

Шунга асосланиб, биз Зардуштнинг ватани, зардуштийликнинг илк макони ва “Авесто”нинг келиб чиқиш жойи деб Хоразм, тарқалиш йўналиши Хоразм–Марғиёна–Бақтрия деб айтиш мумкин.

Зардуштийлик анъаналари Зардуштни Хоразмдан чиққанига далолат қилади. Зардушт тарихий шахс. Унинг биографияси анча оддий. У Спитама уруғининг бой бўлмаган вакили Пурушаспанинг ўғли бўлган. Спитама аъзолари бошқа худолар қаторида Ахура Маздани ҳам тан олишган. Бироқ Зардушт ёшлигидан фақат Ахура Маздага эътиқод қилган. Кейинчалик у ўзини унинг пайғамбари деб эълон қилди. Зардушт ҳам отаси каби бой бўлмаган. Бошида ўз эътиқодини тарғиб этишда мувафакқиятсизликка учради. Хусусан, ўн йил ичида у атиги бир неча эргашувчиларга эга бўлди. Гап шундаки, замондошларининг содда онги Ахура Мазда худосининг мавҳум образини қийинчилик билан қабул этарди. Уч минг йил илгариги одамлар учун тош ёки бошқа реал материалларда акс эттирилган худолар тушунарли ва ишончли эди. Зардуштни ўз жамияти аста-секин сиқиб чиқарди. Диннинг янги ғояларини тарғиб этишнинг ноқулай шароити туфайли Зардушт Арйанам Ваедждан кетишга мажбур бўлади. У Сўғд, Маргианани кесиб ўтиб, Бақтрия пойтахти Бахдига етиб келади.

“Авесто”нинг “Ясна” китобида баён этилишича, Зардуштнинг ватандошлари унга ишонмай, унинг таълимотини қабул

қилмаганлар. Зардушт ватанни тарк этиб, кўшни давлатга кетади, у ернинг маликаси Хугоаса ва шоҳ Кави Виштаспанинг хайрихоҳлигига эришади, улар Зардушт таълимотини қабул қиладилар. Натижада кўшни давлат билан уруш бошланиб, Виштаспа ғалаба қозонади. Шундан сўнг, бу таълимот халқлар ўртасида кенг тарқала бошлаган. Шоҳ Кави Виштаспа фармонига биноан “Авесто” китоби ўн икки минг мол терисига ёзиб олинди, оташкадага топширилган.

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўқувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиршига, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади.

Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди. Зардуштийлик динида кўриқ ер очиб, уни боғу роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорларни, суғориш иншоатларини бузганлар қатта гуноҳга қолади. Зардушт ўз таълимоти билан инсонларга тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. Бу дин таълимотига кўра, инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири белгиланади, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг бу дунёдаги қилмишига яраша ёки абадий роҳат – жаннатга ёки ёмон ишлари кўп бўлса на хурсандлик ва на хафалик кўрмайдиган аросат жой – мисвонгатуга тушади.

Зардуштийлик таълимотининг асоси – дуализм (иккилик) бўлиб, унга кўра олам қарама-қаршилиқлар кураши асосига қурилган. Яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасида абадий кураш давом этади. Барча яхшиликларни Ахурамазда ва барча ёмонликларни Ахриман ифодалайди.

Ахурамазда инсонларга эзгу ишларни баён этиб, уларга амал қилишни буюради, ёмон ишларни баён этиб улардан сақланишга чақиради.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб уни олқишлаб сиғиниши шарт ҳисобланади.



Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардуштийлик дафн маросими ўзига хос бўлиб, ўлганлар бир неча наст, баланд “сукут миноралари” – дахмаларга солинади, у ерда мурдаларнинг гўштларини қушлар еб, суякларини тозалайди. Гўшдан тозаланган суяклар махсус сопол идишлар – “оссуарий”ларга солинади.

Зардуштийлик дини жаҳон миқёсида энг қадимги динлардан бири ҳисобланиб, милоддан аввалги VII-VI асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари унга эътиқод қилганлар. Эронда сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Зардуштийлик расмий давлат динига айланган. Бу даврда унинг муқаддас китоби Авесто руҳонийлар томонидан қайта йиғилиб, китоб шаклига келтирилган. Айрим, айниқса, “Видевдот” қисмига ўзгартиришлар киритилиб, қайта ишланган.

VII-VIII асрларда Марказий Осиёга ислом дини келиб, кенг тарқалгунига қадар зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида зардуштийлик эътиқоди диний жамоалари камайиб кетган. Улар ҳиндистоннинг Мумбай, Гужарот штатларида ва Эроннинг баъзи чекка вилоятларида сақланиб қолганлар.

**“Авесто”.** “Авесто” зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. У Апастак, Овисто, Овусто, Абисто, Авасто каби шаклларда ҳам ишлатиб келинган. “Авесто” Марказий Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб икки минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки равишда узатилиб келинган.

Зардуштийлик дини расмий тус олгунига қадар “Авесто”нинг бўлаклари Турон ва Эрон замини халқлари орасида тарқалган. Ушбу Ахурамазданинг Зардушт орқали юборилган илоҳий хабарлари деб ҳисобланган бўлақлар турли диний дуолар, мадҳиялар сифатида йиғила бошлаган. Булар Зардуштнинг

вафотидан кейин китоб ҳолида жамланган ва “Авесто” – “Ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар” деб ном олган.

Мазкур қадимий ёзма манба бизгача тўлиқ етиб келмаган. “Авесто” ҳақида буюк олим Абу Райхон Беруний шундай ёзади: “Йилнома китобларида бундай дейилган: подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхонларни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди”.

“Авесто”нинг Александр Македонский томонидан Грецияга олиб кетилгани, зарур жойларини таржима эттириб, қолганини куйдиртириб юборгани, ўн икки минг қорамол терисидаги тилло матн ҳақида кейинги даврларда яратилган зардуштийлик адабиётида (“Бундаҳишн”, “Шаҳриҳои Эрон”, “Денкард” (IX а), “Арда Вираф-намак” (IXа) “Тансар хатлари” (VI) “Муруж аз-заҳаб”, “Форснома” ва бошқаларда) маълумотлар бор. Бу асарларда юнонликлар оташхоналарни вайрон қилганлари, ибодатхоналар бойликларини талон-тарож этганлари, дин арбобларини ўлдириб, асир олиб кетганликлари ҳақида ёзилади. Ҳозир бизгача етиб келган “Авесто”, Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. У “Авесто ўттиз “наск” эди, мажусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди” деб ёзган.

Ёзма манбаларга кўра, ҳақиқатан ҳам Авесто *мўбадлар* (зардуштий руҳонийлари) томонидан авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша яширин сақланган. Даставвал (I ёки II асрларда), Аршакийлар даврида “Авесто” қисмларини тўплаш бошланган. Кейинчалик Сосонийлар даврида, Ардашер Папакан (227-243) даврида, айниқса, Шопур (243-273) даврида астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олиниб, ҳамма қисмлари тартибга келтирилган, сўнг бу асосий матн тўлдириб борилган. “Авесто”нинг ана шу тўлдирилган нусхасининг икки тўлиқ қўлёзмаси ҳиндистонда сақланади – бири Мумбайда, зардуштийларнинг маданий маркази бўлмиш Кома номидаги институтда, иккинчиси Калькуттадаги давлат кутубхонасида.

“Авесто”нинг сақланиб қолган тўртта китобидан биринчисининг номи “*Видевдат*” (девларга қарши қонун) деб аталади. Ушбу китоб “Авесто”нинг сақланиб қолган китоблари орасида энг мукаммали ҳисобланади. У йигирма икки боб бўлиб, боблари “*Фрагард*” деб номланган. Фрагардаларнинг маъноси, вазифаси, услубий тузилиши турлича: биринчи фрагард – одамлар яшайдиган барча юртларни Ахура Мазда қандай яратгани тўғрисида бўлиб, улар орасида Хоразм, Сўғд, Марғиёна, Бахди (Балх) ва бошқалар бор; иккинчи фрагардда Жамшид подшолиги – касаллик, ўлим, азоб-уқубатлар бўлмаган замон ҳақида, яъни инсониятнинг олтин асри ҳақида гап боради; учинчи фрагард дехқончиликнинг савобли шарофатлари ҳақида ва ҳ.к. Шунингдек, видеватнинг бошқа фрагардларидан Зардушт билан Ахурамазданинг савол-жавоблари ва мулоқотлари ҳам ўрин олган.

Иккинчи китоб “*Ясна*” деб аталиб, Авестонинг эътиборли бўлими саналади. Ясна – яз ўзагидан бўлиб, “сажда, топинч, ибодат” маъноларини ифодалайди. Ясна етмиш икки бобдан иборат бўлган. Боблари “ҳа”, “ҳаитий” деб аталган. “Ҳа” башорат демакдир. Ҳар бир “ҳа” зарур ўрнига қараб маросимларда, ибодатларда қоҳинлар томонидан ўқилган, қавмлар унга эргашиб ибодат қилганлар. Ясна китоби таркибига Зардушт ўзи ижод қилган тарғибот шеърлари ҳам кирган. Улар Яснанинг 17 та “ҳа”сини ташкил қилади. Зардушт шеърлари илмий адабиётда “гат”лар деб атаб келинади. Зардуштийлик урф-одатлари орасида оловга эътиқод қилиш, диннинг эса “оташпарастлик” деб аталиши шунга боғлиқ. Бинобарин, олов Ахурамазда нурунинг қуёшда намоёнлиги ва унинг ердаги зарраси деб ҳисобланган. Олий ҳақиқат Арта ҳам оловда ўз ифодасини топган. Олов ҳақни ноҳақдан, энг олий гуноҳ ҳисобланмиш ёлғонни ростдан ажратиб берган. Ёлғон эса, чин эътиқодга хиёнат деб қораланган. Арта сўзи фонетик ўзгариб, дастлаб Атар, ҳозир эса оташ шаклида ишлатилиб келмоқда.

Учинчи китоб “*Виспарат*” деб номланган. У йигирма тўрт бобдан ташкил топган ва ҳар бир боб алоҳида “карде” деб аталиб, маъбудлар шаънига ўқилган дуолар ва ибодат устида уларга мурожаатлар ҳамда оламни билишга доир панд-насихатлардан

иборатдир. Уни ибодат намозлари йиғиндиси ҳам дейишади. Айни пайтда у “Ясна”га кўшимча ҳисобланади.

Тўртинчи китоб “*Яшт*” деб аталади. У “Авесто”нинг энг қадимий қатлами бўлиб, йигирма икки бобдан иборат. Ҳар бир боб Ахура Маздадан бошлаб, у яратган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат.

“Авесто” ҳақида энг муҳим манба IX асрга оид “Денкард” (дин амаллари) асаридир. Унда Авестонинг йигирма бир китоби тўла таърифлаб берилган. Бу таърифлар савобли ишлар йўриқномаси, диний маросимлар ва расм-русмлар қоидаси, зардуштийлик таълимоти асослари, дунёнинг Ахурамазда томонидан яратилиши, охират куни ва ундаги ҳисоб-китоб, фалакиёт, ижтимоий-ҳуқуқий қонун-қоидалар, Зардуштнинг туғилиши ва болалиги, ҳақ йўлини тутиш, жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари, девлар, жинлар каби ёвуз кучларга қарши ўқиладиган дуолар, амаллар ва бошқалардан иборатдир.

### **Зардуштийлик жамоа тузуми**

Зардуштийлик диний тизим сифатида Марказий Осиёда бронза даврида ибтидоий жамоа муносабатлари емирилаётган, жамиятда мулкӣ ва ижтимоий тенгсизлик пайдо бўлаётган шароитда шаклланиши қайд этилади. Темир даври бошига келиб у янада мукаммаллашиб, ички тизими тартибга келди. Диннинг оғзаки анъаналари аста-секин ёзувга айланди, бу эса зардуштийликнинг муқаддас диний ёзувлар тўплами “Авесто”нинг илк битикларини келтириб чиқарди. Бу ўтиш даври милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи чорагига тўғри келади.

Зардуштийликнинг шаклланиши ва “Авесто”нинг ёзилиши даврига келиб, Марказий Осиёда чуқур мулкӣ ва ижтимоий табақаланиши анъаналарига эга бўлган ўтроқ заминдорлар ва чорвадорларнинг патриархал жамоалари, ҳарбий аристократлар ва дин арбоблари пайдо бўлган эди. “Авесто”да қайд этилган жамоада озод жамоадошлар ва тобеъ аҳоли, яъни “қуллар” алоҳида ўрин эгаллаган. Бироқ “Авесто” жамоасида қуллар

этакчи ишлаб чиқарувчи куч эмасдилар, қулчилик ёрдамчи моҳиятга эга бўлган.

“Авесто” маълумотларига кўра, зардуштийлар жамоа тузуми тўрт поғонали эди: *нмана* – “уй-оила”, яъни бошида катта оилали уй бошлиғи турган патриархал оила; *вис* – “уруғ, уруғчилик овули”, бунга ўзаро қариндош бўлган барча оилалар кирган; *занту* – қабила ва ҳудуд, бунда қабила яшаган. Ўз навбатида занту ўзаро қариндош қабилаларни бирлаштирган; *бахйу* – “вилоят, мамлакат”, бунга дахйу ҳудудида кўшни бўлган барча уруғлар кирган. Жамият тизимининг бу тўрт поғонали тизими қадим замонларга бориб тақалади ва Авесто матнларида атамаларнинг қондошлик моҳияти ҳудудий моҳият билан алмашади, яъни “оила” ва унинг турар жойи бўлган “уй” атамалари *нмана* “уруғ ва турар жой” атамалари билан параллел равишда ишлатила бошлайди.

Зардуштийлик оиласи жамиятнинг энг қуйи бирлиги ҳисобланган. Уй-оила бошида оила асосчиси ота турган. Уни *нманопати* – “бошлиқ, уй кўрикчиси” деб аташган. У билан бир поғонада хотини ёки оиланинг катта аёли – *нманопатни* турган. Зардуштийлик анъаналарига кўра, уй хўжайини диний бошлиқ ва оила ҳаками ҳисобланиб, “Авесто”да “*рату*” деб аталган. Уруғ отасининг бу вазифаси “*нманья*” деб аталиб, оила аъзоларининг барчаси диний кўрсатмаларни бажаришини назорат этишдан иборат деб саналган. Шунингдек, *нманья* атамаси оила ва унинг аъзолари тинчлигини асровчи яхши руҳларни ифодалаш учун ишлатилган.

Яна икки ҳомий-руҳлар – *брча* ва *ушахина* хаёлан оиланинг доимий “аъзолари” ҳисобланиб, экинларни ва барча оилага эзгулик бахшида этувчи тонг сокинлигини сақлашган. Шунингдек, зардуштийларнинг патриархал оилалари “Авесто”да *вира*, *вайса* ва *парийтар* деб аталган, тенг ҳуқуқли бўлмаган оила аъзоларини ўз ичига олган. *Вира* бир вақтнинг ўзида “эркак, навкар” ва “кул”. Зардуштнинг “Гата”сида *вира* “кул” сифатида намоён бўлади.

*Вайса* атамаси *вис* – “уруғ” билан боғлиқ. Яъни, бу тоифадаги одамлар бир вақтнинг ўзида ҳам оилага, ҳам уруққа хизмат қилишган. *Парийтар* атамасига келсак, бу мардикорлар дегани.

Тадқиқотчилар назарида бу тоифадаги одамлар жамиятнинг энг ночор қатламларига мансуб бўлиб, яшаш учун бошқа уруғникида ишлашга мажбур.

Юкорида айтилганлардан ташқари, зардуштийлик жамияти уруғчиликнинг бошқа тоифадаги атамаларини ҳам билишган, масалан, питар “ота”, маатх “она”, пусра “ўғил”, дхутар “қиз” ва ҳоказо. Бу эса оилавий муносабатларнинг чуқур аъъанавийлигидан далолат беради.

Бундан ташқари “Авесто”да куйидаги ижтимоий атамалар: *шойтра* – “қабил яшайдиган вилоят”, “худо”, *гава-шайана*, *гава-шита* – “қишлоқ, қишлоқ худуди” учрайди.

Зардуштийлик жамоаси ўзининг барча тўртта босқичида хусусий ва умумий мулкни *гайта* атамаси билан ифодалаган. *Майтана* атамаси “уруғ, қабиланинг яшаш жойи” деган маънони англатган.

*Занту* қабиласи ва худуди *зантупати* – “қабил кўриқчиси бошлиғи” томонидан бошқарилган. Зантупати бир вақтнинг ўзида дин ва ҳуқуқий масалалар билан шуғулланган. Бу вазифа учун *зантума* атамаси қўлланилган.

*Дахйу* атамаси остида зардуштийлик оламида катта худудий бирлик, яъни қабилалар уюшмаси тушунилган. Бундай дахйулар арийлик ва ноарийликка ажратилган, масалан, турлар дахйуси, саклар дахйуси. Бинобарин, зардуштийликнинг шаклланишида дахйу биринчи навбатда этник жамоали худудий-географик тушунчадир.

Маъмурий моҳиятига келсак, дахйу *дахйупати* деб аталган бошлиқ томонидан бошқарилган, унинг диний ва ҳуқуқий вазифалари *дахйума* деб аталган. Дахйупати атамаси билан бир қаторда *састар* – “ҳарбий бошлиқ, худуд ҳокими” атамаси учрайди. Бундан ташқари *хшаянт* атамаси “ҳоким, бошқарувчи” маъносини англатган. Бир нечта дахйу битта *дахйусастга* бирлашган. Худди шундай унвон бундай бирлашма ҳокимига берилган. Дахйусасти ҳокимлигини дахйу уюшмаси аъзоларининг кенгаши чеклаган. Бу кенгаш *дахйунам* ва *фратэмадато* “бирламчи вилоятлар кенгаши” деб аталган. Дахйусатининг диний бошлиғи *заратуштроэтома* - “зардуштга жудаям ўхшаган” деб аталган.

Шундай қилиб, зардуштийликнинг тарихий фони ижтимоий институтларнинг мураккаб чатишиб кетишлари билан боғлиқ. Чунки, жамият ибтидоий жамоа муносабатларидан худудий давлат муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечирмоқда эди. Бу ўзгаришларнинг барчаси маълум ижтимоий-сиёсий бошқарувни ғоявий асослаш ва ушбу ғоя атрофида маънавий бирлашишни тақозо этарди.

### **Зардуштийлик таълимоти**

Зардуштийлик тизимидаги энг юқори поғонани Ахурамазда эгаллайди. У эзгу дунёнинг – Хваниратнинг ягона яратувчиси.

Бундай ғоя бронза асрида ва темир даврининг бошларида ўтроқ Марказий Осиё муҳитида жамият ҳаёти учун тинч шароит яратиш талабидан вужудга келди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастлабки давлат шаклланаётган йўлдан кетмоқда эди. Илк зардуштийлик даврида маданий дунёнинг тарқоқ қисмларини бирлаштириш учун ягона ғоя зарур эди. Айни пайтда, “Куч” ғоясига таянган кучли ҳокимиятга ҳам эҳтиёж бор эди. Бундай бирдамлик босқинчилик ва талончиликка, ўтроқ ер эгалари ва кўчманчи чорвадорлар ўртасидаги конли урушларга қарши муваффақиятли кураш олиб боришдаммуҳим омиллардан бири бўлган. Ана шундай шароитда ягона худо ғояси барча муаммоларни ҳал этиш учун калит эди. Хусусан, Зардушт тарғиботларида шундай дейилади: “О Мазда қачон ўтлоқларга тинчлик ва яхши ҳаёт берадиган Арта (Ҳақиқат) ва ҳокимият (Хшарта) билан Тинчлик (Армаити) келади? Ким бизни қонхўр дуруғвантлардан (Ёлғончилардан) қутқаради?”

Диний нуқтаи назардан бу тарғибот якка худоликни ўрнатишга, қабила ва бошқа маҳаллий культларни инкор этишга қаратилган. Бироқ Марказий Осиё халқларининг қадимий культлари ўз вазифаларини олтита эманация, яъни якка яратувчининг иродасини ифодаловчи шакллардан иборат бўлган Ахурамазда ролида мужассам этдилар. Булар: Вохумана “эзгу фикр”, Аша вахишта “ҳақиқий мавжудлик”, Спента армаити “муқаддас ер ва ундаги осуда ҳаёт”, Хшатра Варйа “адолатли ҳокимият, сайланган ҳукмдор”, Хаурватат “бутлик ва омонлик, соғлиқ”, Амэрэтат “мангулик”. Бу якка худо Ахурамазда

вазифаларининг олти эманацияси – яратувчилик жараёни эзгу ниятларга, яхши фикрларга асосланиши лозим, фақат шундагина яхши ҳаётга умид қилса бўлади, деган умумий ғоя билан узвий боғлиқ. Инсонлар фаровонлигига қаратилган ушбу икки функция ерда амалга оширилиши керак эди, бу мақсадга учинчи функция – Спента Армаити – муқаддас ер ва ундаги осудалик даҳоси сифатида хизмат қилиши зарур. Биринчи учта вазифа ўзаро ҳаракат қилиб, ерда ҳаёт фаровонлигига сабаб бўлган. Дунё барча бойликларга, мол ва одамларга тўлади, бу эса ўз навбатида яхши ниятга асосланган адолатли бошқарувни тақозо этади. Биринчи тўрт функция таъминланса, дунё бус-бутун (яхлит), соғлом ва абадий бўлади.

Зардуштийлик яккахудолик ғоясига асосланса-да, аслида кўп худолик элементларини сақлаб қолган ҳолда дуалистик бўлиб қолди. Бунга сабаб Зардушт таълимотининг мураккаблиги оқибатида унинг умумий номи дэви, дайва (осмон) бўлган турли худоларга сиғинган оташпарастлар томонидан қийинчилик билан қабул этилганлигидир. Зардуштийлик дайв – дэвларни инкор этиб, уларни абстракт ягона худо ғояси билан алмаштирди. Бироқ дунё буткул яхши бўлиб қололмайди. Эзгулик билан ёнма-ён турган ёвузлик сабабларини, ижобий ҳодисалар билан бир каторда содир бўлаётган салбий ҳолатларни тушунтириш лозим эди. Бундай саволларга жавобан, ёмон мисол тариқасида ёвуз асослар ғояси келиб чиқди. Яхшиликка хизмат қилувчи киши бу мисолдан хулоса чиқариши керак эди. Негаки, Ахурамазда қудратли ҳисобланади. Унинг қўлидан ёвузликни бошиданок йўқ қилиш келади, бироқ у бундай қилмайди. У инсонга ёвузлик ва эзгулик орасида танлаш имконини беради. Чунки эътиқод фақат инсон ўз худосига, эзгулик ғоясига охиригача вафодор бўлсагина чин ва ҳақиқий саналади.

Зардуштийлик дуализмида унинг икки асоси аввал-бошданок бир-бирига зид бўлиб, улар орасида чексиз кураш боради. Бу курашда эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қилади, акс ҳолда дунё йўқ бўлиб кетарди.

Ахурамазданинг эзгулик асосининг ғалабаси унинг осмондаги навкарлари, яъни худолар ва бошқа эъзозланадиган осмон аҳлисиз амалга ошиши мумкин эмасди. Булар юқорида айтилган



Ахурамазданинг олти эманацияси бўлиб, улар *амэшаспента* (мангу яшовчилар) деб аталади. Митра – “битим худоси”. У худога берилган ваъдаларнинг бажарилиши, яъни Маздаясна динида бўлиш қароридан қайтмаслик устидан қатъий назорат олиб боради. У кенг яйловлар, эзгу дунёнинг чексиз ерлари хванират эгаси бўлиб, унда диннинг равақ топишини таъминлайди.

Зардуштийликда юкори мансаб итоаткорлик, интизом ва адолатпарварлик худолари Сраоше ва Рашнуга тегишли. Улар у дунёда инсон томонидан содир этилган эзгулик ва ёвузликни ўлчаб, ўлганлар жонининг тақдирини белгилайди.

Зардуштийлик вақт ва фазонинг чексизлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган. Фазо икки қисмга бўлинади:

1. Чексиз ёруғлик – эзгулик, унда Ахурамазда мангу яшайди.

2. Чексиз қоронгулик, бунда барча ёвуз асосларни драугадан тортиб зарарли ҳашаротларгача яратган Ахриман мангу яшайди.

Ахурамазда ўзининг чексиз фазосида чексиз вақт (зравана-акавана) яшайди. Бироқ унинг иродаси билан чексиз вақтнинг охириги қисми зраван хвадата белгиланган, унинг узунлиги 12 минг йил. Бу вақт ҳар бирининг узунлиги 3 минг йилдан бўлган тўрт қисмга бўлинади. Биринчи уч минг йиллик, бу - Ахурамазданинг эзгу дунёни форсча мёнок, тожикча мину каби қиёсан идеал, номоддий кўринишда (манйава - “тасаввурдаги идеал дунё”) яратган даври. Шу даврда бўлажак жонли ва жонсиз моддий буюмлар – фравашиларнинг руҳлари яратилган. Биринчи уч минг йиллик охирида ёруғлик ва ибодатни ёмон кўрувчи Ахриман ёруғлик ва зулмат чегарасида пайдо бўлади. Ҳасад ва ғазабдан у ёмонлик қила бошлайди. Уч минг йиллик шу тариқа давом этади. Ахура Мазда бутун эзгу дунёни ўз танасидан яратган: бошидан осмонни, оёғидан ерни, кўз ёшларидан сувни, сочларидан ўсимликларни, руҳидан эса оловни яратган.

Зардуштийлик бўйича ер думалоқ, осмон уч поғонали: юлдузли, ойли ва қуёшли; қуёш сферасидан кейин “шон-шуҳрат уйи - гаро дмано” – Ахурамазданинг жаннати жойлашган, тақводорлар руҳи айнан шу ерга интилиши керак. Пастда эса Ахриманнинг қоронғу макони – даужахво – дўзах жойлашган.

Биринчи босқичда Ахурамазданинг эзгу асослари тургун эди: ёмонлик, касаллик ва ўлим, қоронғулик, ёвуз ниятлар, ёлғон ва жинлар йўқ эди. Ахурамаздага олдиндан маълум Ахриманнинг пайдо бўлиши эзгуликни онгли ва эркин равишда танлаш учун эзгулик ва ёвузликни аралаштириб юбориши зарур эди. Натижа шу билан яқунланди. Учинчи уч минг йиллик – эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги шиддатли кураш даври бўлди. Ниҳоят, Зардуштнинг туғилиши бундай аралашиниш жараёнига чек қўйди ва покланиш даври бошланди. 12 минг йиллик охирида Ахурамазда Ахриман билан курашиб уни буткул йўқ қилади. Эзгу дунёнинг олтин асри бошланади. Охирги уч минг йилликда ҳар минг йилда дунёга учта халоскор “осаошийант”лар келади, булар “Ухшйат эрета”, “Ухшйан нэмат” ва “Саошйант”. Улар Зардушт авлодлари саналади. Охиргисининг даврида ерда ҳаёт-мамот жанги бўлади: Демованд тоғи қоясида занжирбанд этилган Ажидахака (Аждаҳо) занжирини узиб, Саошйант билан беллашади. У эса барча тақводорлар руҳини тирилтириб, Ажидахакани енгади. Дунё эса эриган металл оқими билан покланади. Шундан сўнг қолган барча нарса мангу бахтли ҳаёт кечиради.

**Зардуштийликнинг  
ахлоқий-фалсафий  
асослари**

Зардуштийлик ахлоқи эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат, ҳақиқат ва ёлғон ўртасидаги курашни англатади. Ахура Мазданинг яратувчанлигининг асосий мақсади эзгуликнинг ёвузликка қарши курашига ёрдамлашишга қаратилган. Бу, аввало, тақводорларнинг эзгу дунё идеали ва тинчлиги учун фазовий курашидаги онгли ва фаол ҳаракатларидир. Кураш натижаси инсоннинг ўзига боғлиқ. У Ёлғон ёки Ҳақиқатни танлаши, эзгу дунё фаровонлиги учун масъулиятни зиммасига олиши лозим. Зардуштийлик аъзоси бўлган тақводор – ашавана фаолиятининг моҳияти ахлоқий триада: “хумата” (эзгу ният), “хухта” (эзгу сўз), “хваришта” (эзгу иш) билан белгиланади. Бу тақводорлар хатти-ҳаракатларининг уч қойдаси гайридинлар – дуруғвантлар триадасига: “душмата” (ёвуз ният), “дужухта” (ёмон сўз), “дужваршта” (ёмон иш) га қарши қўйилади.

Зардуштийлик яхшиликлар қаторида тақводорларнинг яратувчанлик фаолиятига алоҳида эътибор беради. Бу ерга ишлов бериш, молга яхши муносабатда бўлиш: Маздага сиғинувчилар эътиқодининг асоси дон етиштириш. Кимда-ким дон етиштира, у ҳақиқатга интилиб, Ахура Мазда эътиқодини илгари суради ва ишончга сазовор бўлади. Ит энг яхши ҳайвонлардан ҳисобланади, чунки у тақводорлар подаси ва уйини кўриқлайди. Видевдат бўйича ит ҳуқуқ борасида салкам одамга тенглаштирилади. Ит ўлдирганлар, унга шикаст етказганлар қаттиқ жазоланган. Худди шундай ит одамга тан жароҳати етказса унга ҳам жазо берилган, унинг ўнг ёки чап қулоғи кесилган ва ҳоказо. Зардуштийлик, шунингдек, ҳақиқатгўйлик, саҳийлик, эр-хотин вафодорлиги, бола тарбияси каби инсоний муносабатларни кўзда тутуди ва бошқаради.

Зардуштийлик маросимлари турлича ва ўзига хос. Масалан, маросимда учта қурбонлик предмети мавжуд: “Хаума”, инсон руҳини маросимга тўла йўналтирувчи муқаддас ичимлик, “драунах” (нон) ва “мйазда” (майиз ёки мевалар). Айрим муаллифлар манбада келган “мйазда” сўзини гўштли бирор нарса деб тахмин қиладилар. Зардуштийлик руҳонийлари диний маросим жараёнларини бошқарадиган ва уларга хизмат кўрсатадиган маҳсус шахслардир. Мазкур маросимлар олов ибодатхоналарида ўтказилиб, бунда олов маросим маркази бўлган ва олов орқали худо тақводорлар дуосини “қабул” қилган. Қадимда ибодатхоналар очик ерларда табиий ёки сунъий тепаликларда бўлган. Кейинчалик маҳсус оташкадалар – “олов уйлари” курила бошлаган. Бош коҳин “заутар” унвонига эга бўлган. Бу исломдаги имомчиликка ўхшайди. Авестода шундай қатор бор, унда айтилишича, заутар дуони овоз чиқариб ўқийди, билганлар қайтардилар, билмаганлар заутарга тақлид қилиб ҳаракат қиладилар. Ушбу ҳолат ислом маросимларидаги “иктидо” (ибодатда имомга эргашиш)га жуда ўхшайди. Гап шундаки, “Авесто” матнларида Ахура Мазда башоратининг муқаддас сўзлари сақланиб қолган, шунинг учун улар илоҳий сўзларнинг муқаддаслиги талаб қилганидек аниқ ва раван талаффуз этилиши лозим эди.

Зардуштийлик бир йилда ҳар бири беш кундан давом этадиган олтита байрамни белгилайди. Байрамлар орасида гоҳанвар – ҳар бири ўттиз кундан иборат бўлган 12 ойдан кейинги беш кунлик байрами асосий ўринни эгаллайди. Йилнинг 360 кунидан қолган кунлари хурсандчилик, диний маросимлар билан ўтказилган. Шундай қилиб янги йил – Наврўзнинг яхши кириб келишига умид қилинган.

Зардуштийликда бир кеча-кундуз беш қисмга бўлинади: рату (белгиланган илоҳий тартиб), хавани (сахардан тушгача), рапитвина (тушдан соат 3-4 гача), узайярина (оқшомгача), авиструтрима (ярим тунгача), ушахина (тун ярмидан сахаргача). Сутканинг бу номлари ҳам худога ўхшатилиб, ҳар бирига ибодат қилинади – бир кунда беш марта намоз ўқилади. Зурдуштийликнинг дафн маросимлари кўпгина тадқиқотлар предмети бўлиб келган ва бўлиб қолмоқда. Бунда энг асосий қоида мурда билан ҳаётнинг тўрт элементи – ер, олов, сув ва хавони ҳаром қилмаслик. Бу ўлганларни дафн этишда алоҳида қоидаларга риоя қилишни талаб этган. Жасадлар суяклари юмшоқ тўқималардан тозалангунича кўйиладиган жойлар – *дахмалар* қурилган. Сўнг суяклар йиғилиб қопқоқли сопол тобутларга – оссуарий (ёки остодон)ларга солиниб сақланган. Бундай идишлар археологик қазилмалар жараёнида кўплаб учрайди. Маросимларнинг зардуштийлик элементлари, кўпчилик одатларнинг қолдиқлари аждодлари тмонидан қадимги дунёнинг ушбу жаҳон динини шакллантирган ўзбеклар, тожиклар, туркманлар ва Марказий Осиёнинг бошқа халқлари турмушида сақланиб қолган.

Ҳозирги кунда зардуштийлик Ҳиндистонда жойлашиб қолган форс “Мазда Ясна” жамоаларининг аъъанавий дини бўлиб қолган. Бугунги кунда дунё бўйича 200 мингдан ортиқ зардуштийлар мавжудлиги қайд этилган. Улар Эрон ва Ҳиндистондан ташқари яна Канада, АҚШ, Англия, Шри-Ланка, Австралия ва бошқа мамлакатларда истиқомат қиладилар.

### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Зардуштийликнинг ватани қаер ҳисобланади?
2. Зардуштийлик қандай даврда юзага келди?

3. Зардуштийликнинг муқаддас китоби нима?
4. Зардуштийликнинг таълимоти нималардан иборат?
5. Зардуштийлик теологик тизими қандай тузилган?
6. Ҳозирги пайтда зардуштийлик динига эътиқод қилувчилар қаерда мавжуд?

### **Мустақил иш топшириқлари**

1. Зардуштийликнинг келиб чиқиши ҳақидаги назарияларни атрофлича ўрганиб, шу ҳақда курсдошларингизга маълумот беринг.
2. Зардуштийликда муқаддас саналган унсурлар ва уларни эъзозлаш амаллари ҳақида реферат тайёрланг.
3. Зардуштийлик динининг бугунги кундаги қолдиқлари ҳақида гапириб беринг.
4. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

### **Адабиётлар**

1. “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзuidaги илмий-амалий семинар материаллари. – Тошкент, 2000.
2. Аширов А. “Авесто”да мерос маросимлари. – Т., 2001.
3. Исҳоқов М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк қуртаклари. (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1992. № 2.
4. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир – Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
5. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Тошкент, 2000.
6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
7. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: 1997.
8. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М. Стеблин-Каменского. Послесл. Э.А. Грантовского. 2-е издание, исправленное. – Санкт-Петербург, 1994.
9. Васильев Л. История религий Востока. Учебное пособие для вузов. – 4-е изд. – М.: “Книжный дом “Университет”, 1999.
10. Горелов А. История мировых религий: учебное пособие. – Москва, Флинта: МПСИ, 2006.
11. Струве В. Родина зороастризма / Востоковедение, Москва-Ленинград, 1948.

## 7-МАВЗУ. МОНИЙЛИК ВА МАЗДАКИЙЛИК

### Режа

1. Моний ҳаёти ва унинг диний фаолияти.
2. Монийлик (Манихейство) таълимоти.
3. Маздакийлик (Маздакизм) таълимоти ва ҳаракати.

### Таянч сўз ва атамалар

- |             |                 |
|-------------|-----------------|
| 1. Моний    | 5. Дуализм      |
| 2. Фараклет | 6. Сурайк Патик |
| 3. Ктесифон | 7. Месопотамия  |
| 4. Санавия  | 8. Бобил        |

*Мавзу ўқув мақсади: Монийлик ва маздакийлик динларининг келиб чиқиши, асосчилари, муқаддас манбалари, уларнинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар билан талабаларни таништириш.*

#### Моний ҳаёти ва унинг диний фаолияти

Шарқ ўлкаларида ер мулкчилигига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳукмрон бўлаётган илк ўрта аср даврининг бошларида, айниқса, араб халифалиги ташкил топиб, ислом дини Эрон – Турон бўйлаб тарқалиши давомида шарқ фалсафий-ахлоқий, диний-маънавий дунёсида зардуштийлик, буддавийлик, шаманлик, христианлик, хиндуийлик динлари билан бир қаторда Монийлик динининг ҳам нуфузи, обрў-эътибори баланд бўлган. Марказий Осиё, Эрон, Ғарбий Осиёнинг кўплаб халқлари ялписига бўлмаса-да, Монийликни қабул қилиб, катта ижтимоий таъсир кучига эга бўлган жамоалар ташкил қилганлар. Жумладан, илк ўрта асрларда туркий халқлар орасида Монийлик жамоалари кўпчиликни ташкил этган. Улар бутун Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон бўйлаб тарқалган.

Монийлик динининг асосчиси Сурайк Патик ҳисобланади. Кейинчалик унга Моний – руҳ лақаби берилган. Унинг номи арабийлаштирилган тўла шакли X аср араб тарихчиси Ибн ан-

Надимнинг “Фихрист” китобида Моний ибн Фаттак Бобак ибн Абу Барзам деб зикр этилган.

Монийнинг аждодлари Парфия подшоҳлари Аршакийлар хонадонига қариндош бўлган ва ўз даврида Парфияга қарам Бобил юртига юқори мансаблардан бирига тайинлаб юборилган. Монийнинг милодий 216 йилда (Аршакийлар подшолиги тугаб, сосонийлар ҳукмронлиги бошланишига ўн йил қолган бир пайтда) Бобил яқинидаги Мардину қишлоғида туғилишини мазкур тарихий жараён билан белгилайдилар. Монийнинг онаси Марям ёзма манбаларда хабар берилишича, Парфияда нуфузли Камсаракан уруғидан бўлиб, у ҳам Аршакий подшолари хонадонидан бўлган.

Монийнинг болалик ва ёшлик йиллари Бобилнинг шимолий худудларида, соми (семитик) тилли маҳаллий муҳитда ўтган. Зийрак, қизиқувчан, кўпинча ўз фикрлари оғушида ўйчан юрувчи Моний болалик чоғида отасининг хизмати тақозоси билан Бобил яқинидаги ал-Мадоин (Ктесифон) шаҳрига кўчиб келади. Бу ерда шаҳар марказидаги ибодатхона ўзининг салобати, ҳашами билан болани мафтун этади. Моний аввалига мажусий динига эътиқод қилган, у қадимги динларнинг қонун-қоидалари ва йўналишларини яхши билган эди. У мажусийлар ибодатхонасига тез-тез бориб турди. Кунлардан бирида ибодатхонага келган Моний онгига сирли илоҳий товуш эшитилади. Ибодатхонадаги турли диний анъаналар 12 ёшли Моний учун ўз мазмунини йўқотади. Аввалига у ўша замон учун жозибали бўлган гностикларнинг “Муғтасила” (ювинувчилар) номли жамоасига аъзо бўлади. Тезда бу жамоадан ҳам кўнгли тўлмай қолади. Ниҳоят, чуқур тафаккурга берилган Моний 12 ёшида ўзига илоҳий хабар келганини маълум қилади. Унга ўздан хабар берган илоҳнинг номини Моний “Икки моҳият Руҳи” деб атайди. Шунга кўра, Моний дини дуалистик ғояга асосланган деб айтиш мумкин. 241 йилда, Моний 24 ёшга етганда унга ўз илоҳидан яна хабар етишади. Шундан сўнг Моний ўзининг даъватчилик фаолиятини бошлайди. Бу пайтда Эронда Аршакийлар подшолиги тугаб, Сосонийлар сулоласининг асосчиси Ардашир Попак ўғлининг подшолиги ниҳоялаб қолган эди. Унинг ўғли Шопур I (242-273) Моний таълимотининг илк ҳомийсига

айланди. Подшоҳ Шопурнинг тахтга ўтириш маросими пайтида Мониий биринчи марта ўз таълимотини баён қилиб ваъз айтган. У ўзини само нури элчиси ҳисоблаган ҳамда ўзининг таълимотида урушмаслик, мол-дунё тўпласликка даъват этади.

<b>Мониийлик (Манихейство) таълимоти</b>
--

Мониий тарғиб қилаётган диннинг асоси нур ва зулмат ўртасидаги азалий кураш таълимотидир. Унинг мазмун-моҳияти эса нурнинг зулмат устидан ғалаба қозонишига кўмаклашиш ғоясидир. У бутун борлиқ – жонли ва жонсиз табиат инсоният жамияти ўз ибтидосидан бошлаб ана шу икки қарама-қарши дунёнинг кутбларида туриб курашиб келадилар, деб тушунтиради. Мониийликдаги нур ва зулмат тушунчалари эзгулик ва ёвузлик каби ижтимоий-ахлоқий категорияларнинг тимсоли сифатида ифодаланади.

Мониийлик зардуштийлик ва христианликнинг хусусиятларини ўзида жам қилган. Мониийлик христианликдан мессия (халоскор) ҳақидаги ғояларни олган. Зардуштийликдаги дуализм — яхшилик билан ёвузлик, нур билан қоронғулик, рухий олам билан моддийлик орасидаги кураш Мониийлик эътиқодининг асосини ташкил этади. Биринчи оламда худо, иккинчисида – шайтон (Иблис) ҳукм суради. Икки олам кураши фалокат билан тугайди. Натижада моддийлик ҳалокатга учраб, руҳ озодликка чиқади.

Мониийлик таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёсидир. Инсон икки унсурдан – нур фарзанди бўлган руҳ ва зулмат фарзанди ҳисобланмиш жисмдан иборат. Шунинг учун ҳам у зулматга қарши курашда нур кучларига мадад бера олади. Мониий ўзини Исо ишининг давомчиси, Инжилдаги “Форақлит” (Параклет) деб атади.

Зардуштийликдан фарқли ўларок, дуализм таълимотига кўра, нур ва зулмат азалийдир. Зардуштийлар таълимотида эса зулмат, баъзи сабабларга кўра, кейинчалик пайдо бўлади. Мониийликда нур ва зулмат азалийлик жиҳатидан тенг бўлиб, жавҳар (ядро), табиат (характер), феъл-ҳаракат, жойлашган тараф ва жойи, унсурлари, жисм ва руҳлари жиҳатидан турличадир. Ҳеч бир нарса йўқдан бор бўлмайди. Азалда бор нарса йўқ бўлмайди.



Шунинг учун ҳам нур ва қоронғулик азалий ва абадийдир. Бу иккала куч ҳам кучли, эшитувчи, кўрувчи, сезгир, билимдондир. Аммо ўзига хос хусусиятларига кўра бир-бирига қарама-қарши муносабатда бўлган.

Моний ўз динига тарғиботни, аввало, ўз оиласи ва яқинларини даъват қилишдан бошлади. Месопотамия (Бобил), Эрон шароитида анъанавий динларнинг мавқеи анча баланд бўлгани сабабли Моний таълимоти у ерларда унча муваффақиятга эриша олмади. Натижада Моний Шарққа қараб ўз динини тарғиб қилиш мақсадида сафарлар қилди. У Хуросон, Ҳинд, Турон, Шарқий Туркистон ўлкаларида бўлди ва муваффақият қозонди. Бу ўлкаларда моний таълимотини кўллаб-қувватловчи диний жамоалар пайдо бўла бошлади.

Моний сафардан қайтгач, Сосоний подшоҳи Ардашир Папаканнинг Феруз (Пероз) ва Миршоҳ исмли ўғиллари унинг динига кирдилар. Сулоланинг иккинчи вакили Шопур I даврида Монийнинг подшоҳ саройида мартабаси янада ортиб у давлатнинг руҳий-ғоявий раҳнамосига айланди. Шундан бошлаб Моний сарой аъёнлари сафида Шопур билан бирга кўп йиллар ёнма-ён яшади. Моний барча тадбирларда, шунингдек, сафарларда подшоҳга ҳамроҳлик қилди.

244-261 йилларда Моний Миср ва бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида Марказий Осиё ва бошқа Шарқий Осиё ўлкаларида ўз динининг миссионерлик тарғиботларини ғоят самарали олиб борди. Бу ишда унинг Мар-Аммо сингари издошлари катта хизмат қилдилар. Моний ўзининг асарларидан бирида “менинг диним ҳар бир элда, ҳар бир юртда ва ҳар қандай тилда барча учун қуёшдай равшан бўлади ва узоқ мамлакатларга тарқалади”, – дея башорат қилган эди. Монийликнинг тарқалишида Эроннинг шарқий ўлкалари, собиқ Парфия ерлари ҳамда Марказий Осиё таянч майдони бўлиб хизмат қилди. VIII-IX асрларга келиб худди шу ўлкалар орқали Моний дини Шарқий Туркистон, Марказий Осиё бўйлаб кенг тарқалди.

Монийликнинг уйғур, туркий, сугдий, парфия тиллардаги кўплаб ёдгорликлари унинг Буюк Ипак йўли тармоқлари бўйлаб ёйилган халқаро дин даражасига етганлигидан далолат беради.

Шопур I вафот этгач Эрон тахтини унинг ўғли Ормазд I эгаллади. Лекин унинг подшоҳлиги узокка чўзилмай, Шопурнинг бошқа ўғли Варахран I (Бахром) тахтга келди. У зардуштийлик динига эътикод қилувчилардан эди. Шунинг учун унинг хумронлиги даврида зардуштийликнинг мавқеи мавжуд барча динлар, жумладан, Монийликка нисбатан анча юқори бўлган. Зардуштийлик динининг қоҳинлари Монийнинг таълимотига кескин қарши чиққанлар. Варахран I зардуштийликнинг кўзга кўринган мўъбадларидан бири Сосонийлар давлатининг олий судьяси ва “шоҳлар шоҳининг” диний устози унвонига эга бўлган. Картирнинг кўрсатмаларига асосан Монийликни бошқа динлар қаторида таъқиб қилди. Бу жараён 275 йилда Монийнинг қамокқа олиниб, 277 йилда қатл этилишига олиб келди. Оқибатда, Эронда зардуштийликнинг давлат дини даражасига кўтарилишига замин яратилди. Монийлик жамоалари эса қувғинга учраб Шарқ ўлкалари бўйлаб тарқалиб кетдилар. Картир ушбу воқеаларни тасвирлаб, шундай деган: “Яҳудий, буддавий роҳиблар, брахманлар, назарейлар, христианлар, Монийлар барчаси йўқ қилинди, улар худоларининг тасвирлари ҳамда ибодатхоналари вайрон қилинди, кўплаб оташ ибодатхоналарга асос солинди”.

Монийлик Сосонийлар давлати билан бир қаторда Кушон империясида ҳам тарқалган. Бу ҳақда кўплаб тарихий ёзма манбалар гувоҳлик беради. Моний дини Марказий Осиё ўлкалари бўйлаб III асрдан то XV асргача ўз жамоаларига эга бўлиб келган. Бу диннинг тарқалиши ва тақдири ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай дейди: “Моний даъватини қабул қилганларнинг қолдиқлари ислом шаҳарларининг бирор жойида жам бўлишлари мумкин бўлмайдиган даражада тарқалиб кетганлар. Ислом мамлакатидан ташқарида эса, Шарқ туркларининг, Хитой, Тибет аҳолисининг аксари, ҳиндларнинг баъзилари моний динига эътикод қиладилар”.

Марказий Осиёда Монийликнинг йирик марказлари Марв шаҳри ва Самарқандда бўлган. Бу диннинг Шарқда кенг тарқалишида ушбу марказларнинг роли катта бўлган.

**Маздакийлик  
(Маздакизм) ҳаракати  
ва таълимоти**

Маздакийлик Эронда ва унга қўшни мамлакатларда илк ўрта асрларда тарқалган. Асосчиси – Маздак (470-529). Таълимотнинг асосий ғоялари III аср охирларида пайдо бўлган.

Унинг таълимотига кўра, дунё жараёнларининг замирида оқилона қонуният асосида ҳаракат қиладиган ёрқин ва эзгу ибтидо билан бетартиблик ва бебошлик, айқаш-уйқашлик тарзида намоён бўладиган нурсиз ёвуз ибтидо ўртасида муросасиз кураш боради. Бу кураш, албатта, эзгулик фойдасига ҳал бўлади.

Маздакийлик таълимоти бир қарашда жамият аъзоларини ўзаро ёрдамга, адолат ва тенгликка чақирган. Бойликка ружу кўйишни, шахс манфаатлари учун курашни инкор этган. Худо олдида ҳар қандай инсон тенг, жамият бойликлари ҳамма учун баробар, деб тарғиб қилган. Таълимот ўз наздидаги ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашган. Ушбу тенгсизликни ёвузлик аломати деб ҳисоблаган. Одамларнинг ижтимоий-иқтисодий тенгсизлигига барҳам бериш учун куч ишлатишга рухсат берган. Бунинг оқибатида, милодий V аср охирларида маздакийлик ҳаракати Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида кенг ёйилган халқ кўзғолонига айланиб кетган.

Маздакийлик ҳаракати 490-530 йиллар орасида Сосонийлар Эрониди давлат микёсига чиқди. Бу даврда Эронда сосонийлар сулоласи вакилларининг мавқеи пасайиб, чин ҳокимият амалда йирик зодагонлар ҳамда зардуштий руҳонийлари кўлига ўтган. Ижтимоий-иқтисодий нотенглик, меҳнат аҳлининг қаттиқ эзилиши ҳисобига бойликни бир гуруҳ зодагонлар ихтиёрида тўпланиши рўй берган эди. Бунинг устига Эрон салтанати ҳарбий муносабатларда, айниқса, Марказий Осиёда шаклланган эфталитлар давлати билан ҳарбий-сиёсий тўқнашувларда муваффақиятсизликка учради. Ҳарбий харажатларнинг кўпайиб кетиши, мамлакат хўжалигининг танг аҳволга келиши халқ норозилигига сабаб бўлди. Натижада, Маздакнинг ижтимоий тенглик ғоялари маздакийликнинг ғоявий байроғига айланди.

Маздакчи кўзғолончилар зодагонлар мулкларини босиб олиб, оч-наҳор, яланғоч, қашшоқларга улашиб бера бошладилар.

Сосоний подшоларидан Кубод I аввалига зодагонларнинг ҳокимиятдаги таъсирини тугатиш учун Маздак ва унинг тарафдорларини қўллаб-қувватлади. Чунки уни 496 йилда зодагонлар – зардуштий диндорлар тахтдан ағдариб ташлаган эдилар. Ниҳоят, 499 йили Кубод I маздакийлар ёрдамида тахтни қайта эгаллади. Ҳокимият атрофида маздакийлар мавқеи кучайди. Маздакийларнинг раҳбари сифатида Маздак Кубод ҳукуматида энг олий даражага эришди. Мамлакат бўйлаб маздакийлар бойларни талон-ғарож қилишда давом этишди. Ниҳоят, бу вазият зодагонларни ҳам ўз мулклари ва ижтимоий мавқеларини ҳимоя қилиш чораларига мажбур этди. Кубод ҳукмдорлигига қарши кучли оппозиция туфайли Кубод I зимдан зодагонлар билан тил бириктира бошлади. У ўз вориси Хусравни маздакийларга қарши отлантирди. VI асрнинг 30-йиллари арафасида Хусрав Маздак ҳаракатини, хусусан, унинг бошчилигидаги кўзғолонни бостиришга эришди. Маздак ўлдирилди.

Маздакийлик диний-фалсафий, ижтимоий ҳаракати тарихчилар эътиборини асрлар давомида ўзига жалб қилиб келган. Бир томондан, маздакийлик демократик, содда коммуначилик ғоялари ва ҳаракат усуллари билан омма учун жозибадор кўринган бўлса, иккинчи томондан, бу ҳаракат, тақдири илоҳга қарши исён кўтариш билан тенг эди.

Маздак ва унинг диний-фалсафий ақидалари орасида мулк умумийлиги ва тенглигини тарғиб қилиш каби банд алоҳида ўрин тутган. Бу қоидага кўра, жамиятда аёллардан барча учун умумий мулк сифатида фойдаланиш ҳам кўзда тутилган. Лекин бу қоида ҳаётга қанчалик татбиқ этилгани маълум эмас. Тадқиқотчилар эса бу қоида зодагонлар орасидаги юзлаб аёллардан иборат ҳарамлар тутиш одатига қарши қўлланган, деб ҳисоблайдилар.

Маздакийлик диний ғоя ёки диний таълимотдан кўра, кўпроқ чуқур ижтимоий-иқтисодий сабаблар заминидан юзага келган диний-сиёсий ҳаракат бўлиб, халқ оммасининг орзуларини амалга ошириш йўлидаги уринишлари асосига қурилган эди. Аммо бу ҳаракат ўз олдига қўйилган мақсадга эриша олмади.

## Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Монийликнинг асосчиси ким?
2. Монийлик қандай таълимотни илгари суради?
3. Маздакийлик қандай ҳаракат сифатида юзага келди?
4. Кубод I маздакийликка қандай муносабатда бўлди?

## Мустақил иш топшириқлари

1. Монийлик таълимотидаги синкретик унсурларни таҳлил қилинг.
2. Маздак ҳаракати ва у томондан олға сурилган таълимот фаолияти қисқа бўлишининг сабаблари ҳақида фикр алмашинг.
3. Монийлик ва маздакийлик таълимотлари ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

## Адабиётлар

1. Беруний Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб. – Т., 1973.
2. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. I том. – Т., 1968.
3. Исҳоқов М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари. (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) / “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1992. № 2.
4. Васильев А. История религий Востока. – М.: 2000.
5. Кривелев И. История религии. – М.: 1989.
6. Религиоведение: хрестоматия / сост. В.Б.Рожковский, Д.Л.Устименко. – Ростов на Дону: Феникс, 2009.
7. Религиозные традиции мира. В 2-томах. – М.: 1996.
8. Струве В. Родина зороастризма // Востоковедение, Москва-Ленинград, 1948.
9. Язбердиев А. Книжное дело в древней Средней Азии // Философский энциклопедический словарь. – М.: 1983.

## 8-МАВЗУ. БУДДАВИЙЛИК ТАРИХИ, ТАЪЛИМОТИ ВА МАРОСИМЛАРИ

### Режа

1. Буддавийлик (Буддизм)нинг келиб чиқиши.
2. Буддавийлик таълимоти.
3. Буддавийликнинг Марказий Осиёга кириб келиши.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                       |                       |
|-----------------------|-----------------------|
| 1. Будда              | 6. Махаяна ва хинаяна |
| 2. Сиддхартха Гаутама | 7. Ступа              |
| 3. Буддавийлик        | 8. Медитация          |
| 4. Ботха              | 9. Нирвана            |
| 5. Ботхисатва         | 10. Сансара           |

*Мавзу ўқув мақсади: Буддавийлик динининг келиб чиқиши, асосчиси, муқаддас манбасида илгари сурилган ҳақиқатлар ва улар билан боғлиқ фалсафий гоялар, бу диннинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақида талабаларга атрофлича маълумот бериш.*

**Буддавийлик  
(Буддизм)нинг келиб  
чиқиши**

Буддавийлик (Буддизм) – учта дунё динлари ичида энг қадимийси ҳисобланиб, милоддан аввалги VI-V асрларда Ҳиндистонда вужудга келган.

Бу динга эътиқод қилувчилар, асосан, Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларида, Шри Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Комбоджа, Бирма, Тайланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка китъаларида, Россиянинг шимолий минтақалари - Бурятия, Қалмикияда истиқомат қиладилар.

Ҳозирги кунда дунёда буддавийлар сони 750 млн.га яқин бўлиб, улардан 1 млн.га яқини монахлардир.

Буддавийликни дин ёки фалсафа, мафкура ёки маданият қонунлари тўплами ёки ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин.

Буддавийлик асосчиси ҳақида хабар берувчи фольклор ва бадиий адабиётлар уни Сиддхартха Гаутама, Шакямуни, Будда, Тадхагата, Джипа, Бхагаван каби исмлар билан зикр этадилар. Бу исмларнинг маънолари қуйидагича: Сиддхартха - шахсий исми, Гаутама - уруғ исми, Шакямуни - шақлар ёки шакия қабиласидан чиққан донишманд, Будда - нурланган, Тадхагата - шундай қилиб, шундай кетган, Джина - ғолиб, Бхагаван - тантана қилувчи. Бу исмлар ичида энг машхури Будда исми бўлиб, унинг исмидан динга буддавийлик номи берилган.

Ҳозирги кунда Будданинг бешта биографияси маълумдир: “Махавосту” – милоднинг II асрида ёзилган, “Лалитавистара” - милоднинг II-III асрларида юзага келган, “Буддахачарита” - Будда файласуфларидан бири Ашвагхошей томонидан милоднинг I-II асрларида яратилган, “Ниданакатха” – милоднинг I асрида ёзилган ва “Абнихишкрамансутра”.

Будда мил. авв. 563 йилда туғилиб, 483 йилда вафот этган. Сиддхартха Шакья қабиласининг подшоси Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Ҳимолай тоғлари этагида Капилавасти деган қишлоқда бўлган (ҳозирда Непал ҳудудида). Онаси - малика Майя. Подшоҳ ўғлини орзу-ҳаваслар оғушида тарбиялаб, уни ҳеч бир камчиликсиз катта қилади. Сиддхартха улғайиб қўшни подшоҳлардан бирининг қизи Яшадхарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм қўяди.

Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган Сиддхартха бир кун кекса чол, бемор ҳамда оғир меҳнатли роҳибни учратади, ва ниҳоят, бир кишининг вафотига гувоҳ бўлади. Бундан қаттиқ таъсирланган шахзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўлларини ахтариб саройни ташлаб кетади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У беш роҳиб билан қишлоқма - қишлоқ кезиб юради. Кўп вақт бу роҳибларга ҳамроҳлик қилиб, уларнинг йўлларида маълум мақсад йўқлигини, бу йўл ўз олдига қўйган мақсади – инсониятни азоб укубатдан қутқаришга олиб бормаслигини англайди ва роҳиблар жамоасидан ажралади.

У чакалакзор ўрмонларда кезиб, чарчаб бир дарахтнинг тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзича, то ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликка қарор қилади.

Бу ўтиришнинг 49-куни унинг қалбидан “Сен ҳақиқатни топдинг” деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз олдида бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилинич қаёққадир ингилишни кўради. ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди. Ҳаёт ниҳоясиз узоқликни кўзлаб ўтиб кетаётган эди. Инсон ақли етмас бир куч. Тришна - яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчани тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратарди. Мана энди Будда кимга қарши курашиш кераклигини англади. Шу ондан у Будда – “нурланган” деб аталди. У тагида ўтирган дарахт эса – “нурланган дарахт” - Ботха деб атала бошлади.

Будда ўзининг биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришипатана богида, ўзининг беш роҳиб дўстларига қилди ва улар унинг биринчи шогирдлари бўлдилар.

Шу кундан бошлаб Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб ўз таълимотни тарқатиб, ўзига янги издошлар орттиради. Будда 40 йил давомида ўз таълимотини Ҳиндистоннинг турли жойларига етказди ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтди. Унинг жасади, ҳинд удумига кўра, у ерда куйдирилиб, унинг хоки 8 та будда жамоаларига бўлиб юборилди ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона барпо этишган.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли афсоналар ҳам тўқилган. Бу афсоналарда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида Ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта подшоҳ, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ, қурбақа, каламуш, қуён каби қиёфаларда қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган.

Сўнгги марта уни худолар инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар. Бу афсоналарнинг баъзиларига кўра, Ер юзида Гаутамага қадар 6 та будда ўтган. Шунинг учун буддавийликнинг баъзи муқаддас жойларида 7 та ибодатхона барпо этилган. 7 та Ботха дарахти ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, айримлари минглаб Буддалар ўтган деб даъво қилади.



## **Буддавийлик таълимоти**

Буддавийлик кадимий хинд диний-фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, амалиёт ва назариётдан иборат диний тизимдир. Будда янги диний қонун-қоидалар, расм-русумлар ишлаб чиқмаган. Балки ҳар бир инсон туғилиш ва ўлим машаққатларидан қутилиши учун амал қилиши лозим бўлган бир неча кўрсатмаларни ишлаб чиқди, холос. Унинг таълимоти инсонинг ҳаёлида, ишларида ва ўзини тутишида самимий олижаноблик ғоясини илгари суради. У ведалардаги гуноҳсизлик таълимотини инкор қилди, ҳайвонларни қонли суратда қурбонлик қилишни қоралади, варна (каста) тизимини ва ундаги руҳонийларнинг бошқалардан устунлигини инкор қилди.

Будда олий яратувчи кучнинг борлигига шубҳа ва ишончсизлик билдирган. Унинг фикрича, энг муҳими инсоннинг шахсий камолоти ва эзгу ҳаёт кечеришидир.

Будда таълимотининг асоси “ҳаёт – бу азоб-укубат” ва “нажот йўли мавжуд” деган ғоядир. Буддавийлик қонуниятларига кўра, инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзида туғилади, ўзини-ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу нарса Будданинг илк даъватида мужассамлашган 4 ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

Биринчи ҳақиқат - “Азоб-укубат мавжуддир” ҳар бир тирик жон бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай ҳаёт – қийноқ, азоб-укубатдир.

Туғилиш – қийноқ, касаллик – қийноқ, ўлим – қийноқ, ёмон нарсага дуч келиш -- қийноқ, яхши нарсадан айрилиш – қийноқ, ёмон нарсадан айрилиш – қийноқ, ўзи хоҳлаган нарсага эга бўлмаслик – қийноқ. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса маълум сабабсиз яралмайди. Лекин ҳар бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг бирламчи сабабини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун буддавийлик дунёни шу ҳолича қабул қилишга қақиради.

Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса у хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, *дхарма* (элемент)лардан тузилган. Бу элементлар эса ўз хусусиятига кўра, ҳаракатсиз бўлиб, уларни ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг ҳаёл ва сўзларидир. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи дхармалар оқимидир. Ҳаракатдаги дхармалар

мавжудлигининг 5 формаси – тана, сезги, хис-туйғу, ҳаракат, англашни яратади. Бу беш форма инсонни ташкил қилади. Инсон улар ёрдамида яшайди ва борлиқ билан алоқа қилади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. Бу нарса инсоннинг ўлими билан тугалланади. Инсонни ташкил қилувчи беш форма (скандх) ўз навбатида қайта туғилади. Янги тананинг хусусиятлари асос бўлувчи беш натижани беради: фаолият, гумроҳлик, хошиш, истак ва норма. Бу жараён “ҳаёт ғилдираги”ни ташкил қилади. “Ҳаёт ғилдираги”да доимий равишда айланиб, инсон абадий қийноққа дучор бўлади.

Иккинчи ҳақиқат - “қийноқларнинг сабаблари мавжуддир”.

Инсон моддий нарсалар ёки маънавий кадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ҳамда доимо уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниётлардан тузилган ҳаёт дарёси, орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун карма ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, янгитдан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Буддавийлар фикрича, Буддадан кейин ҳеч ким Нирвана ҳолатига эриша олмаган.

Учинчи ҳақиқат - “қийноқларни тугатиш мумкин”. Яхши ёки ёмон ниётлар, интилишлардан бутунлай узилиш Нирвана ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтайдди. Нирвана ҳолати, буддавийлар фикрича, “ҳаёт ғилдирагидан” ташқарига чиқиш, “мен” деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғуларини тўла тугатишдир.

Тўртинчи ҳақиқат - қийноқлардан кутилиш йўли мавжуддир. Бу йўл - “Саккизта нарсага амал қилиш, тўғри тушуниш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикрни тўғри жамлаш”. Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тутади.

Бу саккиз нарсага амал қилиш медитация деб номланади. Буддавийлик таълимоти асосан уч қисмдан иборат: медитация, ахлоқ нормалари, донишмандлик.

1. Медитация деганда куйидагилар тушунилади:

– Тўғри тушуниш (эътиқод қилиш) – Будданинг биринчи даъватида юритилган сўз тўрт ҳақиқатни билиш ва унга ишониш;

– Тўғри ният қилиш – дунёвий лаззат-ҳаловатлардан халос бўлишга, кераксиз фикрлар ва бошқаларга зарар етказиб қўйишдан сақланишга интилиш;

– Тўғри ўзини тутиш – ўзингники бўлмаган нарсани олмаслик, ортиқча ҳиссиётга берилмаслик;

– Тўғри англаш – ўз танаси ва руҳига ўзини йўқотиб қўймайдиган даражада назоратда бўлиш ҳамда бунда эҳтирослар ва изтиробларга чек қўйиш;

– Тўғри ҳаракат қилиш – ўзидаги ёмон туйғуларни жиловлаш ҳамда эзгу туйғулар ва ҳаракатларни ривожлантириш;

– Тўғри ҳаёт кечирish – номаъқул ҳаёт тарзидан сақланиш;

– Тўғри фикр юритиш – камолотнинг тўрт босқичини кетма-кет босиб ўтиш;

– Тўғри гапириш – ёлгондан, тухматдан, ҳақоратдан ва бефойда гаплардан сақланиш.

2. Ахлоқ нормалари – бу Будда “Панча Шила” беш насиҳати:

– Қотилликдан сақланиш;

– Ўғрилиқдан сақланиш;

– Гумроҳликдан сақланиш;

– Ёлгон, қалбаки нарсалардан сақланиш;

– Маст қилувчи нарсалардан сақланиш.

3. Донишмандлик – бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдан иборат.

Юқорида кўрсатилган уч амалиёт босқичини ўтаган инсон охир оқибатда олий саодатга, яъни нирвана ҳолатига эришади. Нирвана сўзма-сўз “ўчиш, сўниш” маъноларини англатади. Унда ҳаётнинг ҳар қандай кўринишига интилиш йўқолади.

Буддавийликнинг ёйилишида Сангха - буддавийлик жамоаларининг роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган 9 ойида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, улар аҳолисини буддавийликка даъват қилиб, уларга Будда таълимотини ўргатиб юришган. Фақатгина Муссон ёмғирлари тинмай қуйган 3 ойдагина ўз ибодатхоналарида муқим бўлиб ибодат билан шуғулланганлар.

Милоддан аввалги 273-232 йилларда ҳукмронлик қилган Император Ашока даври буддавийликнинг кенг ҳудудга ёйилишига катта имкониятлар яратди. Ашока ўзининг илк ҳукмронлик пайтиданок буддавийликка эътиқод қила бошлади. У буддавийликка, монахларига, уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссионерлик ҳаракатларига хайрихоҳлик қилди. Улар ўз даъватлари асосида бирон-бир ерлик аҳоли ёки руҳонийлар томонидан қаршиликка учрасалар ҳам ҳеч қандай қарши ҳаракат қилмай, ўз йўлларида давом этганлар. Агар маҳаллий аҳоли томонидан ўзларига нисбатан хайрихоҳлик сезсалар, ўша ерга кўпроқ аҳамият бериб, уларни кўпроқ даъват қилишган.

Буддавийлик жамоалари ҳар қандай бошқа дин, маданият ва урф-одатлар камровида ёки аралашувда бир неча юз йиллаб ўзларини сақлаб қолиш ҳамда фурсат келганда уларга ўз таъсирларини ўтказиш қобилиятига эгадирлар. Уларнинг бу хусусиятлари Ҳиндистонда мусулмон ҳукмдорлар даврида, Шри-Ланкада португаллар, голландлар ва инглизлар мустамлакаси даврида, Хитой ва Япония конфуцийчилари даврида, Жануби-Шарқий Осиёга буддавийликнинг ёйилишида яққол намоён бўлган.

Буддавийликнинг махаяна йўналиши Хитойга милоднинг биринчи асрида кириб келган. III-VI асрларда буддавийлик Хитой ҳудудида кенг тарқалди. Бу вақтда пойтахт яқинидаги Лояна ҳамда Чанани каби шаҳарларда 180 га яқин будда ибодатхоналари ҳамда диний марказлар фаолият юритган.

Махаянанинг шаклланишида Кушон давлатининг роли катта бўлган. Мана шу ердан, Кушон давлатидан, айниқса, Канишканинг ҳукмронлик давридан сўнг буддавийликнинг махаяна йўналиши Шарқда, Марказий Осиёнинг давлат ва шаҳарларига тарқала бошлади. Буюк Ипак йўли орқали биринчи буддавийлик тарғиботчилари Хитойга келган эдилар. Кейинги буддавийлар буддавийликнинг Хитойда пайдо бўлиши ҳақида кўплаб ривоятлар ва афсоналар тўқиганлар. Бироқ Хитой манбаларида ҳам, буддавийлар ривоятларида ҳам Хитойдаги биринчи буддавий ҳақида бирор аниқ маълумот мавжуд эмас. Мазкур эслатмалар ичида машҳурроғи император Мин-Дининг

туши хақидаги хабар ҳисобланади. Айтилишича, у тушида олтиндан ясалган бир бут кўрган, унинг Будда эканлигини маслаҳатчиси Фуидан сўраб билгач, милоднинг 60-йилларида Будда хақида маълумотлар ҳамда диний матнлар келтириш учун Ҳиндистонга элчилар юборган. Шундан сўнг Хитойга Ҳиндистондан бир неча буддавийлик тарғиботчилари келиб, улар учун махсус қурилган “Баймаси” (оқ от ибодатхонаси)га жойлашган. Бироқ тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, бу каби ривоятлар илмий асосга эга эмас. Хитой худудига кириб келган биринчи буддавий ким эканлиги, қачон кириб келганлиги аниқ эмас.

Буддавийликнинг хитойлашуви ва кенг тарқалиш жараёни кийин ва мураккаб кечган. Буддавийликнинг илк ғоялари ва тарғиботчилари Хитойда пайдо бўлгандан бошлаб бир неча асргача унинг тарқалиш жараёни давом этди. Буддавийлик Хитой худудидида кенг ёйилиши билан алоҳида янги шакл ҳам касб этди. IV-V асрларда буддавийлик катта муваффақиятларга эришди. Ушбу таълимот ўлканинг жанубий вилоятларига янада чуқурроқ кириб борди. IV асрнинг охирида Шарқий Цзинь давлатининг ўзида 1786 та буддавийлик ибодатхонаси, 24 минг монах мавжуд бўлган. IV асрнинг ўрталарига келиб Хитойда аёллар ибодатхоналари, аёл монахлар ва тингловчилар пайдо бўлган. Сал ўтмай, IV асрнинг охирига бориб, подшоҳлар буддавийлик ибодатхоналарига тез-тез катта миқдордаги хайриялар берадиган бўлганлар. Хусусан, император Сяюу-ди 381 йил биринчи бўлиб ўзини буддавий деб эълон қилди ва ўз саройида ибодатхона барпо қилдириб, унга монах келтиришни буюрди. Ляо сулоласидан бўлган У-ди ҳокимлиги даврида (502-549) буддавийлик мамлакат жанубида расмий дин этиб эълон қилинган эди.

Шундай қилиб, буддавийлик милоддан аввалги 1 минг йиллик охирларида Шри-Ланка, Марказий Осиё ҳамда Олд Осиёни ўз ичига олган Кушон империясига кириб келди. Бизнинг диёримизда олиб борилган археологик қазилмалар асносида Ўратепа, Далварзинтепа, Қува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларидан топилган Шакьямуни санамлари, ҳайвон

хайкалчалари ва рамзий гилдираклар гувоҳлик беришича, Кушон империясида буддавийликка катта аҳамият берилган.

Буддавийлик милоднинг I асрида Хитой, IV асрда Корея, VI асрда Япония, VII асрда Тибет, XIII асрдан XVI асргача Монголия, XVII асрдан XVIII асргача Бурятия ва Тува, XIX-XX асрларда Америка ва Европа қитъаларига кириб борган.

Буддавийлик ўз таълимотида ҳеч қачон бошқа худоларга сифинишни тақиқламаган. Будда уларга ибодат қилиш инсонга вақтинча тасалли бериши мумкин, бироқ улар нирвана ҳолатига олиб бормайди деб айтган. Шу сабабли, буддавийлик таълимоти турли жойларда ёйилиши билан улар ибодат қилиб келган худолари ёки улуғланган шахслари тимсоллари ибодатхоналарни эгаллаган.

Масалан, Ҳиндистоннинг буддавийликка мансуб худолари “дунёни яратувчи Брахма”, “чакмоқ ва момақалди роқ худоси Индра”, “хунармандчилик ишлари худоси Хатиману”, Тибетда “Тибет эпоси қаҳрамони Басер” тимсоли, Мўғулистонда Чингизхон каби миллий пантеон буддавийлик илоҳлари сифатига айланди. Бироқ бу пантеонлар Нирвана ҳолатига олиб бормайди. Фақатгина Будда нирванага олиб боради ва инсонни қийноқдан қутқаради.

Буддавийлик таълимоти бир қатор девон шаклига келтирилган тўпламларда баён қилинган. Улардан энг асосийси Трипитака (ёки Типитака) – уч сават маъносини англатади. У уч қисмдан иборат бўлганлиги учун шундай ном билан аталган. Буддавийликнинг бу ёзма манбаси ҳозирги даврда Шри-Ланкада сақланиб қолган. Улар – будда тарғиботининг ҳақиқий баёни ҳисобланган сутра матнлари – Сутра-питака, роҳиблик ахлоқи ва хонақоҳлар низомларига бағишланган виная матнлари – Виная-питака, буддавийликнинг фалсафий ва психологик муаммоларини баён қилиб беришга бағишланган абхидхарма матнлари – Абхидхарма-питакадан иборат. Кейинчалик шаклланган санскрит, хитой, тибет, кхмер ва япон тилларидаги буддавийликка оид адабиётлар анча кенг тарқалган, аммо уларнинг тарихий қиймати камроқ. Будда ҳаётига тегишли ривоятларнинг барчаси Трипитакада жамланган.

**Буддавийликнинг  
Марказий Осиёга  
кириб келиши**

Буддавийлик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида янги эранинг бошларида ўрнашди. Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишканинг ҳукмронлиги даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Милоднинг биринчи асрида Амударё ҳавзаси бўйларида буддавийлик ҳукмрон дин саналган ва бу ерда араблар келишига қадар бошқа жойлардагига нисбатан узоқроқ вақт сақланиб турган.

Кушон подшоҳи Канишка буддавийлик динига эътиқод қилган. У зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарига кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик монастирлари (сангарама) ва мингта роҳиб бўлган.

V-VIII асрларда Эфталитлардан кейин буддавийлик Марказий Осиёда таназулга юз тутта бошлади.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, бактрияликлар санъатга ўз маданий анъаналарини олиб кирдилар.

Буддавийликда Будда таълимоти ва ҳаётининг ботиний моҳиятини ифодаловчи рамз-тисолларнинг бутун бошли бир тизими шакллантирилган. Кўпроқ тарқалгани Будда ва унинг таълимотини англатувчи гилдирак ёки ярқираб турувчи айлана тасвиридир.

Будданинг ҳаётий айланишлари босқичларини ифодаловчи хўкиз, шер, фил, от рамзлари кенг тарқалган (масалан, фил – Ер узра кўтарилган Будда рамзи).

Шунингдек, Будда тагида ўзининг илк ваъзларини айтган муқаддас Бодха дарахти тасвири ҳам буддавийликнинг бадиий-диний рамзи ҳисобланади. Архитектура мажмуаси ташкилоти буддавийликда қатъий қонунлар асосида амалга оширилган ва бўрттириб ишланган расмлар, ҳайкал, тасвирлар жойи ва характерини белгилаган.

XX асрнинг бошларидаёқ Амударёнинг ўнг қирғоғида буддавийликка оид кўп сонли тангалар, ҳайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликларни топганлар; кўпинча

улар қимматбаҳо металллар – олтин ёки қумушдан ясалган (одамлар ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари).

1927 йилда Шарқ маданиятлари музейи экспедицияси қадимий Термизни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ўтказиб, у ерда қатор грек-буддавийлик ёдгорликлари мавжудлигини аниқлади. Термиз археологик комплекс экспедициясининг (ТАКЭ) ишлари натижасида Қоратепа ва Чингизтепа баландликларида иккита йирик буддавийлик монастыри бўлганлиги аниқланди ва буддавийлик меъморчилиги ва ҳайкалларининг парчалари топилган ўнлаб жойлар қайд этилди.

Улар орасида Айритом шаҳарчаси алоҳида ўрин эгаллайди. У Термиздан 17 км. масофада, Термиздан Помиролди ўлкаларига кетаверишда, Амударёнинг қадимий кечуви яқинида, тик қирғоқнинг ўнг томонида жойлашган. Мазкур жойнинг ўрта асрга қадар даври ҳақидаги батафсил маълумотлар VII асрда яшаб ўтган Хитой зиёратчиси Сюань-Цзянь томонидан қолдирилган. Кўҳна шаҳар уч томони девор билан ўралган тепалик мавжуд ва тепалик теварагидаги қишлоқ қолдиқларидан иборат. Кўҳна шаҳарнинг шарқ тарафида афтидан буддавийлик ступасига ўхшаш минора шаклидаги хом ғиштдан қурилган бино жойлашган. Археологлар бу бинони буддавийлик монастыри деб ҳисоблайдилар. Бу монастыр ўз ичига ибодатхоналардан ташқари роҳиблар учун ётоқхона ва қатор хизмат хоналари, яъни ошхона, омборхоналарни олади.

Айритом монастырлар қишлоғига ҳиндистонлик қандайдир буддавийлик жамоаси аъзолари томонидан асос солинган бўлиши эҳтимол. Айритом монастыр қишлоғи ҳудудида мавжуд ишлаб чиқариш ҳунармандчилигидан кулолчилик, металл буюмлар ишлаш, идиш-товоқлар ишлаб чиқариш, мергель оҳактошдан меъморий деталлар ишлаш касблари аниқланди.

Айритомдаги ибодатхона буюмларидан қуйидагилар топилди: остида Будда нурланган дарахт рамзидаги беш қаватли лойдан ясалган чайтъя, у одатда диний маросимнинг идиши – реликварий устида бўлган ёки ступанинг сиртқи қисми бўлиб хизмат қилган; яна устида пальметта тасвирли гардиш ушлаган ўсмир ифодаланган тош топилган бўлиб, афтидан, у йигит донатор-ибодатхона хизматчиси бўлган; бодҳисатванинг



болаликдаги ўйинлари ҳақидаги хотиралар билан боғлиқ бўлган, буддавийларнинг сеvimли тасвири – лойдан ясалган қўй калласи; лойдан ясалган столчалар – диний маросим буюмлари учун поя ҳисобланиб, уларга Будданинг ўтирган ҳолдаги ҳайкал-намуналари қўйилган.

Қоратепа номи билан машҳур тепалик буддавийликнинг энг йирик руҳонийлар маркази ҳисобланган. Кушонлар даврида Қоратепа Термизнинг ташқи девори ҳимояси остида шаҳар ташқарисида жойлашган.

Буддавийлик тарқалган даврда қадимий этикодлар таъсирининг барқарорлиги ҳақида қўш аланга қуршовида ўтирган Будда тасвири гувоҳлик беради. Унинг ёнида IV-V асрларга тегишли бўлган ва тирнаб ёзилган бактрия ёзувида “буддамазда” сўзи ифодаланган.

1963 йилда Қоратепа шарқидан саксон метр нарида Фаёзтепа ибодатхона-монастири мажмуи очилди. Фаёзтепа бино режаси тўғри туртбурчакдан иборат алоҳида турган ступа шаклига эга. Бино учта тенг қисмларга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бири ички ҳовлига эга бўлган. Бир қисми, аслида яшаш хонасини ўз ичига олган монастир бўлган. Унда буддавий роҳиблар яшаганлар. Бундан ташқари бу ерда ёрдамчи хоналар бўлган. Иккинчи қисми – овқатланадиган хона, ошхона, нон ёпадиган хона. Учинчиси, ибодатхонага ўхшаган марказий хона. Деворлари хом гишт ва паҳсадан қурилган бўлиб, сомонли лой билан сувалган ва оқланган.

Ибодатхона тўртбурчакли ҳовлига эга бўлиб, унинг атрофига шу ҳовлига чиқувчи 19 та бино жойлашган. Ҳовлини барча тўрт девори бўйлаб супа қилинган бўлиб, улар муқаддас оҳак тошлари асосида қурилган устунларга суяниб турган айвон билан ёпилган. Ҳовли деворлари нақшлар билан қопланган. Хусусан, марказида ибодатхона тасвирланган жануби-ғарбий деворда роҳиб кийимидаги Будда чизилган бўлиб, унинг атрофини кичик Будда ҳайкалчалари ўраб турибди. Меҳроб деворлари ҳам ёзувлар билан қопланган. Деворлардан бирида иккита тик турган Будда суратлари тасвирланган бўлиб, уларнинг ҳар икки тарафига иккита аёл кўринишлари тасвирланган. Қарама-қарши деворда совға улашувчи эркаклар тасвирланган, бундан ташқари бошқа

мазмундаги суратлар ҳам мавжуд. Чизмаларнинг ўта қимматбаҳолигидан ташқари, Буддаларнинг бу жонли тасвири дунёдаги энг қадимги саналади. Улар милодий I-II асрларга тегишлидир.

1962 йилда Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа деган жойда буддавийлик ибодатхонаси, вино тайёрлаш қурилмалари, дафн қилиш жойи – наус топилган. Шаҳар ҳудудида кулол, хунарманд ва бой зодагон уйларининг қолдиқлари, шунингдек, машҳур олтин дафина ва фил суягидан ясалган шахмат доналари топилган.

Марказий Осиё ҳудудларида биринчи марта лойдан ясаиб яхши сақланган Будда тасвири, кўплаб ҳайкалчалар, безаклар, диний маросим буюмлари ва тангалар топилган, улар II аср охири III аср бошидаги буддавийлик ибодатхонасининг марказий бинолари ичида сақланган.

Бошқа биноларда катта миқдорда ҳайкалчалар бўлаклари, тақинчоқлар топилиб, уларнинг кўпчилигига олтин суви юритилган. Будда тасвирланган расм парчалари, кўплаб сопол идишлар, жумладан: деворларида қадимги юнон, ҳинд ёзувидаги брахма битиклари сақланган кўза қолдиқлари, чироқлари топилган.

1957 йилда Фарғона водийсидаги Қува шаҳри вайроналарида архитектура ва ҳайкалтарошликнинг ажойиб намунаси бўлган буддавийлик ибодатхонаси қолдиқлари топилган. Ушбу ашёвий далиллар Фарғона вилоятида VII асрда буддавийлик дини кенг тарқалганини тасдиқлайди. Ҳолбуки, бу даврда Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида зардуштийлик дини ҳукмрон бўлган.

1974 йилда Зартепада Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институтининг қазилар ишлари олиб борилиши натижасида буддавийлик ибодатхонаси топилган. Бу ерда Будданинг олтин суви юритилган ҳайкали ва иккита бронза шамдон топилган.

## **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Буддавийлик қандай тарихий жараёнда келиб чиқди?
2. Буддавийлик қандай таълимотни илгари суради?
3. Бу дин қачон ва қандай йўл билан Марказий Осиёга кириб келди?
4. Ўлкамизнинг қайси минтақаларида буддавийлик ёдгорликлари сақланган?

## **Муस्ताқил иш топшириқлари**

1. Будда ҳақида мавжуд афсоналарни солиштиринг.
2. Буддавийликка Ҳиндистоннинг бошқа динларининг таъсирини таҳлил қилинг.
3. Буддавийликнинг Марказий Осиёда эгаллаган мавқеи ҳақида маълумот беринг.
4. Хитойда буддавийликнинг пайдо бўлиши ва таракқиёти ҳақида илмий маъруза тайёрлаб курсдошларингизга тақдим қилинг.
5. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

## **Адабиётлар**

1. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
2. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
3. Низомиддинов Н. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари. – Т., 2010.
4. Васильев Л.С. История религий Востока. Учебное пособие для вузов. – 4-е изд. – М.: “Книжный дом “Университет”, 1999.
5. Корнеев В.И. Буддавийлик и общество в старанах Южной и Юго-Восточной Азии. – М., 1987.
6. Лысенко В.Г., Тереньев А.А., Шохин В.К. Ранняя буддийская философия. Философия джайнизма. – М., 1994.
7. Ставиский Б. Судьбы буддавийлика в Средней Азии. По данным археологии. – М. 1998.
8. Сузуки Д.Т. Основы дзен-буддавийлика. – Бишкек, 1993.
9. Фромм Э., Судзуки Д., Марино Р., де Дзен-буддавийлик и психоанализ. – М. 1995.
10. Щербатской Ф. Теория познания и логика по изучению позднейших буддавийов. – Части 1-2. – М, 1995.

## 9-МАВЗУ. ЯХУДИЙЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ, ТАЪЛИМОТИ ВА МАРОСИМЛАРИ

### Режа

1. Яҳудийлик (Иудаизм)нинг илк тарихи.
2. Яҳудийлик таълимоти.
3. Яҳудийлик манбалари.
4. Яҳудий маросим ва байрамлари.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                |             |
|----------------|-------------|
| 1. Иброний     | 6. Мусо     |
| 2. Танах       | 7. Исроил   |
| 3. Яхве        | 8. Куддус   |
| 4. Талмуд      | 9. Синагога |
| 5. Бану Исроил | 10. Мезуза  |

*Мавзу ўқув мақсади: Яҳудийлик динининг илк тарихи, кўзга кўринган намояндалари, пайғамбарлари, муқаддас манбалари, қадимий ва замонавий оқимлари ва уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари, яҳудийликнинг миллий дин сифатида шаклланиш сабаблари ҳақида талабаларга атрофлича маълумот бериш.*

### Яҳудийлик (Иудаизм)нинг илк тарихи

Яҳудийлик (Иудаизм) дини милоддан аввалги 2000 йилликларининг охирларида вужудга келган, якка худолик ғоясини тарғиб қилган диндир. У миллат дини бўлиб, фақат яҳудий халқига хос. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида, яҳудийлар бу сўзни сомиё тиллардаги ҳода, яъни “тавба қилмоқ, тавба қилганлар” сўзидан келиб чиққан, – деб даъво қилсаларда, аслида бу фикр нотўғри, деб яҳудийларнинг келиб чиқиши ҳақида тўхталиб ўтади. Яҳудий сўзининг келиб чиқиши Бану Исроил халқи устидан ҳукмронлик қилган Яъқуб пайғамбарнинг ўғли Яҳудо номидан олинган.

Ривоятларга кўра, Яъқуб пайғамбарнинг 12 та ўғиллари бўлиб, уларнинг тўртинчиси Яхудо эди. 12 та ўғилдан кейинчалик 12 та қабила тарқалди. Яхудо авлодлари бўлган яхудийлар бошқа қабилаларни ўзларига бўйсундирдилар. Шундан сўнг бу қабилаларнинг барчаси “яхудий” деб атала бошлади.

Яхудий халқининг яна бир номи Бану Исроилдир. Исроил сўзи Яъқуб пайғамбарнинг иккинчи номи бўлиб, “бани” – болалар маъносини беради. Яъни “Бану Исроил” – “Исроил авлодлари” маъносини беради. Яхудий халқига нисбатан “еврей” сўзи ҳам ишлатилади. Аммо у қадимий сомиё тилларида “ибрий” сўзининг ўзгарган шаклидир. Бу сўз “абара, яъбуру” – “кечиб ўтмоқ” феълидан келиб чиққан. Илк яхудий қабилалари Месопотамияда яшаган эдилар. Милоддан аввалги XV асрларда Иброҳим пайғамбар бошчилигида Дажла ва Фурот дарёларидан кечиб ўтганлар. Фаластинга келишда эса Урдун дарёсини кечиб ўтганлар. Шу сабабли ҳам ерли аҳоли уларни шу ном билан атагани ҳақида манбалар хабар беради.

Таврот, Инжил ва Қуръонда хабар берилишича Иброҳим пайғамбарнинг ўғли Исҳоқдан Яъқуб туғилган. Унинг 12 ўғлидан 11 чиси Юсуф пайғамбар эди. Бану Исроилнинг Мисрга кўчиб келишига у билан акалари ўртасида бўлиб ўтган воқеа сабаб бўлди. Бу воқеа Қуръони каримнинг Юсуф сурасида батафсил баён этилган. Юсуф қиссаси Қуръони каримда “энг гўзал қисса” деб номланган. Унда ёзилишича, Юсуф отасининг энг севимли фарзанди бўлиб, акалари унга ҳасад билан қарайдилар. Уни отадан узоқлаштириш мақсадида саҳродаги қудуққа ташлаганлар. Оталарига “Юсуфни бўри еди”, – деб хабар берадилар. Юсуфни эса бир қарвон қудуқдан чиқариб, Мисрга олиб кетган. У Мисрда подшоҳ саройида улғайди ва кейин Миср тахтига подшоҳ бўлди. Кейинчалик у ўз яқинлари – ота-онаси, ака-укаларини ҳам Мисрга олиб келган. Бану Исроил қавмининг Мисрга келиш қиссаси Тавротда ҳам учрайди.

Кейинчалик Миср фиръавни Бану Исроил қавмига зулм қилгач Мусо пайғамбар бошчилигида бу халқ яна Канъон (Фаластин) ерларига қайтдилар. Қуръонда яхудийлар ва Мусо

пайғамбар ҳақидаги воқеалар “Бақара”, “Тоҳо” ва бошқа сураларда батафсил баён қилинган.

### **Яҳудийлик таълимоти**

Яҳудийлик таълимоти тўрт нарсага асосланади:

1. Оламни яратувчи ягона худо Яҳвега имон келтириш. “Яҳве” сўзи “Худо, Парвардигор” маъносини билдиради. Тавротнинг “Чиқиш” китобида Худонинг Мусога айтган ушбу сўзи келтирилади: “Яҳве – ота-боболарингиз Иброҳим, Исҳоқ, Яъқубларнинг правардигори, у мени сизга юборди” (Чиқиш 3). Мил.авв. VI аср охирларида яҳудий руҳонийлари “Яҳве” сўзи ўрнига “Адонай” (раб, хожа) сўзини қўллашга буюрганлар. Фақат руҳонийларгина ибодат вақтида Яҳве номини тилга олганлар. Бошқа кишилар беҳудага унинг номини тилга олишлари мумкин эмас ҳисобланган.

Яҳудийлик таълимотига кўра, Яҳве оламларни яратишни якшанбада бошлаб жума куни тугатди, шанбада эса дам олди ва яҳудийларга ҳам шундай қилишни буюрди. Шанба куни яҳудийлик динида улуғ кун ҳисобланиб, ўта диндор яҳудийлар бу куни ҳеч қандай меҳнатга қўл урмайдилар.

2. Яҳудийлар Ер юзидаги халқларнинг “энг мумтози” ва у дунёда берилажак инъомларнинг энг ҳақлиси эканлиги ҳақидаги таълимот. Улар ўзларини Худо томонидан сайланган, муқаддас халқ эканини, яҳудийнинг руҳи Худонинг бир қисми ҳисобланишини даъво қиладилар.

3. Мессия-халоскорнинг келиб чиқиши ҳақидаги таълимот. Охирзамонда Яҳве яҳудийлар орасидан бир халоскорни чиқаради ва у қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) Дунёни қайтадан ислоҳ қилган ҳолда куриш.

2) Бутун яҳудийларни Синион (Қуддус яқинидаги тепалик) атрофида тўплаш.

3) Уларнинг барча душманларини жазолаш.

4) Охират кунига ишониш таълимоти.

Охират ҳақидаги тасаввурлар асосан Талмудда баён этилган. Яҳвега эътиқод қилганлар охиратда унинг томондан мукофотланадилар. Қонунларини бузганлар шафқатсиз жазоланадилар.

Яҳудийликда Мусо пайгамбар Тур тоғида Яҳве билан учрашганда Яҳве томонидан 10 та лавҳа туширилган деган таълимот мавжуд. Унда 10 та насиҳат бор эди. Улар “иккинчи қонун” китобида баён этилиб, яҳудийлар уларга риоя қилишлари диний мажбурият ҳисобланади. Улар қуйидагилардир:

1. Яҳведан бошқани илоҳ деб билмаслик;
2. Бут ва санамларга сизинмаслик;
3. Заруратсиз Худо номи билан қасам ичмаслик;
4. Шанба кунини ҳурмат қилиш ва уни худо учун бағишлаш;
5. Ота-онани ҳурмат қилиш;
6. Ноҳақ одам ўлдирмаслик;
7. Зино қилмаслик;
8. Ўғирлик қилмаслик;
9. Ёлғон гувоҳлик бермаслик;
10. Яқинларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик.

Муқаддас диний манба – Талмудда яҳудийлик маросимлари тизими баён этилган. Унда яҳудийлар амал қилиб, бажариши лозим бўлган 248 та буйруқ, 365 та тақиқ мавжуд. Улар яҳудийнинг овқатланиши, кийиниши, озодлиги, кун тартиби, ибодатлари, маросимлар ва байрамларга тааллуқли масалаларни қамраб олган.

Ҳар бир яҳудий ушбу буйруқ ва тақиқларга умри давомида риоя қилиши шарт. Масалан, яҳудий фарзанди туғилганининг саккизинчи куни хатна қилинади. Улар махсус қассоблар-шойихет томонидан диний қоидаларга мувофиқ сўйилган гўштларнигина истеъмол қиладилар. Кийиниш қоидалари эркакларга тегишли бўлиб, улар сидирға матодан узун қилиб тикилган кийим киядилар. Кийимнинг чўнтақлари белдан пастда жойлашиши лозим. Бошлари эса доимо ёпилган бўлиши лозим. Ибодат пайтида яҳудийлар махсус ибодат чойшаби “талес”ни елкаларига ташлаб оладилар. Унинг четларида 613 та тугун тугилган бўлиб. Бу нарса “248 та тақиқ ва 365 та буйруқни бажаришни елкамга оламан”, – деган маънони англатади.

### **Яҳудийлик манбалари**

Яҳудий динининг муқаддас манбаларидан бири Танах бўлиб, у милoddан аввалги XIII асрда Исроил халқини Мисрдан олиб

чикиб кетган Мусо пайгамбарга Тур тоғида берилган Тора (Таврот), Невиим (Пайгамбарлар) ва Кетувим (Китоблар) қисмларидан иборат. Иккинчи манба Танахдан кейинроқ пайдо бўлган ёзма манба – Талмуд. Мазкур икки манбани яҳудийлар “Китве кодеш” (Муқаддас китоблар) деб атайдилар.

Таврот Мусога тегишли бўлган беш китобни ўз ичига олади.

1) “Борлик” ёки “Ибтидо”

2) “Чиқиш”

3) “Левит”

4) “Сонлар”

5) “Иккинчи қонун”

Қадимий аҳднинг ичида обрўли қисми Таврот бўлиб, у христианлик анъанасига кўра “Тора” (таълимот) ҳисобланади. Ҳар иккала динда бу китоб Худонинг каломи деб эътиқод қилинади.

“Аҳд” сўзи Худонинг инсонлар билан тузган “аҳдномаси”ни англатади. Таврот ва Забур матни ибрий ва арамей (эски яҳудий) тилларида ёзилган. Уларда Сулаймон пайгамбарнинг маталлари, “Худо ярлақаган” Исроил халкининг тарихи баён қилинган.

“Ибтидо” мил.ав. 1400 йилларда Худонинг буйруғига кўра Мусо пайгамбар томонидан ёзилган. Унда худо оламни қандай яратгани, одамзотни гуноҳга ботгани, оқибатда оламга азоб ва ўлим келиши, халқларнинг жаҳонга тарқалиши тарихи, Одам ато, Момо Ҳаво, Ҳобил, Қобил, Ҳазрати Нух, Лут, Ибороҳим, Исҳок, Исмоил, Яъқуб, Юсуф, Фиръавн ва бошқа шахслар, тўфон, Бобил минораси, тиллар чатишуви, Садум ва Ҳаморанинг ҳароб бўлиши каби қадимий ҳодисалар ўрин олган.

“Чиқиш” китобида Мусо пайгамбарнинг туғилиши, ҳаёти, Миср Фиръавни томонидан қаттиқ зулмга тортилган яҳудийларни Яҳве амри билан озод этгани, унга Тур тоғида Яҳве томонидан ўнта “Васият” (заповедь-тақиқ)нинг берилиши баён этилган. Яҳудийларнинг ибодатлари, расм-русумларига таалуқли кўрсатмалар берилган.

“Левит” китоби турли-туман урф-одатлар ва диний маросимларга оид кўрсатмаларни ўз ичига олади. Унда худо йўлига қурбонлик қилиш, уни амалга ошириш тартиби, яҳудий халқга ҳайвон ва паррандалардан қайсиларининг гўштини



истеъмол қилиш ва истеъмол қилмаслик ҳақида кўрсатмалар берилган.

“Сонлар” китобида яҳудий халқнинг Мусо пайғамбар бошчилигида Мисрдан чиққанининг иккинчи куни уларга урушга яроқли барча эркакларнинг ҳисобини олишга буюрди. Китобда яҳудийларнинг Мисрдан чиққан Бану Исроил қавмининг Мусо пайғамбар билан кечирган ҳаётлари, тортган қийинчиликлари, олиб борган жанглари, қабила, уруғ авлодлари асосий намояндаларининг номлари баён этилган. Яхве Мусога жанглarda қўлга киритилган ўлжа ва асирларнинг ҳисобини олиш ва уларни қандай тақсимлаш борасида кўрсатмалар беради.

“Иккинчи қонун” китоби 34 бобдан иборат. 27, 31, 34 бобларидан ташқари қисмлари биринчи шахс номидан ёзилган. Библиядаги ривоятга кўра биринчи авлиё Хилкия номли шахс Иссия ибодатхонасида қонун китобини топган “Иккинчи қонун”нинг асоси ана шу қонун китоби ҳисобланади.

“Невиим” (Пайғамбарлар) китоби икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмга аввалги набийларнинг китоблари кирган бўлиб, улар: Исус, Навин, “Ҳукмлар”, Самуилнинг икки китоби ва иккита “Подшоҳлик”, Руф, Есфир, Ездра, Несмия, Паралифоминон китоблари; иккинчи қисмга кейинги пайғамбарлар китоблари кирган бўлиб, улар 3 та кичик пайғамбар Осия, Иоил, Амос, Авдий, Иона, Михей, Наум, Аввахум, Софония, Аггей, Захария, Малахияларнинг китобларидир.

“Кетувиим” (Китоблар) қисми “Забур”, “Қиссалар”, Иов китоби, Соломоннинг “Қўшиқлар қўшиқлари”, Руф китоби, “Иеремия йигиси”, Екклезиаст, Есфир, Даниил, Ездра китоблари ва солномалар китобини ўз ичига олади.

Милоднинг I-IV асрларида яҳудий давлатидаги иқтисодий-ижтимоий тушкунликлар халқ орасида руҳонийлар обрўсини ошириб, улар ўзларини Раввинлар (ҳазрат, жаноб) деб атадилар. Исроилда 66-70 йиллардаги кўзголонда халқни ҳалокатдан қутқариб қолган Иоан бен Закакаи Ўрта Ер денгизи бўйида яширинча “Явна” деган жойда диний мактаб очди. Мактаб Раввинлар таълимотини тарқатиш маркази бўлиб, Лидде, Сепфорис, Уш, Тивериадада мактаб – “академиялар” ташкил

этилди. Академиялар раҳбарлари “Наси” (князь ёки патриарх) деб аталган. Улар ўз худудларида фуқаролик ишлари бўйича ҳакамлик вазифаларини бажариб, яҳудийларнинг диний раҳбар, раҳнамоси эдилар.

“Наси”лар бошқарган мактабларда “Талмуд-хохомлар” (яҳудий диний қонунчилари) аввалги “Галаха” – яҳудий диний қонунларини шарҳлаш, янгиларини яратиш, Галахаларни системалаштириш ишлари билан шуғулланганлар. Галахалар узоқ вақт оғзаки равишда авлоддан авлодга ўтиб келган. Ҳозирги давргача етиб келган “Мишна” номли Галахалар тўплами III асрда яшаган “Иуда” номли патриарх томонидан ёзилган. Йиллар давомида Мишнага ўзгартишлар киритилиб, унга шарҳлар ёзилиб, у “Гемара” деб аталган. Мишна, Гемара, Галахалар ва уларнинг шарҳлари тўплами Талмудни ташкил этади.

Талмуд (*қад. яҳуд. Ламейд* – ўрганиш) милоддан аввалги IV асрларда вужудга келган бўлиб, яҳудийлик тарихида Тавротдан кейинроқ ёзма равишда юзага келган иккинчи муқаддас манба ҳисобланади. У аввалда оғзаки қонун, Таврот эса ёзма қонун деб юритилган. Талмуднинг Фаластин нусхаси III асрда, Вавилон нусхалари эса V асрда таҳрир қилинган. Унда яҳудийларнинг эсхатологик (яъни охират, қиёмат, марҳумларнинг тирилиши, охиратдаги ажрим ва ҳоказо) тасаввурлари, маросимлари, урф-одатлари аниқ баён этилган.

“Мидрашлар” – яҳудийларнинг яна бир диний манбасидир. У диний қонун-қоидалар тўплами бўлиб, ундан синагога (яҳудийлар ибодатхонаси) тарғиботларида фойдаланадилар.

Яҳудийликдаги оқимлар қадимий ва замонавий оқимларга бўлинади. Қадимий оқимларга садуккийлар, фарзийлар, ессеялар кирган. Замонавий оқимларга эса массонизм ва сионизм кирган.

“Садуккий”лар подшоҳ ва пайғамбар Довуд даврида яшаб, диний ишларда фақат Қонун (Мусонинг беш китоби) ни тан олганлар. Мазкур китобда охират, қайта тирилиш, қиёмат ҳақида ҳеч қандай маълумот келмагани сабабли улар ушбу ақидаларни инкор этадилар.

“Фарзий” яҳудий тилида “тушунтириш”, “ажратиб кўрсатиш” сўзидан олинди, улар Мусонинг қонунларини шарҳлаб, оддий одамларга ўргатганлар. Фарзийлар бошқа пайғамбарларнинг

муқаддас ёзувлари, урф-одатларини қабул қилиб, уларга амал қилиб овқатга, кийимга, қўллар ва баданларнинг озодалигига эътибор бериб, қиёматга, ўлганларнинг қайта тирилишига ишонганлар.

“Ессей”ларнинг ақидасига кўра яҳудийлар Худо талаб қилганидек яшашдан ортга чекина бошладилар. Уларга кўра, римликлар баъзи диний мансабларга Мусонинг Қонунига номувофиқ равишда муносиб бўлмаган шахсларни тайинлаган эдилар. Бундан ранжиган бир гуруҳ рухонийлар Қуддусда ибодат қилиш ва қурбонлик қилиш Қонунга тўғри келмай қолди деб ҳисоблаб, яҳудий саҳроларида ўз жамоаларини ташкил қиладилар. Уларни “ессейлар” деб атадилар. Ессейлар Худо томонидан юбориладиган халоскор – Мессиянинг келиши ва Қуддусни тозалашини кутиб, ибодат қилиб яшай бошладилар.

“Сионизм” сўзи Қуддусдаги Сион тоғи номидан олиниб, австралиялик яҳудий журналист Т. Герльцнинг “Яҳудийлар давлати” рисоласи асосида XIX аср охирларида тузилиб, раввинлар томонидан қўллаб-қувватланган сиёсий оқим сифатида яҳудий динидан фойдаланади. Оқимнинг мақсади – яҳудийларнинг худо томонидан танланган мумтоз халқ эканини тарғиб этиш ва уларнинг ўзлари яшаб турган турли ўлкалардан чиқиб, Фаластинда “миллий бирлашиш”га эришиш эди. Сионизм “Жаҳон яҳудий миллати” – “Олий миллат” ғояларини илгари суради.

Яҳудий илоҳиётчилар орасида яҳудий динини ислоҳ қилиш ва уни ўрта асрлардаги ҳолатига қайтариш тарафдорлари кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг фикрича, динни танқид қилиш унинг таъсир кучини камайтиради. Шунинг учун диннинг ўзи қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш деган фикр тарафдорлари яҳудий рухонийлари орасида ва Исроил давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган. Улар ўзларини “Қайта қурувчилар” деб атайдилар.

**Яҳудий маросим ва байрамлари**

Яҳудийлар бир неча расм-русумларни ижро этадилар. Улар йиллик, кундалик ибодатлар, байрамлар, маросимлардан иборат. Ибодат уйда ёки синагогада амалга оширилиши мумкин.

Синагоганинг шаркий томонида Торанинг нусхалари сақланадиган сандик ва раввин учун минбар қўйилган. Аёллар эркаклардан алоҳида ибодат қилишиб, синагогада ибодат хор шаклида олиб борилади.

Янги туғилган ўғил болалар саккизинчи куни хатна қилинади. Яҳудийликда бир неча хил озик-овқат, чўчка, куён, қўшоёқ, туя, яхлит туёқлилар, ўлансахўр қушлар каби баъзи ҳайвон гўштларини ейиш тақиқланади.

Яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичида эътиборлиси Пейсах (Пасха) байрамидир. У христианлар пасхасидан фарқ қилиб, яҳудийларнинг Мисрдаги қулликдан қутилиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Қадимий яҳудийларда “Пасха” деб кўзичок гўшти ва винодан иборат кечки овқатга айтилган. Худо Мисрдаги яҳудий бўлмаганларнинг гўдақларини қириб ташлашга қарор қилганда улар ўз уйларининг пештоқини қон билан бўяб ўзларини яҳудий эканликларини билдирганлар.

Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида яҳудийлар тузсиз, хамиртурушсиз патир-маца ейдилар. Мацани ейиш билан ҳар бир яҳудий Мусо бошчилигидаги ота-боболарининг чеккан машаққатларини хис этиб, байрам яҳудийларнинг куёш-ой календари бўйича Найсон (апрель) ойининг 14 куни нишонланади.

Пасханинг 50-куни яҳудийлар Шабуот ёки Шевуот деҳқончилик байрамини нишонлаб, кейинчалик бу байрам Синай тоғида Мусога худо томонидан Торани берилишини нишонлаб ўтказиладиган байрамга айланган. У яҳудий тақвими бўйича Сивона ойининг 6-7 кунлари нишонланади.

Яҳудий тақвими бўйича Тишрий (сентябрь охири-октябрь бошлари) ойининг 1-2-кунлари янги йил байрами “Рош-Ашона” (ёки “Рош-ха-шана”) нишонланади. У покланиш байрами бўлиб, яҳудийлар қурбонлик қилинган кўчқор шоҳидан ясалган сурнайларни чалиб, чўнтақларини яхшилаб қоқадилар.

Тишри ойининг 9-куни гуноҳлардан покланиш байрами Йом-Кипур нишонланади. Рош-Ашона ва Йом-Кипур байрамлари ўртасида яҳудийлар рўза тутадилар. Рўзада улар ювинмайдилар, ялангоёқ, эски-туски кийимларга ўраниб юриб, синагогада надоматлар билан йиглаб, тавба қиладилар.

Пурим (куръа) байрами яхудий байрамларининг ичида энг кувноги хисобланиб, у яхудийларни кириб ташламоқчи бўлган Форс подшоҳи Ҳомон зулмидан кутулганликлари шарафига баҳорда нишонланади. Уларни Ҳомондан ўз амакиси Мардехай тарбиялаган Есфир исмли қизча қутқарган. Яхудийлар бу куни “Ҳомонга лаънатлар бўлсин”, “Мардехайга Худонинг раҳматлари ёғилсин”, -деб қичкирадилар.

### **Марказий Осиёда яхудийлар**

Яхудийлар Марказий Осиёга қадим замонлардан кўчиб келганликлари ҳақида ривоятлар мавжуд. Ривоятларга кўра улар Эрон орқали Марказий Осиёга кириб келганлар. Улар милоддан аввалги VIII асрларда Ассурия кувгинлари пайтида Эронга кўчиб кела бошлаганлар. Баъзи яхудийлар Исроилни тарк этиб, Миср, Эрон ўлкаларида бошпана топганлар. Форсларнинг Марказий Осиёга босқини натижасида яхудийлар ҳам кўчиб кела бошлаганлар. Улар II асрда Сўғд давлати даврида Марв шаҳрига келиб, у ердан Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд шаҳарларига тарқалиб, форсий лаҳжалардан бирида сўзлашганлар.

1165 йилдаги маълумотларга кўра, ўша вақтда Самарқандда 30 мингга яқин яхудий миллатига мансуб кишилар яшаган.

Яхудийларнинг ҳаёт тарзлари, урф-одатлари қадимий яхудий, форс ва маҳаллий-Марказий Осиё маданиятларининг қоришмасидан иборат. XVIII асрнинг бошларида Марказий Осиёда юз берган сиёсий жараёнлар натижасида яхудийлар Эрон, Афғонистон, Хива, Қўқон, Бухоро жамоаларига бўлиниб кетган. Яхудийлар Бухоро шаҳри атрофида яшаганликлари туфайли “Бухоро яхудийлари” номи билан танилдилар.

Яхудийлик миллат дини бўлгани учун яхудийлар қаерда бўлмасин ўқийдиган китоби Таврот, эътиқод дини ягона бўлиб қолаверади.

Яхудийлар аҳоли кам, тинч жойларда яшаганлар, улар Самарқандда кўпроқ яшаганлар. Эрон шоҳи Нодиршоҳ XVIII асрнинг ўрталарида Самарқандга босқинида унинг лашкарлари турклар, лазгинлар, афғонлар, эронийлар, яхудийлардан бўлгани ҳақида манбалар хабар беради. Улар Самарқанднинг Шоҳ-Кам, Чор-Рага, Навадон, Қўшховуз гузарларида яшаганлар. Нодиршоҳ

даврида Бухоро ҳукумати яҳудийларга нисбатан яхши муомалада бўлган.

Яҳудийлар бир мавзегга жам бўлиб яшашни хоҳлардилар. 1843 йилда маҳаллий яҳудийларга Самарқанд шаҳридан 2,5 гектар жойни 10 минг кумуш тангага сотиш ҳақидаги шартнома тузилди. Яҳудийлардан 32 киши шартномани имзолаб, давлат унинг ҳақиқийлигини тўрт муҳр билан тасдиқлади. Бу биринчи яҳудий маҳалласи эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда яҳудий жамоалари ҳам бошқа миллат ва конфессия вакиллари қаторида ўз миллий, диний урф-одат ва амалларини бажариш имкониятига эга бўлдилар. Ҳозир Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида яҳудийларнинг миллий маданий марказлари ва Республиканинг 4 та ҳудудий тузилмасида 8 та синагога фаолият кўрсатмоқда.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Яҳудийлик дини қайси вақтда вужудга келган?
2. Яҳудийлик динининг муқаддас китоблари қайсилар?
3. Яҳудийлик динининг асосий таълимоти нималардан иборат?
4. Яҳудийлар Марказий Осиёдаги фаолиятлари, турмушлари ҳақида нималар биласиз?

### **Мустақил иш топшириқлари**

1. Яҳудийлик манбалари ҳақида гапириб беринг.
2. Мазкур диннинг келиб чиқиши ҳақидаги яҳудий, христиан ва ислом динларидаги ривоятларни таҳлил қилинг.
3. Қадимги ва замонавий яҳудий оқимлари ҳақида реферат тайёрланг.
4. Марказий Осиёда яҳудийлик ва Бухоро яҳудийлари мавзусида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

## Адабиётлар

1. Беруний Абу Райхон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб. – Т., 1973.
2. Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
4. Кон-Щербок Д., Кон-Щербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. – М., 1995.
5. Мюллер М., Вундт В. От слова к вере. Миф и религия (История религии). – М.: Изд-во Эксмо; Санкт-Петербург: Terra Fantastica, 2002.
6. Пилкингтон С. Иудаизм / Пер. с англ. Е.Г.Богдановой. – М.: Фаир-Пресс, 2000.
7. Религиоведение. Хрестоматия / Пер. с англ., нем., фр. Сост. и общ. ред. А.Н.Красникова. – М.: Книжный дом “Университет”, 2000.
8. Религиоведение: хрестоматия / сост. В.Б.Рожковский, Д.Л.Устименко. – Ростов на Дону: Феникс, 2009.
9. Тора (Пятикнижие Моисеево). / Под. общ. ред. проф. Г.Брановера. – Иерусалим, Москва: Шамир, 1993.

## 10-МАВЗУ. ХРИСТИАНЛИК ТАРИХИ, ТАЪЛИМОТИ ВА МАРОСИМЛАРИ

### Режа

1. Христианлик тарихи.
2. Христианлик таълимоти.
3. Христианлик маросимлари.

### Таянч сўз ва атамалар

- |              |                      |
|--------------|----------------------|
| 1. Исо Масих | 6. Ҳаворий (Апостол) |
| 2. Библия    | 7. Собор             |
| 3. Байтлаҳм  | 8. Эътиқод тимсоли   |
| 4. Мессия    | 9. Черков            |
| 5. Янги Аҳд  | 10. Хоч              |

*Мавзу ўқув мақсади: Христианлик динининг тарихи, Исо Масих ва унинг ҳаворийлари фаолиятлари, таълимоти, кўзга кўринган намояндалари, муқаддас китоблари, диний урф-одатлари ҳақида талабаларга атрофлича маълумот бериш.*

### Христианлик тарихи

Милодий йил ҳисобининг бошланиши христианлик тарихи билан боғлиқ. Чунки ушбу ҳисоб христианлик манбаларида Исо Масих (Исус Христос) нинг туғилишидан бошланган деб ҳисобланади. Исо Масих ҳақидаги бирламчи хабарлар асосан диний манбаларда келади.

Ҳозирги кунда христианлик жаҳон динларидан бири ҳисобланади. У эътиқод қилувчиларининг сонига кўра бошқа жаҳон динлари (буддавийлик ва ислом) орасида энг йириги ҳисобланади. Христианликка эътиқод қилувчиларнинг сони 1 млрд. 600 млн. бўлиб, бу сон дунё аҳолисининг деярли учдан бирига тўғри келади. Христианлик ҳозирги кунда кўпроқ Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия қитъаларида ҳамда қисман Африка ва Осиё қитъаларида тарқалган.

Христианлик милонинг бошида Рим империясининг шарқий қисмида Фаластин ерларида вужудга келди. Библиянинг хабар беришига кўра, Исо Масих Рим империяси ташкил топганининг



747 йили Фаластиннинг Назарет қишлоғида бокира қиз Марямдан Худонинг амри билан дунёга келди. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масихнинг дунёга келиши билан боғлиқ.

Худди шу даврда яҳудийлар ўртасида кутилаётган халоскорнинг келиши яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлди. Улар халқни кутилаётган халоскор келишига тайёрлаш учун чиққан эдилар. Шунда Исо Масих яҳудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солди. Яҳудийлар уни ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилдилар. Исо Масихни 33 ёшида фитначилиқда айблаб қатл этишга ҳукм қилдилар.

Диний бўлмаган манбаларда Исонинг номи учрамаганлигини назарда тутиб, у тарихий эмас, балки афсонавий шахсдир дегувчилар ҳам бор.

Исо номига қўшилувчи Масих сўзи қадимий яҳудий тили - ивритдаги “мошиах” сўздан олинган бўлиб, “силанган” ёки “сийланган” маъноларини беради. Грекчада бу сўз “христос” (“christos”) шаклига эга. Бу диннинг “христианлик” ёки “масихийлик” деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ.

Манбаларнинг хабар беришича, христианлик яҳудий муҳитида юзага келган. Бу эса христианликнинг яҳудийликдан кўп жиҳатдан таъсирланишига сабаб бўлди. Христианликнинг асосий ғояси – Исо одамзоднинг халоскори “мессия” экани яҳудийликда мавжуд бўлиб, охирзамонга яқин қолганда қайтиб келиши кутилаётган халоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққан.

Кейинчалик бу таълимот Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки хил – одам ва худо моҳияти ҳақида “гуноҳни ювиш”, яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик Ота-Худо, Ўғил-Худо ва Муқаддас Рух – Уч қиёфали Худо (Троица – Trinity) тўғрисидаги таълимотни, жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Библия яҳудийлик ва христианлик динлари таълимотига кўра, у Худо томонидан нозил қилинган, асосий диний ақида ва ахлоқ қонунларини ўзида жамлаган муқаддас китоблар мажмуасидир.

Библия (biblia) сўзи грек тилида “китоб”, “ўрам” маъноларини англатади. Ҳозирги Библия католик нашрларида 72 та китобдан, протестант нашрларида эса 66 китобдан иборат. Яҳудийларнинг яна бир диний манбаси Талмуднинг хабар беришича, Қадимий аҳдда 24 та китоб бўлиши керак. Қадимий яҳудий тарихчиси Иосиф Флавийнинг айтишича, 22 та китоб бўлиши керак. Протестантлар ва яҳудийлар, Тридент Соборидан кейин (1545-1563), католиклар ҳам қадимий аҳд таркибига 45 та китоб киргизадилар. Бу сон билан юқорида келтирилган сон ўртасидаги тафовутни кейинчалик баъзи китоблар бир неча мустақил китобларга бўлиниб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, “Мусонинг беш китоби” аввал бир бутун бўлиб, кейинчалик бешта мустақил китобга ажратиб юборилган, “кичик пайғамбарлар китоби” 12 китобга ажратиб юборилган.

“Инжил” сўзи юнонча “эвангелион” сўзидан келиб чиққан бўлиб, хушxabар маъносини англатади. Унда одамзодни кутқарувчи ягона Нажоткор ҳисобланмиш Исо Масихнинг Ер юзига юборилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Инжил милоднинг биринчи асрида ёзилган, 27 бўлимдан иборат. Инжил Исо Масихни кўриб, уни яқиндан билган, унинг таълимотини синчиклаб ўрганган муаллифлар томонидан ёзилган.

### **Христианлик таълимоти**

Христианлик ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳ – уч кўринишга эга худо тўғрисидаги таълимотни, жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Христиан жамоасининг шаклланиши, унинг ақидаларини тартибга солиниши, черков муносабатларининг ишлаб чиқилиши, диний табақалар тузумининг вужудга келиши милоднинг IV асри бошларида 324 йили христианлик Рим империясида давлат дини деб эълон қилинганидан сўнг амалга ошди.

325 йили тарихда биринчи марта Рим императори Лициния Никея шаҳрида I Бутун Олам Христиан Соборини чақирди. Унда пасхани байрам қилиш вақти белгиланган, 381 йили Константинополда II Бутун Олам Христиан Собори бўлиб ўтди.

II Жаҳон собори “троица” ҳақидаги қондани ишлаб чиққан ва “эътиқод тимсоли”ни қонунлаштирган. Константинополь патриархи Рим патриархи каби барча бошқа епископларга нисбатан имтиёзларга эга деган қондани киритган. Бу соборда қабул қилинган “эътиқод тимсоли” 12 қисмда ифодаланди:

- Биринчи қисмда оламни яратган Худо ҳақида;
- Иккинчи қисмда христианликда Худонинг ўғли ҳисобланган Иисус Христосга имон келтириш ҳақида;
- Учинчи қисмда илоҳий мужассамлашув ҳақида сўз юритилиб, унга кўра, Исо Худо бўла туриб, бокира Биби Марямдан туғилган ва инсон қиёфасига кирганлиги ҳақида;
- Тўртинчи қисмда Исонинг азоб-уқубатлари ва ўлими ҳақида сўз кетади. Бу гуноҳларнинг кечирилиши ҳақидаги ақидадир. Бунда Исонинг тортган азоблари ва ўлими туфайли Худо томонидан инсониятнинг барча гуноҳлари кечирилади деб эътиқод қилиниши ҳақида;
- Бешинчи қисмда Исонинг хочга михланганидан сўнг уч кун ўтиб қайта тирилганлиги ҳақида;
- Олтинчи қисмда Исонинг мерожии ҳақида;
- Еттинчи қисмда Исонинг нузули (иккинчи маротаба ерга қайтиши) ҳақида;
- Саккизинчи қисм Муқаддас Рухга имон келтириш ҳақида;
- Тўққизинчи қисм черковга муносабат ҳақида;
- Ўнинчи қисмда чўқинтиришнинг гуноҳлардан фориғ қилиши ҳақида;
- Ўн биринчи қисм ўлганларнинг оммавий тирилиши ҳақида;
- Ўн иккинчи қисмда абадий ҳаёт ҳақида сўз юритилади.

Христианликнинг бундан кейинги фалсафий ва назарий ривожиди авлиё Августиннинг таълимоти катта аҳамият касб этди. V аср бўсағасида у диннинг билимдан афзал эканлигини тарғиб қила бошлади. Унинг таълимотига кўра, борлиқ инсон акли билишга ожизлик қиладиган ҳодисадир, чунки унинг ортида улуғ ва қудратли Яратувчининг иродаси яширинган.

Авлиё Августиннинг тақдир ҳақидаги таълимотида айтилишича, Худога имон келтирган ҳар бир киши нажот

топганлар сафидан ўрин эгаллаши мумкин, чунки имон тақдир тақозосидир.

Христиан черковининг Католик ва Православ черковларига ажралиб кетиши Рим папаси ва Истанбул Патриархининг христиан оламида етакчилик учун олиб борган рақобати оқибатида вужудга келди. Ажралиш жараёни Рим империясининг ғарбий ва шарқий тафовутлари ўсиб чуқурлашиб бораётган жараёнлардаёқ бошланган эди. 867 йиллар орасида Папа Николай ва Истанбул патриархи Фетий орасида узил-кесил ажралиш рўй берди ва бу ажралиш 1054 йили расман тан олинди.

XVI аср бошларида католикликдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракатлари вужудга келди. Бунинг доирасида лютеранлик, баптизм, англиканлик ва кальвинизм черковлари шаклланди.

### **Христианлик маросимлари**

Христианликда сирли маросимлар (таинства) катта ўрин эгаллайди. Черков таълимотига кўра, бундай пайтларда Худо томонидан диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлади. Уларнинг “сирли маросим” деб аталишига сабаб христианлик ақидасига кўра бу амаллар бажарилаётган вақтда Муқаддас Рух ҳам қатнашади. Бу маросим ва байрамлар барча христиан йўналишларида мавжуд, фақат уларни амалга ошириш шакли ва ўтказилиш вақти турлича.

**Чўқинтириш (крещение – сувга ботириш).** Христианлик таълимотига кўра, чўқинтириш орқали киши динга қабул қилинади, яъни черков аъзосига айланади.

Бу маросим инсонни уч мартаба сувга ботириш ёки бошидан сув куйиш билан бирга, руҳоний томонидан махсус сўзларни айтиш орқали амалга оширилади. Инжилга кўра, чўқинтириш ва Муқаддас руҳнинг келиши осмондан тугилишнинг махсус шартларидан биридир. Унинг асоси сифатида Инжилдан мисоллар келтирилади: “Исо жавоб берди: “Сенга тўғриси айтмай, агар ким сувдан ва Рухдан тугилмас экан, Худо салтанатига кирмайди” (Иоанндан, 3:5).

Сувга ботириш маросими биринчи бўлиб Иоанн томонидан амалиётда қўлланган. Шу каби амалиёт Тавротда айтиб ўтилган “прозема”, яъни “бутпарастларни динга киритиш маросими”га ўхшаб кетади. Унда эркаклар динга кириши учун хатна қилиниши керак бўлса, аёллар учун эса фақат диний ритуални бажариш маросими шарт қилинган.

Христианликнинг ҳар бир йўналишида чўқинтириш маросими турлича талқин этилади. Православ ва католик черковларида чўқинтириш сирли маросим сифатида эътироф этилади. Бу ходиса Иоанн чўқинтирувчининг фаолияти яъни Иордан дарёсида унинг олдига келувчи инсонларни сувда тозаланиши, ёмон иллатларни қайта қилмасликлари, Масихни тоза қалб билан кутиб олиш мақсадида амалга оширилган. Масих келишини Иоанн тарғиб қилган, черков нуктаи назаридан чўқинтириш пайтида инсон ҳаётда шахвоний жиҳатдан ўлиб, Муқаддас Рух томонидан маънавий ҳаётга қайта тирилтирилади деган ақида мавжуд. Маросим вақтида инсон нафақат барча қилган гуноҳларидан покланади, шу жумладан, гуноҳларидан маънавий фориг бўлади.

Сув ёрдамида “ўлдириш, жонсизлантириш” – мавжуд бўлган кусурлардан тозаланиш ҳисобланади. Албатта у мутлақ покланиш бўлмасада, тўхтовсиз ёвузликни, ёмонликни тўхтатади, деб таъкидланади. Рим номаларида бу ҳақда шундай ёзилади: “Чўқинтирилаётган Исо билан бирга ўлиб, у билан бирга абадий ҳаётда тирилади. Шундай қилиб биз чўқинтирилиб у билан биргаликда ўлимга дафн қилиндик, зероки Ота номи билан Исо ўликлардан тирилгани каби, биз ҳам янгиланган ҳаётда яшаймиз” (Рим, 6:4).

Чўқинишдан сўнг инсон гуноҳ ишларни қилса у Худонинг марҳаматидан воз кечган бўлади: “Агар Худони англаб, бизнинг халоскоримиз Исони тан олиб туриб, эски йилларига, эски холатига қайтсалар, бунинг охири аввалгидан ҳам оғирроқдир” (2 Петр, 2:20).

Чўқинтириш маросими христиан динининг энг муҳим ва асосий маросимларидан биридир. Бу маросим асосан черковда ўтказилади. Христианлар эътиқодига кўра, инсон туғма гуноҳкор бўлиб туғилади ва ундан фориг бўлиш учун муқаддас сув

ёрдамида покланади. Шундан сўнг покланган бола черков аъзолигига қабул қилинади.

Чўқинтиришга ўхшаган маросим қадимги Ҳиндистон, Рим, Миср, Кичик Осиё ва бошқа давлатлар ҳудудларида яшаган халқлар орасида ҳам мавжуд бўлган. Христианликда чўқинтириш маросими милоднинг I асри охирида пайдо бўлган. IV асрда биринчи христиан жаҳон соборининг қарорига мувофиқ, бу маросим ҳар бир христиан учун мажбурий деб эътироф этилган ва “эътиқод рамзи” сифатида қабул қилинган. Шу вақтдан бошлаб “чўқинтирилган” сўзи “христиан” деган сўз билан тенг маъно касб эта бошлаган.

Христианлар бошқа диндаги ҳамма кишиларни “чўқинмаганлар” (“Исони танимаганлар”) деб атай бошлаганлар. Чўқинтириш маросимини тартибга солиш мақсадида Қадимги Карфаген черкови ишлаб чиққан 124 қондан бирида ушбу нормалар белгиланган: “Гўдаклар ва янги туғилган чақалокларни чўқинтирмаганларга лаънат бўлсин”.

Правослов йўналишида чўқинтириш маросими асосан янги туғилган чақалокқа ўтказилади. Ота-она ўз фарзандларининг диний билимига масъул бўлиб, чўқинтирилаётган бола эътиқодига кафил ҳисобланадилар. Чўқинтирилаётган бола ўғил бўлса, уни эркак киши кўтаради, агарда қиз бўлса, аёл киши томонидан амалга оширилади. Бу ҳолатда роҳиб ота-она вазифасини бажара олмайди. Қадимда чўқинтириш маросимини вояга етганлар қалбан ҳис қилгандагина ўтказилган.

Христианликнинг илк даврида баъзилар гўдакларни гуноҳсиз деб билиб, агар оламдан ўтса жаннатга тушади, шу сабабли уларни гўдакликда чўқинтириш шарт эмас деб ҳисоблаганлар. Бошқалар эса болани чўқинтириш лозимлигини такидлаганлар. Кўп инсонлар чўқинтириш маросимини жуда ҳам ортга сурганлар. Баъзилар ўлими олдидан бу маросимни ўтказганлар. Токи улар умр мобайнида қилиб ўтган гуноҳларидан шу йўл билан покланиб кетмоқчи бўлар эдилар. Шунинг учун черков бу анъанага қарши чиқиб, гўдак туғилган кундан бошлаб саккиз кун ичида бу маросимни бажариш лозимлигини талаб даражасига кўтарган.

**Евхаристия** (*юн.* нон ва шароб тотиш маросими) христианликдаги энг муҳим маросимлардан иккинчиси. Рус тилида бу маросим “Причастие” деб номланади. Юнон тилида “Евхаристия” деб аталадиган мазкур маросим, хочга михланишдан олдин Исонинг хаворийлар билан бирга тановул қилган энг охири кечки овқат хотираси, сифатида эътиқод қилинади. Бу кеча тановул кечаси ҳам деб аталади. Авлиё Павел кейинчалик бу ҳодисани шарҳлаб берган. Черков эса уни маросим ҳолига келтирган. Дахлаб йилда бир марта амалга оширилгани ҳолда, кейинчалик ҳар ҳафтада қилинадиган бўлган. Қадим христианлар, “евхаристия”ни қурбонлик сифатида билганлар. Бугун ҳам черковларда амалга оширилувчи евхаристия маросимида берилувчи нон ва шаробни қурбонлик сифатида еб-ичадилар.

Христианлар нон билан шаробни тановул қилар эканлар, бу билан улар Исонинг танаси ва қонини татиб кўрдик, энди худога яқинроқ бўлдик, деб ҳисоблайдилар. Бу маросим эрталаб ёки тушқи ибодатда асосий ўринни эгаллайди.

Бугунги кунда евхаристия черковда якшанба куни амалга оширилади. Бу маросим борасида йўналишлар орасида, минтақа ва маданиятлардан келиб чиқиб фарқли баъзи бир жиҳатлар мавжуд. Жумладан, католикларда мазкур маросимда яқин-яқинларгача фақат руҳонийларгина ҳам нон ҳам вино истеъмол қилишган. Оддий инсонлар (“миряне”) фақатгина нон билан покланишган. Православ ва протестант йўналишларида эса бу борада руҳонийлар ва оддий инсонлар фарқланмайди. Шунингдек, йўналишлар орасида нон ва винонинг таркиби борасида ҳам фарқлар кузатилади. Масалан, католик ва протестантларда муқаддас нон хамиртурушсиз ҳамда вино сув қўшилмаган ҳолда бўлади. Православларда эса, аксинча, нон хамиртурушли ва винога сув қўшилган бўлади.

**Конфирмация** (*юн.* миро мойи суртиш маросими; русчада – миропомазание). Зайтун ёғидан тайёрланган муқаддас мой суртиш сирли маросимлардан бири бўлиб хаворийлар даврида йўлга қўйилган.

Миро мойи – (*юн.* – хушбўй мой) черков епископи томонидан олий навли зайтун ёғига оқ узум виноси, атиргул япроқлари,

бинафша, занжабил илдизлари, мускат, атиргул, чиннигул ва лимон мойлари каби маҳсулотларни қўшиб кайнатиш орқали тайёрланади.

Чўқинтирилган боланинг, муқаддаслаштирилган ёғ (хушбўй миро мойи) билан, вужудининг турли жойларига суртиш маросими. У Шарқ черковларида чўқинтирилгандан дарҳол кейин, Ғарб черковларида эса кейинроқ қилинади. Православларда чўқинтириш билан конфирмация орасида яқин бир боғлиқлик бўлганлиги учун уларнинг кетма-кет қилиниши афзал, деб билинади. Католикларда эса, мазкур маросим бола саккиз ёшга тўлгачгина амалга оширилади. Бунда, миро суртилаётган кишининг пешона, ёноқ, оғиз қисми, елкалари ва қорнига хоч шаклида сурилади. Протестант йўналишлари эса мазкур маросимни ё умуман рад этадилар, ё бўлмаса уни “сирли” деб тан олмайдилар.

Миро мойи тайёрлаш черковнинг махсус ички маросимларидан ҳисобланиб, уни тайёрлаш ҳуқуқига фақат епископлар эга. Православликда, миро тайёрлаш имкониятига эга бўлган черковларгина автокефаллик мақомини олиши мумкин.

Миро суртилган бола, черковнинг бу иш учун ажратилган жойига олиб борилади. У ерда унга конфирмация нони едирилади. Ея олмас даражада кичик бўлса, лабларига теккизилади. Шундай қилиб у, черковнинг бир аъзосига айланади.

**Тавба-тазарру қилиш маросими.** Бунда инсон ўзи қилган гуноҳларига иқрор бўлиши, кейинчалик шу гуноҳларни қилмаслик учун мағфират сўраши лозим. Бу христианликда кенг ёйилган гуноҳларни эътироф қилиш маросими ҳисобланади. Бу маросим, асосан гуноҳ қилиш орқали йўқолган чўқинтириш иноятини қайта қўлга киритиш учун қилинади. Бунинг асоси сифатида Библияда келтирилган куйидаги матнлар олингандир: “Хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак бўлсин қандайдир гуноҳ содир этган бўлса, истиғфор айтиб, гуноҳларига тавба қилсин” (Сонлар, 5:5,6).

Бу маросимнинг асосий моҳияти диндор черковга келиб, қилган гуноҳлари учун тавба қилади, яъни руҳонийга ўзининг ҳамма гуноҳларини батафсил сўзлаб беради, хаттоки, қалби



тубидаги яширин сирларини ҳам руҳоний “ота”га сўзлаб беради. Черков номидан гуноҳларни кечириш ҳуқуқига эга бўлган руҳоний унинг гуноҳларидан ўтади ва унга насиҳат қилиб, уни тўғри йўлга солади ва Муқаддас Рухнинг кучи билан уни гуноҳларидан пок қилади.

**Елей суртиш маросими (рус. соборование).** Муқаддаслаштирилган зайтун ёғининг ҳам шифо, ҳам гуноҳларнинг кечирилиши ҳамда бемалол ўлиш учун касалларга суртиш маросимидир. Бу беморнинг пешона, ёноқ, лаб ва қўлларига муқаддас деб билинган зайтун мойи суртиш кўринишида кечади. Мазкур маросим, черков таълимотига кўра, инсоннинг жисмоний ва руҳий касалликларини даволайди. “...қўлларига илон олиб кўтарсалар ёки захри қотил бирор нарса ичсалар ҳам уларга зарар етмайди. Беморларга қўлларини қўйсалар улар соғайиб кетарлар” (Марк 16:18).

Бу маросим айни пайтда тавбасига таяниб улгурмаган бандаларнинг гуноҳлардан халос этиб, осонгина жон топширишларига ёрдам беради, деб ҳисобланади.

**Рухоний унвонини бериш маросими.** Бу руҳонийлик мартабасига кўтарилиш билан боғлиқ маросимдир. У “Хиротония” (юн. “хир” – қўл ва “тефими” – қўяман) деб номланади. Диний таълимотга кўра, руҳоний бўладиган шахснинг бошига епископ қўл теккизганидан кейин, у “Муқаддас Рух” нинг алоҳида марҳамати билан одамлар ўртасидаги воситачилик қилиш хусусиятига эга бўлади. Шундан сўнг мазкур инсон худди Исога унинг хаворийлари хизмат қилганидек ўз зиммасига Худо ва одамлар орасида воситачи бўлиб хизмат қилиш мажбуриятини олади. Маълумки, христианлик динида руҳонийлик унвонлари – дьякон, пресвитер, епископ каби уч турли даражага эга.

**Дьякон (юнон. хизматчи)** – христиан черковидаги энг куйи руҳонийлик даражаси. У маросимларда епископ ва пресвитерларга ёрдамчилик қилиш билан шуғулланади.

**Пресвитер (лот. оқсоқол)** – христиан руҳонийлар иерархиясида юқори даражага эга руҳоний. Қадимда епископлар ҳам шундай ном билан аталган. Жамоа тарафидан сайлаб

қўйилувчи руҳоний бўлиб, даставвал, у пастор билан биргаликда диний маросимларга раҳбарлик қилган.

*Епископ* (юнон. назоратчи) – христианликдаги олий даражадаги руҳонийлик унвони. Католик эътиқодига кўра епископлар ҳаворий Павелнинг издошлари ҳисобланади. Шунингдек, епископ ўзи миро мойини тайёрлаш, руҳонийлик даражасини бериш, ҳамда диний маросимларни бошқариш ҳуқуқига эга.

**Никоҳ маросими.** Христианликда келин ва куёвларнинг ўзаро хоҳишлари асосида келгуси ҳаётларида эр-хотин бўлиб бирга яшашларини таъминлаш учун амалга ошириладиган сирли маросим. Никоҳда ҳам сирлилиқ бор, эркин тарзда руҳоний ва черков ҳузурида эр ва аёл тарафидан оилага садоқатли бўлишга ваъда берилади. Уларнинг оилаларига Исонинг руҳи бирлашиб кетишига оқ фотиҳа берилади ва улардан соф эътиқодли христиан болалар туғилиши ва тарбияланиши Худодан сўралади.

Ушбу маросим XVI асрда пайдо бўлган. Католик йўналишига кўра, никоҳ Исо ва черков орасидаги узвий боғлиқ руҳий муносабатнинг бир кўринишидир ва шунинг учун ҳам муқаддас маросим саналади. Бир маросим сифатида никоҳ, икки киши орасидаги аҳдлашувнинг черков томонидан муқаддас деб билиниши ва бу жуфтликнинг черковда муқаддас бир боғич билан боғланишидир. Никоҳ Худо томонидан юзага келтирилган бир жамланиш бўлгани учун, қадим-қадимдан муқаддас деб билинган. Худонинг ўзи одамларнинг никоҳ иттифоқини ҳимоя қилади.

Черковнинг таъкидлашича, никоҳда асосий нарса ҳуқуқий ёки иқтисодий эмас, балки ахлоқий жиҳатдир. Айни пайтда, бу ахлоқий жиҳат, диний жиҳат билан айнан бир нарсадир. Шунинг учун ҳам никоҳ маросимини ўтказмай туриб, чинакам ахлоқий, оилавий муносабатларнинг бўлиши мумкин эмас. Черковда ўтказилган никоҳ христиан оиласининг қонуний асоси ҳисобланади. Шу боис, уни бузишлиқ мумкин эмас деб уқтирилади.

Юқорида қайд этилганидек, бу маросим христианликнинг турли йўналишларида турлича шаклда амалга оширилади. У православликнинг ҳам асосини ташкил этади. Фақат уларнинг

бажарилишида католиклар билан православлар орасида баъзи фарқлар бор.

**Рождество** – Исонинг туғилиши муносабати билан ўтказилувчи, христианлик динидаги энг муҳим байрамлардан биридир. Католик, протестант ва православ йўналишларига кўра, янги тақвим ҳисоби бўйича (Григорян йил ҳисоби бўйича) 25 декабрда нишонланади. Рус православ черковларида эса, эски тақвим (Юлиан) йил ҳисоби бўйича 7 январда нишонланади.

Дастлабки даврда “Рождество” ва “Худонинг зоҳир бўлиши” байрамлари бир-бирига мос келган. Байрам кунларини танлаш черков анъаналари бўйича “Илоҳий хушxabар” байрами (Юлиан тақвими ҳисобида 25 март куни) билан алоқадорлик асосида ва ундан кейинги тўққиз ой ичидан танлаб олинган. Маълумки, яҳудийлик бўйича “Ханукка”, римликлар ҳисобида эса “Сатурнали”, Рим империясида Митра худосининг тугилган куни нишонланади. Христианликкача бўлган нормалар Халоскорнинг ғорда таваллуд топиши, унинг болалиги, ўзга нарсалар билан муносабати, Сулаймон (Саломон) ҳақидаги, Вифлеем юлдузлари ҳақидаги апокрифлар ҳикояларида ва халқ оғзаки ижодида намоён бўлади. Қадимги даврга оид қабр тошларидан бирида шунга тегишли сурат сақланиб қолган.

Православ йўналишида Рождество Пасхадан кейинги ўринда турувчи муҳим байрам ҳисобланади, католик йўналишида эса йиллик энг асосий байрам сифатида нишонланади. Православликда Рождество байрами қирқ кунлик Постдан аввал ўтказилади. Махсус ва қатъий тартиб асосида, бу маросим осмонда биринчи юлдуз пайдо бўлгунча бажарилади. Бу қоида “сочельник” деб номланади. V асрда Анатолий Константинопольский, VII асрда Андрей Иерусалимский, VIII асрда Иоанн Дамаскийлар тарафидан бу байрамда ижро этиладиган Рождество куйи ҳам яратилган.

Агар Рождество шанба ёки якшанба кунига тўғри келса Иоанн Злотоуст ёки Буюк Василий литургиялари бажарилади. Рождестводан чўқинтиришга қадар бўлган вақт рус халқи анъаналарига кўра “святка” деб аталади. Улар бу вақтда ёвуз қучлар кезиб юради деб ҳисоблайдилар.

Оддий халк эътикодига кўра, агар Рождество куни қор ёгса, ёки кун иссиқ бўлса, қиров бўлса дон мўл бўлади. Осмон юлдузли бўлса нўхот мўл бўлади. Бўрон асал мўл бўлишини англатади. Рождество агар 31 кунлик ойларга тўғри келса, ҳосилдорлик яхши бўлмайди, деб ҳисобланади. Бундан ташқари Рождество куни бичиш-тикиш ишларини бажариш мумкин эмас. Бу иш бажарилса болалар кўзи ожиз туғилиши мумкин, деган эътикод мавжуд. Буқри болалар тугилмаслиги учун шу куни тўқувчилик қилинмайди. Эрталабки нонуштада сув ичилмайди. Рождество куни никоҳ тузилмайди.

Христиан таълимотига кўра, рождество куни уч маҳал (куёш чиқаётганда, эрталаб ва кундузи) ибодат қилинади. Рождество белгиси яширин бўлиб эътикодли инсоннинг қалбида бўлади. XII асрдан бошлаб католик ибодатхоналарида Исонинг чақалок қиёфасидаги болалар ибодати намойиш қилина бошлаган. Унинг туғилган куни (яъни Рождествода) инсонлар учун қутқарувчи ва абадий ҳаёт эшиклари очилади, деб эътикод қилинади.

Католикларда рождество пости “адвент” деб аталади. У авлиё Андрей кунидан кейинги биринчи яшанбада – 30 ноябрда бошланади. Байрам ярим тундаги, эрталабки ва кундузги уч ибодат билан нишонланади ва Исо Масихнинг Ота-Худонинг кўксидан, Биби Марямнинг қорнидан, диндорнинг кўнглида рамзий маънода туғилишини англатади. Ўша куни таъзим қилиш учун эҳромларда гўдак Исонинг хайкалчаси кўйилган беланчақлар ўрнатилади.

Рождество оилавий байрам бўлиб, бу кунда фақат махсус таомларгина дастурхонга тортилади. Булар балиқ, мева, сабзавотлар ва ширинликлар. Осмонда биринчи ўнга юлдуз пайдо бўлганда ибодатхоналарда маросимларни бажаришга киришадилар. Католиклар учун бажариши шарт бўлган амаллар: рождествонинг биринчи куни дастурхонга гўштли маҳсулотлар, чўчка, курка, балиқ гўшти тортилади. Дастурхон бу кунда қанчалик мўл бўлса, келгуси ҳаёт шунчалик фаровон бўлади, деб биладилар. Шунингдек, ушбу кунда ҳамма жойда совғалар улашилади.

Черков томонидан Исонинг туғилишини байрам қилиш IV асрдан бошланган. Черков таълимотига кўра, бу байрамни Худо

томонидан Исо шарафига бағишлаб байрам қилиш тавсия этилган.

Италияда рождество куни уйларидан эски кийимларни, нарсаларни, буюмларни кўчага иргитиб юборадилар, шу байрамда хаттоки урушлар тўхтатилган. Айрим аразлашиб юрган кишилар ярашганлар, беморлар ҳолидан хабар олиб, уларга совғалар берганлар. Исо инсониятни гуноҳидан озод қилиш учун ўз жонини фидо қилиш, Ер юзида адолат ўрнатиш учун туғилган деб тасаввур қилинади ва унинг туғилган куни байрам қилинади.

**Пасха.** Яҳудийлик ва христианлик динларида бир хил номланувчи Пасха – христианларда, айниқса, катта тантана билан ўтадиган байрамдир. Пасха (қад. яҳудийча “Пейсах” – ўтмоқ) – яҳудийлар ва христианларнинг баҳор байрами.

Қадимда кўчманчи сомиё қабилалари Пасхани чорва молларининг баҳорги болалаш вақтида байрам қилганлар. Бу қабилаларнинг ўтроқлашиши ва дехқончилик билан шуғулланиши натижасида Пасха йиғим-терим байрамига айланган.

Пасха яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлисидир. Бу байрам христианларнинг Пасхасидан фарқли ўлароқ, яҳудийларнинг Мисрдаги Фиръавн қуллигидан озодликка чиққанлари (тахминан мил. ав. 8-аср) муносабати билан нишонланади. Яҳудийлар Пасхасида кейинчалик мессияни кутиш ғояси ҳам ўз ифодасини топади.

Тадқиқотчи А.Ранович ўзининг “Қадимий яҳудий дини тарихи қиссалари” (“Очерки истории древнееврейской религии”) номли китобида бу байрамнинг келиб чиқиши, унинг нишонланиш сабаблари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, дастлаб бу байрам чорвадор-деҳқонлар томонидан, кейинчалик эса Библияга кўра, мисрликлар қўлидаги қулликдан озод бўлиш шарафига нишонланган.

Мазкур байрам Рус Православ черковида яна “Воскрешение Иисуса Христа” деб ҳам номланади. Католиклар (Ғарбий христианлик)да пасха 22 март – 25 апрель оралиғида, православлар (Шарқий христианлик)да 4 апрель – 8 май оралиғида нишонланади. Бу байрамни нишонланишининг ҳам ўз сабаби бор. Яҳудийлар Пасхани Мисрдаги қулликдан озод

бўлганликлари шарафига байрам қилсалар, христианлар Исо Масихнинг қайта тирилганини нишонлайдилар.

Христианлик таълимотига кўра, бу Исо Масих ўлимининг учинчи куни содир бўлган. Маълумки, шанба яҳудийлар учун муқаддас кун ҳисобланади. Шанба куни ҳеч қандай иш қилмайдилар, ҳатто, ўлик ҳам кўмилмайди. Христианлик таълимотига кўра, Исо Масих жума куни кечкурун вафот этган. Уни якшанба куни дафн этмоқчи бўлишади. Бир қанча аёллар Исо Масихнинг қабри олдига ибодат қилиш учун келадилар. Улар орасида Мария Магдалена исмли аёл ҳам бор эди. У тош устида кўриниши чакмоқдек ёрқин, кийими қордек оқ фариштани кўради. Фаришта аёлларга Исо Масихни қайта тирилгани ҳақида хабар беради. Натижада бу хабар тез орада ҳамма жойга тарқайди. Мария Магдалена Рим императори ҳузурига борганида унга қизил рангга бўялган тухумни кўрсатади ва “Исо қайта тирилди”, дейди. Шунинг учун христианлар тухумни барча тугилишларнинг аввали, деб ҳисоблайдилар. Шундан бери “Пасха” байрамида тухумни бўяб, бир-бирига тақдим қилиш одат тусига кирган.

Бу байрамнинг асосий ғояси шундаки, Исо Масих ўлимга рози бўлиш билан ўз қавмини гуноҳлардан сақлаб қолган, деб эътиқод қиладилар. Бу байрам етти кун давом этади. Яҳудий ва христианларда Пасха байрамини нишонлаш вақти бир ҳафтага фарқ қилади. Яҳудийлар уни христианлардан аввал нишонлайдилар. Бу христианларнинг хоҳишига кўра, Мазкур сана милодий 325 йили Никея шаҳрида бўлиб ўтган биринчи бутун олам саборида белгиланган.

Христианликда асосий ибодатлар мажмуаси *литургия* деб номланади. Литургия (юнон. – ибодат) – православликда эрталабки ёки тушқи ибодат (обедня), католикларда литургия месса деб ҳам аталади. Унда нон ва вино тоттиш маросими ўтказилади. Литургия уч қисмдан иборат. Биринчи қисм – *проскомидия* деб аталади. Унда черков хизматчиси нон ва вино тоттиш маросими учун диндорларга нон ва вино тайёрлайди. Иккинчи қисм – ошкор эълон қилиш (*оглашение*) деб номланади. Бунда чўқинтириш олдидан христиан таълимоти таништирилади ва хоҳлаган кишилар иштирок этиши мумкин. Учинчи қисм –

*эътиқодлилар литургияси* деб аталади ва у фақат чўқинтирилганларга тааллуқлидир. Литургия вақтида турли маросимлар бажарилади худого илтижолар қилинади, диний кўшиқлар куйланади, ваъзлар айтилади ва ҳ.к. Черков литургияни “сир-асрорлар сири” деб атаб уни фақат Исо Масихнинг ўзи сирли кечада белгилаган, деб ҳисоблайди.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Христианликнинг илк тарихи қачондан бошланади?
2. Христианликнинг муқаддас китоблари қайсилар?
3. Христианлик қандай таълимотни илгари суради?
4. Христианликда қандай байрам ва маросимлар бор?

### **Мустақил иш топшириқлари**

1. Исо Масих ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўрт Инжилда берилган маълумотларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини ўрганинг.
2. Христианлик муқаддас манбалари ҳақида гапириб беринг.
3. “Сирли маросимлар”нинг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

### **Адабиётлар**

1. Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968.
2. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир – Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
4. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (Юз саволга юз жавоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
5. Кон-Щербок Д., Кон-Щербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. – М., 1995.
6. Мюллер М., Вундт В. От слова к вере. Миф и религия (История религии). – М.: Изд-во Эксмо; Санкт-Петербург: Terra Fantastica, 2002.

## 11-МАВЗУ. ХРИСТИАНЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ: КАТОЛИКЛИК, ПРАВОСЛАВЛИК, ПРОТЕСТАНТЛИК

### Режа

1. Христианликда илк бўлинишларнинг юзага келиши.
2. Католиклик (Католицизм) ва унинг ўзига хос жиҳатлари.
3. Православлик (Православие) тарихи ва таълимоти.
4. Протестантлик (Протестантизм)нинг юзага келиши ва секталари.
5. Ўзбекистонда христианлик тарихига оид маълумотлар.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                          |                |          |
|--------------------------|----------------|----------|
| 1. Рим папаси            | 8. Католик     | (лот.    |
| 2. Византия патриархи    | оламшумул)     |          |
| 3. Монофизит             | 9. Православ   | (сл. чин |
| 4. Несториан             | эътикод)       |          |
| 5. Никея-Константинополь | 10. Протестант |          |
| эътикод тимсоли          | 11. Секта      |          |
| 6. Филиокве              | 12. Схизма     |          |
| 7. Арман-апостол черкови |                |          |

*Мавзу ўқув мақсади: Христианлик динидаги илк қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши сабаблари, илк оқимлар, 1054 йилги биринчи катта бўлиниш, реформацция ва протестантликнинг юзага келиши, замонавий христиан секталари, уларнинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиш.*

**Христианликда илк бўлинишларнинг юзага келиши**

Милодий 395 йилга келиб ўз вақтида қудрати оламни ларзага солган Рим империяси ғарбий (Рим) ва шарқий (Византия) қисмларга бўлиниб кетди. Ушбу бўлиниш мазкур ҳудуддаги нафақат сиёсий, ижтимоий-маданий, иқтисодий жабҳаларга, балки диний ҳаётга ҳам таъсир ўтказди. Чунки, барча христианларнинг раҳнамоси бўлган Рим Папаси мақомидан Ғарбий Рим Византияга қарши қурол



сифатида фойдаланиши мумкин эди. Шу сабабли ҳам Шарқий Рим Папанинг обрўсини тушириш мақсадида турли схизмалар (юнон. бўлиниш, парчаланиш) юзага келишига кенг йўл очиб берди. Бундай илк гуруҳларнинг энг машҳурлари монофизитлар ва несторианлар эди.

Монофизитлик (юнон. “бир”, “ягона”, “табиат”, “табийлик”) V асрда пайдо бўлган христианликдаги христологик доктрина. У Исо Масиҳнинг фақат худолик табиатини ёқлаб, унинг инсонлик моҳиятини рад этади. Яъни православ таълимотига зид равишда монофизитлик Масиҳ-Худо инсон эмас, яъни унинг инсон сифатида кўриниши мавҳум. Аммо “монофизитлик” терминининг ўзи адабиётларда VII аср охирларидагина пайдо бўлган.

Монофизитлик асосчиси деб Константинополь ибодатхонасининг игумени (эркаклар монастирининг бошлиғи) архимандрит (монастирь бошлиғи) Евтихий (тах. 378-454 й.) тан олинган. Шу сабабли Евтихийлик деб ҳам юритилади. 448 йилдаги Константинополь собори Евтихийнинг таълимоти тадқиқотларига бағишланган. Унда Евтихий ўз таълимотининг асосларини шундай таърифлайди: “Мен Худоимизнинг кўшилишидан олдин икки табиатдан иборат бўлган, бирлашганидан кейин эса ягона табиат эгаси бўлганига эътиқод қиламан”.

Ҳозирги кунда монофизитликнинг умумий тарафдорлари 45 млн. кишини ташкил этади. Асосий монофизитлик черкови ташкилотлари – Арман-апостол черкови, Копт православ черкови (унга яқин бўлган Нубия ва Эфиопия черковларини ҳам ўз ичига олади), Сурия православ (яковит) черкови (Сурия черковининг Маланкар провинцияси ва Малабар Сурия черковини ўз ичига олади).

Арман-апостол черкови энг қадимги христиан черковларидан бири ҳисобланади. Авлиё Григорий Просветитель ҳаракатлари билан 301 йилда Арманистонда христианлик давлат дини деб эълон қилинади. “Арман-григориан черкови” номи унга нисбат берилган ҳолда шундай аталган.

V асрнинг ўрталаригача Арман-григориан черкови христианликнинг бир тармоғи ҳисобланган. Лекин Византиядан мустақил бўлишга ҳаракат қилган ҳамда 451 йилда бўлиб ўтган

Жаҳон соборининг монофизитларга қарши қарорига норозилик билдирган Арман-апостол черкови амалда ҳам Шарқий, ҳам Ғарбий черковлардан ажралишга муваффақ бўлди.

Арман-апостол черковининг диний таълимоти православлик таълимотига жуда яқин. Фақат Арман-апостол черковида православликдан фарқли равишда Исонинг жисмида худолик ва инсонлик хислати алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмай, улар ўзаро қўшилиб кетган, деб ҳисобланади. Черков таълимотида христианликнинг барча сирли маросимлари тан олинади. Шу билан бирга, Арман-григориан черковида бошқа христиан йўналишларида учрамайдиган “матах” деб номланадиган қурбонлик келтириш маросими мавжуд. Бу маросим катта байрамлар муносабати билан амалга оширилиб, буқа, қўй ёки парранда сўйилиб, унинг гўшти махсус дуо билан мукаддас тузли сувда пиширилади. Пишган гўштининг ҳаммаси шу куннинг ўзида яқин кишиларга тарқатилиши лозим.

Ушбу черков вакиллари Исо туғилган куни (Рождество, 6 январь), Исонинг хатна қилиниши (14 январь) каби байрам ва маросимларни нишонлайдилар. Ўзбекистонда ҳам Арман-григориан черковлари мавжуд бўлиб, улардан бири Самарқанд шаҳрида 1903 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. 2011 йилнинг 1 июлига қадар уларга тегишли 2 та диний ташкилот рўйхатга олинган.

Несторианлик христианликдаги йўналишларнинг энг кам сонлисидир. У V аср бошларида пайдо бўлган. Бу йўналиш асосчиси 428-431 йилларда Константинополь патриархи лавозимидаги монах Несторий ҳисобланади. Христианликнинг бошқа йўналишлари намоёндаларидан фарқли равишда несторианлар “Исо Масих Худонинг ўғли бўлмаган, балки Худо мужассам бўлган инсон бўлган, шу сабабли Исо Масихнинг худолик ва инсонлик табиати бир-биридан фарқлидир”, деб эътиқод қиладилар. Шунга боғлиқ равишда уларда Биби Марям Худони эмас балки Исони дунёга келтирган деб ҳисобланади ва унга алоҳида эътиқод қилинмайди. 431 йилда Учинчи Бутун Жаҳон Эфес соборида несторианлик эътиқоди ва оқими “ересь” (бидъат) сифатида қораланган ва таъқиб остига олинган.

Бугунги кунда мазкур черков тарафдорларининг сони тахминан 200 минг киши. Улар Ироқ (82 минг), Сурия (50 минг), Ҳиндистон, Эрон, АҚШ, Россия, Грузия, Арманистон ва бошқа мамлакатларда жойлашган.

589 йили Толедо шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон соборида Никея-Константинополь эътиқод тимсолига “филиокве” тушунчасининг киритилиши, христианликнинг ақидавий жиҳатдан ҳам амалда иккига бўлиниб кетишига сабаб бўлди. “Филиокве” сўзи лотинчадан “ўғилдан ҳам” деган маънони англатиб, унга кўра илоҳий учлик – троицанинг атрибутлардан бўлган Муқаддас Рух бир вақтнинг ўзида ҳам Ота Худодан ҳам Ўғил Худодан тажаллий этади, яъни улардан келиб чиқади. Ҳолбуки, Биринчи ва Иккинчи соборларда қабул қилинган эътиқод тимсолига кўра “Муқаддас Рух фақат Ота Худодан келиб чиқади” деб мустаҳкамлаб қўйилган эди. Катта шов-шув ва келишмовчиликларга сабаб бўлган мазкур қонда охир-оқибат 1013 йили Папа Бенедикт VIII даврида расман диний амалиётга киритилди. Келишмовчиликлар асосан Папа ва Константинополь патриархи орасида авж олиб, 1054 йили христианликнинг расмий равишда католиклик ва православликка бўлинишига олиб келди.

**Католиклик  
(Католицизм) ва унинг  
ўзига хос жиҳатлари**

Католиклик (*юнон.* бутун жаҳон) ҳам 1054 йилда христианликнинг иккита – ғарбий ва шарқий черковга бўлиниши натижасида ташкил топган.

Католиклик Европа, Америка қитъаси давлатларида кенг тарқалган. Африкадаги қатор мамлакатларда ҳам католиклик асосий диний эътиқод ҳисобланади. Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Австрия ва Лотин Америкаси давлатларида асосий эътиқод қилинадиган дин бўлса, Ватикан давлатида эса расмий дин ҳисобланади.

Дунёда христианликнинг ушбу йўналишига тахминан 1,076 миллиард киши эътиқод қилади.

Католик черкови катъий марказлашган ташкилот ҳисобланади. Рим Папаси – католик черковининг бошлиғи, Исонинг ноиби ва апостол Петрнинг ўринбосари ҳисобланади. Диний ҳаётда гуноҳсиз деб ҳисобланадиган, яширин овоз бериш

йўли билан кардиналлар коллегияси сайлайдиган Папанинг ҳокимияти жаҳон соборлари ҳокимиятидан устун туради. Католик черкови соборлари (епископлар йигини) черковга оид мураккаб масалаларни ҳал этиш учун Папа томонидан чақирилади. Папа черков давлати – Ватиканнинг чексиз ваколатларга эга раҳбаридир.

Бугунги кунда католик черкови ўзига итоат этувчи ўта интизомли руҳонийларнинг жуда кенг сафига, кўпсонли монахлик орденлари, миссионерлик, хайрия ва бошқа турдаги кўплаб диний ташкилот ва муассасаларга эга. Умуман олганда, католикликда учта асосий черков рутбаси мавжуд бўлиб, булар: диакон, пресвитер ва епископлардир.

Католикликнинг маркази Ватиканда жойлашган. 1929 йилдан бошлаб Ватикан мустақил давлат мақомига эга бўлди. У ҳозирда 120 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган.

Католикликда “Инжил” ва “Муқаддас ривоятлар” билан бир қаторда Бутун жаҳон соборлари ва Рим Папасининг қарорлари ҳам диний таълимот манбаи деб қаралади.

Православлардан фарқли равишда католикликликда:

- “Муқаддас Рух” нафақат Ота-худодан балки Ўғил-худодан ҳам келиб чиққан, деб ҳисобланади;

- Исо ва унинг хаворийлари, Биби Марям ҳамда авлиёлар амалларини қамраб олган “хайрли ва савобли ишлар хазинаси” мавжуд ва ушбу хазина ҳисобидан черков гуноҳкорларнинг гуноҳидан ўтиш имконига эга, деб ҳисобланди. Мана шу таълимотга, яъни гуноҳлардан пок бўлиш ва унинг савобини ўтганларга бағишлаш мумкин, деган ақидага асосланиб католик черкови XII асрдан бошлаб гуноҳларни кечиритиш ҳақидаги ёрликлар (индульгенция – лот. раҳм-шафқат) билан савдо қилишни йўлга қўйган. Руҳонийлар вафот этганларнинг яқинларига индульгенция сотиш орқали уларнинг аърофда бўлиш муддатини қисқартиришлари мумкин;

- Аъроф (дўзах ва жаннат оралиғидаги мавзе) ҳақидаги ақида мавжуд. Унга кўра, гуноҳи катта бўлмаган гуноҳкорларнинг руҳи у ерда ўтда куяди, кейин жаннатга йўл топади. Рухнинг аърофда бўлиш муддати ўлганлар хотирасига яқинлари томонидан

қилинадиган хайрли ишлар (ибодат ва черков фойдасига хайр-эхсон қилиш) эвазига қисқартирилиши мумкин;

- Биби Марям ҳам Исо каби Аннанинг (Марямнинг онаси) иффати сақланган ҳолда Муқаддас руҳдан хомиладор бўлиши орқали дунёга келган, деб ҳисобланади;

Католикликнинг ўзига хос хусусиятлари қаторида:

- никоҳ қатъий ҳисобланишини (католиклик ақидасига биноан никоҳ ақди осмонда тузилади ва ердагилар уни бузиш ҳуқуқига эга эмаслар);

- Биби Марямнинг худодан гуноҳларни сўраб берувчи сифатлари кўпроқ эъозланишини;

- маросимлар театрлаштирилган тарзда, дабдабали, кишиларнинг хис-туйғуларига таъсир этадиган даражада ўтказилиши, ашула билан бирга орган мусикасидан ҳам фойдаланилишини;

- ибодатхоналар расм ва ҳайкаллар билан безатилиши, авлиёлар, жафокашлар ибодатларини ифода этувчи турли муқаддас ёдгорликларни эъозлаш кенг тарқалганини алоҳида қайд этиш лозим.

Христианликнинг етти асрорини талқин қилиш ва уларга риоя қилишда ҳам православликдан муайян фарқлар кузатилади. Хусусан, католикликда:

- чўқинтириш амали чўқинтирилаётган одамнинг устидан сув куйиш орқали бажарилади;

- чўқинтирилгандан кейин суртиладиган хушбўй мой чўқинтириш билан бир вақтда эмас, балки саккиз ёшдан кичик бўлмаган болаларга епископ томонидан суртилади;

- нонни Исонинг танаси, винони унинг қони мисолида истеъмол қилишга асосланган маросимда руҳонийлар хамиртурушсиз нон ва вино, оддий инсонлар эса фақат хамиртурушсиз нон билан (ҳозир баъзан вино билан ҳам) причащение қиладилар;

- барча руҳонийлар уйланмайди. Диний мартабадан чиқиш эса ман этилади;

Католикликда куйидаги “Мажбурий” байрамлар нишонланади:

1. Исо туғилган кун (Рождество Христово - 25 декабрь);

2. Худонинг зоҳир бўлиши (Богоявление - 6 январь);
3. Меърож, яъни Исонинг осмонга кўтарилиши (Вознесение Господне - Пасханинг 40-куни);
4. Исонинг тана ва қони байрами (Праздник Тела и Крови Христовых - Пасха байрамадан 60 кун ўтгач нишонланади);
5. Биби Марям куни (День Пресвятой Девы Марии, Матери Божией - 1 январь);
6. Биби Марямнинг покдомон ҳолида ҳомиладор бўлиши (Непорочное Зачатие Пресвятой Девы Марии - 8 декабрь);
7. Биби Марямнинг осмонга кўтарилиши ёки вафот этиши (Успение Пресвятой Девы Марии - 15 август);
8. Биби Марямнинг қаллиғи Авлиё Иосиф куни (День Святого Иосифа, Обручника Марии - 19 март);
9. Ҳаворийлар Петр ва Павеллар байрами (День святых апостолов Петра и Павла - 29 июнь);
10. Барча авлиёлар куни (День всех святых - 1 ноябрь).

**Православлик  
(Православие) тарихи  
ва таълимоти**

**Православлик (Православие)**  
(рус. чин эътиқод) – христианликнинг  
1054 йилда бўлиниб кетиши  
натijasида шаклланган шу диндаги уч

асосий йўналишидан бири. Мазкур йўналиш тарихан христианликнинг шарқий шаҳобчаси сифатида рўёбга чиқди ва шаклланди. У асосан, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болкон мамлакатларида тарқалган. “Православ” атамаси юнонча “ортодоксия” сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православликнинг манбавий асослари Византияда шаклланди, чунки бу йўналиш у ердаги хукмрон дин эди.

Дунё бўйича православликка эътиқод қилувчилар сони 217 миллион атрофида ҳисобланади. Унда католикликларда бўлганидек ягона марказ ҳозирга қадар йўқ. Бугунги кунда дунёда 15 та автокефаль (мустақил) Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Элада, Албан, Поляк, Чехия, Словакия, Рус, Америка ва 4 та автоном макомга эга православ черковлари мавжуд. Улар

умумчерков аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишда бир-бирлари билан алоқада бўлиб турадилар.

Православлик диний таълимоти “Муқаддас ёзув” (“Инжил”) ва “Муқаддас ривоятлар”га асосланган. Бу ақидаларни православ черковлари илоҳий характерга эга, абадий ва ўзгармас деб билади.

“Муқаддас учлик” - худонинг бир вақтнинг ўзида ҳам ягона, ҳам уч хил кўриниш (Ота-худо, Ўғил-худо-Исо ва Муқаддас Рух) да намоён бўлади, деб ишониш, инсонни туғма гуноҳкор деб билиш, Исонинг инсон қиёфасига кириб, ўз умматларини гуноҳдан халос этиш учун ўзини қурбон қилганини тан олиш, охиратга ва унда қайта тирилишга эътиқод қилиш, черковнинг худо ва одамлар ўртасидаги воситачи эканига ишониш православлик диний таълимотининг асосини ташкил этади.

Православликда диакон, епископ, митрополит, патриарх каби диний рутбалар мавжуд. Пойтахт шаҳарларнинг епископлари митрополит деб аталади. Православ черковининг энг олий мансаби *патриарх*дир.

Христианликнинг 7 сирли маросими православликнинг ҳам асосини ташкил этади. Фақат уларнинг бажарилишида католиклар билан православлар орасида баъзи фарқлар бор.

#### Православликда:

- янги туғилган бола чўқинтирилаётганда сувга ботириб олинади;

- муқаддас мой суртиш чўқинтиришдан сўнг кетма-кет маҳаллий руҳоний томонидан бажарилади;

- оддий инсонлар ва руҳонийлар бир хил – қвасли нон ва винодан тотинадилар;

- никоҳ маросими черковда, руҳоний томонидан амалга оширилади. Эр-хотин фақатгина хиёнат сабабли ажрашишлари мумкин. Никоҳни фақат черков бекор қила олади;

- христианликнинг бошқа конфессияларидан фарқли равишда “қора” ва “оқ” руҳонийлар фарқланади. Жумладан, “қора” руҳонийларда “целибат”, яъни уйланмаслик амалиёти мавжуд;

- тавба маросимида католикликдан фарқли равишда тавба қилувчи ва руҳоний юзма-юз ўтирадилар.

Қолган маросимларда сезиларли фарқ кузатилмайди.

Православликда ибодат асосан маҳаллий тилда олиб борилади. Рождество, Пасха каби умумхристиан байрамлари православликнинг ҳам асосий маросимлари ҳисобланади.

Черковлар бўлинганидан сўнг католиклар томонидан қабул қилинган ақидаларни православлар хато, “Муқаддас ёзув” ва “Муқаддас ривоятлар”га зид, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, черковлар бўлинишидан сўнг католиклар томонидан қабул қилинган байрамларни ҳам православлар нишонламайдилар.

Православлар асосан қуйидаги байрамларни нишонлайдилар:

1. Исо туғилган кун (Рождество Христово – дунё православларида 25 декабрь, Рус православ черковида 7 январь);

2. Исонинг хатна қилиниши (Обрезание Господне – 14 январь);

3. Исонинг чўқинтирилиши (Крещение Господне. Богоявление – 19 январь);

4. “Қадимги Аҳд” ва “Янги Аҳд”лар бирлашган кун (Сретение Господне – 15 февраль);

5. Илоҳий хушхабар (Благовещение Пресвятой Богородицы – 7 апрель);

6. Исонинг Қуддусга кириши (Вход Господень в Иерусалим – 24 апрель);

7. Пасха (Пасха Господня. Светлое Христово Воскресенье – 1 май);

8. Исонинг осмонга кўтарилиб кетиши (Вознесение Господне – 9 июнь);

9. Муқаддас учлик ёки Пятидесятница байрами (День Святой Троицы или Пятидесятница - 19 июнь);

10. Яхё пайгамбарнинг туғилган куни (Рождество Иоанна Предтечи – 7 июль);

11. Ҳаворийлар Петр ва Павеллар куни (День святых первоверховных апостолов Петра и Павла – 12 июль);

12. Исо Масихнинг Ермон тоғида нурланиши байрами (Преображение Господне – 19 август);

13. Биби Марямнинг вафоти (Успение Пресвятой Богородицы – 28 август);

14. Яхё пайгамбар қатл этилган кун (Усекновение главы Иоанна Предтечи – 11 сентябрь);



15. Биби Марямнинг туғилган куни (Рождество Пресвятой Богородицы – 21 сентябрь);

16. Исо миҳланган хочни тиклаш байрами (Воздвижение Креста Господня – 27 сентябрь);

17. Биби Марямнинг 910 йилда Константинополь шаҳри қамали пайтида мўъжизавий пайдо бўлиши байрами (Покров Пресвятой Богородицы – 14 октябрь);

18. Биби Марямнинг ота-онаси томонидан ибодатхонада хизмат қилиш учун топширилиши байрами (Введение во храм Пресвятой Богородицы – 4 декабрь).

**Протестантлик  
(Протестантизм)нинг  
юзага келиши ва  
секталари**

### **Протестантлик (Протестантизм)**

(лот. норози бўлиш, келишмаслик) – XVI асрда католиклик йўналишидан ажралиб чиққан христианликдаги уч асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. У XVI асрда Европада католикларга қарши қаратилган Реформация ҳаракати билан боғлиқ кўплаб мустақил черковлар ва секталарни ўз ичига олади.

Протестантлик АҚШ, Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Канада, Швейцария, Скандинавия мамлакатлари, Латвия, Эстонияда кенг тарқалган. Бугунги кунда протестантлар сони тахминан 647 миллионни ташкил этади.

Католик черкови томонидан XV-XVI асрларда индульгенция савдоларининг авж олдирилиши оқибатида черковнинг халқ орасида обрўси тушиб борди. Шундай бир вазиятда, 1517 йил 31 октябрда Виттенберглик руҳоний Мартин Лютер шаҳар собори дарвозасига индульгенциялар савдосини танқид қилган 95 моддадан иборат тезисларини осиб кўяди.

Лютер христианлик ақидалари ҳаммага тўлиқ тушунарли бўлиши учун Библиянинг замонавий тилларга таржима қилиниши, черковдаги диний хизматлар она тилида олиб борилиши тарафдори эди. Баъзи князлар ва шаҳар вакиллари лютеранликнинг тарқалишини чеклашга қаратилган айрим ҳаракатларга қарши эканликларини билдириб “Протестация”га имзо чекдилар. Протестантлик деган ном мана шундан келиб чиққан.

Протестантлик худонинг мавжудлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, руҳнинг абадийлиги, жаннат ва дўзах, ваҳий ва илоҳий тақдир тўғрисидаги умумхристиан ақидаларини тан олади.

Шу билан бирга, протестантлик:

- черков ва руҳонийларнинг эътиқод қилувчилар билан худо орасидаги воситачи эканини инкор этади;

- черков иерархияси, руҳонийлар ва оддий кишилар орасидаги табақаланишни рад қилади;

- монахлик, авлиёлар, хоч ва иконаларга сизинишни нотўғри деб ҳисоблайди;

- кўп маблағ талаб қиладиган тадбирларни асоссиз деб билади;

- целибат (руҳонийларнинг уйланмаслиги)ни инкор этади.

Протестант йўналишлари бир-биридан у ёки бу жиҳатларига кўра фарқлансада М.Лютер томонидан католик черкови таълимотига қарши кескин тарзда баён этилган:

- ўз эътиқоди билан нажот топиш;

- эътиқод қилувчиларнинг барчаси руҳоний бўлиши, яъни ҳар бир чўқинтирилган инсон черков ёрдамисиз ўзи худо билан мулоқотда бўлиши, тоат-ибодат қилиши, ваъз ўқиши мумкинлиги;

- “Библия”нинг олий нуфузи, уни ўқиш, ўрганиш ва тафсир қилиш эътиқод қилувчининг биринчи мажбурияти экани ҳақидаги 3 тамойил уларнинг барчаси томонидан бирдай тан олинади ва улар протестантликнинг асосий қоидалари ҳисобланади.

Протестантликнинг илк шакллари: лютеранлик, цвингличилик, кальвинизм, унитаризм ва социнчилик, анабаптизм, меннонитлик ва англиканлик эди. Ҳозирги вақтда протестантлик дунёнинг барча қитъаларида кенг тарқалган. Унинг жаҳон маркази АҚШда, бу ерда баптист, адвентист, Иегова шоҳидлари ва бошқаларнинг қароргоҳлари жойлашган.

**Лютеранлик** – илк протестантлик йўналиши. Юқорида қайд этилганидек роҳиб Мартин Лютер (1483-1546) томонидан асос солинган.

“Библия” билан бир қаторда М.Лютер қарашларини ўзида мужассам этган “Келишув китоби” ҳам лютеранлик диний таълимотининг манбаи саналади.

Лютеранликда протестантликнинг бошқа йўналишлари каби ибодат маросимлари соддалаштирилгани билан ҳам ажралиб туради. Шу билан бирга, христианликнинг етти сирли маросимларидан чўқинтириш ҳамда “нон ва вино тотиш” тан олинган ҳолда қолганларига оддий маросимлар сифатида қаралади.

Германиядан кейин лютеранлик Европанинг Австрия, Венгрия, Франция каби бир қатор давлатлари ҳамда Шимолий Америкада тарқалди.

Бош синод – лютеранликнинг олий ҳуқуқий органи епископ томонидан назорат қилинадиган Консистория (черков ишлари бўйича ташкилот) асосий ижроия ҳокимияти ҳисобланади.

**Кальвинизм.** Диний ислохотнинг бошқа бир йирик арбоби Жан Кальвин (1509-1564) эди. Унинг 1536 йилда нашр этилган “Христиан динидаги кўрсатмалар” деган бош асари, протестанизм таълимот сифатида шаклланганидан кейин янги бир диний йўналиш - кальвинизмнинг асоси бўлиб қолди.

Дастлабки ислохот арбобларидан фарқли ўлароқ, Кальвин учун асосий манба Инжил эмас, балки Таврот бўлиб қолади. Кальвин абсолют тақдир ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. “Исо ҳам бизнинг гуноҳларимиз учун азобу уқубатларга гирифтор қилинган”, дер эди у.

Протестант черковининг кальвинистик йўналишдаги давомчилари (кальвинистлар ёки реформаторлар) Шотландия, Голландия, Шимолий Германия, Франция, Англияда кенг нуфузга ва таъсирга эга эдилар.

**Пресвитерианлар** кальвинистик черковдан келиб чиққан бўлиб, мўътадил пуританлардир. 1592 йили Шотландия парламенти бу таълимотни асосий мафкура деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилган. Бу жамоа бошида жамоа аъзолари томонидан сайланган пресвитер туради.

Пресвитерианлар диний таълимотининг асосий ақидалари “Вестминстер” китобида баён қилинган. Бу ақидалар ортодоксал

калвинизм руҳида бўлиб, оламдаги барча одамларнинг гуноҳкорлиги ва қисматнинг мутлақлигига ишончдан иборат.

Пресвитер жамоаси қавмлар сайлаган пресвитерлар ва пасторлардан иборат консистория томонидан бошқарилади. Пресветерианларнинг олий органи – бош ассамблея. Бош ассамблея пресвитериялар вакил қилиб юборган пресвитер ва пасторлардан иборат. Пресветерианларнинг кўпчилиги ўзларининг халқаро ташкилоти – “Пресветерианларнинг ташкилий тузилишига амал қилувчи жаҳон реформация черковлари альянси”га аъзодир. Мазкур альянс 1875 йилда ташкил этилган.

Ҳозирги пайтда Шотландия, Англия, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларда пресветерианлар мавжуд.

*Англикан черкови* Англиянинг давлат черкови 1534 йилда маҳаллий католик черкови Буюк Британия қироли Генрих VIII ни черков бошлиғи деб эълон қилди, яъни черков қирол ҳокимиятига бўйсундирилди. XVI аср ўрталарига келиб ибодатни инглиз тилида олиб бориш жорий этилди. Англикан диний таълимоти “Умумий ибодатлар китоби”да акс эттирилган.

Англикан черковида католицизмдаги маросимлар шундайлигича қабул қилиниб, ундаги Иерархия тузумига ўхшаш тартиб жорий этилган. Англикан черкови таркибига 3 черков киради. Улар католицизмга яқин турадиган олий черков, пуританизмга ва пиетизмга яқин қуйи черков, христиан оқимларининг барчасини бирлаштиришга интилувчи ҳукмрон оқим – кенг черков. Англикан черковидан расман ажралган черковлар Шотландия, Уэльс, Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия каби жами 16 мамлакатда тарқалган. 1867 йилдан Англикан черкови ўз мустақиллигини сақлаган ҳолда Англикан черковлар иттифоқига бирлашган. Ламбет конференциялари Англикан черковида консультатив орган ҳисобланади.

*Баптистлик (Баптизм).* Протестант таълимотининг энг кўп сонли давомчилари баптистлардир. Баптизм (*юнон.* сувга бўктириш) XVII аср бошларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг 130 мамлакатида ўз тарафдорларига эга. Бу таълимот тарафдорлари фақат ўспиринларнигина чўқинтиришга

олиб борадилар. “Ҳеч ким, жумладан, ота-оналар ҳам киши учун бирор динни танлай олмайди. Киши динни онгли равишда ўзи ихтиёр қилмоғи зарур” деган тамойил баптистларнинг асосий қоидасидир. Уларда ибодат ўта соддалаштирилган бўлиб, диний кўшиқ, ибодат ва мавъизадан иборат. Улар тўртта сирли маросимни сақлаб қолишган: чўқинтириш (ўспиринлар учун), нон ва вино ейиш, никоҳ, руҳонийликка қабул қилиш.

**Адвентистлар** (лот. келиш, воқе бўлиш) протестантликдаги йўналишлардан бири бўлиб, унга XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда Уильям Миллер (1772-1849) асос солган.

“Библия”ни ўрганиб, “охирзамон”нинг яқинлашаётгани ҳамда Исо Масихнинг минг йиллик ҳукмронлик даври бошланиши ҳақидаги фикрга келган У.Миллер 1831 йилда Исонинг 1843 йилда қайтиши ҳақида катта ваъз қилди. Бу ваъз ҳатто Европада ҳам акс-садо берди. 1843 йил кириб келганида эса У.Миллер ўз хулосасини бироз ўзгартириб Исонинг қайтиш муддатини 1844 йилга кўчирди. Масих тушиши керак бўлган ой ва кунни, ҳатто жойини – Нью-Йорк штатидаги тоғни ҳам аниқ кўрсатди. Белгиланган кунда Миллер издошлари оқ кийимларга ўраниб “қиёмат тоғи”да жойлашдилар. Узоқ кутишдан сўнг “пайғамбар” издошларининг сони камая бошлади, лекин кўплар унга содиқ қолдилар. Исонинг 1843 йили келмаганининг сабаби эса ўша йили Исо ерга эмас, балки “осмондаги покланиш жойи” (чистилице) ни тозалаш учун келган, деб талқин қилинди.

1845 йилда У.Миллер ва унинг издошлари баптистлар сафидан четлаштирилганларидан сўнг ўзларининг “адвентистлар” деб аталган ташкилотини туздилар.

Адвентистлар таълимоти Исо Масихнинг иккинчи маротаба қайтиши ғоясига асосланади. Унга кўра иккинчи қайтиш даврида фақатгина тақводорлар (биринчи тирилиш) тириладилар ва Худо билан осмонда 1000 йил бўладилар. Бу давр мобайнида ерда инсонлар бўлмайди, улар томонидан яратилган жамики нарса вайрон бўлиб, йўқ бўлиб кетади. Шайтон кишанланади ва унинг жазоси вайронага айланган ерда бўлади. 1000 йилдан сўнг Исо учинчи бор ерга қайтади, шунда жин, алвасти ва шу кабилар тириладилар (иккинчи тирилиш). Шайтон эса халқларни йўлдан оздириб, уларни Исога қарши охирги жангга тўплаш учун

вақтинча озодликка чиқади. Лекин осмон олови уларни кулга айлантиради. Шайтон ва инсу-жинслар абадий йўқ қилинадилар - бу улар учун иккинчи ўлимдир. Олов билан тозаланган Ер янгиланади ва уни тақводорлар эгаллайдилар. Қуддус қайта тикланади ва одамлар абадий роҳатда бахтли ҳаёт кечирадилар.

**Еттинчи кун адвентистлари** адвентистлик замирида пайдо бўлган энг йирик йўналиш ҳисобланади. 1844 йилда АҚШда юзага келган ушбу йўналишнинг асосчиси Элена Уайт (1827-1915) ҳисобланади.

“Еттинчи кун адвентистлари” йўналиши тарафдорларининг сони тахминан 16 миллион кишини ташкил этади. Унинг 206 давлатда 46 мингдан ортиқ черков (жамоа)лари бор. Умумжаҳон Еттинчи кун адвентистлари черковининг Маркази – Бош Конференцияси АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган.

“Еттинчи кун адвентистлари” таълимотига кўра, Худо ўз иродасини халққа етказиш учун гўёки, Элена Уайтни танлаган ва унга 2000 га яқин “кўринишлар” (видение) бўлган. Унинг бу “кўринишлар” асосида ёзган китоб ва хатлари “Библия” билан бир қаторда “Еттинчи кун адвентистлари” диний таълимотининг асосий манбаи ҳисобланади.

Исо Масихнинг яқин орада қайтишига ишониш “Еттинчи кун адвентистлари”нинг асосий ақидаси ҳисобланади.

Еттинчи кун адвентистлигида:

- “Библия” буйруқларига бўйсунуш қатъий талаб қилинади;
- бошқа христианлардан фарқли равишда, яқшанба куни эмас, ҳафтанинг еттинчи куни – шанба улуғланади. Шунинг учун ҳам, уларни “Еттинчи кун адвентистлари” деб атайдилар. Шанба куни ишлаш, ҳатто, овқат тайёрлаш ҳам мумкин эмас. Бутун кун ибодатга бағишланади. Улар Исонинг тирилиши ва “охирзамонни” кутиб яшайдилар.

Айни пайтда, Еттинчи кун адвентистлигида:

- руҳнинг абадийлиги, жаннат ва дўзах тушунчалари инкор қилинади;
- чўқинтириш бутун танани сувга ботириш орқали ўтказилади;
- “нопок ҳайвонлар” гўшти, хусусан, чўчка гўштини ейиш, кофе, чой, вино ичиш, тамаки чекиш тақиқланади;

- турли хил кўнгил очар тадбирлар, бадий китоб ўқиш эса қораланади.

**Пятидесятниклар** ёки “Тўлиқ инжил христианлари” протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири ҳисобланади. Ҳозирда пятидесятникларнинг сони дунё бўйича тахминан 120 миллионни ташкил этади.

Пятидесятниклик тарихи расман 1901 йилнинг 1 январига бориб тақалади. Айнан шу куни АҚШнинг Канзас штати Топеке шаҳрида Чарльз Пархем исмли руҳоний бошқараётган “Библия” мактабининг талабалардан бири Агнесса Озман “учинчи раҳмат”га эришиб (яъни, Муқаддас Рух билан чўқинтирилиб), хитой тилида гапира бошлади. Унинг кетидан “худо билан нотаниш тилда гаплашиш” “эпидемия”си бутун мактабни қамраб олади. Шундан сўнг, Ч.Пархем ўз ўқувчилари билан жанубий штатларда пятидесятникликни тарғиб қила бошлаган.

Худо билан нотаниш тилда гаплашишни бошидан ўтказган кўпчилик кейинчалик ўзларининг пятидесятниклик черковига асос солдилар. Бундай черковлар Скандинавия, Англия, Ҳиндистон, Чили, Германия каби давлатларда ҳам пайдо бўлди.

Пятидесятниклик диний ҳаётда “Муқаддас Рух инъомлари” деган тушунчага таянади. Таълимотга кўра, бу инъомлар фақатгина Муқаддас Рух билан чўқинтириш орқали Исо Масихнинг асл издошларига, унга хизмат қилиш воситаси сифатида берилади. Муқаддас Рух билан чўқинтирилганликнинг ташқи белгиси деб пятидесятниклар “глоссалия”, яъни “худо билан нотаниш тилда гаплашиш”ни тушунадилар.

Уларнинг бир-биридан асосий фарқи худонинг раҳматлари сони ва сув билан чўқинтиришнинг услубларидадир. Хусусан, баъзи пятидесятниклар 3 та раҳматга – динга киргишиш, нурлантириш яъни, христиан таълимоти билан чуқурроқ таништириш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришга ишонишса, айримлари фақат 2 та раҳмат – динга киргишиш ва Муқаддас Рух билан чўқинтиришни тан оладилар. Шунинг учун ҳам, уларни “Икки раҳмат черковлари” деб аташади.

Пятидесятникликнинг диний таълимот манбаи “Библия”дир. Унга кўра, Муқаддас Рух доимо черковда намоён бўлиб туради. Пятидесятникликда Исонинг иккинчи марта қайтиши, охирзамон

ва мингйиллик ҳукмронлиги ўрнатилишининг яқинлиги тарғиб қилинади. Шунингдек, Худонинг “Ўлдирма” деган буйруғига амал қилиниши сабабли уруш ва ҳарбий хизмат қатъиян рад этилади.

**Новоапостол черкови** XIX асрнинг ўрталарида Англияда вужудга келган протестантлик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда “Новоапостол черкови” дунёнинг 180 та давлатида 50 га яқин жамоа, 9 миллионга яқин аъзоларига эга.

“Новоапостол черкови” диний таълимотида 7 сирли маросимнинг учтаси эътироф этилади:

- сув билан чўқинтириш (ёшнинг фарқи йўқ);
- причащение – нон ва вино билан тотиниш;
- елей мойини суртиш – Муқаддас Рух билан (запечатление)

инсоннинг ички оламини бутунлай янгилаш.

Черков таълимотига кўра, Худо рухонийларнинг дуо ва фотихалари сабабли бандаларига ўзининг меҳру мурувватини ато қилади.

Марҳумлар руҳига бағишлаб бир йилда уч маротаба (март, июль ва ноябр ойларининг биринчи якшанба кунларида) ўтказиладиган диний маросимлар ҳам “Новоапостол черкови”нинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бу маросимларда марҳумларнинг қариндошлари ва рухонийлар иштирок этиб, худодан уларнинг бу дунёда қилган гуноҳларини авф этишини сўраб, ибодат қиладилар.

Черковни биринчи апостол ва апостоллар бошқарадилар. Ўз навбатида улар христианликдаги машҳур 12 апостолнинг ўринбосарлари ҳисобландилар. “Новоапостол черкови” номи шундан келиб чиққан. Биринчи апостол, диний коидаларга асосан, Худонинг ердаги вакили ҳисобланади. Черков ходимлари ўз вазифаларини бепул ва ўзларининг асосий касбларидан ташқари бажарадилар

Ҳар бир жамоа 150-170 кишилиқ катта оила каби ташкил этилади. Пасторлар камида икки ойда бир маротаба ҳар бир уйни зиёрат қиладилар. Асосий эътибор болалар ва ўсмирлар тарбиясига, ногирон ва камбағалларга ёрдам қилишга қаратилади.



**Ўзбекистонда  
христианлик тарихига  
оид маълумотлар**

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир неча христианлик оқимлари фаолият олиб боради. Христианликнинг ҳам зардуштийлик, буддавийлик каби

Марказий Осиё халқлари тарихида ўзига хос ўрни бор.

Бу дин Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга икки йўл билан кириб келган. Бу жараён, биринчидан, христианликни тарғиб этувчи миссионерларнинг тарғиботчилик ҳаракати орқали, иккинчидан, Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва христиан динига эътиқод қилувчи аҳолининг ушбу минтақага кўплаб кўчиб келиши орқали амалга ошди. Бу динни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Марказий Осиёнинг турли вилоятларига милоднинг III асрларида кириб келганлар. Масалан, 280 йилда Талос (Марке) черковлари қурилиб бўлган, Самарқандда (310 йилдан), Марвда (334 йилдан), Ҳиротда (430 йилдан), Хоразмда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик, миссиялар тузилган. Кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йиллар), Ҳиротда (658 йиллар) епископликдан иборат диний ҳудудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. Хуросонликлар ва суғдиёналиклар зардуштийлар, Монийлар, буддавийлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлганлар. Улар қорахитойлар ва сосонийларга қарашли ерларда яшаганлар.

Марказий Осиё ҳудудида исломнинг тарқалиши даврларида ислом билан христианлик ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар кескинлаша бошлади. Бироқ X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳатто, Беруний яшаган даврда ҳам (973-1056) манбаларда Марвда православ митрополияси бўлгани ҳақида маълумотлар келади.

Православ йўналиши Ўзбекистон ҳудудига Россия орқали кириб келган. 1871 йил 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Туркистон епархиясини очишга қарор қилинди. 1880 йилларга келиб Рус православ черкови (РПЧ, рус: Русская Православная Церковь) ўзининг янги ибодатхоналари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Булардан энг кўпи Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қурилди.

1916 йил 16 декабрда император буйруғи билан Туркистон кафедрал собори Алматидан Тошкент шаҳрига кўчирилди. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан сўнг Ўзбекистонга Россия, Украина, Белорусия, Молдова ва Болтиқбўйи мамлакатларидан эвакуация қилинган миллатлар хилма-хиллиги ортиб, православликка эътиқод қилувчи аҳолининг сони тахминан 1 миллионга етди.

2011 йил 27 июль кунидан эътиборан собиқ Тошкент ва Марказий Осиё епархияси ўрнига тўрт мустақил епархия ташкил этилди. Мазкур тўрт епархиянинг фахрий раҳбари сифатида Тошкент ва Ўзбекистон епархиясига раҳбар этиб тайинланган митрополит Викентий тасдиқланди.

2011 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон ҳудудида 1 та марказ, 1 та семинария, 3 монастир ва 33 та черков - жами 38 та православликка мансуб диний ташкилот рўйхатга олинган.

Христианликнинг Ўзбекистонда тарқалган оқимларидан бири католицизмдир. Тошкентда биринчи католик черкови 1912 йилда қурила бошланиб, 1917 йилда битказилган. Ҳозирги кунда бу бино тарихий ва аҳамиятга молик обида сифатида қайта таъмирланмоқда.

1925 йилда Адвентистларнинг Жануби-Шарқий иттифоқи таркибида Ўзбекистонда адвентистларнинг Марказий Осиё бошқаруви ташкил этилди. Унинг биринчи қурултойи 1926 йилда ўтказилиб, унда Бутуниттифоқ адвентистлар иттифоқи таркибининг бешинчи иттифоқи сифатида қайд этилди. 30-йиллар охирига келиб диндорлар ва улар каторида адвентистлар жамоалари тарқатиб юборилди ҳамда таъқиб остига олинди. Барча йўналишдаги жамоалар яширин фаолиятга ўтиб кетди.

1976 йил 26 август куни Тошкентдаги адвентистлар жамоаси илк бор давлат рўйхатидан ўтди. Шундан кейин, адвентистларнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда норасмий жамоалари тузила бошлади.

Туркистон ўлкаларида илк баптистлар жамоаси 1891 йилларда пайдо бўлди. Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 1909 йил 2 июлда 60 кишилик баптист жамоалари учун ибодат уйи очишга рухсат берилди. 1911 йил октябрь ойида Самарқанд жамоаси тузилди.

1921 йилдан эътиборан Туркистон баптистлари орасида бирлашиш мақсадида бошқарув органини сайлаш учун ҳаракат бошланди. Ушбу бошқарув органи 1922 йилда Тошкент баптистлар қурилтойида Марказий Осиё баптистлар иттифоқи, сўнг Умумроссия иттифоқи таркибида Туркистон бўлими тузилди. 30-йилларга келиб баптистларнинг 6 жамоаси расман қайд этилди.

1946 йилдан Ўзбекистон ҳудудида Евангел христиан-баптистлар (ЕХБ) жамоаси фаолияти қайд этилди. 1948 йил октябрь ойидан эса Бутуниттифоқ ЕХБ кенгашининг Ўзбекистондаги вакили этиб Т.Пеньков тайинланди. 1958 йилга келиб Ўзбекистонда баптистлар сони икки минг кишини ташкил этди. Шу давр ичида норасмий 32 та жамоа фаолият кўрсатган.

1964 йилда бу жамоалар норасмий “Марказий Осиё Евангел христиан баптистлар черковлари кенгаши маркази”ни туздилар. У кейинчалик “Осиё жануби бўйича баптист биродарлар кенгаши” деб номланди. 1992 йил ноябрь ойида Москвада баптистларнинг бўлиб ўтган 1-қурултойида “Евангел христиан баптистлар иттифоқи федерацияси” – “Евро-Осиё ЕХБ иттифоқи” номига ўзгартирилди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Пятидесятниклар (Тўлик Инжил христианлари) XX асрнинг 20-йиллари охирида Тошкент шаҳрида биринчи жамоаларни тузишди.

Протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири ҳисобланган лютеранлик тарафдорлари тахминан 75 миллион кишини ташкил этади. 1989 йилдан эътиборан Россия, Украина, Қозоғистон ва Марказий Осиёдаги Евангел лютеран черкови таркибига бирлаштирилиб қайд этилди. Лютеранларнинг олий ҳуқуқий органи Бош синоддир.

Мазкур черков МДХ мамлакатларида 5 епархияга бўлинган бўлиб, унинг марказлари Москва, Омск, Одесса, Алмати ҳамда Тошкентда жойлашган.

Лютеранлар жамоаси Ўзбекистонда илк марта Тошкент шаҳрида 1885 йилдан расмий фаолият кўрсата бошлаган. 1896-99 йилларда лютеранлар ибодатхонаси (кирха) қурилган.

1992 йил 8 сентябрда Немис евангель-лютеранлар черкови расмий рўйхатдан ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги қарори билан кирха лютеранларга қайтариб берилди.

Республикамизда 2011 йилнинг 1 июлига қадар евангел-лютеранлар черковининг 2 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

Ўзбекистонда яна бир черков Новоапостоллик черкови бўлиб, у христиан динининг протестантлик йўналишига мансуб оқимдир. Новоапостол черкови Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаган бўлиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларида рўйхатдан ўтган. Ўзбекистондаги Новоапостол черковлари Берлин-Бранденбург шаҳри округи тасарруфидадир.

Ўзбекистонда протестант йўналишидаги диний ташкилот деб ҳисобланган “Иегово шоҳидлари” ҳам фаолият юритмоқда. 1870 йилда америкалик ишбилармон Рассел томонидан асос солинган мазкур диний сектанинг маркази Бруклин шаҳрида жойлашган. Улар 15 аъзодан иборат бўлган “Раҳбар корпорацияга” бўйсундилар.

Айрим манбалар Марказий Осиёда Иегово шоҳидларининг XX асрнинг 40-йилларида пайдо бўлганлигини билдиради. Ўша даврда улар ўзларини “каналистлар” деб атаб келганлар.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Христианлик динидаги илк бўлинишларнинг ижтимоий-тарихий омиллари нимада эди?
2. Нима учун монофизит ва несториан черковлари “ересь” деб эълон қилинди?
3. Католикликнинг моҳияти нимада?
4. Православликнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Протестантлик йўналишининг ажралиб чиқишига нима сабаб бўлди?

## Мустақил иш топшириқлари

1. Христианликдаги бўлиниш сабабларини тарихий таҳлил қилинг.
2. Православлик тарихи ва таълимотининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида илмий иш тайёрланг.
3. Католиклик ва православлик таълимотларидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар ҳақида қиёсий кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).
4. Ўзбекистондаги христиан диний ташкилотлари ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ўрганинг.

## Адабиётлар

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Рахимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
2. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: мохият, максадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
3. Горелов А. История мировых религий: учебное пособие / 2-изд., испр. – М.: Флинта: МПСИ, 2006.
4. Каутский К. Происхождение христианства. – М., 1990.
5. Кривелев И. История религий. – М.: 1989.
6. Кулаков А. Религии мира. – М., 1996.
7. Мень А. История религии. – М., 1994.
8. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001.
9. Радугин А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
10. Ранович А. Первоисточники по истории раннего христианства. Античные критики христианства. – М.: 1990.
11. Токарев С. Религия в истории народов мира., – М., 1965.
12. Яблоков И. Основы религиоведения. – М., 1998

## 12-МАВЗУ. ИСЛОМ ДИНИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИ

### Режа

1. Исломгача Арабистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолат.
2. Ислом динининг вужудга келиши.
3. Ислом дини таълимоти.
4. Қуръон ва ҳадис – ислом динининг манбалари.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                    |           |
|--------------------|-----------|
| 1. Жоҳилия         | 7. Ваҳий  |
| 2. Бутпарастлик    | 8. Ансор  |
| 3. Мусҳаф          | 9. Ҳижрат |
| 4. ал-Васания      | 10. Расул |
| 5. Макка ва Мадина | 11. Набий |
| 6. Ҳиро ғори       |           |

*Мавзу ўқув мақсади: Ислом дини тарихи, таълимоти, муқаддас манбалари, ибодат ва маросимлари ҳақида талабаларда атрофлича тасаввур ҳосил қилиши.*

**Исломгача  
Арабистондаги  
ижтимоий-сиёсий  
ҳолат**

“Жоҳилия” сўзи араб тилида билимсизлик, нодонлик маъноларини беради. Исломдан аввал араблар орасида “ал-Васания” – кўпхудолик ҳукм суриб, улар яккахудолик эътиқодидан беҳабар бўлганлиги сабабли бу давр “жоҳилия” деб аталган. Бундан ташқари халқ орасида норасида қизларни тириклайин кўмиш, майхўрлик ва бошқа ахлоқий бузуқликлар кенг ёйилган эди. Баъзи тадқиқотчилар жоҳилия даври юз эллик-икки юз йил давом этган деган фикрни билдирадilar. Бироқ ушбу даврнинг муддати манбаларда аниқ белгиланмаган.

Арабистонда ҳар хил худоларнинг тимсоллари – санамлар қачон пайдо бўлгани ҳақида муайян тарихий маълумотлар йўқ. Баъзи тарихчиларнинг хабар беришича, Арабистонга биринчи бўлиб санам келтириб ва унга ибодат қилишни бошлаб берган

Амр ибн Лухай исмли шахс бўлган. У Шомга тижорат мақсадида тез-тез сафар қилиб турарди. Шомда эса бутпарастлик, турли санамларга сиғиниш одатлари анча аввал шаклланган эди. Арабистоннинг турли ерларида муайян санамларнинг қароргоҳи мавжуд бўлиб, улар зиёратгоҳлар сифатида маълум эди. Макка Арабистоннинг диний марказига айлангач, у ердаги Каъба санамлар тўпланган жойга айланиб қолди. Ислом арафасида араблар орасида бутпарастлик шунчалик авжида эдики, ҳатто ҳар бир хонадоннинг ўз санами бўлган.

Ибн ал-Калбийнинг араб кўпхудолигига бағишланган “Китоб ал-асном” (“Бутлар китоби”) асарида тилга олинган датлабки беш санам (аёл худо тимсоли) Вадд, Сувоъ, Ёғус, Ёъуқ, Наср бўлиб, Қуръонда ҳам зикр қилинган (“Нух” сураси, 22-23-оятлар). Қуръонда зикр қилинган энг қадимги санамлар жумласига Лот, Манот ва Уззо ҳам қиради. Жоҳилия арабларининг тасавурида бу учала санам ҳам аёл худолар бўлган.

Исломдан олдин Арабистоннинг кўп жойларида яҳудий жамоалари мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Яҳудийлар билан бирга Арабистон ярим оролига яҳудий дини ҳам кириб келди. Арабистон яҳудийлари ҳақида, асосан, Қуръон, ҳадис, тафсир, сийра ва тарих китоблари хабар беради. Бу мавзуга аниқлик киритадиган ҳозирга қадар топилган ҳужжатларнинг энг қадимийси Янги Бобил подшоҳи Набонидга (мил. ав. 555-539 й.) тегишли хроникадир. Унда айтилишича, милоддан аввалги 552-542 йиллар Шимолий Арабистондаги Тейма шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олган Набонид бу ердаги шаҳарларни ўзлаштириш мақсадида Бобилдан талайгина аҳолини кўчирган. Улар орасида кўпчилики яҳудийлар ташкил қилган. Маълумки, бундан олдинроқ (мил. ав. 586 й.) Навуходоносор II Қуддусни забт қилганида салкам 30 минг яҳудийни асир қилиб, Бобилга келтирган ва “Бобил асирлиги” 50 йил давом этган. Шундан сўнг ҳам баъзи яҳудийлар Фаластинга қайтмай Бобилда қолиб кетганлар.

Арабистон ярим оролида яҳудийлик билан бир қаторда христианлик дини ҳам тарқалган. Христианлар бу ерда кенг тарғиботчилик ишларини олиб борганлар. Улар Арабистонга қачон кириб келганлиги номаълум. Тарихий манбаларда хабар

берилишича, қул савдоси бу ерга христианларнинг кириб келишида асосий омиллардан бири бўлган. Византия вилоятлари ва Ўрта ер денгизи оролларида келтириладиган оқ танли эркак-аёл қуллар одатда уй ишлари ва ҳунармандчилик ишларига жалб қилинар эди. Шаҳар бойлари чиройли христиан қизларни ўзларига жорияликка олар, улар она бўлганларидан кейин озод қилардилар. Масалан, Маккадаги Бану Махзум уруғининг бойлари қўл остида юнонистонлик жориялар кўп бўлган.

Жоҳилия жамиятида ўзларининг катта боболари Иброҳим алайҳис-салом динини сақлаб қолган бир жамоа кишилар “ҳанифлар” деб аталган. Улар санамларга сиғинмас, балки ягона худога ибодат қилганлар. Ҳанифлар очикдан-очик бутпарастрларни танқид қилардилар. Бу танқидлар, табиийки, зодагонларга ёқмас эди. Шунинг учун ҳам улар бир ерда муқим турмай, ўлка бўйлаб кўчиб юришга ва қаландарона ҳаёт кечиришга мажбур бўлдилар. Ушбу тоифа кишилардан Зайд ибн Амр, Варақа ибн Навфал, Убайдуллоҳ ибн Жаҳш, Усмон ибн Ҳувайрис, Қусс ибн Сайидоларни келтириш мумкин.

**Ислом динининг  
вужудга келиши**

“Ислом” – (араб. бўйсунуш, итоат этиш) – Аллоҳга тил билан имон келтириб, дил билан тасдиқлаш, унинг

кўрсатмаларига бўйсунушни англатади.

**Муҳаммад пайғамбар ҳаёти.** Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абд ал-Мутталиб Арабистон тарихида “Фил воқеаси” номи билан машҳур жангдан 50 кун кейин таваллуд топгани ҳақида илк ислом манбаларида хабар берилади. Пайғамбарнинг таваллуд санаси милодий 570 йилга тўғри келади. Оталари Абдуллоҳ ўз ўғли Муҳаммад туғилмасидан олдин савдо иши билан Шомдан қайтаётиб Ясрибда (ҳозирги Мадина шаҳрида) вафот этган. Оналарининг исми Омина бинт Ваҳб бўлиб, Бану Зухра уруғидан эди.

Манбаларда пайғамбарнинг таваллуд кунларида турли мўъжизалар рўй бергани ҳақида хабар берилади. Ушбу ҳодисалар ҳақида кўплаб тарихчилар ўз асарларида ривоятлар қолдирганлар. У кишининг оналари ҳомиладор бўлганида тушида “Сен бутун инсонларнинг улуғига ҳомиладор бўлдинг, у дунёга



келгач, исмини Муҳаммад қўйгин” деган овоз эшитди. Шунга кўра туғилган пайтларида боболари “Муҳаммад”, яъни “ғоят мақтовли” деган исми қўйдилар. Ислому таълимотига кўра, Муҳаммад пайғамбар номлари зикр этилганда “саллаллоҳу алайҳи васаллам” (қисқача: с.а.в.: “унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломи бўлсин”) ёки “алайҳис-салом” (қисқача: а.с.: “унга салом бўлсин”) ибораси айтилади.

Арабларда бола соғлом ва зийрак бўлиб ўсиши учун саҳройи аёллардан сут-она топиб эмизиш одати бор эди. Ана шу одатга кўра, Муҳаммад алайҳис-саломга Бакрий қабиласидан бўлган Ҳалима исмли аёл сут-она бўлди. Расулulloҳни тўрт йилдан ортиқ вақт ичида эмизган Ҳалиманинг оиласига барака ёғилиб турган.

Беш ёшли Муҳаммад ўз онаси Омина билан биргаликда Ясрибга ота қабрини зиёрат қилиш учун борадилар. Бу сафардан қайтиб келаётганларида Абво деган жойда оналари Омина вафот этади. Маккага оталарининг чўриси Умму Айман билан бирга етиб келадилар. Шундан сўнг уларни саккиз ёшгача боболари Абдулмутталиб ўз қўлида тарбиялади. Абдулмутталиб ўз неварасини жуда яхши кўрарди. Шунинг учун ўзи ҳасталаниб, ўлим тўшагида ётган пайтда ўғиллари орасида энг саховатли ва меҳрибон бўлган Абу Толибни чақириб, Муҳаммад алайҳис-саломни ўз қарамоғига олишни буюради. Отаси вафотидан сўнг амакилари Абу Толиб ўз отасининг васиятига биноан уларни ўз қарамоғига олди.

Пайғамбар ёшлик чоғларида икки марта Шомга, бир марта Яманга қарвон билан бирга сафарга чиқдилар. Шомга биринчи марта 12 ёшга тўлганда, иккинчи марта 25 ёшга, Яманга 17 ёшга тўлганда сафар қилдилар. 12 ёшга етганда амакилари Абу Толиб Шомга сафарга отланди. Энг яқин кишисидан айрилиб қолиш бўлғуси пайғамбарга қаттиқ таъсир қилиб, маънос қолганини кўрган Абу Толиб болани бирга олиб кетишга жазм қилди.

Уларнинг қарвони Шом йўлидаги Бусра номи мавзеда тўхтади. Яҳудийларнинг олимларидан Бухайро исмли бир роҳиб узокдан қарвоннинг келишини кузатиб турар эди. Кўрдикки, қарвон билан бирга бир булут ҳам келаяпти. Қарвон бир дарахт остига тўхтади. Булут ҳам ўша дарахт тепасига қўнди. Бухайро

дархол бир зиёфат тайёрлади. Абу Толибни шериклари билан ибодатхонага таклиф қилди. Бўлажак пайғамбар ҳақидаги маълумотларни билиб олиш учун бир неча саволлар берди. Олган жавобларидан ҳайратланган Бухайро ўспириннинг икки кураклари ўртасидаги пайғамбарлик муҳрини очиб кўрди. Шундан сўнг Абу Толибга жиянининг порлоқ келажак эгаси эканини башорат қилди ва уни эҳтиёт қилишни уқтирди.

25 ёшга тўлганларида Бану Асад уруғидан бўлган бой аёл Хадича бинт Хувайлид у кишидан ўзининг савдо қарвони билан бирга Шомга сафар қилишни сўради. Бу савдодан катта фойда тушди. Муҳаммаднинг тўгрисўз, ҳалол, садоқатли эканини кўрган Хадича ёши анча катта бўлишига қарамай, таомилга зид равишда унга совчи қўйди. Бир томондан амакилари Абу Толиб, иккинчи томондан Хадичаниннг амакиваччаси Варақа розилик бериб никоҳ ўқилди.

Айнан мана шу аёл Расулуллоҳнинг етти фарзандларидан олтитаси, яъни Зайнаб, Умму Кулсум, Руқия, Фотима, Қосим, Абдуллони дунёга келтирган. Фақат битта ўғил – Иброҳим Мориядан туғилган эди.

605 йилда маккаликлар Каъбани таъмир этадилар. Уни қайта қуриш жараёнида муқаддас саналган “Ҳажар ал-асвад” (“Қора тош”)ни ким кўтариб ўрнига қўяди, деган масалада тортишиб қоладилар. Шунда улардан бири: “Эрталаб Сафо эшигидан ким биринчи кириб келса, ўша бизга ҳакамлик қилсин” дейди. Эрталаб Сафо тарафидан Муҳаммад алайҳис-салом кириб келадилар. Уни кўрган оламон “Муҳаммад ал-Амин (ишончли Муҳаммад) келди” деб хурсанд бўладилар. У киши чопонларини ечиб, унинг устига “қора тош”ни қўйиб, барча қабила бошлиқларини чопонни бараварига кўтаришга буюрадилар ва ўзлари келтирилган Қора тошни жойига олиб қўядилар. Муҳаммад алайҳис-салом ўз зукколиклари билан қабилалар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низонинг олдини олгандилар.

**Ваҳийнинг нозил бўлиши. Макка даври.** Милоднинг 610 йилда, яъни Муҳаммад алайҳис-салом 40 ёшга етганда кўпроқ ёлғизликни қумсайдиган бўлиб қоладилар. Кўпинча Маккадан уч мил юқоридаги Нур тоғида жойлашган Ҳиро ғорига кетар ва Рамазон ойини у ерда кечириб, ибодат қилардилар. Ғамлаган

озуқалари тугагач, Хадича олдига қайтар, бу ерда бироз қолиб, яна ўша ғорга кетардилар. Манбаларда айтилишича, пайғамбарликнинг илк белгиси сифатида у кишининг кулоқларига ғойибдан “Сен Аллоҳнинг элчисисан” деган товушлар эшитиларди, тушларида кўрган нарсалари тўғри чиқарди.

Шу йилнинг Рамазон ойида Муҳаммад алайҳис-салом одатга кўра, Ҳиро ғорида аввалги ўтган пайғамбарлардан Иброҳим, Мусо, Исо каби “таҳаннус” ибодати билан машғул бўладилар. Имом ал-Бухорий томонидан бу ибодатга шундай шарҳ берилган: “Пайғамбаримизнинг қайси шаклда ибодат қилгани ҳақида сўраладиган бўлса, бунинг тафаккур ва ибратдан иборат бўлганлигини айтаемиз”.

Пайғамбарликнинг бошланиши тушда кўрилган нарсаларнинг ўнгда ойдин бир субҳ каби юз бериши билан бошланган. Кунларнинг бирида Ҳиро ғорида фаришта Жаброил кўринди ва:

“Ўқи”, – деди.

Пайғамбар:

“Мен ўқишни билмайман”, – дедилар.

Фаришта яна амрини такрорлади. Пайғамбар яна:

“Мен ўқишни билмайман”, – жавобини бердилар. Сўнгра малак уларни бошдан оёққа қадар кучлари қолмагунча сикди.

У замон фаришта илоҳий оятларни ўқий бошлади:

“(Эй, Муҳаммад, бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан ўқинг! У инсонни лаҳта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса Карамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни) ўргатган зотдир. У инсонга билмаган нарсаларини ўргатди” (“Алақ” сураси, 1-5-оятлар).

“Алақ” сурасининг бошидаги ушбу оятлар илк келган ваҳий ҳисобланади. Расулulloҳ бу оятларни ўз калбларига жойладилар. Шундан сўнг бўлиб ўтган воқеадан ниҳоятда ҳайрат ва қўрқувга тушиб, дарҳол Хадичанинг хузурига қайтдилар ва “Мени ўраб кўйинг, ўраб кўйинг” дедилар. Узоқ уйқудан сўнг бўлган воқеани аёлларига сўзлаб бердилар. Хадича буни яхшиликка йўйиб, Варақа ибн Навфал номли аввалги самовий китоблардан бохабар бўлган қариндошининг хузурига бориб, бу воқеанинг тафсилотини сўрадилар. Варақа бу кўринган фаришта Мусо ва

Исо пайғамбарларга вахий олиб тушган Жаброил фаришта эканини айтади. У яна келажакда Муҳаммад ўз умматига пайғамбар бўлиши, бу йўлда кўп азият чекиши, ўз юртидан чиқарилиши ҳақидаги хабарларни билдиради.

Шу воқеадан сўнг илк исломдаги “яширин даъват даври” бошланган. Биринчи бўлиб Расулulloх чақириқларини қабул қилган, яъни “илк имон келтирганлар” – аёллари Хадича бинт Хувайлид ва Али ибн Аби Толиб эдилар. Улардан сўнг қуллари Зайд ибн Ҳориса ва бўлғуси қайноталари Абу Бакр Сиддик бўлдилар. Улар жамиятнинг турли табақаларидан эканликлари ислом динининг барча учун очик дин эканини кўрсатарди. Вақт ўтиши билан жами мусулмонларнинг сони 30 кишига етди. Улар курайшликларнинг янги динга қарши эканликларини билганликлари учун ўз эътиқодларини яширин сақладилар. Бу ҳолат уч йил давом этди.

Шундан сўнг “ошкора даъват” даври бошланади. Расулulloх шу сабабли Абдулмутталиб оиласини, амакилари Абу Толиб, Аббос, Ҳамза, Абу Лаҳабларнинг барчасини уйларига таклиф этдилар. Зиёфатдан сўнг Аллоҳдан янги дин вахий қилинганини билдириб, унга барчани чақириш Аллоҳ томонидан ўз вазифалари этиб белгиланганини айтдилар. Абу Лаҳаб бу сўзларни қатъий инкор этиб, йиғилганларни тарқатишга тушди.

Ислом динини қабул қилмаган маккаликлар ҳам Муҳаммад пайғамбарнинг юксак ахлоқ эгаси эканини тан олар эдилар. Мусулмонлар сафи кенгайиб пайғамбар амакилари Ҳамза, ундан сўнг Умар ибн Хаттобнинг имон келтиришларидан маккаликлар саросимага тушиб қолдилар. Улар мусулмонларга тазйик ўтказишни янада кучайтириб юбордилар.

Маккаликлар Абдуманоф уруғини Абу Толиб дарасига қамал қилдилар. Шундан сўнг икки марта Ҳабашистонга ҳижрат қилинди. Қамалдан сўнг Хадича вафот этди. Маккада “Исро ва Меърож” воқеаси юз берди. Душманлар Пайғамбарни ўлдириш ҳаракатига тушдилар.

**Мадина даври.** Мадиналиклар Маккага Расулulloх ҳузурига келиб исломни қабул қилдилар. Улар билан маккалик мусулмонлар ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилди. Макка мушрикларининг мусулмонлар устидан тазйиклари кучайғач,

Пайгамбар кўрсатмасига биноан аввал мусулмонлар ундан сўнг ўзлари Ясрибга ҳижрат қилдилар.

Мадиналик “ансор” (“ёрдамчи”)лар маккалик муҳожирларни дўстона ва самимий кутиб олдилар. Пайгамбарнинг ҳижрати Рабиъ ул-аввалнинг 8-куни – милодий 622 йил 20 сентябрда бўлди. Шу йилдан бошлаб ҳижрий йил ҳисоби бошланди. Ушбу йили биринчи мусулмонлар масжиди курилди.

Авс ва Хазраж араб қабилалари ҳамда Бану Қурайза, Бану Қайнуко, Бану Надир қабилалари билан ўзаро сулҳ тузилди. Ҳар томондан Мадинага қарши ҳужумлар уюштирилди. “Бадр” жангида мусулмонлар уларни муваффақият билан қайтардилар.

Ҳижратнинг олтинчи йилида Макка қурайшийлари билан тузилган Ҳудайбия шартномаси энг муҳим тарихий ҳужжатлардан бири бўлди. Бу сулҳ битими тузилиши арафасида мусулмонлардан 1500 жангчи ўқ-ёй ва найзалар олмасдан, фақат қилич тақиб, Байту-л-ҳарам зиёрати вақтида қурбонликка сўйиладиган 70 туяни ҳайдаб, Макка шаҳрига яқин келди. Бу кичик кўшин Макка мушрикларига кўп кўриниб, улар мусулмонларни жанг қилишга, урушга келган деб гумон қилиб, шаҳарга киритмадилар. Ҳар икки тараф бир неча бор элчилар алмашиб, вазиятни тушунтирдилар. Мусулмонларнинг тинч мақсадда келганига ишонмасдан, Макка мушриклари урушга тайёрланиб турдилар. Аммо жоҳилия замонларида ҳам Байту-л-ҳарамда, яъни Каъба ва унинг атрофида жанг қилиш, қон тўкиш ман қилинган эди. Шунинг учун ҳам бу қоидага амал қилган ҳолда мусулмонлардан Усмон ибн Аффон етакчилигида навбатдаги элчилар юборилди. Макка мушриклари буларни гаровга, асир олгандай қайтариб жўнатмадилар. Мусулмонлар ҳам Макка вакилларини вақтинча ушлаб турдилар.

Орадаги кескин вазиятни юмшатиш учун Макка раислари Ҳудайбия деган жойда 10 йиллик сулҳ шартномаси тузишни таклиф этдилар. Ҳудайбия шартномаси мусулмонлар учун мураккаб вазиятда тузилди. Унда асосан қуйидаги шартлар белгиланган эди:

1. Ўртамизда душманлик тугатилади, талончилик ва макр-хийлаларга йўл қўйилмайди.

2. Истаган одамлар Муҳаммад билан шартнома тузиб, иттифоққа қўшилишни хоҳласа қўшилаверади, истаган одамлар курайшийлар билан шартнома тузиб, иттифоққа қўшилишни хоҳласа қўшилаверади.

3. Сен (Муҳаммад) бу йил Маккага кирмай қайтиб кетасан, келаси йили биз Маккадан чикиб турамиз ва мусулмонлар уч кун Маккада туришлари ихтиёрийдир. Ўша вақтда мусулмонларнинг қиличлари қинида бўлиб, бошқа ҳеч қандай қурол билан келмайдилар.

Шартномага мусулмонлар жамоаси тарафидан Расулulloҳдан сўнг Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Абдурахмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Суҳайл, Саъд ибн Абил Ваққос, Муҳаммад ибн Маслама имзо чекдилар. Курайшийлар тарафидан Суҳайл ибн Амр, Микроз ибн Ҳафс, Хувайлид ибн Абдул Уззо имзо чекдилар.

Ҳижратнинг саккизинчи йили Макка фатҳ этилди. Ҳавозин, Сакиф қабилалари билан Ҳунайн жангги бўлди. Мушрикларнинг Лот, Манот, Уззо номли бутлари йўқ қилинди.

632 йили Муҳаммад алайҳис-салом ҳажга боришга қарор қилдилар. Бу охириги ҳаж бўлгани туфайли ислом тарихида “Ҳажжат ул-видо” (“Видолашув ҳажи”) деб номланди. Бу сафарга 90 минг мусулмон отланди. Зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арафот тоғида Расулulloҳ томонидан ислом динининг асосий шартларини баён этган “Видолашув хутбаси” ўқилди. Шундан сўнг, деярли барча араб қабилалари исломни тан олиб, элчи ва мактублар йўллай бошладилар.

Ҳаждан Мадинага қайтган Расулulloҳ бироз муддатдан сўнг касалликка чалиниб, ҳижратнинг ўн биринчи йили – 632 йилда вафот этдилар.

<b>Ислом дини таълимоти</b>
---------------------------------

Исломнинг асосий манбаси бўлмиш Қуръони карим VII асрда нозил бўлган. Ислом таълимотига кўра, “Муҳаммад алайҳис-салом аввалги пайғамбарлар ишини давом эттирган, улар динини қайта тиклаган, қиёмат олдидан юборилган охириги пайғамбар – Набий ва Расул”, деб тан олинади.

Набий – араб тилидан таржимаси “хабарчи”, “хабар етказувчи” маъноларини беради. Пайғамбарлар орасида уларга Аллоҳ томонидан алоҳида китоб ва шариат нозил қилинмаган ва аввалги пайғамбарнинг китоб ва шариатини инсонларга ўргатиб, тарғиб қилганларни (Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Закариё каби) набийлар деб аталади.

Расул – араб тилида элчи маъносини англатади. Аллоҳдан алоҳида китоб ва шариат олган Иброҳим, Мусо, Исо каби пайғамбарлар “расул” даражасига эришган ҳисобланади. Зеро, Иброҳимга юзта саҳифа, Мусога Таврот ва Исога Инжил номли китоблар нозил қилинган бўлиб, шу билан бирга ўзларига хос шариат ҳам берилган. Муҳаммад алайҳис-салом ҳам алоҳида китоб ва шариат олган “расул”лардан ҳисобланади.

Мусулмон бўлишнинг асосий шарти имон келтириш ҳисобланади. “Имон” сўзининг луғавий маъноси “ишонмоқ”, “тасдиқламоқ бўлиб”, истилоҳда эса “Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур расулуллоҳ” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули”) калимасини тил билан айтиб, дил билан тасдиқлашдан иборат. Имоннинг етти шарти қуйидагилар ҳисобланади:

1. Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига имон келтириш, яъни Аллоҳнинг Қуръони каримда ва Муҳаммад алайҳис-салом ҳадисларида баён қилинган барча исмлари ва сифатларига имон келтириш;

2. Фаришталар – Аллоҳнинг нурдан яратган, унинг буйруқларини сўзсиз бажарувчи, унинг амридан ташқари чикмайдиган хос бандалари деб ишониш;

3. Илоҳий китобларга имон келтириш: Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳис-саломга Қуръонни юборганидек, бошқа пайғамбарларга ҳам китоблар юборган. Улардан бизга маълум бўлганлари: Иброҳим алайҳис-салом “Саҳифалари”, Мусо пайғамбарга берилган “Таврот”, Довуд пайғамбарга берилган “Забур” ва Исо пайғамбарга берилган “Инжил” китобларидир;

4. Пайғамбарлар – Аллоҳ таоло томонидан инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун юборилган элчилари, деб имон келтириш. Барча пайғамбарлар бир-бирининг ишларини давом эттирган бир занжирнинг бўғинлари ҳисобланади. Қуръонда 25 пайғамбарнинг

номлари зикр этилган. Ҳадисларда пайгамбарларнинг умумий сони 124 минг экани баён қилинган;

5. Охират кунига ишониш: дунёнинг ибтидоси бўлгани каби унинг интиҳоси ҳам бор, бу дунё – инсонлар учун синов майдони, бу дунёда қилинган савоб ишлар учун мукофот, гуноҳ ишлар учун жазо бериладиган охират ҳаёти мавжуд деб ишониш;

6. Тақдирга – инсонга етадиган яхшилик ва ёмонлик Аллоҳдан деб эътиқод қилиш;

7. Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш. Ислом таълимотига кўра, қиёмат куни бўлганда барча инсонлар қабрларидан турадилар ва маҳшаргоҳ майдонига йиғиладилар. У ерда барча одамлар дунёдаги амалларига қараб мукофот (жаннат) ёки жазо (дўзах)га маҳкум этиладилар.

Ислом динининг беш асосий руқни бор: 1. Имон, яъни шаҳодат (*араб.* –гувоҳлик бериш); 2. Намоз ўқиш; 3. Закот (*араб.* – поклаш, ўсиш, ортиб бориш); 4. Рўза тутиш; 5. Ҳаж – қодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этиш.

**Қуръон ва ҳадис –  
ислом динининг  
манбалари**

**Қуръони карим** – Аллоҳ таоло тарафидан 23 йил мобайнида Муҳаммад пайгамбарга оят-оят, сура-сура тарзида нозил қилинган илоҳий китоб ҳисобланади. Манбаларда берилишича, “Қуръон” сўзи арабча “қараа” – “ўқимоқ” ўзагидан олинган бўлиб, “Ўқиладиган (китоб)” маъносини беради деб талқин этилади. Қуръон 114 сура (*араб.* – “бўлак”, “девор”, “тўсиқ”) ва 6236 та оятдан ташкил топган. Унинг “мўъжиза”, “белги”, “аломат” каби маънолари ҳам бор.

Маккада нозил бўлган Қуръон сураларининг хронологик тартиби қуйидагича:

1. Макка даври (610-615 йиллар). Бу даврда юксак адабий ижод намуналари бўлган “сажъ” жанрига яқин шаклдаги суралар нозил бўлган. Европа олимлари уларга “Назмий суралар” деб ном берганлар.



2. Макка даври (616-619 йиллар), мусулмонлар доимий таъқиб остида яшаган ва кўпчилик Ҳабашистонга кўчиб кетган вазиятда нозил бўлган. Бу сураларда Аллоҳнинг номи “Раҳмон” сифатида кўп тилга олингани сабабли Европа олимлари уларни “Раҳмон суралари” деб атаганлар.

3. Макка даври (620 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда ҳам мусулмонлар таъқиб остида яшаганлар, махфий равишда, кўпинча шаҳардан ташқарида ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломнинг ақида ва таълимотига кенг ўрин берилгани сабабли, европалик тадқиқотчилар уларга “Пайғамбарлик суралари” деб ном берганлар.

Мадинада туширилган 24 та суранинг нозил бўлиш даврини тарихий воқеаларни аниқроқ кўзда тутган ҳолда беш босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи давр (622 йил октябрдан 624 йилгача). Мусулмонлар Мадинага кўчиб келганларидан маккаликлар билан биринчи йирик тўқнашув – Бадр жангигача ўқилган тўрт сура бу даврга киради.

Иккинчи давр (624 йил мартдан 625 йил мартигача). Бадр жангидан кейин Уҳуд жангигача ўтган бир йил ичида ўқилган уч сурани ўз ичига олади.

Учинчи давр (625 йил мартдан 627 йил мартигача). Уҳуд жангидаги мағлубиятидан кейин Хандақ жангигача ўтган икки йил ичида бешта сура ўқилган.

Тўртинчи давр (627 йил апрелидан 630 йил январигача). Хандақ жангидан сўнг Макканинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида ўқилган саккизта сура шу даврга киради.

Бешинчи давр (630 йил февралдан 632 йил майигача). Макка фатҳидан кейин Расулуллоҳ вафотигача ўтган икки йилдан ортиқроқ муддат ичида ўқилган тўртта сура шу даврга киради.

Пайғамбар ҳаётлик чоғларида яна ваҳий тушиб қолиши мумкинлиги назарда тутилиб, Қуръон жамланиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Муҳаммад алайҳис-салом вафотларидан кейин Қуръон кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларида сақланиб қолди. Пайғамбардан сўнг мусулмонларга Абу Бакр Сиддик халифа этиб сайланди. Унинг халифалик даврида (632-634) “муртадлиқ (диндан қайтиш) ҳаракатлари” юзага келди. Абу

Бакр Сиддиқ бу исёнчиларга қарши шиддатли жанглар олиб борди. Ушбу жангларда кўплаб Қуръонни тўлик ёд олган қорилар ҳалок бўлдилар.

Умар ибн Хаттоб таклифига биноан Абу Бакр Сиддиқ саҳобалардан Зайд ибн Собитни чақириб, унга Қуръонни жамлаш ва ёзма ҳолга келтириш вазифасини топширди. Шундай қилиб, Зайд ибн Собит ва Умар ибн Хаттоб машаққатли уринишлардан кейин Қуръоннинг илк ёзма нусхасини жамлашга эришдилар. Бу тўплам “сухуф”, яъни “саҳифалар” деб номланди. Абу Бакр Сиддиқ вафот этганидан сўнг саҳифалар Умар ибн Хаттоб (634-644) уйида, у вафотидан кейин эса унинг қизи – Пайғамбар алайҳис-салом аёллари Ҳафсада қолди.

Вақт ўтиши билан ислом оламининг худудлари кенгайиши натижасида мусулмонларнинг сони кўпая борди. Турли тиллар ва шевалар ўртасида мавжуд фарқларга кўра Қуръонни қандай ўқиш кераклиги борасида ихтилофлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни кўрган халифа Усмон ибн Аффон саҳоба Зайд ибн Собитга барча сураларини йиғиб, такқослаб чиқиб, қайтадан Қуръон матнини жамлашни буюрди. Қуръоннинг биринчи расмий нусхаси 651 йилда тақдим этилди. У асл нусха ҳисобланиб яна учта, баъзи манбаларга кўра еттига нусха кўчиртирилиб, йирик шаҳарлар – Басра, Дамашқ, Куфага жўнатилади. “Имон” деб номланган асл нусха эса Мадинада, халифа Усмон ҳузуринида қолди. Кўчирилган нусхалар “Мусхафи Усмон” деб аталди.

**Усмон мусхафи.** Араб тарихчиларининг хабар беришича, 656 йилда халифа Усмон Қуръонни мутолаа қилиб ўтирганларида ўлдирилган. У кишининг қони Қуръонга тўкилган. Шу туфайли ҳам Усмон Қуръони асл нусхалиги ва халифа қони тўкилгани билан мусулмон дунёсида алоҳида эътибор билан қаралади. Тошкент шаҳридаги Усмон Қуръонида ҳам қон излари бўлиб, шу нусха халифа Усмонга тегишли деган фикрлар мавжуд.

Усмон Қуръони Россия империяси Марказий Осиёни босиб олгунча Самарқандда, Хожа Аҳрор мадрасасида сақланар эди. Қуръоннинг Самарқандга келтирилиши ҳақида ҳам халқ ўртасида ҳар хил ривоятлар мавжуд.

Кўпчилик олимларнинг фикрича мазкур мусхаф соҳибқирон Амир Темур томонидан Басрадан кўплаб қўлёзма китоблар ва

бошқа ўлжалар билан бирга Самарқандга келтирилган ва машҳур Темур кутубхонасига қўйилган. 400 йил давомида бу муқаддас китоб Самарқандда сақланади.

1868 йилда Россия аскарларининг Самарқандга бостириб кириши билан халқимизнинг моддий, маънавий бойликларига тажовуз бошланди. Бу тажовуздан қабр тошлари, макбара ичидаги ёдгорликлар ҳам, мусулмонлар диний эътиқодининг шоҳона мулки Усмон Мусҳафи ҳам четда қолмади. Мусулмонлар Қуръонини тезликда бекитиб Бухорога жўнатмоқчи бўладилар. Бироқ бу хабар Зарафшон ўлкасининг бошлиғи генерал Абрамовга етиб, “фан учун бундай нодир, бебаҳо, қадимий ёдгорликни қўлдан чиқармаслик учун ҳамма чора кўрилсин” деб полковник Серовга буйруқ беради. Серов Қуръонни генерал Абрамовга келтиради. Абрамов эса уни зудлик билан Туркистон генерал-губернатори К.Н.Кауфманга етказди. У ўз навбатида зудлик билан 1869 йил 24 октябрда Петербургга – Император кутубхонасига алоҳида кузатувчилар билан юборади.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг Бутунроссия мусулмонлар жамияти номидан РСФСР Халқ Комиссарлари Советига мурожаат қилиб, муқаддас Усмон Қуръони ўз эгаларига, яъни мусулмонларга топширилишини талаб қилади. РСФСР (ХКС – Халқ комиссарлари совети) томонидан мусулмонларнинг талаби қондирилиб, Қуръон мусулмонлар ихтиёрига берилади. 1917 йил 29 декабрь куни Петербургдаги подшо кутубхонасининг “нодир қўлёмалар” бўлиmidан олиниб, Уфа шаҳрига жўнатилади. Қуръон 1923 йилгача Уфада сақланади.

1923 йил 23 июлда Бутуниттифок Марказий Ижроқўми Усмон Қуръонини Туркистонга қайтаришга қарор қилади. Муқаддас ёдгорликни Уфадан Тошкентга махсус комиссия кузатувида олиб келинади. Усмон Мусҳафи Тошкентдаги Эски шаҳар музейига келтирилади ва махсус пўлат сандиқда сақлана бошланади. 1926 йилнинг 1 январидан Эски шаҳар музейи Ўзбекистон давлат музейига айлантирилди. Музей очилгандан сўнг 1926 йилнинг фақат бир оyi ичида бу ерни 4000 киши зиёрат қилган. 2000 йилда ЮНЕСКО ташкилоти томонидан махсус сертификат билан “энг бебаҳо ёдгорлик” деб эътироф

этилган Усмон Мусхафи бугунги кунда Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

**Ҳадис.** Ҳадис сўзининг араб тилидаги луғавий маъноси “сўз”, “янги”, “сухбат”, “ҳикоя”, “ривоят” маъноларини англатади. Унинг истилоҳий маъноси Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ва тақрирлари, яъни кўриб қайтармаган ва қўллаб-қувватлаган ишларидир. Ҳадислар икки қисмдан: айнан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири – санаддан иборат.

Ҳадис икки хилдир:

- ал-ҳадис ал-қудсий (бу каби ҳадисда, маъно Аллоҳдан, лафз эса Пайғамбардан бўлади);
- ал-ҳадис ан-набавий (бунда эса, маъно ҳам лафз ҳам Пайғамбарникидир).

Ҳадислар илк даврда фақат оғзаки равишда авлоддан-авлодга узатилган. Ёзма равишда ҳадисларни тўпламаслик ҳақидаги Пайғамбарнинг кўрсатмалари асосан илк ислом даврига тааллуқли эди. Расулulloҳ ўз сўзларини ёзиб олишдан саҳобаларни қайтаришларига сабаб ҳадисларнинг Қуръон оятларига аралашиб кетмаслиги учун эди. Чунки ваҳий нозил бўлиб турган пайтда баъзи кишилар Қуръон оятларини ёзиб борар эдилар. Бошқа ҳадисда эса Расулulloҳ: “Бу оғиздан – дея ўз оғизларига ишора қилдилар – фақатгина ҳақ сўз чиқади” – деб, ўз сўзларини ёзиб олишга буюрганликлари ҳақида ривоят қилинган. Абу Довуд ўзининг “Сунан” асарида икки ҳадисни кетма-кет келтиради. Улардан бирида Пайғамбар ўз сўзларини ёзиб олишдан қайтарган бўлсалар, иккинчисида унга буюрадилар.

Кейинчалик эса бу ёзувлар катта тўпламларга асос бўлди. Шундай илк тўпламлардан бири Мадинадаги Урва ибн Зубайрга (ваф. 94/712 ёки 99/717 й.) ва иккинчиси Сурияга кўчиб кетган Муҳаммад ибн Муслим Зухрийга (ваф. 124/741 й.) тегишли.

**Ҳадис** кўпинча **сунна** сўзи билан ҳам ёнма-ён келади. Сунна сўзининг луғавий маъноси – “одат”, “тариқа – йўл” бўлиб, истилоҳий маъноси – пайғамбар одатлари, тутган йўллари, тақрир (кўриб қайтармаган) ва буюрган ишларига нисбатан ишлатилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳадисларнинг

замирида сунна ётади. Ислом таълимотида эътиқод мезонларини белгилаш ва фикҳий масалаларни ҳал этишда Қуръондан кейин суннага асосланилади.

IX аср асосан мавжуд ҳадис тўпламлари қайта ишлаган ҳолда уларни боблар бўйича тасниф қилиб, *мусаннафлар* ёзиш даври бўлди. Бу эса ҳадислардан фойдаланиш учун қулайлик туғдирди. Ислом оламида шундай мусаннафлардан олтитаси алоҳида эътиборга молик саналади. Улар – энг катта обрўга эга бўлган Имом Бухорий (810-870) ва Имом Муслимининг (ваф. 875 й.) “Ал-Жомий ас-саҳих” тўпламлари, ундан кейинги энг муҳим асарлар – Абу Довуд, Термизий (ваф. 892 й.), Насоий (ваф. 915 й.) ва Ибн Можанинг (ваф. 886 й.) “ас-Сунан” асарларидир.

“Ал-Жомий ас-саҳих” китоблари ўз ичига биографик маълумотлар, Қуръон оятларига тафсирлар, диний қонун-қоидалар, ижтимоий ва шахсий ахлоқ мезонларини ҳам қамраб олди. “Ал-Жомий ас-саҳих”нинг ишончлилик даражаси бошқа тўпламлардан кўра анча юқори ҳисобланади.

Ислом таълимоти ва қоидаларининг асосий манбалари – Қуръон ва ҳадислардан ташқари иккинчи даражали манбалари ҳам мавжуд. Улардан бири *ижмо* бўлиб, у Қуръон ва ҳадис матнларида аниқ кўзда тутилмаган масалалар юзасидан машхур ислом уламоларининг мазкур мўътабар манбаларга зид бўлмаган бир фикрга иттифоқ қилишларини билдиради. VII асрнинг иккинчи ярмидан йўлга қўйилган ижмонинг ислом аҳкомларини бир меъёрда бўлиши ҳамда мусулмонлар орасида турли ихтилофлар келиб чиқишининг олдини олишдаги аҳамияти беқиёсдир.

Шунингдек, яна бир манба сифатида *қиёс* қабул қилинган бўлиб, у илк исломдан кейинги даврларда вужудга келган, Қуръон ёки ҳадисда ҳукми айтилмаган муаммоларни аввалги ҳукмларга қиёслаб ҳукм чиқариш услубидир. Бунда олимлар тарафидан мўътабар манбалар матнида ўрганилаётган муаммога ўхшаш масалалар тадқиқ қилинади. Шу асосда мантиқий жавоб топилиб, ҳукм қилинади. Қиёс жамиятда вужудга келувчи турли муаммоларни мантиқий жиҳатдан осон ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

## Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Ислом дини қачон ва қаерда юзага келган?
2. “Жоҳилия” деб қайси даврга айтилади?
3. Муҳаммад пайгамбарга қачон ва қаерда илк ваҳий нозил бўлди?
4. Маккадан Мадинага ҳижратнинг сабаблари нимада эди?
5. Қуръони карим нечта сура ва оятлардан иборат?
6. “Ҳадис” сўзининг мазмун-моҳияти нимада?

## Мустақил иш топшириқлари

1. Ислом дини юзага келиши арафасида Арабистон ярим оролидаги ижтимоий-маънавий вазият ҳақида маълумот тўплаб, реферат тайёрланг.
2. Ислом динининг манбалари ҳақида гапириб беринг.
3. Марказий Осиё алломаларининг Ислом дини ривожига кўшган ҳиссалари ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

## Адабиётлар

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
2. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А. Абдулло таржимаси. – Т.: Ғ. Ғулом номли “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1993.
3. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Сайид Махмуд Тарозий Алихонтўра таржимаси. – Т.: “Мехнат” нашриёти, 1991.
4. Ислом: энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
5. Муҳаммад Хузарий. Нур-ул яқин. – Т.: Чўлпон-Камалак, 1992.
6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehнат, 2004.
7. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусхафининг тарихи. Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўғли таржимаси. – Т.: Мовароуннахр, 1995.
8. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
9. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ. Ислом тарихи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
10. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.
11. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Мехнат, 1992.

## 13-МАВЗУ. ИСЛОМДАГИ ЙЎНАЛИШ, ҒОЯВИЙ ОҚИМ ВА ҲАРАКАТЛАР

### Режа

1. Исломдаги илк бўлиниш.
2. Хаворижларнинг келиб чиқиши.
3. Шиалик йўналиши.
4. Суннийлик йўналиши.
5. Ақидавий таълимотлар.

### Таянч сўз ва атамалар

- |              |                         |
|--------------|-------------------------|
| 1. Сиффин    | 4. Суннийлик            |
| 2. Жамал     | 5. Фикҳий мазҳаб        |
| 3. Халифалик | 6. Ақидавий таълимотлар |

*Мавзу ўқув мақсади: Ислом динидаги илк бўлинишлар, уларни келтириб чиқарган сабаб ва омилар, хаворижлар ва уларнинг фирқалари, шиалик ва унинг оқимлари, суннийлик ва унинг мазҳаблари, ақидавий таълимотлар, тасаввуф ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.*

#### Исломдаги илк бўлиниш

Исломдаги бўлинишларнинг бирламчи замини Муҳаммад алайҳис-салом вафотларидан бошланган. Чунки мусулмон жамоасига энди ким бошчилик қилади, деган масалада барчанинг фикри бир хил эмасди. Бунга сабаб мусулмонларнинг марҳум йўлбошчиси томонидан жамоага кейинги раҳбар ким бўлиши очиқ-ойдин кўрсатилмаганида эди. Аммо Пайғамбарга “халифа” (ўринбосар) бўлишга саҳобий Абу Бакр Сиддиқ учун алоҳида “ишора” бўлгани манбаларда қайд этилган. Расулulloҳ вафотлари арафасида Абу Бакр Сиддиқнинг намозда мусулмонларга имомлик вазифасини ўтаб беришга берган кўрсатмалари йирик саҳобийлар томонидан мазкур “ишора” сифатида қабул қилинган эди.

Илк икки халифа даврида мусулмонлар орасида бирликка эришилган бўлса, халифа Усмон ибн Аффон даврига келиб жамоа

орасида фитналар пайдо бўлди. Усмон (р.а.)га уюштирилган суиқасд ҳам ана шу фитналарнинг натижаси эди. Халифа қатл этилгач, унинг ўрнига Али ибн Абу Толиб (р.а.) сайланди.

Ҳазрат Али (р.а.) кўшини таркибида собиқ халифа Усмон (р.а.) қотилларининг борлиги баъзи мусулмонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Талха ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Авом ва Муъовия ибн Абу Суфён каби саҳобалар Алига қарши чиқиб, бу ҳолатни шундай талкин қилдилар: “Али кўзголончиларга қарши курашда Усмонга ёрдам бермади, қодир бўла туриб одамларни бу ишдан қайтармади, бундан ташқари у халифалик мансабига кўтарилганидан кейин Усмоннинг қасосини олмади, балки у Усмонни қатл этилишидан манфаатдор бўлди”.

Бу уч саҳобанинг шундай фикр билдиришларига сабаб уларнинг ҳар бири халифаликка Алидан кўра ўзларини лойиқроқ деб ҳисоблаб, агар бу мансабда ўтирганларида, жамиятда илдиз отиб бораётган фитналарни томири билан юлиб ташлашга қодир эканликларини даъво қилардилар. Улар ўз даъволари ҳақ эканлигини турли йўллар билан исботлардилар. Талха ва Зубайр Умар вафотидан олдин халифа сайлаш хусусида кенгашга чақирилган олти кишидан биримиз... дейишса, Муовия эса Усмонга яқин қариндош ва унинг қасосини олишга лойиқ эканлигини рўқач қилди.

Талха ва Зубайр “ал-Жамал” (“Туя”) жангида ҳалок бўлди. Шундан сўнг Али ўрнига халифаликка даъвогарлардан биргина Муовия ибн Абу Суфён қолди. 657 йили Шомда Муовия ва Али ўртасида бўлиб ўтган Сиффин жанги мусулмонлардан икки гуруҳнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Бу гуруҳлар кейинчалик исломдаги икки қатта оқим – хавориж ва шиаларга айланди.

Бу жангда Али ибн Абу Толиб ортиқча қон тўкилишини истамай, қарши томон билан ўзаро битим тузиб, урушни тўхтатишга рози бўлди. Алининг тутган бундай муросасозлик сиёсатидан унинг кўшини орасидаги бир гуруҳ кишилар норози бўлиб, ажралиб чиқдилар.

Худди шу вақтда янги диний оқим юзага келди. Яъни, Алига итоат этишдан бош тортганлар “хавориж” деб, Муовияга қўшилмай Али атрофига тўпланганлар эса кейинчалик “шиа” деб



номлана бошланди. Бу икки тоифанинг ёнида эса “жумхур” яъни қолган мусулмонлар жамоати турарди. Ҳар бир тоифанинг ўзига хос диний нуқтаи назари ва “фикҳи” пайдо бўлди.

### **Хаворижларнинг келиб чиқиши**

Али билан Муовия ўртасидаги тузилган битим бир гуруҳ Али тарафдорларининг кескин қаршилигига дуч келди. Битим пайтида Куфа яқинида турган 12 минг кишидан иборат кўшиннинг бир қисми Алидан норози бўлиб, “ҳукм чиқариш фақат Аллоҳнинг кўлидадир”, деган шиор билан кўшинни тарк этиб, Куфа яқинидаги Ҳарура қишлоғига кетдилар. Илгари Алига тарафдор бўлган бу фирқанинг Куфадаги “хуруж” (чиқиш) воқеаси уларнинг “хавориж” (қарши чиқувчи) номини олишларига сабаб бўлди. Бу воқеа Ҳарура қишлоғида юз берганлиги боис уларни “ҳарурийлар” деб ҳам атаганлар. Бундан ташқари, улар ўзларини “Шурот” (жонларини Аллоҳ йўлида тиккан кишилар) деб ҳам номлаганлар. Яна уларнинг “Муҳаккима” (“ҳукм Аллоҳнинг кўлида” дегувчилар) номлари ҳам бор.

Хаворижлар ўзларига Абдуллоҳ ибн Ваҳб ар-Росибийни амир этиб сайлаб, Али ва Муовияни йўқ қилиш пайига тушдилар. Алини хаворижлардан Абдурахмон ибн Мулжам қатл этгач, улар икки фирқага бўлиниб, бири Ироқда қолди, иккинчиси Арабистон ярим оролига кетди. Умавийлар даврида хаворижларга қарши кескин кураш олиб борилди. Чунки улар давлатга қатта хавф солардилар. Бу даврда хаворижлар кучайиб, Карман, Форс, Ямома, Хадрамавт, Тоиф ва Яман каби қатта шаҳарларни эгалладилар.

Умавийлар даври тугаб, аббосийлар сулоласи халифаликни қўлга олганидан кейин ҳам бу тоифа бир муддат ўз кучини йўқотмади. Бироқ аббосийлар узоқ вақт уларга қарши узлуксиз олиб борган курашларидан сўнггина хаворижлар инқирозга юз тутди. Уламолар томонидан хаворижлар адашган фирқа сифатида тан олинган ва уларнинг ақидалари ботил, деб ҳисобланган.

#### *Хаворижлар таълимотлари:*

– “Гуноҳи кабира” (“қатта гуноҳ”) қилган кишини кофир деб эътиқод қилдилар. Шунга кўра, Усмонни Абу Бакр ва Умар

йўлидан юрмагани учун кофир дедилар. Али, Муовия, Абу Мусо, Ибн Ослар “Сиффин” куни ўзаро сулҳда қатнашганлари учун улар наздида кофирдирлар;

– Золим подшоҳга қарши чиқишни вожиб деб билдилар. Шиаликдаги “тақия”, яъни ўз эътиқодини яширин сақлаш мумкинлиги ҳақидаги ақидани рад этдилар. Ўзлари заиф бўлсалар ҳам, золим подшоҳ қудратли бўлса ҳам унга қарши чиқиш вожиб бўлаверади деб ҳисоблардилар;

– Қурайш қабиласидан бўлмаса ҳам, араб бўлмаса ҳам мусулмонлар томонидан сайланган ҳар қандай одам халифа бўла олади. Халифалик шиалар айтганидек, маълум жамоат ичида чекланмаган;

– Қуръони каримни “махлук”, яъни “яратилган”, азалий эмас деб эътиқод қиладилар;

– Намоз, рўза, закот ва бошқа амалларни имоннинг бир бўлаги ва киши то барча амалларни бажармагунча дили билан тасдиқлаб, тили билан айтиши кифоя эмас дедилар.

VII аср иккинчи ярмида хаворижлар орасида йигирмага яқин турли гуруҳлар пайдо бўлди. Улар ичида энг йириклари – ибодийлар, азрақийлар, ҳамда суфрийлардир.

### **Шиалик**

Ислолдаги уч йирик йўналишдан бири бўлиб, халифалик хусусидаги ихтилоф натижасида вужудга келган.

Шиа сўзининг тўлиқ шакли “аш-Шиа” (тарафдорлар, гуруҳ, партия) ёки “Шиату Али” (Али тарафдорлари) бўлиб, бу ном ҳазрат Алига эргашганлар ва уларнинг авлодларига нисбатан берилган.

Шиаликда имомат асосий диний рукнлардан ҳисобланиб, у жамият манфаатларидан эмас, балки дин рукнларидан келиб чиқади деб эътиқод қилинади. Уларнинг таълимотига кўра, раҳбар халқ томонидан сайланмай, балки раҳбарлик мерос сифатида ўтади. Расулulloҳ Алини халифа этиб тайинлаган, ундан кейин эса халифалик унинг авлодларида қонуний мерос сифатида васият йўли билан узатилади. Улар Алининг халифаликка ҳақли эканлигини илоҳий деб биладилар, имомлик уларда пайғамбарлик каби илоҳий мансаб ҳисобланиб, Аллоҳ

бандалари орасидан пайгамбарларини танлаб, уларни гуноҳлардан сақлагани ва уларга “илми ладун” (Аллоҳ хузуридан берилган илм) бергани каби, халифаларни ҳам шундай танлайди дейдилар. Абу Бакр, Умар ва Усмонлар эса бу ҳуқуқни Алидан зўрлик билан тортиб олишган, Али ўша даврда халифаликни бошқарганми ёки йўқми бундан қатъи назар, Алининг халифалиги Расулуллоҳ вафотларининг биринчи кунидан бошланган, деб даъво қиладилар.

Шиалик имомийлар ва исмоилийлар каби икки йирик оқимга бўлиниб кетган.

**Имомийлар ёки “Исно ашария”.** Ушбу фирқа эътиқодича, имомлик Али ибн Абу Толибдан бошланади, сўнг унинг Фотимадан бўлган ўғлилари Ҳасан ва Ҳусайнга ўтади ва ниҳоят ўн иккинчи имом Муҳаммад Маҳдийга бориб тугайди. Шунинг учун бу фирқа *Исно ашарийлар* – ўн икки имомга эътиқод қилувчилар деб ҳам номланган.

Имомийлар эътиқодига кўра, сўнгги – ўн иккинчи имом Муҳаммад Маҳдий ҳали ўлмаган, балки у 873-874 санада ғойиб бўлган ва охир замонда пайдо бўлиб, зулм ва фасодга тўлган Ер юзини тинчлик ва адолатга тўлдиради.

Улар имомларни хато ва гуноҳдан маъсум (пок) деб ҳисоблайдилар. Бунга сабаб, уларнинг эътиқодларича, имомларга илоҳий илҳом келади ёки Расулуллоҳ ўз замонларида баён этишларига ҳожат бўлмаган аҳкомлар илмини уларга қолдирганлар. Шу боис улар имомга имон келтиришни муслмонлик шартларидан бири деб ҳисоблашади. Улар имомга шундай тавсиф берадилар: *“Имом хатодан, адашишдан йироқ бўлган, тўғри йўлдаги, тақволи ва Аллоҳ қўллаган маъсум кишидир. Аллоҳ ва бандаларнинг ўртасида ҳужжат бўлиши учун Аллоҳ уларга шу хусусиятларни берди”*.

Имомийлар шариат қонунларини Қуръонга, ўз олимларидан нақл қилинган кўрсатмаларга асосан тузадилар. Суннийликда фатво (диний ҳукм) чиқариш учун қўлланиладиган ижмо масаласида фақатгина аҳли байт (Али авлодлари) ижмосини қабул қиладилар ва бошқаларини рад этадилар.

Исно ашария фирқаси суннийлик мазҳабларидан нафақат эътиқод масалаларида, балки ибодат масалаларида фарқланади. Бунга бир неча мисол келтириб ўтиш мумкин:

- Куръони каримнинг зоҳири (ташқи томони) ва ботини (ички томони) бўлиб, инсонлар фақат зоҳиринигина биладилар, ботинини эса, имомлардан бошқа ҳеч ким билмайди;

- мутъа никоҳи (вақтинча никоҳ) қонуний;

- талок икки гувоҳ олдидагина қабул бўлади;

- оҳод хабарлар (фақат бир кишидангина нақл қилинган ҳадислар) қабул қилинмайди;

- қайтиш ҳақ (Аллоҳ ўлганларнинг баъзиларини аввалги суратда дунёга қайтаради, бунинг учун имон даражаси ўта кучли ёки ўта бузғунчи инсон бўлиши керак);

- тақия ҳалол (тақия – азият етиш мумкин бўлганда ўз эътиқодини маҳфий тутиш).

Ушбу фирқанинг таълимотини асослаб берувчи кўплаб китоблар мавжуд. Мисол тариқасида Жаъфар ибн Ҳасан Ҳалабийнинг “Шарои ал-ислом”, Муҳаммад ибн Ҳасан Наждийнинг “Жавоҳир ал-калом”, Муҳаммад ибн Юсуфнинг “Тазкират ал-фуқаҳо” ва бошқаларни келтириш мумкин.

Исно ашария имомлари қуйидагилардир:

1. Али ибн Аби Толиб (ал-Муртадо);
2. Ал-Ҳасан ибн Али (ал-Мужтабо);
3. Ал-Ҳусайн ибн Али (аш-Шаҳид);
4. Али Зайн ал-Абидин ибн ал-Ҳусайн (Ас-Сажжод);
5. Муҳаммад ал-Боқир ибн Али Зайн ал-Абидин (ал-Боқир);
6. Жаъфар ас-Содиқ ибн Муҳаммад ал-Боқир (ас-Содиқ);
7. Мусо ал-Козим ибн Жаъфар ас-Содиқ (Ал-Козим);
8. Али ар-Ридо ибн Мусо ал-Козим (Ар-Ридо);
9. Муҳаммад ал-Жавод ибн Али ар-Ридо (Ат-Тақий);
10. Али ал-Ҳоди Муҳаммад ал-Жавод (Ан-Нақий);
11. Ал-Ҳасан ал-Аскарий ибн Али ал-Ҳоди (Аз-Закий);
12. Муҳаммад ал-Маҳдий ибн ал-Ҳасан ал-Аскарий (ал-Ҳужжатул қоимул Мунтазир).

*Имомий* шиалар асосан Эронда истиқомат қиладилар. Ундан ташқари Сурия, Ливан, Ҳиндистон, Покистонда ҳам Исно

ашария оқими вакиллари учратиш мумкин. Айни дамда имомийлар ҳам бир неча фирқаларга бўлинади.

**Зайдийлар.** Мазкур фирқа асосчиси Зайд ибн Али Мадинада туғилган (698-740). Отаси Мухтор Сақафий, онаси эса Синд юртидан келган чўрилардан эди. Имом Зайд отаси кўлида таҳсил олди. Отасининг вафотидан сўнг диний илмларни акаси Муҳаммад Боқирдан ўрганди. Шунингдек, ўз тенгқурларидан бўлган Жаъфар Содикдан ҳадис ва фикҳ илмларини ўрганди. Зайд ибн Али илм йўлида Басрага бориб мўътазила, қадария, жаҳмия ва бошқа турли фирқалар ақидалари асосларини ўрганди. У вақтда Басра ва Куфада мазкур фирқалар каби форс фалсафасидан таъсирланган оқимлар кўп эди. У ерда Восил ибн Атодан (мўтазилия фирқаси асосчиси) ақида илмини мукамал эгаллагач, ўзи учун мўътазилийлар йўлини танлади.

Кейинчалик Зайд ибн Али мўътадилроқ йўлни танлади. Унинг фикрига кўра, имомлик бир шахс томонидан тайин қилинмайди ва у ўз авлодларига имомликни васият ҳам қилмайди, балки Фотиманинг зурриётидан бўлган шижоатли, мужтаҳид, ҳақни баралла айтувчи киши сайланади.

Зайдийлар эътиқодига кўра:

- бир вақтнинг ўзида икки ўлкада икки имомга байъат қилиш жоиз;
- имомлар бегуноҳ эмас;
- тақия (шароит оғирлашган пайтда эътиқодни сир тутиш) ножоиз;
- саҳобалар ҳақида нолойиқ сўзларни айтиш мумкин эмас;
- Абу Бакр, Умар ва Усмон (р.а.)лар ҳам халифаликка лойиқ бўлганлар.

Имом Зайд ибн Алининг “Мажмуъ” номли китобидаги қарашлари зайдия фикҳининг асосини ташкил қилади. У ҳам бошқа фақиҳлар каби биринчи ўринда Қуръонни, кейин эса сунна, ижмо, қиёс, истиҳсон, сўнгра ақлни шариат асосларидан деб ҳисоблайди.

Зайдия фикҳининг ўзига хос томонлари қуйидагича:

– аҳли китоб (самовий китобга эга бошқа дин вакиллари: яҳудийлар, христианлар) томонидан сўйилган ҳайвон гўштини ейиш, улар билан қуда-андачилик қилиш харом;

– махси (оёқ кийим)га масх тортиш жоиз эмас.

Зайдия фиркаси вакиллари ҳозирги кунда Яманда кўп учрайди. Бу фирқа бир неча майда фиркачаларга бўлинган. Улардан жорудия, сулаймония, батрия, қосимия, носирия, ходувияларни зикр этиш мумкин.

**Жаъфария.** Шиаликнинг имомия фиркасидаги имомлардан бири Абу Абдуллоҳ Жаъфар ас-Содиқ 699 йил Мадинада туғилди. У Имом Муҳаммад ибн ал-Боқирнинг ўғли бўлиб, ота тарафидан насаби Али ибн Аби Толибга, она тарафидан насаби Абу Бакр ас-Сиддиққа боради. Ёшгина Жаъфар бобоси Зайн ал-Обидин кўлида тарбия топиб, ундан илм олди. Бобоси вафот этгач, отасининг кўлида илм олиб, кейинчалик замонасининг кучли олимларидан бирига айланди. Отаси 732 йил вафот этгач, уларнинг хонадони гўё Мадина дорилфунунларидан бирига айланди. Куфа, Басра ва ҳижоздан кўпгина олимлар келиб, ундан илм олганлар. Абу Абдуллоҳ диний ва дунёвий илмларни эгаллаган олимлардан эди. У Исломда биринчилардан бўлиб фалсафа йўналишига асос солган. Бундан ташқари у фикҳ, ҳадис, калом илмларида ҳам пешқадамлардан бўлган.

Жаъфария мазҳабининг суннийлик мазҳабларидан фарқли томони шундаки, уларда қиёс билан фатво чиқариш усули тан олинмайди, ҳадислардан фақат пайғамбар хонадонидан бўлган аҳли байт ривоят қилганларинигина қабул қиладилар. Бундан ташқари уларда мутъа ва тақия ҳалол деб ҳисобланади.

**Исмоилия.** Исломдаги шиа оқимининг асосий шаҳобчаларидан бири бўлиб, Ислом тарихида жуда муҳим ўрин тутган. Ушбу фирқа вакиллари турли мамлакатларда “ботиния”, “сабъия”, “қарматия”, “таълимия”, “мулҳидия” ва ҳоказо номлар билан аталганлар.

Исмоилиянинг пайдо бўлиши VIII асрда шиалар орасидаги бўлинишдан бошланди. Шиаларнинг кейинчалик “имомийлар” деб аталган бир гуруҳи Жаъфар ас-Содиқнинг кичик ўғли Мусо ал-Козимни еттинчи имом деб тан олдилар. Чунки Имом Жаъфар ичкилик ва маишатга берилган катта ўғли Исмоилни ворисликдан маҳрум этиб, имомликни кичик ўғлига васият қилган эди.

Аммо, шунга қарамай, бошқа бир гуруҳ Жаъфар ас-Содиқнинг катта ўғли Исмоилни имомликнинг меросхўри

сифатида тан олдилар. Исмоил отаси тириклигида вафот этганлиги сабабли, кейинчалик унинг ўгли Муҳаммад ибн Исмоилни еттинчи имом сифатида қабул қилдилар. Имомия шиаларидан фарқли равишда имоматнинг давомчиси Исмоилдир деб даъво қилувчи ушбу фирқа ўзларини “исмоилийлар” деб атадилар.

Муҳаммад ибн Исмоилнинг ўлимидан сўнг улар орасида бўлиниш юзага келди. Улардан бир гуруҳлари еттинчи имом деб Муҳаммадни тан олдилар. Шунинг учун улар сабъия (еттинчилар) деб аталдилар.

IX асрнинг 2-ярмида “Исмоилия”нинг бу йўналиши “қарматия” деб номлана бошлади. Бошқа гуруҳ эса Муҳаммад ибн Исмоилнинг авлодларини имомлар сифатида тан олишда давом этдилар. Бу имомлар Аббосийлардан Сурия, Хуросон ва бошқа ерларга қочиб юрганлиги учун “яширинган, махфий” имом дейилиб, бу гуруҳ тарафдорлари уларнинг номидан жуда фаол даъватчилик ҳаракатини амалга оширдилар. Шимолий Африкада “фотимийлар” ҳокимият тепасига келгунига қадар Исмоилия ҳаракати тарихида “ас-сатр” “яширинлик” (махфийлик) даврини бошдан кечирди.

X аср бошларидан бошлаб бу гуруҳни “фотимий-исмоилийлари” деб атала бошлади. Яширин имомнинг номи ва қайтиш жойи қаттиқ сир сақлангани учун узоқ вақт қарматийлар ва исмоилийлар орасида катта фарқ бўлмади. Баъзи тадқиқотчилар фотимийларгача бўлган даврни “Исмоилия” ҳаракатининг қарматийлик босқичи деб ҳисоблайдилар.

Исмоилия мафқураси шаклланишининг илк даврдаёқ унинг икки қирраси “ташқи” – экзотерик (аз-зоҳир) ва “ички” – эзотерик (ал-батин) намоён бўлди. “Ташқи” таълимот ўз ичига барча урф-одат ва жамоанинг оддий аъзоларига мажбурий бўлган шариатнинг ҳуқуқий қонунларини олган эди. “Исмоилия” таълимотининг бу жиҳати имомийлар таълимотидан кам фарқ қилади. “Исмоилия”нинг “Ички” эзотерик ақидаси икки қисмдан иборат:

1. “Ат-Таъвил” – Қуръон ва шариатни аллегорик тарзда шарҳлаш;

2. “Ал-Ҳақоик” – “махфий”, “олий” ҳақиқатларни тафсир қилишга асосланган фалсафий ва илоҳий билимлар тизими.

“Исмоилия” илоҳиётчилари “ташқи” ва “ички” жиҳатларнинг бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Исмоилийларнинг диний-сиёсий ақидасининг асоси *имомат* – Али ибн Абу Толиб авлодларидан бегуноҳ имомнинг бор бўлиши эди. Исмоилийларда дин асослари етгита бўлиб, улардан асосийси имомга итоат этишдир. Қолган олтитаси таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж ва жиҳоддир.

Бу фирка вакиллари Ҳиндистон, Покистон, Арабистон ярим оролининг жануби ва бошқа жойларда мавжуд.

**Суннийлик**  
(Аҳли сунна вал-  
жамоа) йўналиши

657 йилги воқеалар ва уларнинг натижасида келиб чиққан фирқабозлик шароитида ҳам ўрта йўлни тутган, давлат раҳбарларига қарши бормаган, ўзларини суннатга амал қиладиган ва жамоатдан ажралмайдиганлар гуруҳи суннийлар ёки “аҳли сунна вал жамоа” деб аталди. Бугунги кунда суннийлар дунё мусулмонларининг 92,5 фоизини ташкил этади.

Суннийлик доирасида тўрт фикҳий мазҳаб (*араб.* йўл) ва икки ақидавий таълимот мавжуд бўлиб, хавориж ва шиа фирқаларидан фарқли равишда улар бир-бирларини рад этмайдилар. Бугунги кунга қадар ҳам, сунний уламолар тўрттала фикҳий ва иккала ақидавий мазҳабларнинг тўғри экани, уларнинг бир-бирини тўлдирishi, бундай фарқлилик тарихий, ижтимоий омиллар маҳсули экани ва бу мусулмонлар учун осонлик яратишига иттифок қилишган.

“Аҳли сунна вал-жамоа” таркибига кирувчи *фикҳий мазҳаблар* қуйидагилардир:

**Ҳанафийлик мазҳаби.** Ҳанафия мазҳабининг асосчиси ал-Имом ал-Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит ал-Куфий (80-150/699-767) – форслардан бўлиб, улавийлар (661-750) ва аббосийлар (750-1258) давлати айни авж олган даврда яшаган тобиинлардандир. Абу Ҳанифа Анас ибн Молик билан учрашган ва ундан “Илм талаб қилиш ҳар бир муслим учун фарздир” ҳадисини ривоят қилган. Уни “аҳли раъй Имоми”, “аҳли Ироқ фақиҳи”, “Ҳанафий мазҳаби соҳиби” каби номлар билан



манбаларда келтирилади. Касби газлама савдоси билан шуғулланиш эди. Ёшлик чогидаёқ Қуръонни ёд олган. 18 йил устози Ҳаммод ибн Аби Сулаймондан таҳсил олган. Фикҳ илмини Иброҳим ан-Нахайй ва аш-Шаъбийдан олган. Абу Ҳанифанинг етук талабаларидан Абу Юсуф (113-182/731-769) ва Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбонийларни (132-189/709-805) алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Ҳанафий мазҳаби “насс”лардан (яъни Қуръон ва ҳадис) ташқари ҳадисларни қабул қилишда алоҳида шартларни белгилаганлиги, қиёс (аналогия), истехсон принципларидан фойдаланиши, Мовароуннаҳр мактаби маҳаллий урф-одатларни ҳуқуқ манбаи сифатида қабул қилиши билан ажралиб туради. Бошқа мазҳаблардан фарқли жиҳатлар мазкур хусусиятлар негизида юзага келади.

Ҳанафий мазҳаби, асосан, Албания, Босния ва Герцеговина, Туркия, Сурия, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Жибути, Эритрея мамлакатларида кенг тарқалган.

**Моликийлик мазҳаби.** Имом Моликининг тўлиқ исми – Молик ибн Анас ибн Молик ибн Аби Омир ал-Асбахийдир. Катта бобоси Абу Омир буюк саҳобий бўлиб, Муҳаммад алайҳис-салом билан доимо бирга бўлган. Баъзи ривоятларга қараганда, у тобий муҳдарам (яъни, саҳобалар даврида яшаган, лекин уларнинг бирортаси билан учрашмаган) эди. Кичик боболари Молик тобийларнинг улуғ уламоларидан бўлган.

Имом Молик 711/712 йили Мадинада туғилган. Мадина уламоларидан илм олган. Илк устози Абдураҳмон ибн Ҳормуз бўлиб, у билан жуда узоқ вақт бирга бўлган, шу орада бошқа олимлардан ҳам таҳсил олган. Бундан ташқари улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар хизматида бўлган Нофеъдан ва Ибн Шихоб аз-Зухридан ҳам илм олган. Молик ўн етти ёшга етганда ҳадис ва фикҳ илмлари бўйича мударрислик мансабига тайинланди. Шундан кейин унинг номи ҳамма тарафга овоза бўлиб, шуҳрати кенг тарқалади. Оқибатда одамлар ундан илм олишга ҳар тарафдан кела бошладилар. Илм талаб қилиб келганлар эшикларининг олдида издиҳом бўлиб, ҳатто бир-бирлари билан

уришиб кетардилар. Имом Молик одамларга етмиш йил чамасида фатво бердилар ва илм ўргатдилар. Имом Молик ҳадисларни саралаб “Муватто” (“Оммалаштирилган”) китобини ёзди.

Моликия мазҳаби кўпроқ Миср, Судан, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Мавритания, Кувайт, Баҳрайнда тарқалган.

**Шофийлик мазҳаби.** Имом Шофийий “Ахли сунна вал жамоа”нинг Шофиия мазҳаби асосчиси бўлиб, тўлиқ исми – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофиъ ал-Ҳошимий ал-Мутталибий. У 767 йилда Фаластин диёрида таваллуд топган. Унинг насаби Муҳаммад алайҳис-саломнинг улуғ боболари Абдуманофга бориб тақалади.

Муҳаммад ибн Идрис ёшлик чоғидаёқ Қуръони каримни ёд олган. У илм истаб онаси билан ота-боболари юрти Маккага келган. У ерда Макка муфтийси Муслим ибн Холид Занжийдан дарс олди. Муҳаммад ибн Идрис 15 ёшида диний илмларни мукамал эгаллади. Шундан сўнг устозлари унга фатво беришга рухсат бердилар.

Имом Шофийий Мадинага Имом Молик ибн Анас ҳузурига илм олиш мақсадида боради ва унинг “Муватто” китобини ёд олади. У Молик ибн Анас, Суфён ибн Уяйна, Фудайл ибн Йёд, амакиси Муҳаммад ибн Шофийий ва бошқалардан ҳадис илмини ўрганди.

Имом Шофийий 184/800 йилда шиа мазҳабини қабул қилган деб айбланиб, Ироққа сургун қилинди. Кейинчалик Ҳорун ар-Рашид бу ишнинг туҳмат сабабли бўлганини билиб, Имом Шофийийга белгиланган сургунни бекор қилди ва унинг ўз фаолиятини давом эттиришига рухсат берди.

Ироқда Имом Шофийий Абу Ҳанифанинг шогирдларидан Имом Муҳаммад аш-Шайбоний ва бошқа Ироқ фақиҳлари билан учрашиб, улар билан илмий мунозаралар ўтказди.

У 199/814-815 йили Мисрга келиб, у ерда ўз илмий фаолиятини давом эттирди.

Мисрда Имом Шофийий Ҳижоз ва Ироқ фақиҳ ва муҳаддисларидан эшитмаган ҳадис, фатволардан хабардор бўлди, шу сабабли кўплаб масалаларда унинг ижтиҳодий қарашлари ўзгарди. У бу ерда ўз мазҳабининг асосини ташкил қилган “ал-Умм” асарини ёзди.

Имом Шофийй 204/819-20 йили Мисрда вафот этди. У ўз даврида саноксиз шогирдлар етиштирди. Улардан Исмоил ибн Яхё ал-Музаний, Абу Яъкуб Юсуф ибн Яхё ал-Бувайтийларнинг номларини қайд этиш ўринли.

Шофийй мазҳаби асосан Сурия, Ливан, Фаластин, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Яман, Миср, Сомали, Комор ороллари, Мальдив, Ҳиндистон, Малайзия, Индонезия, Бруней султонлигида тарқалган.

**Ҳанбалийлик мазҳаби.** Ҳанбалий мазҳабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад аш-Шайбоний 164/780 йили Бағдод шаҳрида туғилган. Унинг оиласи Марвдан Бағдодга кўчиб келаётган вақтда онаси ҳомиладор бўлганлиги сабабли Имом Аҳмад Марвда туғилган деган фикрлар ҳам манбаларда зикр қилинган. Ўғли Солиҳнинг ривоят қилган шажарасига қараганда аجدодлари Расулulloҳнинг боболаридан бўлмиш Низор ибн Маод билан бирлашиб, ҳазрат Исмоилга бориб етиши ҳақида манбаларда хабарлар келган. Бобоси Ҳанбал ибн Ҳилол умавийлар даврида Сарахс волийлиги лавозимини эгаллаган ва аббосийлар сулоласининг тахтга келишида катта хизмат қилган.

Аҳмад ибн Ҳанбал фаолиятининг энг юксак даври анъанавий илоҳиётшунослик билан мўътазилия орасидаги ғоявий курашнинг авжига чиққан (Қуръони каримни махлуқ, яъни яратилган деган ақидани халққа куч билан сингдириш билан боғлиқ “миҳна” - “синов”) даврига тўғри келди. 833 йилдан бошлаб аббосийлардан бўлмиш халифалар Маъмун, Муътасим ва Восиқ замонларида илоҳиётшунос олимлар “синов”дан ўтказилиб, мавжуд тузумга хайрихоҳ ёки муҳолиф эканлиги текширилган. Аббосий халифа Маъмун (813-835) ҳукмронлигининг охириги йилларида мўътазилия мазҳабининг кучайиши натижасида кўпгина олимлар қатори Имом Аҳмад ҳам қувғинга учраб, 833-834 йилларда ҳибсга олинди. У қамоқда икки йилу тўрт ой тазйиқ ва қийноқ остида ҳаёт кечирди. Қамоқдан озод бўлгандан сўнг, яна фатво бериш билан шуғулланди ва ҳадис илмида ўзининг “ал-Муснад” асарини ёзди.

Аҳмад ибн Ҳанбал 835 йил 31 майда Бағдодда вафот этди. У икки халифа – Маъмун ва Муътасим даврида Қуръони карим

яратилган, деган ғоядан бош тортган. “Исломни бидъатлардан кутқарувчи” деган номи туфайли унинг атрофига Бағдоднинг йирик анъанавий илоҳиёт тарафдорлари (аҳл ас-сунна) йиғилади. Кейинчалик Аҳмад ибн Ҳанбал ханбалий мазҳабининг асосчиси сифатида танилди.

Ҳанбалий мазҳаби ҳозирги кунда Саудия Арабистони, Қатар, Баҳрайн каби давлатларда тарқалган.

Буюк мужтаҳидлар даврида юқорида зикр этилган мужтаҳидлар номи билан боғлиқ асосий сунний ҳуқуқий мазҳаблар пайдо бўлди ва ўз таълимотини шакллантирди.

VIII асрнинг охири – IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда (ҳозирги Марказий Осиёнинг аксарият қисми) исломдаги аҳл ас-суннанинг ҳанафий мазҳаби тарқала бошлади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида шу мазҳаб таълимоти асосида Мовароуннаҳр фикҳ мактаби таркиб топди. VIII-X асрларда Мовароуннаҳрнинг айрим шаҳарлардаги ҳанафийликка асосланган илмий марказлар пайдо бўлди. Бунга Ироқ ва Хуросон мактабларининг таъсири катта бўлди. Бухоро мактабига Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал-Кабир ал-Бухорий (ваф. 832 й.) асос солган. Самарқанд илмий марказининг шаклланишига Абу Сулаймон ал-Жузжоний, Ибн Самоа ва Шаддод ибн Ҳукайм каби Балх фақиҳларининг хизмати катта бўлди. Бухоро фақиҳлари бу даврда асосан фикҳнинг амалий масалалари (фуруъ ал-фикҳ) билан, самарқандликлар эса ўз илмий фаолиятларини илоҳиёт (усул ад-дин) мавзуи билан шуғулланишга қаратдилар.

Умуман фикҳ, хусусан ҳанафий мазҳабининг ривожланиш тарихида XI-XII асрлардаги Мовароуннаҳр фақиҳларининг илмий фаолияти жуда муҳим ўрин тутди. Бу даврда етишиб чиққан ҳанафий фақиҳларидан – ад-Дабусий Аби Зайд (ваф. 430/1063 й.), ал-Ҳалвоъий (ваф. 456/1063 й.), Абу Бакр Муҳаммад ас-Сарахсий (400-483/1009-1090), ал-Паздавий Али (ваф. 482/1089 й.), ас-Садр аш-Шаҳид Умар (ваф. 536/1141 й.), ан-Насафий Умар (ваф. 537/1142 й.), Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. 539/1144 й.), Ибн Моза Маҳмуд (ваф. 570/1174 й.), ал-Аттобий Аҳмад (ваф. 586/1190 й.), ал-Қосоний Масъуд (ваф. 587/1191 й.), Қозихон (ваф. 592/1191 й.) ва юқорида зикр этилган ал-Марғиноний Али

(ваф. 593/1196 й.) каби маълум ва машҳур фақиҳларнинг номларини келтириш мумкин.

**Ақидавий  
таълимотлар**

VIII аср иккинчи ярми, IX аср бошларига келиб мусулмонлар орасида эътиқодга боғлиқ бўлган – Аллоҳнинг зоти-сифатлари, тақдир, имон каби масалаларда ихтилофлар пайдо бўлди. Баъзи фиркалар ақлга ортиқча таянгани боис уламолар томонидан адашганлар қаторига кўшилган бўлса (мўътазилийлар, қадарийлар), баъзилари Қуръон ва ҳадис маъноларини сўзма-сўз талқин қилиш (жабарийлар, сифатийлар) орқали нотўғри йўлга кириб кетдилар. Иш шу даражага бордики, мазкур бузуқ ақида эгалари давлат раҳбари даражасигача кўтарилиб, аҳолига нотўғри ақидани мажбурлаб сингдирмоқчи ҳам бўлишди. Мана шундай вазиятда ақида илми билан жиддий шуғулланиш, Қуръон ва ҳадис асосидаги тўғри ақидани ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Бу ишга қўл урган икки буюк аллома Имом Мотуридий ва Имом Ашъарийлар эди.

*Мотуридия таълимоти.* Мотуридия таълимотининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий Самарқанднинг Мотурид қишлоғида 870 йилда таваллуд топиб, шу ерда 944 йил вафот этган. Қабри Чокардзида авлиёлар қабристонида жойлашган. Мотуридий ҳақида маълумотлар келган энциклопедик манбаларда унинг хориж сафарларига борганлиги ҳақида хабарлар учрамайди. Лекин, шунга қарамасдан Мотуридий Мовароуннаҳрда Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитнинг фикҳий ва ақидавий қарашларини сақлаб қолиши ва кейинчалик ушбу таълимот таъсирида ўзининг “Мотуридия” деб ном олган таълимотига тамал тошини қўйиши билан йирик олим сифатида шуҳрат қозонган. У ўзининг бутун умри давомида калом (ақида) илми билан машғул бўлган.

Мотуридия таълимоти вакиллариининг Абу Ҳанифа мазҳаби эътиқодига асосланган. Шундай бўлса ҳам, калом илмида “Ҳанафия каломи” деган ибора умуман ишлатилмайди. Бироқ, Мотуридий Мовароуннаҳрдан чиққан калом илмидаги энг машҳур аллома сифатида тан олингани ҳақиқатдир.

Мотуридий йирик издошларидан яна бири Нуриддин ас-Собуний (ваф. 580/1184 й.) “Ал-Бидоя” асарида Мотуридийни “аш-Шайх ал-имом”, “Раис аҳли сунна вал-жамоа”, “Олим ал-худо” каби сифатлар билан улуғлаган. Мотуридийнинг кейинги асрдаги издошларидан турк олими Ибн ал-Хумом ҳам ўзининг “Китоб ал-мусояра” номли асарида Мотуридий ва самарқандлик уламолар ҳақида сўз юритар экан, Мотуридийни уларнинг устози, деб атаган.

Мотуридий хоҳ ўзи яшаган асрда, хоҳ кейинги асрларда бўлсин, таъсири кучли мутакаллим бўлган. Шунинг натижасида унинг калом илмидаги ўзига хос услублари ва фикрлари XI асрга келиб Мовароуннаҳрда алоҳида мактаб сифатида қабул қилиниши арафасида эди. Чунки бу каби эътирофни Саъдиддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний (ваф. 792/1390) ҳам унга нисбатан билдирган. Тафтазоний мовароуннаҳрлик ханафий мутакаллимларни “мотуридия” деган умумий ном билан атайди. Гарчи маълум сабабларга кўра, ашъарийлар каби кўп сонли тарафдорларига эга бўлмаса-да, аҳли сунна вал-жамоанинг энг кучли ва ўзига хос жабҳасини ташкил қилган мотуридия таълимоти келажакда кўп тадқиқ қилиниши муҳим бўлган таълимотдир.

Шу билан бир қаторда айтиш лозимки, ҳозирги давр шарқшуносларининг қатор вакиллари Мотуридий таълимотига нисбатан “Ханафий-Мотуридий” атамаси қўллангани эътиборни тортади. Бундан кўриниб турибдики, улар мотуридия калом мактабини мустақил калом мактабидан кўра, кўпроқ, ханафия мактабининг бир бўлаги сифатида баҳолаганлар. Аммо юқоридаги фикрлардан қатъи назар, мотуридия таълимотини алоҳида калом мактаби сифатида эътироф этган олимларни ҳам учратамиз.

***Ашъария таълимоти.*** Мазкур таълимот асосчиси Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Солим ибн Абдуллоҳ ибн Мусо ибн Билол ибн Аби Бурда ибн Аби Мусо ал-Ашъарий бўлиб, у Басрада 260/873 йил таваллуд топган. Ашъарий дастлабки илмини ўз отасидан олади ва вояга етгач ўз замонасининг машҳур олимлари бўлган Абу Исҳоқ ал-Марвазий

ва Ибн Сурайждан фикх, Закариё ибн Яҳйо ас-Сожийдан хадис илмларини ўрганеди.

Ашъарий умрининг иккинчи ярмини асосан мўътазилияга қарши курашишга бағишлаган бўлса-да, дастлаб унинг ўзи мўътазилия таълимоти вакили бўлган. Мўътазилия таълимотида унинг устози Абу Али ал-Жуббойи бўлган. Ашъарий қирқ ёшигача мўътазилия таълимотига эътикод қилган. Лекин ёши қирқларга етганда унинг қалбида ушбу таълимотга нисбатан шубҳалар пайдо бўла бошлайди, у устозининг ҳалқасида ўзини ноқулай сезар ва устозининг ақидавий қарашлари, фикрларидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилмасди. Ниҳоят, Ашъарий устозининг дарсларидан бирида унга уч ака-укаларнинг қиёматдаги аҳволи ҳақида савол беради. Ашъарийнинг ушбу эътироз сифатидаги саволига Жуббойи жавоб бера олмайди. Шундан сўнг Ашъарий мўътазилия таълимотидан воз кечади.

Шундан сўнг Ашъарий Басрадан Бағдодга кўчиб ўтади ва умрининг охиригача Бағдодда фаолият олиб боради.

“Табақот аш-шофия ал-кубро” (“Шофийликнинг катта табақалари”) асари муаллифи Тожуддин ас-Субкий Ашъарий шогирдлари ҳақида маълумот берган: Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Тоий, Абул Ҳасан ал-Боҳилий, Бандор ибн ал-Ҳусайн (ваф. 353/964 й.), Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ат-Табарий (ваф. 504/1110 й.), Абу Бакр ал-Боқиллоний (ваф. 403/1012 й.), Абу Бакр ибн Фурак (ваф. 406/1015 й.), Абдулжаббор ибн Али ал-Исфаройиний (ваф. 408/1017 й.), ал-Хатиб ал-Бағдодий (ваф. 450/1057 й.), Абул Қосим ал-Кушайрий (ваф. 465/1072 й.), Абу Ҳомид ал-Ғаззолий (ваф. 505/1111 й.), Ибн Асокир (ваф. 571/1176 й.), Абул Фатҳ аш-Шаҳристоний (ваф. 548/1153 й.), Фахриддин ар-Розий (ваф. 606/1210 й.), Сайфуддин ал-Омидий (ваф. 631/1233 й.), Иззуддин ибн Абдуссалом (ваф. 660/1262 й.), Тақийуддин ибн Дақиқ ал-Ийд (ваф. 685/1286 й.). Мазкур олимлар ашъария таълимоти вакиллари ҳисобланган.

Ас-Субкий “Табақот аш-шофия ал-кубро” номли асарида Ашъарийнинг бир қанча асарлари ҳақида маълумот бериб ўтган: “ал-Умда фир-руъя”, “ал-Фусул фир радд алал-мулҳидин”, “ал-Мужаз”, “Имома Аби Бакр ас-Сиддиқ”, “Халқул аъмол”,

“ал-Иститоъа”, “ас-Сифот”, “ар-Руъя”, “ал-Асмо вал-аҳком”, “ар-Радд алал мужассама”, “ал-Изоҳ”, “ал-Лумаъ ас-сағир”, “ал-Лумаъ ал-кабир”, “аш-Шарҳ ват-тафсил”, “ал-Муқаддама”, “ан-Нақс алал Жуббой”, “ан-Нақс алал Балхий”, “Мақолот ал-мулҳидин”, “Тафсир Абил Ҳасан”, “Изоҳ ал-бурҳон фир радд ала аҳли аз-зайғ ват-туғйон”. Ашъарийнинг юқоридаги асарлари бизгача етиб келмаган. Лекин унинг қаламига мансуб бешта, “Мақолотул исломийин ва ихтилофул мусоллин” (“Исломдаги фирқалар ва намоз ўқувчиларнинг ихтилофлари”), “Рисола истиҳсон ал-ҳавз фи илм ал-калом”, “ал-Лумаъ фир радд ала аҳли аз-зайғ вал бедаъ”, “Рисола ила аҳлис сағр би-бобил абвоб”, “ал-Ибона ан усул ад-дияна” номли асарларининг илмий-таҳлилий нашрлари амалга оширилган.

Абул Ҳасан ал-Ашъарийнинг вафот этган санаси ҳақида ҳам турли ихтилофлар мавжуд. Баъзи манбаларда 330/941 йил деб кўрсатилса, баъзиларида 330/941 йиллардан кейин вафот этгани айтиб ўтилган. Лекин аксарият манбаларда Ашъарий 324/936 йил вафот этгани ва Бағдодда дафн қилингани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ислом оламида “аҳли сунна вал-жамоа” эътиқоидида кўплаб уламолар мавжуд бўлса-да, унинг ақидавий қарашлари “Ашъария” номи билан алоҳида таълимот сифатида эътироф этилган. Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абул Ҳасан ал-Ашъарийларнинг таълимотлари ўртасида фақатгина жузъий фарқлар бўлган ва улар асосан бир-бирини тўлдириб келган. Шунинг учун ҳам ушбу икки таълимот ислом илоҳиётида тўғри таълимот сифатида эътироф этилган.

Юқорида зикр этилганидек, Ашъарий ва Мотуридий таълимоти асосан ўша даврда кенг тарқалган ва уламолар томонидан “адашган гуруҳлар” деб эълон қилинган мўътазилия, қадарийлар, жабарийлар, мушаббиха таълимотларига раддиялар беришга қаратилган.



## Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Ислом динидаги илк бўлинишларнинг юзага келишига қандай омиллар таъсир кўрсатди?
2. “Сиффин” жанги қачон ва нима сабабдан бўлиб ўтди?
3. Хаворижларнинг илк амири ким эди?
4. Хаворижларнинг бошқа оқимлардан фарқи нимада?
5. Шиаликнинг асосий моҳияти нимадан иборат?
6. Шиаликнинг имомийлар ва исмоилийларга бўлиниб кетиш сабаблари нимада эди?
7. “Аҳли сунна вал-жамоа” нечта фикҳий мазҳабдан иборат?
8. Илк ислом давридаги бўлинишлар асосан қайси мезонлар бўйича рўй берган?

## Мустақил иш топшириқлари

1. Хаворижларнинг сиёсий ва ақидавий қарашлари ҳақида реферат тайёрланга ва курсдошларингизга тақдим этинг.
2. Шиалик, унинг фирқалари ва замонавий тарқалиши ҳақида илмий маъруза тайёрланг .
3. Суннийлик фикҳий мазҳабларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.
4. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

## Адабиётлар

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
2. Ислом: энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004.
4. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. Т.: А. Қодирий номли “Халқ мероси” нашриёти, 1995.
5. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007.
6. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ. Ислом тарихи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

## 14-МАВЗУ. МУСУЛМОНЛАРНИНГ АНЪАНА, МАРОСИМ, УРФ-ОДАТ ВА БАЙРАМЛАРИ

### Режа

1. Анъана, маросим, урф-одат ва байрам тушунчаларининг таърифи.
2. Муслмон халқлари диний маросимлари.
3. Диний байрамларнинг келиб чиқиши тарихи.
4. Миллий ва диний анъаналарнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                        |                    |
|------------------------|--------------------|
| 1. Анъана              | 8. Ифтор           |
| 2. Урф-одат            | 9. Эҳсон           |
| 3. Диний маросим       | 10. Ақиқа          |
| 4. Байрам              | 11. Амру-маъруф    |
| 5. Миллий қадрият      | 12. Мавлуд         |
| 6. Диний қадрият       | 13. Рамазон ҳайити |
| 7. Умуминсоний қадрият | 14. Қурбон ҳайити  |

*Мавзу ўқув мақсади: Муслмон халқлари диний байрам ва маросимларнинг келиб чиқиши тарихи, мазмун-моҳияти ҳамда умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган урф-одат ва анъаналарни қадрлаш маданияти ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.*

**Анъана, маросим,  
урф-одат ва байрам  
тушунчаларининг  
таърифи**

Миллий ва диний анъаналарда қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Чунки у инсонларга ахлоқий поклик, эзгулик, гўзаллик, поклик, ҳақиқат, эркинлик, адолат, дўстлик, муҳаббат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби юксак фазилатларни тарғиб этади.

Ҳар бир халқнинг ўзига яраша урф-одатлари, маросимлари бўлади. Агар биз дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак, бир-

бирига ўхшамаган, турли-туман маросимларни кўрамиз. Маросимлар жамият, халқ ва шахс ҳаёти фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, улар ибрат орқали тарбиялаш, рухий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради.

Маросимларда миллий, диний урф-одатлар ва расму-русумлар ҳам ўз ифодасини топган. У ёки бу халқнинг пайдо бўлиш тарихи қанчалик узоққа бориб тақалса, унинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик теран тарихий илдизга эга. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари заминидан пайдо бўлиб, шаклланиб, сайқалланиб ўз мазмунида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини мужассам этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачигидай авайлаб-асрашни, тараққий эттириши, келгуси авлодларга маънавий қадрият сифатида етказмоғи лозим.

Дарҳақиқат, анъаналар, урф-одатлар маросим ва байрамлар халқнинг, миллатнинг маънавияти, қадриятларининг ажралмас қисмидир.

Шу ўринда анъана, урф-одат, маросим ва байрам тушунчаларининг бир-биридан фарқли ва ўхшаш жиҳатларига берилган таърифларни келтириб ўтамиз:

**Анъана** – тарихий тараққиёт жараёнида ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий қоида сифатида кишилар онгига сингган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади.

Анъана – жамият ҳаёти турли соҳаларининг, моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти, белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзидир. Дунёда анъаналар ва урф-одатларга эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Шу маънода, анъаналар бутун инсониятга хос тушунчадир.

Диний ва миллий анъаналар халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади ва сайқалланади. Давр

талабига жавоб берган анъаналар унутилмайди, авлодларга мерос қолади, халқ ҳаётининг таркибий қисмига айланади. Ҳар бир эл, миллат ёки халқ ўз анъаналарини ривожлантиради, асраб-авайлайди. Анъаналарда халқ даҳоси, турмуш тарзи, маданий камолот даражаси акс этади. Унда миллий онг ва миллий қиёфа гавдаланади. Анъаналарни менсимаслик, улар мансуб халқ ёки миллатни хурмат қилмасликдир. Анъаналар ёшларни тарбиялаш, уларга кекса авлоднинг тажрибаларини ўзлаштириш воситаси ҳамдир.

**Маросим** – бу сўзнинг кўплиги сифатида “расм-русум” сўзи ишлатилади. Араб тилидан таржима қилинганда бу “гадбир” деган маънони англатади. Бу сўзга қуйидагича таъриф келтирилган, яъни, 1) диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маърака, йиғин: тўй маросимлари, дафн маросимлари; 2) тантаналар билан ўтказиладиган расмий йиғин: юбилейлар, мукофот бериш маросими ва бошқалар.

Маросим атамаси нисбатан тор тушунча бўлиб, у шу халқ ҳаётининг маълум соҳаларида омма томонидан қабул қилинган кўпинча рамзий ҳаракатга эга бўлган ва маълум кишилар мажмуи томонидан махсус уюштириладиган намоишлардан иборат. Шунингдек, маросим – инсон ҳаётининг моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи туфайли юзага келган ва келадиган ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди.

**Урф-одат** – тушунчаси эса, кенг бўлиб, у ўз ичига халқ ҳаётининг барча томонини – оддий кундалик удум, расм-русмлар, ўзаро муомала тарзи ҳамда барча маросимларни бутунича қамраб олади.

Урф-одат деганда кишиларнинг тушунчасига сингиб кетган, маълум муддат такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари кўникмаси тушунилади.

Демак, маросим ва урф-одатлар белгиланган қисқача қайдлардан ҳам кўриниб турибдики, урф-одат тушунчаси халқ ҳаётининг барча соҳасини ўз ичига қамраб олса, маросим тушунчаси ҳаётнинг муайян соҳаларигагина алоқадор холос. Урф-одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ёки кўпчилик томонидан бажариши мажбурий қоида бўлса, маросим белгиланган шахслар томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳатти-ҳаракатдир. Хусусан, кичикнинг каттага биринчи салом бериши ёки кўпчиликка камчиликнинг салом бериши ёхуд меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида яқинлари, кекса қариялар, кўни-қўшнилар ҳолидан хабар олиш каби кўринишлар ўзбекларга хос миллий урф-одатлардир.

Урф-одат ва расм-русумлар бир-бирларига жуда яқиндан боғлиқдир, бири иккинчисининг таркибий қисми ҳисобланади. Урф-одат ва расм-русумлар ҳар бир миллат ва элатнинг тарихи, турмуш тарзи ва бошқа омиллар таъсирида ўзига хос равишда шаклланади. Ўз навбатида, у миллат ва элатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи хусусиятлардан биридир.

**Байрам** – туркийча катта йиғин, тўй маъноларини англатади. Истилоҳда эса кенг нишонланадиган тантанали кундир. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида келиб чиқиши, мазмуни, ижтимоий ҳаётда қарор топишига кўра анъанавий, диний, миллий байрамлар вужудга келади.

Авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб келадиган байрам анъанавий байрам дейилади (масалан, Наврўз байрами). Бу турдаги байрамлар бирор халқ ёки миллатнинг айни вақтдаги ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлмайди.

Диний байрамда эса ҳар бир диннинг ақидаларида белгилаб қўйилган маросимлар нишонланади. Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда диний маросим ва байрамлар тўғрисида кўплаб маълумотлар берилган. (Масалан, Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити).

Миллий байрамларда у ёки бу миллатнинг тарихидаги муҳим воқеа-ҳодисалар нишонланади. (Масалан, Мустақиллик куни ва бошқа кунлар). Шунингдек, байрам кунлари расман дам олиш кунлари деб эълон қилинади.

Байрам тушунчасига “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да уч хил таъриф келтирилган:

1. Байрам – муҳим тарихий воқеа, ҳодиса шарафига шодлик, расмий тантана ўтказиш учун белгиланган муборак кун (Масалан, *Мустақиллик куни*).

2. Байрам – бирор муносабат билан қувонч, шодлик, тантана ва ўйин-кулги билан кутиб олиш, нишонлаш одат бўлиб қолган кун (Масалан, *Янги йил, Ҳосил байрами*).

3. Байрам – муҳим, қувончли ҳодиса юз берган, катта муваффақият қўлга киритилган ва шу сабабли шодлик ўтказиладиган кун (Масалан, *Ошавий байрам*).

### **Мусулмонларнинг диний маросимлари**

**Диний маросим** деганда фуқароларнинг диний таълимотларидан, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва ҳатти-ҳаракатлари тушунилади. Диний маросим ҳар қайси дин вакилларининг ўз диний таълимотлари асосидан келиб чиққан.

**Ақиқа маросими.** Чақалок уйига келгандан кейин маълум муддат ўтгач ҳар бир оилада ақиқа маросими ўтказилади. Бу маросим Пайғамбаримиз даврларидан бери ўтказилиб келинади. Бу суннат маросимлардан бири ҳисобланади.

Ақиқа – ҳар бир чақалокнинг она қорнидалик вақтида чиққан сочи бўлиб, у чақалок туғилганига бир ҳафта бўлган куни олиб ташланади. Шу муносабат билан қурбонлик қилинадиган жонлик ҳам “ақиқа” деб аталади.

Ақиқа – араб тилидан таржима қилинганда, “чақалок сочини олиш, қурбонлик сўйиш” маъноларини билдиради. Мусулмон оилаларида янги туғилган чақалокқа исм қўйиш ва “қорин сочи” (боланинг туғилган сочи)га қайчи уриш билан боғлиқ одат. Жоҳилият давридаги турли маъбуд ва маъбудаларга атаб қилинадиган қурбонликлар ўрнига мусулмон оиласида фарзанд туғилганлигининг шукронаси сифатида бир қўй сўйиб ақиқа маросимини ўтказиш жорий қилинган. Ислом анъанасида ақиқани чақалок туғилган кунининг 7 ёки 14, ёки 21 кунлари ўтказиш тавсия этилади. Бу кунларда ақиқа ўтказилмай қолинса,

сўнг қайси кунда, қачон амалга оширилса ҳам вазифа бажарилган ҳисобланади.

Бу маросим хонадонда янги чақалоқ дунёга келиши муносабати билан она ва боланинг соғ-саломат қолганига шукрона учун, чақалоқнинг турли офат-балолардан омонда бўлиши учун ва ўғил болани хатна қилдириб қўйиш учун қилинадиган эҳсондир.

Бу маросимда қорин сочига қайчи теккизилади, боланинг қулоғига азон айтилади, танглайи яхши ният қилиб, бирор-бир ширинлик билан кўтариш удуми бажарилади, исм қўйилади ва хатна қилинади. Аммо болага исм қўйиш, азон айтиш ва танглай кўтариш амаллари илгарироқ бажарилади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бу маросимни ихтиёрий муддатда ўтказилиши урфга айланган ва бунга диний жиҳатдан ҳам ҳеч қандай монёulik йўқдир.

**Суннат ёки Хатна маросими.** Бу маросим ислом дини пайдо бўлмасидан олдин зардуштийлик даврида Эрон ва Туронда, кейинчалик эса яҳудийликда ҳам мавжуд эди. Қадимги яҳудийлар ўз худоларининг кўрсатмасига биноан, ўғил бола туғилган кундан бошлаб 12 кунгача “кўли ҳалолланган”. Марказий Осиё минтақасида бу удум исломдан аввал ҳам мавжуд бўлса-да, ислом дини кириб келиши билан бу янада мустаҳкамланиб, мусулмончиликнинг бош омилларига айланди.

**Никоҳ.** Пайғамбаримизнинг ҳам бу ҳақдаги ҳадиси шарифларида шундай дейилади: “Никоҳ билан турмуш қуриб кўпайинглар. Зеро, мен қиёмат куни бошқа умматларим олдида сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман”. Кўриниб турибдики, никоҳ қуриш ҳам фарз, ҳам суннат амаллардан ҳисобланади.

Лекин никоҳдан аввал бир қанча маросимлар ҳам мавжуддир: совчилик, қиз ва куёв танлаш, синов удумлари, унашиш, фотиҳа бериш, қиз базми, никоҳдан ўтиш, тўй маросими, келин салом, юз очди, келин кўрди, келин чарлар, куёв чакириқ ва яна бир қанча маросимлардан иборат.

**Таъзия.** Маълумки, ҳар бир мусулмоннинг иккинчи мусулмон биродарига нисбатан маълум ҳақ-хуқуқлари борлиги ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилади: “Ҳар бир мусулмоннинг

зиммасида иккинчи мусулмон биродарига нисбатан олти бурчи бордир: учрашганда салом бериш, меҳмонга чақирса бориш, маслаҳат сўраса яхши маслаҳат бериш, аксириб ҳамд айтса унга дуо билан жавоб қайтариш, бетоб бўлиб қолса кўргани бориш ва вафот этса жаноза ва дафнида қатнашиш”.

Демак, шу ҳуқуқлардан бири танишларидан бири вафот этса, унинг жанозасида қатнашишидир. Сўнгра майитнинг қариндошларига таъзия билдириб, Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлиш, мусибатга сабр қилишлари ҳақида насихатлар айтиш ва марҳумнинг ҳаққига раҳмат ва мағфират сўраб дуо қилишдир.

Дафн кунидан бошлаб узоғи уч кунга қадар аза (мотам) тутишга шариятимиз руҳсат беради. Шу кунлари жанозага кела олмаганлар мусибат етган оилага ёки маҳаллага маросимлари учун ажратилган жойларга келиб майитнинг яқин қариндошларига таъзия билдириб кетишлари мумкин.

Яхши одатларимиздан бири, мусибат етган хонадоннинг кўшнилари исрофгарчиликка йўл кўймаган ҳолда дарҳол овқат қилиб чиқаришади. Бу ислом суннатларига мувофиқ одатдир. Овқатлар мусибат етган хонадон аҳли ва узоқдан келган меҳмонлар учун чиқарилади, зарур бўлганда хонадон аҳли ўзлари учун овқат тайёрлашлари ҳам мумкин.

Шунингдек, мусибат эгаларидан ҳол-аҳвол сўралганда, қулиш эмас балки мусибат бу Аллоҳ таолонинг иродаси экани ва унга сабр қилиш ҳақида насихатлар қилинади. Таъзия билдириш ҳар қандай тасалли бергувчи лафз билан айтса бўлади. Лекин, баъзи уламоларнинг айтишича, энг яхши таъзия лафзи “Аллоҳ вафот қилганларни мағфират қилиб ўз раҳматига олган бўлсин ва сизга сабр-бардош берсин” – дейишдир.

Таъзия билан боғлиқ маросимлар баъзан маърака ҳам дейилади. Маърака арабча сўз бўлиб, жангдан сўнг, жанг майдони маъносини билдиради. Бу сўз ҳозирги пайтда халқ маросимларини англатувчи сўз ҳисобланиб, асосан таъзия маросимларга нисбатан ишлатилади.

**Диний байрамларнинг  
келиб чиқиши тарихи**

Дунёдаги барча динлар ўзига хос маросим ва байрамларга эга. Ҳар бир диннинг кенг тармоқ отиб,



ривожланиб боришида маросим ва байрамларнинг аҳамияти бекиёс. Шу ўринда диний маросим ва байрамлар ҳам инсоният ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. “Авесто”, “Библия” каби диний манбаларда ҳамда Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда диний маросим ва байрамлар тўғрисида кўплаб маълумотлар берилган.

Маълумки, исломда асосан иккита расмий диний байрам **Рамазон ёки Рўза ҳайити** (арабча номи “ийд Рамазон”, “ийд ал-фитр”, “ийд ас-сағир”) хижрий Шаввол ойининг 1—3-кунларида ва **Қурбон ҳайити** (арабча номи — “ийд ал-адҳо”, “ийд ал-кабир”) уч кун — Зулҳижжа ойининг 10—13-кунларида мусулмон дунёсида кенг нишонланиб келинмоқда. “Ҳайит” — арабча “ийд, яъни байрам демакдир.

**Рамазон** – хижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи бўлиб, ислом ақидалари бўйича бу ойда Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломга Қуръонни ваҳий қила бошлаган. Шунинг учун ҳам ислом дунёсида Рамазон муқаддас ҳисобланиб, бу ойда мусулмонлар рўза тутишади.

Рамазон кишилар учун ҳидоят ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ой экани ислом манбаларида зикр этилган.

Рамазон ойида **ифторлик** қилиш одат тусига кириб қолган маросимлардан ҳисобланади. Ифторлик маросимини ўтказмоқчи бўлган хонадон соҳиби рамазон ойида бирор кунни белгилайди ва рўзадорларни зиёфатга таклиф этади. Ифторлик маросими ўтказишнинг туб моҳияти камбағаллар, бева-бечоралар, етим-есирлар қорнини тўйдиришдан иборат.

Рамазон якунида эса қамарий ўнинчи Шаввол ойининг биринчи куни исломнинг катта байрамларидан бири — Рўза ҳайити ёки ийд-Рамазон бошланади. Рўза ҳайити арафасида кишилар бир-бирларига мулойимлик билан муносабатда бўлишлари лозим бўлади. Эрта тонгданок ҳамма сидқидилдан шундай кунларга етказгани учун Аллоҳга шукроналар айтадилар. Ўз яқинлари, қариндош-уруғлари, беморлар ва қарияларни зиёрат қиладилар.

Ушбу куни хайит намози ўқилади. Намозларни адо этиб бўлгандан сўнг, кишилар ўзаро кўришиб, бир-бирларини хайит байрами билан муборакбод этадилар.

**Қурбон хайити** Зулҳижжа ойининг 10-кунида бошланади. Бу байрамнинг рўза хайитидан 70 кун ўтгандан кейин нишонланиши Муҳаммад пайгамбар томонидан белгиланган. Мазкур хайитда ҳам Рўза хайитидагидек, мусулмонлар жомеъ масжидларида куёш чиққандан тахминан 15 дақиқа ўтгач, 2 ракат намоз ўқишади.

Исломда “Қурбон” сўзи бирор жонлик сўйиб, уни Аллоҳнинг йўлига бағишлаш маъносини билдиради. Иброҳим пайгамбар Аллоҳнинг синови билан ўз ўғиллари Исмоилни худо йўлига қурбонлик қилишга киришган пайтида тангри таоло бир кўчкор юбориб, уни ўгли ўрнига қурбонлик қилишга буюрган.

Шу боис ҳажга борганлар ва бой-бадавлат мусулмонлар зиммасига Қурбон хайити кунлари жонлик сўйиб, қурбонлик қилишлари лозимлиги белгиланган. Қурбонлик гўштидан таом тайёрлаган киши ўзи, оила аъзолари ва қариндош-уруғлари билан ейиши, сўнг уни қўшниларига ҳам бериши керак.

**Мавлуд (мавлуд ан-набий)**. Исломда кейинроқ Муҳаммад пайгамбарнинг туғилган куни (Рабиул-аввал ойининг 12-куни) Мавлуд (мавлуд ан-набий) – нишонлана бошланган. Мавлуд куни дуолар ўқилиб, пайгамбар шаънига мадҳиялар айтилади, диний шеърлар ўқилади, диндорлар йиғинлари уюштирилади, садақалар берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ислом дини байрамларига маҳаллий халқларнинг одатлари ҳам кўшилиб, уларни бойитган. Масалан, арафа куни қўшниларга ош улашиш, “хайитлик” бериш, янги, тоза либослар кийиш, кўни-қўшнилар, қариндошлар, қариялар, касал, ночорлардан хабар олиш, ўша кунларда дам олиш, сайил қилиш каби одатлар ислом байрамларининг таркибий қисмларига айланиб кетган.

Ушбу байрамларнинг асосий мазмуни эрталаб масжидларда намоз ўқиш, марҳумларни ёд этиб, дуои фотиҳа қилишдан иборатдир. Қурбон хайитида ҳаж амалларини адо этиш ва қурбонлик қилиш, рўза хайитида эса рамазон ойи ниҳоясида фитр-садақа бериш каби амаллар бажарилган.

Ислом ҳайитлари турли диний маросимларга асосланган бўлиб, мусулмончиликни қабул қилган халқларнинг урф-одати, анъаналари, ҳаётий тажрибалари билан боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам кўпгина мусулмон халқлари бу ҳайитларни ҳам диний, ҳам ўзларининг миллий байрамлари деб қабул қилишган.

Ўрта асрларда араблар байрамларнинг диний мазмунига алоҳида эътибор бериб, байрамлар ўтказиладиган жойларга махсус масжидлар қуришган. Кейинчалик бу масжидлар Марказий Осиё шаҳарларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолган. Улар Қурбон ҳайити, Рамазон (ийд ал-фитр) байрамлари ва мусулмон удумлари ўтказиладиган марказ вазифасини бажарган. Бу масжидларнинг моҳияти бир хил бўлса-да, улар турли жойда турлича номланган: “Намозгоҳ” (намоз ўқиш жойи), “Мусалла ал-ийд” (байрам куни намоз ўқиш жойи), “Ийдгоҳ” (байрам ўтказиш жойи) ва ҳоказо.

Байрамлардан асосий мақсад – мусулмонларни ислом дини асосида бирлаштириш бўлган. Байрам ўтказиладиган жойларда “Амри маъруф” каби диний маросимлар уюштирилган. Баъзан подшоҳ ва ҳукмдорлар ўз олижаноблигини кўрсатиш мақсадида бу жойларда халқ учун катта зиёфатлар ҳам беришган.

Хулоса қилиб айтганда, ислом динидаги байрамлар хурсандчилик, тинч-тотувлик, меҳр-оқибат кўрсатиш, шукрона қилиш кунларидир. Бу улуғ кунларда қариндошлар, ёр-биродарлар бир-бирларини зиёрат қилишиб, табриклашиб, ҳолаҳвол сўраши хайрли ишлардан саналади.

**Миллий ва диний  
анъаналарнинг  
умуминсоний  
кадриятлар билан  
уйғунлиги**

Диний ва миллий анъаналар халқларнинг тарихий ривожланиши жараёнида шаклланади ва сайқалланади. Давр талабига жавоб берган анъаналар унутилмайди, авлодларга мерос бўлиб қолади, халқ ҳаётининг таркибий қисмига айланади. Ҳар бир эл, миллат ёки халқ ўз анъаналарини ривожлантиради, асраб-авайлайди. Анъаналарда халқ даҳоси, турмуш тарзи, маданий камолот даражаси акс этади. Унда миллий онг ва миллий қиёфа гавдаланади. Анъаналарни

менсимаслик, улар мансуб халқ ёки миллатни ҳурмат қилмасликдир. Аъёналар ёшларни тарбиялаш, уларга кекса авлоднинг тажрибаларини ўзлаштириш воситаси ҳамдир.

Диний ва миллий аъёналарни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги маънавий омилларидан бири сифатида тавсифлаш мумкин:

а) диний ва миллий аъёналарнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши; б) миллий аъёналар – умуминсоний аъёналарнинг таркибий қисми; в) диний ва миллий аъёналар миллатни бирлаштириш, ҳамжихатлигини таъминлаш воситаси; г) урф-одат ва аъёналарга эҳтиром кўрсатиш.

Қачонки миллий ва диний аъёналар умуминсоний демократик қадриятлар билан уйғунлаштирилса, шундагина жамият тараққиётининг ривожланишида унинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Жамият одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Маданий қадриятларимиз, маънавий меросимиз минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун кудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, ўзбек халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий, маданий ва маънавий қадриятларини ҳамда ўзига хос аъёналарни сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Муҳими, динлар ҳам халқ ҳаёти, эътиқоди ва дунёқарошига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бир диннинг бирор минтақада ёйилиши, у ердаги урф-одатлар таъсирида миллийлик касб этишини ўрганиш ўзига хос аниқ ва тўлиқ маълумот олишга ёрдам беради. Дунёдаги турли халқлар билан мулоқот қилишда, авваламбор, уларнинг дунёқароши, урф-одатлари, қадриятларини билиш катта аҳамиятга эга. Юртимизда турли хил миллатлар ва турли дин вакиллари истиқомат қиладилар. Ҳар бир дин вакилларининг ўз урф-одат, байрам ва маросимлари мавжуддир. Уларга биз ҳурмат билан ёндошишимиз зарур.

Диний ва миллий қадриятлар турли миллатлар ва халқлар, ижтимоий гуруҳлар манфаатларига бевосита тааллуқли ҳамда уларнинг тараққиёти ва истиқболи учун хизмат қиладиган маънавий, ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий, фалсафий бойликларнинг умумлашган ҳолатдаги ифодасидир.

Диний кадриятларнинг вужудга келишида маълум бир диннинг пайдо бўлиши, унинг ҳудуди, тарихи, маданияти, муқаддас манбалари, таълимотлари, урф-одат ва анъаналарининг ўрни бениҳоя муҳимдир. Диний кадриятлар ушбу дин вакилларининг табиий эҳтиёж ва талабларини қондиради ва жамиятга ўзига хос ўринни эгаллайди.

Диний кадриятлар:

- муайян диннинг муқаддас саналмиш макон-манзил, ашёларига эътибор бериш;
- ушбу дин таълимоти мазмунини чуқур англаш;
- дин белгилаган қонун-қоидаларга риоя қилиш;
- ўз ҳатти-ҳаракатларини дин белгилаган меъёрлар асосида олиб бориш;
- поклик ва ҳалоллик билан ҳаёт кечириш;
- энг юксак орзу, ният, ғоя, мақсад ва қизиқишларини дин қонун-қоидаларидан четга огишмай амалга ошириш кабиларда намоён бўлади.

Диний кадриятларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Чунки у инсонларга ахлоқий поклик, эзгулик, гўзаллик, поклик, ҳақиқат, эркинлик, адолат, дўстлик, муҳаббат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби юксак фазилатларни тарғиб этади.

Диний кадриятлар ҳақида фикр юритар эканмиз, уни миллий кадриятлардан ажратиб ўрганиш ёки таҳлил қилиш қийин. Чунки жамият ҳаётида асрлар давомида миллий ва диний кадриятлар бир-бири билан қўшилиб, уйғунликда умуминсоний кадриятга айланган.

## Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Диний маросим деганда нимани тушунасиш?
2. Диний байрамларга қайсилар киради?
3. Диний кадриятларни қандай тушунасиш?
4. Ислоҳ маросимлари ҳақида сўзлаб беринг
5. Ислоҳ байрамлари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
6. Умуминсоний кадриятлар деганда нимани тушунасиш?

## Мустақил иш топшириқлари

1. Ўзингиз туғилиб-ўсган жойдаги диний ва миллий урф-одат, анъана, маросим ва байрамларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб беринг.
2. Турли маросимлар ҳақида фотоальбом, реферат, Power Point дастурида слайдли тақдимот тайёрланг.
3. Миллий ва диний анъаналар ҳақида схематик жадваллар тузинг.

## Адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т., Ўзбекистон, 2009.
5. Беруний, Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар, I том, – Т., 1968.
6. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. - Т.: Уқитувчи, 1994.
7. Махмуд Саттор. Узбек удумлари.- Т.: Фан, 1993.
8. Мўминов А. ва бошқалар. Диншунослик. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган / Масъул муҳаррир: Н.И.Иброҳимов. – Т.: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 2004.
9. Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
10. Қорабоев Усмон. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: Шарқ, 2002.
11. Библиейская энциклопедия. М., 1991.
12. Религиозные традиции мира. В 2 томах. М., 1996.

## 15-МАВЗУ. НОАНЪАНАВИЙ ДИНИЙ ОҚИМЛАР

### Режа

1. Христианлик доирасида юзага келган ноанъанавий оқимлар.
2. Ислом дини доирасида юзага келган диний ҳаракат ва оқимлар.
3. Ҳиндуийлик заминида юзага келган оқимлар.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                               |                             |
|-------------------------------|-----------------------------|
| 1. Диний ташкилот             | 5. Баҳойлик                 |
| 2. Мормонлар                  | 6. Бобийлик                 |
| 3. Кришнани англаш<br>жамияти | 7. Ноанъанавий дини<br>оқим |
| 4. Иегово шоҳидлари           | 8. Аҳмадия                  |

*Мавзу ўқув мақсади: XIX-XX асрларда йирик динлар доирасида юзага келган диний ташкилотлар, уларнинг эътиқоди ва фаолияти, жамиятга таъсири ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиши.*

Ноанъанавий диний ташкилот ёки оқим деганда бир минтақа, худуд аҳолиси учун бегона бўлган, муайян тарихий шароит ёки ижтимоий вазият сабабли ўша ерга кириб келган ёки киришга ҳаракат қиладиган динлар тушунилади.

**Христианлик доирасида юзага келган оқимлар**

XIX аср ўрталари XX аср бошларига келиб Европа, Америка ва Осиё қитъаларида “пайғамбарлик” ва “армагеддонизм” эпидемиялари авж олди. АҚШда 1840 йилларда “миллеризм” номи остида пайдо бўлган ҳаракат тез орада бошқа худудларга ҳам тарқалди. Натижада, аксарият йирик динлар доирасида янги, “ислохотчи” оқимлар юзага келди.

Улардан, христианлик доирасида “Иегово шоҳидлари” ва “Мормонлар”ни, ислом дини доирасида “Баҳойлар”, “Аҳмадийлар” ва “Қора мусулмонлар”ни, ҳиндуийлик доирасида “Халқаро Кришнани англаш жамияти”ни санаш мумкин.

*Иегово шоҳидлари* (ёки Яхве гувоҳлари) йўналишига 1873 йилда Чарльз Тейз Рассел (1852-1916) томонидан асос солинган. Йўналишнинг диний таълимоти унинг етти томлик “Муқаддас Ёзувни ўрганиш” китобига асосланади.

Ч.Рассел вафотидан кейин ташкилотга раҳбарлик қилган Иосиф (Джозеф) Франклин Рузерфорд иеговочиликка “армагеддон” (яъни, гўёки, охирзамонда Исо бошчилигидаги иеговочилар ва Шайтон бошчилигидаги жинлар кўшини ўртасида бўлиб ўтадиган жанг) тушунчасини киритди. Шунингдек, у ҳар йили иеговочиларнинг халқаро конференцияларини ўтказишни, 50 га яқин китоб муаллифи сифатида тарғибот ишларида радио ва граммо-пластинкалардан фойдаланишни йўлга қўйди.

“Иегово шоҳидлари” Училиқ ҳақидаги ақидани рад этишади, лекин бошқа йўналишлар каби унинг барча кўринишларини изоҳлашади. Улар худонинг ўз шахсий исми бор, бу исм “Иегово”дир ва у барча нарсаларнинг асоси ва яратувчиси, деб ҳисоблайдилар.

Иеговочилар Исо Худонинг Ўғли бўлган деб эътиқод қилса-да, унинг Худо бўлганини инкор қилишади. Уларнинг таълимотига кўра, Исо Иегово томонидан яратилган ягона инсондир, қолган барча инсонлар Масих орқали яратилган. Муқаддас Рух – Худонинг кўринмас кучи бўлиб, у дунё яратилишида қатнашган. Исо Голгофа тоғида хочга эмас, балки устунга михланган деб ҳисоблаганлари сабабли бу рамз ишлатилмайди.

Иегово бутун инсоният тарихида 144 минг кишини танлаб олган, улар ўлгандан сўнг тўғридан-тўғри тирилади ва осмон подшоҳлигига ўтиб кетишади. Ҳозирги кунда ўша танланган 144 минг киши, яъни “кичик пода”дан (имони мустаҳкам ва дин йўлида кўп хизмат қилган) 11 мингтаси тирик, деб эътиқод қилинади. Қолган имонлилар, яъни Иегово шоҳидларига қўшилган “қўйлар”га (оддий диндорлар) Ер юзида абадий жаннатда яшашлари ваъда қилинади.

“Иегово шоҳидлари” фақатгина Исо Масих ўлимини эслаш кечалари билан боғлиқ байрамни нишонлайдилар. Шу куни жамоа аъзолари қариндош ва танишларини уйларига таклиф қилишади. Дастурхонда Исонинг тана ва қонининг ифодаси деб



билинадиган хамиртуришсиз нон ва қизил, қуруқ вино бўлиши шарт.

“Иегово шоҳидлари” диний ташкилоти қатъий марказлашган характерга эга. Унинг диний-маъмурий маркази – Бошқарув корпорацияси ҳисобланади. У 15 кишидан иборат бўлиб, Бруклинда (АҚШ, Нью-Йорк) жойлашган. Бошқарув корпорациясининг 90 дан ортиқ филиаллари дунёнинг турли мамлакатларида тарғибот ишларини олиб боради. Христианликнинг кўзга кўринган вакиллари иеговочиларнинг христианлик билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ, деган фикрдалар.

Марказий Осиёда “Иегово шоҳидлари” диний ташкилотининг биринчи жамиятлари 1950 йилларда пайдо бўлган ва норасмий равишда фаолият кўрсатиб келган. Бугунги кунда республикамызда “Иегово шоҳидлари”нинг 1 та ташкилоти расман рўйхатга олинган.

“Иегово шоҳидлари” миссионерликка катта эътибор беради. Жамоа пайдо бўлган даврдан бошлаб, асосан уйма-уй юриш ва адабиётлар тарқатиш билан ўз издошларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Айрим маълумотларга кўра, ҳозирги кунда иеговочи миссионерларнинг сони 700 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. Жамоа раҳбарияти томонидан миссионерларни тайёрлаш ишларига катта аҳамият берилади. АҚШ нинг Нью-Йорк шаҳрида, жамоанинг бош офиси билан бир жойда “Галаад” номли миссионерлар тайёрлаш маркази мавжуд. Ушбу марказда ташкил этилган беш ойлик курсларда бутун дунёдан келган миссионерлар таҳсил олишади.

Миссионерлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва адабиётларни нашр этиш учун “Қўриқчи минора”, “Библия” ва “Рисолалар жамияти” тузилган. Ушбу жамият корпорация деб аталиб, бош қароргоҳи ташкилот асосий биноси билан бир жойда, АҚШнинг Бруклин шаҳрида жойлашган. Корпорацияни етти директордан иборат бошқарув кенгаши бошқаради ва улар корпорация президентини сайлайдилар.

Ҳозирги кунда “Иегово шоҳидлари” 230 дан ортиқ мамлакатда фаолият олиб боради ва дунё бўйича 111 та минтақавий ваколатхоналарга эга.

Иеговочилар миссионерликни ўзига хос тарзда ва тизимли ташкил этганлар. Мутахассислар фикрича, “Иегово шоҳидлари” ўз тарафдорларини шакллантиришда жалб этишнинг 80 дан ортиқ усулидан фойдаланадилар. Жумладан, улар ўз даъватчиларининг овоз оҳанглирида тинчлантириш ва меҳр туйғулари бўлишига алоҳида эътибор берадилар.

Иеговочилар миссионерликни:

- ўз қарашларига заррача бўлса ҳам қизиқиш билдирган одамларни қидириб топиш ва сўнг уларни таълимотни қабул қилишга тайёрлаш;

- даъват қилинаётган одамнинг онгига “Библия” курслари ва унинг матнини ўрганиш орқали диний таълимотни синдириш;

- прозелитларни сув билан чўқинтириш;

- уларни миссионерлик фаолиятига тайёрлаш каби тўрт босқичда амалга оширадилар.

Иеговочиликнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, унда ҳар бир аъзо миссионерлик фаолиятида қатнашиши шарт. Жумладан, жамоа раҳбарияти томонидан ҳар бир аъзо ойига 10 соатдан 150 соатгача миссионерлик фаолиятига сарфлашлари талаб қилинади. Жамоа аъзолари қанча кўп вақтларини миссионерликка сарфлаганларига қараб ташкилот иерархиясида кўтарилиб боради. Сўнгги пайтларда иеговочилар мактаб ўқувчилари ва ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб боришга интилиш кучли намоён бўлаётганини таъкидлаш зарур. Ана шундай мақсадли фаолият натижасида иеговочилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирда иеговочилар сони дунё бўйича қарийб 7 миллионни ташкил этади. Уларнинг бош ташкилоти томонидан адабиётлар нашр этиш, черковлар фаолиятини таъминлашга кетадиган сарф-харажатлардан ташқари миссионерларнинг кундалик харажатларига йилига 100 миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфланади.

**Мормонлар.** Мазкур оқимга 1830 йили Нью-Йорк (АҚШ) шаҳрида Жозеф Смит (1805-1844) исмли шахс томонидан асос солинган.

Смит 1823 йилда Вермонт шаҳридаги Шерон ўрмонида камбағал ва бечора тарафдорларига Морони номли бир фариштанинг ўзига ваҳий олиб келганини даъво қилади. Унга кўра Морони, Смитга Нью-Йоркдаги Кумора тепалигига кўмилган, қадимги Миср тилида ёзилган олтин лавҳлар ва уларни таржима қилиш учун Урим ва Тҳуммин тошларини келтириб берган.

Жозеф Смит матнларни ўқигани ва фаришта ёрдамида таржима қилганини эълон қилади ва уни нашр эттиради. Шундай қилиб, 1830 йилда “Мормон китоби” босиб чиқарилган. Китобдаги буйруққа биноан янги бир черков қурилган. Бу черков, “Исо Масихнинг Охирги Кун Азизлари черкови” деб номланган. Унинг тарафдорлари эса шундан сўнг “Мормонлар” дейила бошланган.

Мормонлар эътиқодига кўра, америкаликлар исроил қабилаларидан келиб чиққан ва қизил оқ танлилардан ташкил топган. Исо тирилганидан кейин оқ танлилар орасида фаолият олиб борган, лекин унинг черкови қизил танлилар томонидан вайрон қилинган. Охирги оқ танлилар XV асрда яшаган Мормон билан унинг ўғли Моронидир. Лавҳларни ана ўшалар кўмган ва уларни Смит топиб олган.

Смит 1831 йилда янги Қуддуснинг Киртландда (Огайо шатати, АҚШ) қурилишига доир ваҳий олганини айтган. Тарафдорлар сонини орттириш мақсадида мормонлар фаол равишда миссионерлик билан шуғулланганлар.

Сикувга олинган Мормонлар, Киртландни ташлаб Миссурига; у ерда ҳам айна ҳолга дуч келгач эса Иллиноисга кўчишга мажбур бўлишади. 1840 йилда ботқоқзор ўрнида Наву шаҳрини қуриб ўз марказларини шу ерда ташкил этадилар.

Омадли кечган бир-икки йилдан кейин Смит “Мормон китоби”да акси ёзилган бўлишига қарамасдан, янги бир “ваҳий”га асосланиб, кўпхотинлиликни тарғиб қилган ва ўзи бу ишни бошлаб берган. Унинг бу фикрига жиддий қаршиликлар бўлган, натижада Смит укаси ва тарафдорлари билан қамоқхонага ташланган. Қисқа бир муддатдан кейин улар маҳбуслар томонидан ўлдирилган.

Смитдан кейин мормонларга Брижман Янг бошчилик қилди. У ўлими ортидан 178 та хотин ва 49 та болани қолдириб кетди. Мормонлар Ютада “Буёқ туз кўли” қирғогида, “Туз кўли шахри” ҳозирги Солт Лейк Сити шахрини қурганлар. Улар бу ерда жуда ҳам кучайиб кетганлар ва улкан мормон ибодатхонасини барпо этишган.

“Исо Масихнинг охирги кун азизлари” сифатида ўзларига баҳо берувчи мормонларнинг эътиқод асослари Ж.Смит томонидан тартибга солинган. Черков бошлиғи “раис” деб номланади.

Мормонлар Ота-Худо, Исо Масих ва Мукаддас Рух билан боғлиқ эътиқодни тан оладилар. Уларга кўра, Инжил Худонинг сўзидир, уни, хато қилмаслик шарти билан таржима қилиш мумкин. Мормон китоби ҳам Худонинг сўзидир. Исо Масихнинг қайта тирилиш жойи Америка қитъасидир. Янги Қуддус Америкада курилади; шахсан Исонинг ўзи уни бошқаради, дунё янгиланади ва худди жаннатдек кўриниш олади. Исо минг йиллик салтанат қуради ва унга имон келтирганлар, ёрдамчи бўлган (мормон) лар нажот топадилар.

Улар чўқинтиришда сувга бўктириш усулини қабул қилганлар. Улуғликда олдинга силжишни ва ҳатто, илоҳийликкача юксалишни эътироф қиладилар. Эътиқод асослари орасида жой олган кўп хотинга уйланиш 1895 йилда В.Вудрафт томонидан бекор қилинган. Причашение яъни “Покланиш” маросими, сигарет ва ароқ ҳаром бўлгани сабабли фақатгина нон ва сув билан амалга оширилади.

Мормонлар миссионерлик фаолиятини олиб борадилар ва ушбу фаолият бутун дунёга тарқалганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мормонлар наздида ҳар бир аъзо икки йил миссионерлик қилиши керак. Миссионерлик фаолияти бугунги кунда 4000 дан ортиқ аёл ва эркак мормон томонидан олиб борилмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади ва улар ўз ҳаётларини миссионерлик учун бағишлаган.

Бугунги кунда мормонлар дунёнинг 160 мамлакатада фаолият олиб бориб, тахминан 30 минг черков ва 12 миллион издошларига эга. Расмий христианлик мормонларни “адашган оқим” сифатида эътироф этади.

**Ислом дини доирасида  
юзга келган оқимлар**

*Баҳойлик* - XIX асрда Эронда бобийлик йўналиши замирида вужудга келган диний йўналиш. Шерозлик Сайид Али Муҳаммад (1819-1850) 1844 йилда Боб (арабча “эшик”), яъни янги даврга “эшик” номини олиб, яқин орада “Худо элчиси”нинг намоён бўлиши, кишиларга янги даврнинг асосий қонунлари ва низомларини инъом этишини тарғиб қила бошлаган.

Бобнинг йирик издошларидан бири Мирза Ҳусайн Али Нурий (1817-1892) 1863 йилда Боб башорат этиб кетган худонинг элчиси унинг ўзи эканини эълон қилади ва Баҳоуллоҳ, яъни “Аллоҳнинг жилоси” номини олади. Ушбу йўналишнинг номи ҳам Баҳоуллоҳнинг номидан олинган.

Баҳоуллонинг “Китоби Ақдас” (“Энг муқаддас китоб”) ва “Китоби Иқон” (“Мустаҳкам ишонч китоби”) асарлари баҳойлик таълимотининг асосларини ташкил этади. Йўналиш асосчиси ўзига ислом дини эътиқодига кўра, оламларнинг Яратувчиси бўлган “Аллоҳнинг жилоси” номини қабул қилган бўлса-да, баҳойлар ақидасига кўра, баҳойлик мустақил дин, у бирор бир диндан ажралиб чиққан секта ҳам, мазҳаб ҳам эмас, деб ҳисобланади.

Баҳойлик Ҳиндистон, Уганда, Кения, Эрон, Миср, АҚШ, Канада каби қатор мамлакатларда тарқалган. Ҳозирги вақтда дунёда баҳойларнинг 9 та ибодат уйи, 200 га яқин миллий ҳамда бир қанча маҳаллий диний мажлислари мавжуд. Баҳойларнинг умумий миқдори тахминан 6 миллион кишини ташкил этади.

Баҳойлик таълимотига кўра:

- барча динлар бир илдиздан пайдо бўлган ва пайғамбарлар биродар ҳисобланади;

- Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлардан ташқари Будда, Зардушт, Кришна, Боб ва Баҳоуллоҳ ҳам пайғамбар ҳисобланади. Баҳойликда улар энг буюк 9 та пайғамбар сифатида эътироф этилади;

- худо ҳар минг йилда Ер юзига янги пайғамбар туширади;

- жаннат ва дўзах, охират, шайтон ва фаришталар инкор қилинади;

- ҳозирги барча динлар бир-бирини инкор қилади, шунинг учун ҳам, уларни бирлаштириш ва инсонлар орасидаги турли фарқларни йўқотиш лозим. Баҳойилар даъвосига кўра, бундай бирлаштирувчилик вазифасини баҳойлик бажариши лозим.

- Ватан, миллат деган тушунчалар маънисиз ҳисобланади. Зеро, уларнинг фикрича, Ер юзининг ҳамма жойи Ватан ҳисобланади.

Баҳойликда руҳонийлар йўқ. Маҳаллий жамоаларни йилда бир маротаба 21 апрель куни яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 9 кишидан иборат Маҳаллий диний мажлис бошқаради. Баҳойилар йирик жамоаси мавжуд бўлган ҳар бир давлатда Миллий диний мажлис сайланади. Ўз навбатида Миллий диний мажлис вакиллари 9 кишидан иборат бўлган Умумжаҳон Адолат Уйи аъзоларини сайлайдилар. Ҳар беш йилда сайланадиган Умумжаҳон Адолат Уйи умумжаҳон баҳойилар жамиятининг фаолиятини бошқариб боради.

Баҳойликда ҳар бири 19 кунлик 19 ойдан иборат бўлган диний тақвим қабул қилинган. Ҳар 19 кунда жамоанинг барча аъзолари ибодат қилиш, жамоа билан боғлиқ ишларни муҳокама қилиш, ўзаро биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун йиғиладилар.

Кунига уч марта Исроилнинг Акка шаҳрига қараб ибодат қилинади. Умумий ибодат дуо ўқиш, медитация ҳамда баҳойликнинг асосий китоблари ва жаҳон динлари муқаддас китобларидан матнлар ўқиш орқали амалга оширилади. Ҳар йили 2 мартдан 20 мартгача баҳойилар кун чиқардан кун ботгунга қадар овқат ва сувдан ўзларини тийиб, рўза тутадилар.

Баҳойиларнинг муқаддас ибодатхонаси Акка шаҳрида жойлашган. Хайфа шаҳри муқаддас шаҳар ҳисобланиб, дунё баҳойиларининг зиёратгоҳи ҳисобланади. Бу ерда Боб ибодатхонаси, 1957 йилда баҳойликнинг раҳбарлик органи сифатида ташкил этилган Умумжаҳон Адолат Уйининг қароргоҳи жойлашган.

*Аҳмадия (Қодиёния).* Мазкур оқим XIX асрнинг охирларида Мирзо Ғулом Аҳмад Қодиёний томонидан тузилган. Дастлаб у асосчисининг номи билан – “Мирзоия”, кейинчалик эса вужудга келган жойга нисбатан – “Қодиёния” деб номланган. Мирзо Ғуломнинг 1900 йил 4 ноябрдаги баёнотига биноан охир-оқибат “Аҳмадия” номини олган.

Мирзо Ғулом Аҳмад 1840 йилда ҳозирги Покистон ҳудудидаги Панжоб вилоятининг Гурдаспур минтақасидаги Қодиён қишлоғида туғилган. Отасининг хоҳишига биноан 1864 йилда Сиалкот шаҳрига борган ва ўша ерда бир муддат ишлаган. Шу пайтда, у кундалик ишидан ташқари ислом илмлари ҳамда бошқа динлар ҳақида ва ўзи билан яқиндан муносабатда бўлган миссионерлардан христианлик ҳақида кўпгина маълумотлар олган, ҳиндуийлар билан мунозараларга киришган.

1876 йилда Ғулом Аҳмад Аллоҳнинг ҳузурига чиққани ва ваҳий ола бошлаганини даъво қилиб чиқади. 1880 йилда у ўз таълимоти асосларига бағишланган “Бароҳини Аҳмадия” (Аҳмад далиллари) номли китобининг илк икки жилдини нашрдан чиқаришга эришади. Унда у исломни бошқа динлардан ҳимоя қилган. Шу туфайли мусулмонлар китобдаги “илоҳий илҳомлар”, кароматлар, ўз-ўзини мақташларга, дастлаб, унча эътибор бермаганлар. Учинчи ва тўртинчи жилдларда эса Ғулом Аҳмад ўзига ваҳий тушаётгани ва пайғамбар эканини даъво қилган. Шунингдек, инглиз ҳукуматини мақтаб, ҳозирги пайтга келиб “жиҳод” тушинчасининг ўринсиз, ҳукмсиз холга келиб қолганини айтган. Бошланишда 50 жилд бўлиши режалаштирилган “Бароҳини Аҳмадия”нинг 5 жилдигина нашр қилинган.

1885 йили Мирзо Ғулом Аҳмад ўзини-ўзи яшаб турган давр (ҳижрий XIV аср) “муҷаддиди” эканини, 1888 йилга келиб эса инсонлардан “байъат” олиб, алоҳида “жамоат” ташкил қилиш ҳақида буйруқ олганини эълон қилади. 1891 йилда у Исо ибн Марямнинг табиий йўл билан ўлганини айтиб ва шундан келиб чиқиб ўзини мусулмонлар кутаётган “Масих” ва “Маҳдий” деб даъво қилган. 1904 йилнинг ноябрь ойдан бошлаб эса очикдан-очик ўзини мусулмонлар учун “маҳдий”, христианлар учун “масих” ва ҳиндулар учун “кришна” деб эълон қилган.

Аҳмадийларга кўра барча динлар қандайдир халоскорни кутадилар, унинг келишига умид билан яшайдилар. Агар кутилаётган кутқарувчи, бир одамда мужассам бўлса, динлараро келишмовчилик бартараф этилиб, бирдамлик, ҳамжиҳатликка эришилган бўларди.

Мирзо Ғулом Аҳмад 1908 йил 26 майда Лаҳорда вафот этган. Қабри Қодиёнга олиб кетилган ва тарафдорлари учун зиёратгоҳга айланган.

Мирзо Ғулом Аҳмаднинг ўлимидан кейин шогирдлари унинг фикрларини йиғишда давом этдилар ва натижада “Синкретик Қодиёния-Аҳмадия ҳаракати” юзага келган. Кейинчалик оқим “Қодиён аҳмадийлари” ва “Лаҳор аҳмадийлари” номли икки жамоага бўлиниб кетди.

Дастлаб, пайғамбарликнинг Муҳаммад (с.а.в) билан туггани ва қиёматгача ундан бошқа пайғамбар келмаслигини тан олишини таъкидлаган Мирзо Ғулом, 1901 йилдаги “Жума хутбаси”да унинг издоши бўлган Мавлавий Абдулкарим Мирзо Ғулом Аҳмадга нисбатан “набий” ва “расул” сифатларининг ишлатиш мумкин деб эълон қилган.

Аввалроқ, “Муҳаддас” (хитоб қилиниб, гаплашилган) деб номланган Мирзо Ғулом кейинчалик муҳаддасликни бир маънода жузъий набийлик сифатида баҳолаган; пайғамбарликнинг бутунлай тугганини, лекин жузъий набийликнинг қолганлигини очиқ ва ошқора айтган.

**Ҳиндуйлик заминда  
юзага келган оқимлар**

*Халқаро Кришнани англаш  
жамияти* Шрила Бхактиведанта

Свами Прабхупада номи билан танилган асли ҳиндистонлик Абхай Чаран Де (1896-1977) томонидан ташкил этилган. У 1947 йилда “Веда” фалсафаси билимдони сифатида “Бхактиведанта” (санскр. “содиқлик”, “фидоқорона хизмат”) унвонига сазовор бўлади. Санскрит тилидан инглиз тилига кўпгина “Веда” матнлари, жумладан, “Бхагавадгита” (“Худо кўшиқлари”)ни шарҳлар билан таржима қилди. 1959 йилда 63 ёшида дунёдан воз кечишга аҳд қилади ва Свами (“Ақл ва ҳиссиётлар эгаси”) унвонига эришади.



1965 йилда А.Ч.Бхактиведанта Свами АҚШга кўчиб ўтди ва “Халқаро Кришнани англаш жамияти”га асос солди. Бу даврда Шарқ мистик таълимотига нисбатан катта қизиқиш Кришнани англаш фалсафасини тарғиб қилиш учун қулай шарт-шароит яратди ва ҳаракат тез ривож топди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида уларнинг 150 дан ортиқ ибодатхоналари мавжуд.

Кришначилик (вайшнавизм) одам қиёфасидаги худо Кришна (Вишну)га эътиқод қилишга асосланган ҳиндуйликнинг икки асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Кришначиликнинг муқаддас ёзувларига “Бхагаватгита”дан ташқари бошқа “Веда” матнлари ҳам кирди.

Кришначилик яқкахудодликка, яъни ягона ва мутлоқ худо – Кришнани тан олишга асосланади. У абадий, яратилмаган ва чексиз шаклларга кириш қобилиятига эга. Кришначилик таълимотига кўра, олам руҳий ва моддий дунёга бўлинади. Инсоннинг руҳи танасига нисбатан бирламчидир. Кришначилар руҳни ривожлантириб ички комилликка эришиш ва шу йўл билан худога қўшилишни олий мақсад, деб биладилар.

Ҳар бир инсон ўзида Кришнани англаш қобилиятини ривожлантириши мумкин. Бунинг учун бир қанча ҳаракат шакллари ўз ичига олган ва худога муҳаббатни ривожлантириш ҳамда уни бутунлай руҳий англашга шўнғишга қаратилган бхакта-йога машқлар тизими ишлаб чиқилган. Айни пайтда, инсон ўзини моддий эҳтиёжлардан холи қилиши, гўшт, балиқ, тухум, маст қилувчи нарсаларнинг барчаси, жумладан, спиртли ичимликлар, тамаки, қаҳва, чой истеъмол қилиш, никоҳсиз жинсий ҳаёт кечириш ва кимор ўйинлардан воз кечиши зарур, деб ҳисобланади.

Кришначиликда медитация деб аталувчи, ибодатхонада ўтказиладиган диний маросимлар ҳар куни соатлаб бажарилади. У махсус ҳаракатлар, Санкиртана – биргаликда худо Кришнани “Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Харе, Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама, Рама, Харе, Харе” деган, махамантра (“озод бўлишнинг буюк қўшиғи”)ни куйлаш билан шарафлаш амалиётини қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси, уларнинг

таъбирича, ақлни тозалаш, фикрни ташқи дунёдан халос этиш, бутун диққат-эътиборни худога нисбатан муҳаббатга йўналтириш учун бажарилади.

“Халқаро Кришнани англаш жамияти”да ўз эргашувчиларининг мол-мулкларини жамият ҳисобига хайр-эҳсон қилишлари ҳамда ибодатхонада руҳонийлик вазифасига ўтишлари рағбатлантирилади. Бу таълимотни қабул қилган ҳар бир кишига янги – санскритча ном берилади. Жамоа аъзолари сари, дхоти ва бошқа ҳинд миллий либосларини киядилар.

Кришначилар томонидан миссионерлик фаолияти ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган. Улар томонидан амалга ошириладиган тарғиботчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари қаторида кўчаларда ибодат кийимларида юриб кўшиқлар айтиш ва адабиётларини тарқатиш, “Ҳаёт учун озуқа” деб номланадиган, бепул озик-овқат тарқатиш акциялари ўтказилишини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳаракатларнинг асосий объектлари сифатида одатда талабалар, мактаб ўқувчилари, қариялар ва меҳрибонлик уйларида истиқомат қилувчилар танлаб олинади.

### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Ноанъанавий диний ташкилотларнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
2. Янги диний йўналишларнинг юзага келишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Иегово шоҳидлари қандай ташкилот?
4. Мормонларнинг бошқа христиан йўналишларидан асосий фарқи нимада?
5. Баҳойларнинг қибласи қайси шаҳар ҳисобланади?
6. Аҳмадийлар қандай йўналишларга бўлинган?
7. Кришнани англаш жамиятига қачон ва ким томондан асос солинган?

## Мустақил иш топшириқлари

1. “Анъанавий” ва “ноанъанавий дин” тушунчаларини очиб беринг.
2. Ноанъанавий динлар юзага келган тарихий ва ижтимоий-сиёсий омилларни атрофлича ўрганинг ва гапириб беринг.
3. Гарбда янги секталарнинг пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилинг.
4. Ислом дини доирасида юзага келган оқимларга анъанавий уламоларнинг фикри ҳақида илмий иш тайёрланг.

## Адабиётлар

1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
2. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
3. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, максадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
4. Миронов А., Бабинов Ю. Основы религиоведения: Рабочая книга преподавателя и студента. Учеб. пособие. - М.: НОУ, 1998.
5. Пучков П., Казьмина О.Е. Религии современного мира. Учеб. пособие. – М.: 1997.

## 16-МАВЗУ. ЗАМОНАВИЙ ДУНЁНИНГ ЭТНОКОНФЕССИОНАЛ МАНЗАРАСИ

### Режа

1. Конфессия тушунчасининг мазмун-моҳияти.
2. Дунёдаги конфессионал ўзгаришларнинг сабаблари.
3. Дунёнинг бугунги кундаги конфессионал манзараси.
4. Ўзбекистон Республикасидаги конфессиялараро муносабатлар.

### Таянч сўз ва атамалар

- |                   |  |
|-------------------|--|
| 1. Дин            | 8. Ислом                                 |
| 2. Конфессия      | 9. Буддавийлик                           |
| 3. Секта          | 10. Ҳиндуийлик                           |
| 4. Диний ташкилот | 11. Хитой динлари                        |
| 5. Миссионерлик   | 12. Ўзбекистондаги диний<br>конфессиялар |
| 6. Харизматика    |  |
| 7. Христианлик    |  |

*Мавзу ўқув мақсади: Конфессия, секта тушунчаларининг мазмун-моҳияти, бугунги кунда дунёнинг конфессионал харитасида бўлаётган ўзгаришлар, динларнинг географиясидаги янги тенденциялар ва уларни келтириб чиқараётган омиллар ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиш.*

**Конфессия  
тушунчасининг  
мазмун-моҳияти**

“Конфессия” сўзи (лотинча – “confessio”) ўзбек тилига айнан таржима қилинганда “эътиқод қилиш”, деган маънони англатади. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фаркланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига кириди.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда тахминан 1000 дан ортиқ диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ислом динида бундай ҳолат кузатилмайди. Ҳеч қайси мамлакатда ҳанафий мазҳаби алоҳида, бошқа мазҳаблар алоҳида конфессия сифатида рўйхатдан ўтмайди. Масалан, Ўзбекистонда ҳам бир неча шиа жамоалари бўлишига қарамай, улар ўзларини алоҳида диний конфессия ҳисобламайдилар.

Дин жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида кишиларнинг ижтимоийлашувига, уларнинг турмуш тарзини ташкил этиш ва тартибга солишга хизмат қилувчи меъёрий омиллардан бири бўлиб келган. Диннинг бундай роли унинг тарихан шаклланган ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Чунки, дин, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига қўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида инсон маънавиятининг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқишнинг кучайиши бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги

куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

**Дунёдаги  
конфессионал  
ўзгаришларнинг  
сабаблари**

Дарҳақиқат, дунёнинг диний манзараси қотиб қолган, ўзгармас бир ходиса эмас. Хусусан, мазкур манзара йилдан-йилга ўзгариб бораётгани, мавжуд динлар ўзларининг анъанавий ареаллари доирасидан чиқиб бораётганларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Сўнгги тадқиқотларга кўра, 2011 йил 21 июнь ҳолатига динларнинг эътикод қилувчилари сони қуйидаги кўринишга эга.

№	Конфессия	Издошлари сони	Ер юзи умумий аҳолисига нисбатан фоз кўрсаткичи
1	<b>Христианлик</b>	2,038,905,000	32%
a)	<i>Католиклар</i>	<i>1,076,951,000</i>	-
b)	<i>Протестантлар</i>	<i>349,792,000</i>	-
в)	<i>Православлар</i>	<i>217,522,000</i>	-
г)	<i>Англиканлар</i>	<i>81,663,000</i>	-
д)	<i>Бошқа йўналишлар</i>	<i>537,135,000</i>	-
2	<b>Ислом</b>	1,226,403,000	21%
3	<b>Ҳиндуйлик</b>	828,130,000	13,26 %
4	<b>Анъанавий Хитой динлари</b>	389,543,000	6%
5	<b>Буддавийлик</b>	364,014,000	5,84 %
6	<b>Сикхийлик</b>	23,821,000	0,35
7	<b>Яҳудийлик</b>	14,535,000	0,23
8	<b>Баҳойлик</b>	6, 000,000	0,12

Бугунги кундаги ўзгаришлар ҳақида сўз кетар экан қуйидагиларни алоҳида қайд этиш лозим. Энг аввало, шаклланган динлар доирасида муайян ўзига хосликларга эга бўлган янги йўналиш ва секталарнинг пайдо бўлиши давом этмоқда. Масалан, мутахассислар маълумотларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар доирасида юзлаб секталар пайдо бўлган. Бу шундай жараёнлар келажақда давом этиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради.

**Секта** сўзи, энг умумий маънода, муайян диний, сиёсий ёки фалсафий қарашларга эргашувчилар гуруҳини англатади. Диний секта деганда маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб баҳолайдилар.

**Дунёнинг бугунги  
қундаги конфессионал  
манзараси**

Замонавий воқелик диний-экстремистик характердаги секталарнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, биргина Россиянинг ўзида “Богородичий центр”, “Церковь объединения”, “Церковь Иисуса”, “Церковь Нового Завета”, “Белое братство”, “Божественный орден Первого Ангела” каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. “Культ сатаны” деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган бу сектанинг Россияда 100 минг, Ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор.

Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай секталарга асос солган “авлиё”лар ўз издошларини алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгалик қилишга уринмоқдалар.

Яширин фаолият олиб бориши, секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши улар фаолиятдан жамоатчиликнинг беҳабар қолишини келтириб чиқармоқда.

Угандадаги “Охират куни” сектаси бошлиқларининг фаолияти бунга мисол бўлади. Охиратни 1999 йилнинг 31 декабрига “белгилаган” ушбу секта раҳбарлари ўз

тарафдорларини мол-мулкларини сотиш, тушган маблағни уларга беришга ва шу йўл билан гуноҳлардан фориг бўлишга чакирган. Қиёматнинг 2001 йил 1 январга “кўчирилиши” секта раҳбарларига нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келган. Шундан сўнг раҳбарлар Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ ўз тарафдорларини алдаб бир жойга тўплаб, устларидан ёпиб бинога ўт қўйиб юборишган. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни топган. Умуман бу сектанинг қурбонлари 1000 ортиқ бўлгани қайд қилинган.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашиб кетиши, очлик, фуқаролар урушлари, оммавий эпидемиялар, спиднинг тарқалиши юқоридаги каби секталарнинг кенг ёйилишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, бундай секталарнинг барчаси инсоннинг ожизлиги, маънавий ва жисмоний камолотга эришишга бўлган интилиши, кишилар ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида шахсий бойлик орттириш ниятида фойдаланадилар.

Мавжуд диний таълимотлар, улардаги муайян коидаларни давр талабига мослаштириш, бошқача айтганда, модернизация қилиш жараёни ҳам давом этмоқда. Масалан, христианлар амалга оширган инквизиция ва салб юришлари хато бўлганини тан олиб, Рим Папаси ҳатто, расман кечирим ҳам сўради. 1992 йилда Папа Иоанн Павел II ўз пайтида Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги қарашларни ёқлагани учун черков трибунали томонидан тавба қилдирилиб, ўз қарашларидан воз кечишга мажбур қилинган Галилео Галилейнинг ҳақ бўлганини тан олиб, барчадан узр сўрагани ҳам бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, мавжуд динларнинг тарқалиш ҳудудида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, ўтган асрда асосан христианлар яшаб келган Европада бугунги кунда 20-25 миллион атрофида мусулмонлар истиқомат қилмоқдалар. Жумладан, Буюк Британияда – 3 миллион, Германияда – 5 миллион, Францияда – 6-7 миллион исломга эътиқод қилувчи фуқаролар яшамоқда. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ҳозирда айнан ислом эътиқодчилари сони энг тез кўпайиб бораётган дин



ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотларига кўра, исломнинг йиллик ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил этиб, 1989 йилдан 2011 йилга қадар мусулмон аҳоли сони Шимолий Америкада – 25, Африкада – 2,15, Осиёда – 12,57, Европада – 142,35, Австралия ва Океанияда – 257,01 фоизга кўпайган. Фақат Лотин Америкасида исломга эътиқод қилувчилар улуши 4,73 фоизга камайган.

Бундай ўзгаришлар, бир томондан, глобаллашув келтириб чиқараётган одамлар миграцияси натижасида, иккинчи томондан, кишиларнинг буддавийлик, кўпгина ҳолларда ва асосан исломни онгли тарзда қабул қилиши билан боғлиқ.

Шунингдек, аҳолиси анъанавий равишда буддавийлик ва исломга эътиқод қилиб келган ўлкаларда христианликни ёйишга интилиш кузатилмоқда. БМТ маълумотларига кўра христианликнинг ўсиш кўрсаткичи йилига 1,46 фоизни ташкил қилади. Мазкур жараён айрим христиан ташкилотлари ва йўналишларининг фаол миссионерлик ҳаракати натижасида содир бўлмоқда.

Қайд этилган мулоҳазалар бугунги кунда ҳам дунёнинг диний манзарасида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганидан далолат беради. Диний конфессиялар манзараси ранг-баранглигини Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган диний конфессиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Христианликка мансуб бўлса-да, юртимиздаги 11 та йўналишнинг ҳар бири ўзини алоҳида диний конфессия, деб ҳисоблаши фикримизнинг исботи бўла олади.

**Ўзбекистон  
Республикасидаги  
конфессиялараро  
муносабатлар**

Ўзбекистон Республикасида 2011 йил июль ҳолатига кўра 16 конфессия ва 2225 та диний ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар қуйидагилардир: Ислом (Ўзбекистон мусулмонлари идораси), Православлик (Тошкент ва Марказий Осиё епархияси), Католиклик (Рим-католик черкови), Лютеранлик (Немис-лютеран черкови), Арман-апостол черкови, Пятидесятниклар (Тўлиқ инжил христианлари), Баптистлар (Евангель-христиан баптистлар черкови), Новоапостол черкови, Еттинчи кун

адвентистлари, “Голос божий”, Иегово шохидлари, Корейс протестант черковлари, Яҳудийлик, Баҳойлик, Кришнани англаш жамияти, Буддавийлик. Рўйхатга олинган “Ўзбекистон библия китоб жамияти” эса диний ташкилот ҳисобланиб, бошқа конфессиялардан алоҳида фаолият олиб борса-да, “диний конфессия” мақомига эга эмас.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. “Конфессия” атамасининг моҳияти нимада?
2. “Секта” сўзининг моҳияти нимада?
3. Ҳозирги замонда дунё диний манзараси ўзгаришида асосан қандай омиллар роль ўйнамоқда?
4. Ўзбекистонда қандай конфессиялар фаолият юритади?

### **Мустақил иш топшириқлари**

1. “Конфессия” ва “Дин” ўртасидаги фарқни очиб беринг.
2. Динларнинг географик тарқалиши ҳақида хариталарни топинг.
3. Динлар издошларининг ўсиб бориши тенденциялари таҳлили ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).
4. Ўзбекистондаги диний конфессиялар фаолияти ҳақида гапириб беринг.
5. Миссионерлик ва прозелитизм тушунчаларининг мазмун-моҳияти ва бундай фаолиятнинг жамиятимизга таҳдиди ҳақида реферат тайёрланг.

### **Адабиётлар**

1. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараккиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.
2. Ёвқочев Ш. Ислом ва сиёсат. – Т., 2011.
3. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
4. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
5. Сирождидинов Ш. Бағрикенглик – динларнинг маърифий асоси. – Т., 2010.
6. Миронов А., Бабинов Ю. Основы религиоведения: Рабочая книга преподавателя и студента. Учеб. пособие. - М.: НОУ, 1998.
7. Пучков П., Казьмина О.Е. Религии современного мира. Учеб. пособие. – М.: 1997.

## 17-МАВЗУ. ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК – ТИНЧЛИК ВА БАҒҚАРОРЛИК ГАРОВИ

### Режа:

1. Диний бағрикенглик.
2. Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва динлараро бағрикенгликнинг кафолатланиши.

### Таянч сўз ва атамалар

1. Диний бағрикенглик.
2. Виждон эркинлиги.
3. Исломда эътиқод эркинлиги.
4. Миллий ва диний кадрятлар уйғунлиги.
5. Толерантлик.
6. Динда тинчликпарварлик.
7. Анъанавий бағрикенглик.

### Диний бағрикенглик

“Бағрикенглик”, “сабр-тоқатлилиқ” ва унинг зидди “тоқатсизлиқ” тушунчалари илмий фаолият ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, жумладан, сиёсат ва сиёсатшунослик, социология, фалсафа, илоҳиёт, ижтимоий ахлоқ, қиёсий диншунослик ва ҳоказоларда ишлатилади. Лотинча “tolerāns”, яъни “чидамли”, “сабрли” маъносини англатган бу сўз, асосан бир инсоннинг бошқа инсон дунёқарашига тоқат қилишини билдирса-да, этимологик таҳлил унинг том маъносини доим ҳам очиб беравермайди.

Қиёсий диншунослик нуқтаи назаридан қараганда икки хил, бир-биридан кескин фарқ қилган бағрикенглик тушунчаси мавжуд: формал, ташқи кўринишдаги бағрикенглик ва ички-позитив (ижобий) бағрикенглик. Формал равишдаги бағрикенглик бу бошқа кишининг диний эътиқодига нисбатан оддий тоқатлилиқ кўрсатиш, унинг эътиқодига қарши курашмасликдир. Ички (ижобий) бағрикенглик эса муайян диний эътиқодда мустаҳкам бўлган ҳолда бошқа динларни яхши билишни ҳам тақозо этади. Демак, ижобий бағрикенглик кенгрок, тўғрирок ва ҳаётий зарурат ҳисобланади. Ислом, ҳиндуйлик,

христианлик динларидан қай бирига мансуб бўлишидан қатъи назар инсон деярли бир хил ҳис-туйғуларни бошидан кечиради. Буддавийларнинг 5 та, Қадимги Аҳднинг 10 та ва исломнинг асосий ўғитларидаги ўхшашликни келтириш кифоя. Демак, динларнинг ичига, барчаси учун бир бўлган мутлақ моҳиятига кирмоқ даркор ва шу асосда диний ҳаёт феномен (ҳодиса)ларини талқин қилмоқ керак. Бу ўз навбатида бағрикенглик руҳидаги ёндашувни талаб қилади.

Макс Мюллер барча инсонлар динга – эътиқодга муҳтожлар, зеро барчага идеал керак, деган. “Динларнинг келиб чиқиши бир, аммо худоларнинг оти ҳар хил” – бу Аристотелнинг сўзлари. Аммо бутун башариятни қўя туринг, ҳатто бир халқ учун ҳам ягона диний таълимот бўлиши мумкин эмас. Барча динларда эзгулик бор. “Яхшилик қил, ёмонлик қилма” демаган биронта дин йўқ. Энг қуйи динларда ҳам ҳақиқат парчаси бор. Барча динларни, ҳатто энг қадимгиларини ҳам бағрикенглик руҳида ўрганмоқ керак, шунда ўзимизнинг динимизни яхшироқ идрок этамиз.

Рус тилида “терпимость” сўзи бошқачасига айтганда “снисходительность”, яъни бағрикенглик, кенгфёъллик маъноларини англатар экан, диний соҳа ҳақида сўз кетганда руслар “веротерпимость” сўзини ишлатишади. Ўзбек тилида “диний бағрикенглик” ибораси айнан шунга адекват, яъни тўғри келади. Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшашини англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини эътироф этмоғи лозим.

**Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва динлараро бағрикенгликнинг кафолатланиши**

Ўзбекистон халқига азалдан хос бўлган хислат – бағрикенглик биз учун анъанавийдир.

Ўрта Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистон азалдан турли урф-одат, маданият, тил, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи бир-бирига ўхшаш бўлмаган бир неча халқлар яшаган ўлкадир. Ўзбекистоннинг жўғрофий нуқтаи назардан

муҳим савдо йўллари чоррахасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар қилгани ерли халқнинг диний ва маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатган. Миллати ва диний қарашидан қатъи назар инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат ва бошқаларни иззат қилиш каби туйғулар Ўрта Осиё халқларининг юксак сифатларидир. Айнан шу омиллар халқимизнинг нафақат маънавий-маърифий, балки динларро мулоқотнинг маънавий асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон дастлабки диний қараш ва тасаввурлар юзага келган энг қадимий ўлкалардан бири эканлиги қатор тарихий манбаларда қайд этилган. Ўлкамизда қадим замонларданок зардуштийлик, буддизм, яҳудийлик, насронийлик каби мураккаб идеологик тизимга эга динлар тинч-тотув фаолият олиб борганлар. Тешик-Тош ғорларидаги қадимий қабрлар, Фаёз ва Қора-Тепанинг буддавийлик топилмалари, Далварзинтепа ва Суғдиёна қолдиқлари ва ҳозирда француз ва япон археологлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар натижалари бундан яққол далолат беради.

Қадим замонларданок бизнинг ўлкамизда зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик каби мураккаб мафкуравий тизимга эга динлар мавжуд бўлган.

Зардуштийлик заминиди Марказий Осиё шароитидаги ҳаёт тарзи ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадорлик ўртасидаги зиддиятлар ётади. У кейинчалик монотеистик ғоялар ривожига шубҳасиз катта ҳисса қўшган. Чунки, “Зардушт одамларни Ахура Маздага сажда қилишга чақириб, инсоният маънавияти тарихида янги босқични бошлаб берди. Биринчидан, у кўпхудоликка (политеизм) қарама-қарши яккахудолик (монотеизм)га, яъни, диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Иккинчидан, илгари одамлар худолар қаҳридан, уларнинг даҳшатли вайрон қилувчи қудратлари олдида ожиз, кўрқув даҳшати остида сиғинишган бўлса, эндиликда эса Зардушт одамларга қалби кишиларга меҳр-шафқат билан тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларнинг ўлиmidан кейин мангу фаровон ҳаёт билан таъминлай оладиган тангри Ахура Маздага ибодат қилишга чақирди”.

Ўз навбатида халқимизнинг ўша қадим даврлардаги меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, бағрикенглик каби умуминсоний қадриятларини зардуштийлик дини манбаси – “Авесто” битикларида ҳам кўриш мумкин.

Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишка (I асрнинг охири – II асрнинг бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Жумладан, Канишка зарб қилдирган тангаларда бошқа илоҳиятлар билан бир қаторда Будда тасвири ҳам учрайди. Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарама) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган.

XX асрнинг бошларида Амударёнинг ўнг қиргоғида буддавийликка мансуб кўплаб қимматбаҳо металллар – олтин ёки қумушдан ясалган кўп сонли тангалар, ҳайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликлар топилган.

Халқимизда динлараро мулоқот, бағрикенглик ва муросанинг илдиzlари узоқ асрларга бориб тақалади. Мамлакатимиз худудида фаолият кўрсатган турли динлар маданияти бўйича изланишлар олиб бораётган япон олими Като Сурхондарё воҳасида аниқлаган ноёб Будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари юртимиздаги ислом обидалари билан бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Жаннатмакон диёримизда яҳудийлик дини вакилларининг истиқомат қилиши халқимизга хос ўзбекона бағрикенглик, этник, маданий ва диний сабр-бардошлиликнинг яна бир юксак намунаси бўлса, ажаб эмас. Хусусан, яҳудийлар жамоасининг вакилларидан бири Р.Бенсман шу ҳақда тўхталар экан, Бухорода дастлабки синагога VIII асрдаёқ қурилгани, бошқа дин вакиллари билан бир қаторда ўз динларига эркин эътиқод қилиш учун ўша пайтда ҳам шароит яратиб берилганини таъкидлаб “Ўрта аср Европаси ва Византия империясида қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди”, – деб ёзади.

Юқорида зикр этилган динлардан ташқари, Ўзбекистоннинг баъзи ерларида яхудийлар, монийчилар, маздакийлар жамоалари истикомат қилган. Бундан деярли 1,5 минг йил аввал ҳозирги Марказий Осиёни ўз ичига олган Ғарбий турк ҳоқонлиги тахтида ўтирган Истами (552–576 йиллар) бағрикенг ҳоким сифатида танилганди. Шу даврда туркий қабилаларда диний тафаккур ўз тараққиётининг энг юқори поғонасига кўтарилган, бош худо – Тангрига сифиниш кенг миқёсда бошланганди. Шундай бўлса-да, Истами-ҳоқон ўлкада маълум бўлган барча динларга эркин йўл кўйиб берди.

Ўзбекистонда исломдан олдин мавжуд бўлган динлар қаторида Шом (Сурия) ва Эрон орқали кириб келган христиан динининг несториан мазҳаби сезиларли ўрин тутган. Христиан жамоалари ғуз, тўккизўғиз каби баъзи кўчманчи турк қабилаларининг вакиллари ҳам ўз ичига олган. Академик В.Бартольднинг фикрича, VI асрда Самарқандда христиан епископи ва бевосита араблар келишидан олдин эса митрополити бўлган. Ҳозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудида ҳам христиан динига мансуб аҳоли мавжуд эди.

Маълумки, IX асрдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом дини сунна йўналишининг ҳанафий (Имом Аъзам) мазҳаби қарор топган. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак, зеро Имом Аъзам мазҳаби ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Ҳанафийлик таълимотини тақомулга етказган ватандошларимиз – Абу Мансур ал-Мотуридий, Абул Муъин Насафий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний каби алломалар мусулмонлар орасидаги ғоявий тарафкашликка барҳам бериш, ислом динининг “аҳли сунна ва жамоа” йўли барқарор бўлиб қолишига катта ҳисса қўшдилар. Нафақат буюк алломалар, балки Марказий Осиё ҳукмдорлари ҳам бу йўлда курашдилар. Масалан, X аср ўрталарида мусулмон дунёсида шиа йўналиши устунликка эришган бир пайтда (Шимолий Африка, Миср, Сурия, Ҳижозда – фотимийлар, Яманда – зайдийлар ва ҳатто аббосийлар пойтахти Бағдодда – бувайхийлар) Марказий Осиёлик тоҳирий, сомоний, ғазнавий ва қорахоний ҳокимлар “аҳли сунна ва жамоа”ни қаттиқ туриб химоя қилдилар.

Амир Темур ҳам “аҳли сунна вал-жамоа”га доим содиқ, диний ақидапарастликка қатъий қарши бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, собиқ “қизил империя” мажбуран киритилган Ўзбекистон фуқароларининг аксариятида “совет кишиси”дан ташқари яна бир “нарса” бор эди. Бу “нарса” – этник, тил ва ирқий мансубликдан қатъи назар мусулмончилик эди. Жаҳондаги барча мусулмонлар ҳеч бўлмаганда икки маданий муҳитда яшайдилар. Бири – она Ватаннинг этник таркиби билан боғлиқ маҳаллий маданияти, иккинчиси – исломга киргач шаклланган мусулмон маданияти. Узоқ тарихга эга бўлган мусулмон жамоаларида мазкур иккала муҳит бир-бирлари билан чамбарчас боғланиб кетган.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий кадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда динга ва айниқса, ота-боболаримиз дини бўлиб келган исломга муносабат тубдан ўзгарди.

Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган. Бу эса, ўз навбатида, юрт тинчилиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган.

XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган рус крестьянлари ночор аҳволга тушиб қолганда мусулмон аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Ўша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон “маҳаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар”, – деб гувоҳлик берган.

Бундай дўстона алоқалардан хулоса қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов: “Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас



бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигуликдир”, – деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ҳукумати диний бағрикенглик сиёсатини оқилона олиб бормоқда. Республикада 16 диний конфессия эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг миллати, ирки, динидан қатъи назар барча учун тенг ҳуқуқлар Қонун орқали кафолатланган.

1995 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида “Бир само остида” шиори остида халқаро мусулмон-христиан конференцияси ўтказилди. 1996 йилнинг ноябрида шу ерда Рус православ черковининг Тошкент ва Марказий Осиё епархиясининг 125 йиллиги тантаналари ўтказилди.

Бағрикенглик турли миллат ва элатга дахлдор кишиларнинг, турли хил диний эътиқодли инсонларнинг бир замин, ягона Ватан, бир юртда, бир ҳудудда олийжаноб ғоя, орзу-умид, мақсад ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамжихат бўлиб яшашини англалади.

Ўзбекистонда турли динларга мансуб кадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар”, – деган қонуннинг мустаҳкамлаб қўйилгани бундай ютуқларга сиёсий-ҳуқуқий замин яратди.

Конституциямизнинг 12-моддасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, дейилган. Шунга биноан, ҳар бир диний конфессия ўз мафкурасига эга бўлиши мумкин. Лекин бу мафкура халққа тазйиқ билан сингдиришга йўл қўйилмайди.

Жамиягимизда диний ташкилотлар фаолияти халқимизда миллий гурур ва ифтихор, ватанпарварлик ва фидокорлик, комил инсонни шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

Дин ва давлат орасидаги муносабат асосида диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ҳам ётади. Бу ҳақда Конституцияда шундай дейилади: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмалар фаолиятига аралашмайди”.

Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда қонунчилик ҳам такомиллашиб борди. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. Сўнгги йиллар давомида мазкур қонунни давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш зарур бўлиб қолди ва 1998 йилнинг 1 май кунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиш мумкинлигини таъкидлайди. Мазкур меъёр 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқдир.

Айтиш жоизки, ҳозирга қадар ЮНЕСКО томонидан бағрикенгликка доир 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қабул қилинган. Жумладан, 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилинди. Декларацияда ирки, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи

назар бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар акс этган. 1995 йил “Халқаро бағрикенглик” йили деб эълон қилинди.

Шунингдек, 1995 йилда ЮНЕСКОнинг “Динлараро ва маданиятлараро мулоқот” Дастури қабул қилинди. У диний урф-одатлар ва ўзига хос маданий кадриятлар, уларнинг дунё маданиятида тутган ўрнини ёритишга хизмат қилади. Дастур доирасида Работ (1995, 1998), Мальта (1997) шаҳарларида динлараро мулоқот мавзусида халқаро анжуманлар ўтказилди.

1998 йил 6 ноябрда Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясида “Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатларидаги фаолияти” Декларацияси қабул қилинди. ЮНЕСКОнинг “Тинчлик маданияти” концепцияси БМТ томонидан маъқулланиб, 2000 йил “Халқаро тинчлик маданияти йили”, 2001 йил эса “Халқаро маданиятлараро мулоқот йили” деб эълон қилинди.

2000 йил 13-15 сентябрда Тошкентда ўтган “Дунё динлари тинчлик маданияти йўлида” мавзусидаги халқаро симпозиумда Марказий Осиёдаги маданий, диний ва этник хилма-хиллиги муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси экани, ислом фани ва маданиятига қўшган улкан хиссасини эътироф этиб, нуфузли халқаро ташкилот – Ислом конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият бўйича Бошқармаси (ISESCO) Тошкент шаҳрини 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди.

Шундай қилиб, халқаро ҳамжиҳатлик йўлида ҳар бир инсон, жамоа ва миллатлар башариятнинг турли-туман маданиятлардан иборат эканини англаши ва ҳурмат қилиши жуда муҳимдир. Бағрикенгликсиз демократия асослари ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаб бўлмайди. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик бўлмайди.

### **Ўтилган мавзу бўйича саволлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
2. “Диний ташкилотлар” деганда нималар назарда тутилади?

3. Турли конфессиялар орасида низо чиқмаслиги учун давлат қандай тадбирларни қўллаиди?

### **Мустақил иш топшириқлари**

1. Виждон эркинлигининг халқаро ҳужжатларда акс этиши ҳақида маълумот тўпланг ва курсдошларингизга айтиб беринг.
2. Бағрикенглик тушунчасининг турли талқинлари ҳақида реферат тайёрланг.
3. “Диний жамоа” ва “диний ташкилот” тушунчалари ўртасидаги фарқни ажратиб беринг.
4. “Конфессиялараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик гарови” мавзусида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 19-том. -Т., Адолат, 1998.
3. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қанолатлари // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблар // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.
7. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб) / Ачилдиев А. ва бошқалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
8. Ислом ва ҳозирги замон / Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
9. Ўзбекистонда дунёвий ва диний кадрлар уйғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
10. Ҳасанов А. Диний бағрикенглик. Ўзбекистон – анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси // Маънавий ва диний етуқлик – давр талаби / Масъул муҳаррир Р.В.Абдуллаев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
11. Хуснидинов З. ва бошқалар. Жаҳолатга қарши маърифат – тинчлик ва барқарорлик омили. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003.
12. Хуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. Т.: ТИУ, 2006.

## ГЛОССАРИЙ

**Абхидхарма-Питака** – буддавийликнинг муқаддас китоби Трипитаканинг фалсафа ва психологияга оид қисми.

**Авесто** – (қад. эрон-пахлавий. «ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар») зардуштийликнинг муқаддас китоби.

**Алтарь** – (лот. «баланд») христиан черковида ибодатхонанинг меҳроб ва минбар ўрнатилган энг баланд қисми.

**Ансорлар** – (араб. «ёрдам берувчилар») илк ислом тарихида Маккадан ҳижрат қилган Пайғамбар ва муҳожириларга ёрдам берган мадиналик мусулмонлар.

**Апокалипсис (Ваҳийнома)** – “Янги Аҳд”нинг таркибий қисми бўлиб, уни “Инжил” муаллифларидан бири Иоанн илоҳий илҳом орқали ёзган, деб эътиқод қилинади. Ушбу китобда қиёмат ва Исонинг иккинчи қайтиши билан боғлиқ ҳодисалар баён қилинган.

**Апостол** (юнонча — “элчи”) – христиан таълимотига биноан Исонинг энг яқин ёрдамчиларининг унвони. Уларнинг асосийлари 12 та: Пётр (Симон Ионин), Андрей, Иоанн, Иаков Зеведеев, Филипп, Варфоломей, Матфей, Фома, Иаков Алфеев, Фаддей, Симон Кананит, Иуда Искариот (Исони сотган хаворий), Матфий (Иудадан сўнг унинг ўрнини эгаллаган). Булардан ташқари яна 70 нафар хаворийлар мавжуд бўлгани христиан адабиётларида қайд этилади.

**Арафот** – (араб. «танимоқ, билмоқ» феълидан) Макка шаҳрининг шарқ томонидаги тепалик. Ривоятларга кўра, жаннатдан туширилган Одам Ато ва Момо Ҳавво ерда илк бор мана шу тепаликда учрашганлар. Шунинг учун ҳам уни «Арафот» – «Танишув» деб атаганлар. Ҳаж мавсумида барча ҳожилар қурбон ҳайитидан олдинги кун тонгдан кун қайтгунга қадар шу тепалик атрофидаги майдонда туришлари фарз. Шу сабабли ҳайитдан олдинги кун «арафа куни» деб аталади.

**Атархурра** (Озархурра) – зардуштийликнинг муқаддас олови.

**Ахриман** – зардуштийликдаги ёвузлик илоҳиёти.

**Ахура-Мазда** – зардуштийликдаги энг олий яхшилик илоҳиёти.

**Ақида** – араб тилида бирон нарсани бир-бирига боғлаш маъносини англатади. Истилоҳда эса ақоид илмининг машхур номларидан бири.

**Ақиқа** – “*Ақиқа*” лугатда “қорин сочи” деган маънони англатади. Атама сифатида эса, туғилган чақолоқнинг сочини олиш ва таваллуди муносабати билан сўйиладиган кўйга айтилади.

**Ақлий далил** – мутакаллимларнинг ўз раъйлари. Фикрий қарашлари асосида бирон ақидавий масалага берган жавоблари. Ақлий далил асосан мантиқ билан боғлиқ ҳисобланган.

**Библия** (юнонча - “китоблар”) – яҳудийлик ва христианлик динларининг асосий муқаддас манбаи. Яҳудийлар “Библия”си “Китве кадеш” ва “Танах” ҳам деб номланади. Христианлар томонидан тан олинадиган Библия “Қадимги Аҳд” ва “Янги Аҳд”дан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 66 китобдан иборат.

**Брахман** – Ҳиндистондаги олий каста (табақа) вакили. Брахманлик ва ҳиндуизмдаги дин арбоби.

**Будда** – (санскр. «нурланган, олий ҳақиқатга эришган») буддавийлик асосчиси Сиддхартха Гаутамага берилган ном.

**Варна** – (санскр. «сифат, ранг») қадимий ҳинд жамиятидаги диний-синфий каста.

**Васания** - (араб. «васан» – «ёғочдан ишланган бут») бутпарастлик.

**Ваҳий** – илоҳиёт билан инсонларнинг пайғамбарлар орқали мулоқот йўли.

**Веда** – (санскр. «башорат») Қадимий Ҳиндистоннинг шимолида яшаган халқларнинг муқаддас китоби.

**Ведалар** (véda — “билим”, “таълимот”) – ҳиндуийлик динининг санскрит тилида ёзилган қадимий муқаддас ёзувлари тўплами..

**Виждон Эркинлиги** – диний эътиқод эркинлиги.

**Виная-Питака** – Трипитаканинг раҳбонийлик одоби ва хонақоҳ низомига бағишланган қисми.

**Вишгаспа** – зардуштийликни қабул қилиб, унинг тарқалишида Зардуштга яқиндан ёрдам берган Бактрия подшоси.

**Вожиб** – Ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра, Куръони қаримда тўғридан-тўғри буйруқ келмаган ҳолда бажарилиши шарт бўлган амалларга нисбатан ишлатилади.

**Галаха** – яхудийликдаги диний, оилавий ва фукаролик қонунлари мажмуи.

**Дао** – даосизм динидаги олий илоҳиёт.

**Диакон** (юнонча — хизматчи) – христиан черковларидаги энг қуёи руҳонийлик даражаси.

**Епископ** – (қад. юнон. «назорат қилувчи») кўп христиан черковларида – олий иерарх. Барча архиерейларнинг (патриарх, митрополит, архиепископ) умумлашган номи.

**Ессейлар** – қадимий яхудийликдаги оқим.

**Жаброил** – Аллоҳ билан пайгамбарлар ўртасида элчи вазифасини бажарувчи фаришта.

**Жоҳилия** – (араб. «ягона Аллоҳни танимаслик») Арабистон ярим оролининг ислом динидан аввалги даври шундай аталган.

**Забур** – Довуд пайгамбарга туширилган китоб. “Қадимги Аҳд” таркибига киритилган бўлиб, турли қўшиқ ва мадҳиялардан иборат.

**Закот** – (араб. «тозаланиш, покланиш») исломнинг беш рукнидан бири. Мол-мулк *нисобига* (муайян миқдорга) етгач, унинг қирқдан бири (2,5 %) камбағаллар фойдасига садақа сифатида берилади.

**Зардушт** – мил. ав. VI – V асрларда яшаган илоҳиётчи, файласуф, шоир, пайгамбар. Зардуштийлик динининг асосчиси.

**Зино** – ўзаро никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқаси. Зино аксарият динларда катта гуноҳлардан саналади.

**Ижтиҳод** – исломда янги пайдо бўлган диний муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос усули.

**Икона** – христианликдаги авлиёлар портрети туширилган расмлар. Улар черковларда ибодат буюми бўлиб хизмат қилади.

**Илоҳий Китоб** – Аллоҳ томонидан пайгамбарларга нозил қилинган Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон каби китоблар.

**Имон** – луғавий маъноси *ишонмоқ, тасдиқламоқ* бўлиб, истилоҳда эса “*Ло илоҳа илаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ*” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад – Аллоҳнинг пайгамбари”) *калимасини* тил билан айтиб (*ал-иқрор би-л-лисон*), дил билан тасдиқлаш (*ат-тасдиқ би-л-қалб*) демакдир.

**Инд�льгенция** – католик черкови томонидан диндорларга қилинган ёки қилиниши мумкин бўлган гуноҳларни кечирिश

ҳақида бериладиган гувоҳнома. У пул ёки черков олдидаги хизматлар эвазига берилади.

**Инжил** - (юнонча - “Евангелие”) “Янги Аҳд”даги Марк, Матто, Луко ва Юҳаннолардан ривоят қилинган китоблар назарда тутилади. Уларда Исо Масихнинг ҳаёт йўли ва мўъжизалари баён қилинган.

**Санад** – (араб. «суяниш») ҳадисни ривоят қилган ровий исмларининг кетма-кет занжири.

**Исроил** – (иврит. «исро» – «банда», «ийл» – «худо») Яъқуб пайгамбарнинг иккинчи номи, яҳудийлар унга нисбат берилиб, «Исроил болалари» деб аталади.

**Йом-Кипур** – яҳудийлик динида нишонланадиган гуноҳлардан покланиш байрами.

**Калом** – сўз, нутқ маъносини билдиради. Мўътазилийлар пайдо бўлгандан кейин ақида илмининг номи “калом” деб атала бошланган.

**Канжур** (тибетча – “Будда ўғитлари”) – буддавийликнинг асосий ақидавий масалалари баён қилинган китоб. Милодий XIV асрда тўпланган. 7 бўлим, 108 жилд, 84 000 ўғитдан иборат.

**Кардиналлар коллегияси** – Рим католик черковидаги олий кенгаш. Папа ўрни бўшаб қолганда унинг вазифасини бажариш ва янги Папани сайлаш вазифаларини бажаради.

**Карма** – (санскр. «ҳаракат, бурч, фаолият») ҳиндларнинг диний таълимотларида алоҳида мистик куч, инсонни қайта дунёга келишига ҳал этувчи таъсир кўрсатадиган амаллар тўплами.

**Каромат** – (араб. «улуғлик, буюклик») ислом таълимотига кўра, Аллоҳ томонидан унинг дўстлари – авлиёларга ато этиладиган сеҳрдан фарқли гайриоддий қудрат.

**Каста** – (португал. «ирқ, кавм, табақа») муайян касб билан шуғулланадиган, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, тартиб-қоидалари ва ҳ.к. билан ўзгалардан ажратилган ижтимоий гуруҳ.

**Каъба** – (араб. «куб») Макка шаҳрида ҳозирги даврда Байтул Ҳаром (Муқаддас Масжид) ичида жойлашган ислом динининг қибласи ҳисобланмиш бино. Ислом таълимотига биноан, уни буюк тўфондан сўнг Иброҳим пайгамбар ўғли Исмоил билан қайта тиклаган.



**Қиёмат** – (араб. «тик туриш») маъноларни англатса, атама сифатида ўликларнинг қайта тирилиши ва ўрндан туриши маъносига ишлатилади.

**Кирха** (немисча – “черков”) – лютеран черковларининг номи.

**Конфессия** – (лот. «эътироф, эътиқод») дин, диний эътиқод.

**Конфуций** – Қадимги Хитой файласуфи ва педагоги, конфуцийчиликнинг асосчиси.

**Космогония** – астрономиянинг осмон жисмлари, уларнинг пайдо бўлиши ва ўзгаришлари ҳақидаги бўлими. Бу ерда осмон жисмларини илоҳийлаштириш.

**Костел** (полякча, чехча. – “черков”) – Рим католик черковига қаршли ибодатхоналарга нисбатан ишлатиладиган атама. Ушбу атама православ ёки протестант черковларига нисбатан қўлланилмайди.

**Кришна** – ҳиндуизмдаги эътиборли худолардан бири.

**Магия** – (қад. юнон. «магус», араб. «мажус») сехргарлик.

**Мазҳаб** – (араб. «йўл») исломдаги шариат қонунлари тизими ва йўналиши.

**Макрух** – бажарилиши ёмон саналган амал.

**Мандуб** – бажарилиши тарқ қилинишидан афзал бўлган амал.

**Марк** – “Инжил” муаллифларидан бири. Ҳаворийлардан Пётрнинг шогирди бўлган. Александрияда черков тузиб, ўзи биринчи епископ бўлган.

**Матриархат** – оналик даврига оид, жамиятда аёлнинг роли устун бўлган давр.

**Махаяна** – (санскр. «катта арава») буддавийликдаги оқим.

**Медитация** – (лот. «фикрлаш, ўйлаш») шахснинг рухий фаолиятга чуқур берилиш ҳолати.

**Мирмадан** – Қадимги Юнонистон халқларидан бири.

**Миро мойи** (юнонча - “хушбўй мой”) – христианликнинг етти сирли маросимларидан бирида танага суриладиган хушбўй мой. Ушбу мой черков епископи томонидан олий навли зайтун мойига оқ узум виноси, атиргул япроқлари, бинафша, занжабил илдизлари, мускат, атиргул, чиннигул ва лимон мойлари каби маҳсулотларни қўшиб қайнатиш орқали тайёрланади.

**Мистицизм** – (қад. юнон. «яширин, сирли») илоҳиёт олами билан бевосита мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот.

**Митра** – зардуштийликдаги куёш худоси.

**Митрополит** – (қад. юнон. «бош шаҳар, пойтахт, митрополия одами») православ черковининг пойтахт шаҳарлардаги олий руҳонийлик унвони.

**Миф** – (қад. юнон. «ҳикоят, ривоят») бирор халқ орасида машҳур бўлган ҳикоят, ривоят, асотир.

**Модернизм** – динни ҳозирги замон воқелигига мослаштиришни ёқлаб чиқувчи оқим.

**Монастирь** – христианликда руҳонийлар жамиятдан ажралиб, фақат ибодат билан шуғулланадиган жой, муассаса. Аёллар ва эркеклар учун мўлжалланган монастирлар мавжуд.

**Монотеизм** – (қад. юнон. «моно» – «ягона», «тео» – «илоҳиёт») яккахудолик.

**Мубоҳ** – ислом шариати қилиш ёки қилмасликни кишилар ихтиёрига қўйган амаллар.

**Мужтаҳид** – ижтиҳод қилиш даражасига етган фақиҳ олим.

**Муқаддас ёзув, Хушхабар** – христианликнинг муқаддас китоби “Инжил”га нисбатан ишлатиладиган номлар.

**Муқаддас китоб** - Библия ва унинг таркибига кирувчи китоблар номи.

**Муқаддас ривоятлар** – Библия таркибига кирмаган, черков авлиёлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва номалар.

**Муқаддас Рух** – христианликда Худонинг уч кўринишидан бири. Муқаддас Рух дунёнинг яралишида иштирок этган, Биби Марям ҳам у орқали Исога ҳомиладор бўлган ҳисобланади.

**Мурид** – (араб. «хоҳловчи») суфизм йўлига кириб, муршидга қўл берган шогирд.

**Муршид** – (араб. «тўғри йўлга бошловчи») суфизм йўлига кирганларни ҳидоятга бошловчи устоз, шайх.

**Муснад** – 1. Санади муттасил равишда ўз ниҳоясига етган ҳадис, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадис. 2. Санад, санад сўзларининг синоними. 3. Ҳадис тўпламларининг тури.

**Мусхаф** – (араб. «саҳифаланган») Қуръони каримнинг номларидан бири.

**Мутаассиблик** – ўз ғоясини «тўғри» деб, бошқача фикр эгаларини тан олмаслик ва уларни бузгунчиликда айблаш.

**Мутавотир** – ёлгонга йўл қўйиши мумкин бўлмаган ростгўйлиги эътироф этилган даражадаги кўпчилик кишиларнинг бошдан охиригача ўзлари каби кишилардан нақл қилган ривояти.

**Мутакаллим** – калом илми билан шуғулланган олимлар “мутакаллим” деб аталган.

**Муҳаддис** – (араб. «ҳадис сўзловчи») ҳадислар билан шуғулланувчи олим.

**Муҳожирлар** – (араб. «муҳожир, эмигрант») илк ислом тарихида Пайғамбар билан Мадинага ҳижрат қилган маккалик мусулмонлар.

**Мушрик** – кўпхудоликда айбланган одам.

**Мўътазилия** – араб тилида “ажралиб чикмоқ” маъносини англатади. Ислом оламида энг катта эътиқодий таълимотнинг номи.

**Нақлий далил** – ақлий далилдан фарқли равишда нақлий далил фақат Қуръон ва суннатга асосланган.

**Нирвана** – (санскр. «сўлиш») буддавийлик ва жайнизм диний фалсафаларига кўра, руҳнинг сансара кишанларидан тўла озод бўлиши ва олий мақомга эришиш.

**Ота Худо** - Христианликда Худонинг уч кўринишидан бири ва асосийси. Ота Худо дунёни яратган бўлиб, учликнинг қолган кўринишлари (Ўғил Худо ва Муқаддас Рух) ундан келиб чиққан ҳисобланади.

**Охират** – (араб. «бошқа, охирги, иккинчи») бу дунё охирига етганидан кейин барча қайта тирилиб, қилган амалларига яраша мукофот ёки жазо оладиган иккинчи ҳаёт.

**Оят** – (араб. «белги; мўъжиза») Қуръон сураларини ташкил этувчи қисм, «жумлалар».

**Пайғамбар** – Аллоҳнинг ердаги элчиси бўлиб, одамларни Аллоҳга ибодат қилишга чақирувчи ва охират ҳақида хабар берувчи киши

**Панисломизм** – XIX асрнинг охирларида Ўрта Шарқда вужудга келган ислом мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштириш ғоясини кўтариб чиққан сиёсий оқим.

**Папа** – католик оқимининг бош руҳонийси.

**Пастор** (лотинча - чўпон) – протестантликдаги черков раҳбари. Пасторлар оммавий ибодатларда маърузалар ўқиш ва черковнинг ички фаолиятини бошқариш билан шуғулланади.

**Пасха** (юнонча, ивритча – “ёнидан ўтиш”) – христианликдаги асосий диний байрамлардан бири. Исо Масихнинг қайта тирилган куни шарафига нишонланади. Ҳозирги кунда Пасха куни Ой-Куёш календари асосида ҳисобланиб, ҳар йили ўзгариб туради.

**Патриарх** – (қад. юнон. «ота, асос солувчи») ортодоксал черковдаги (православие) олий диний мартаба бўлиб, ундаги 14 та автокефал – мустақил черковлар бошликлари шу ном билан аталадилар.

**Пергамент** – коғоз кашф этилгунига қадар ёзув материали сифатида ишлатилган тери.

**Песах** – яҳудийларнинг Қадимги Мисрдан қочиб чиқиб, озод бўлиши муносабати билан нишонланадиган байрам.

**Пир** - муршид, устоз.

**Позитивизм** – фалсафада XIX асрнинг 30-йилларида вужудга келган, позитив (аниқ) фанларни бирдан-бир ҳақиқий билимлардир, деб эътироф этган оқим.

**Политеизм** – (қад. юнон. «поли» – «кўп», «тео» – «худо») кўпхудолик.

**Пора (Жуз)** – (форс. «пора», араб. «жуз’» - «қисм, бўлим») Қуръоннинг ўттиздан бир қисми.

**Пост** - христиан динидаги рўза. Пост кунлари христианларга фақат ўсимлик маҳсулотларини ейиш руҳсат этилади.

**Пресвитер** (юнонча, лотинча — “оқсоқол, жамоа бошлиғи”) – христиан руҳонийлик иерархиясида юқори ўринни эгалловчи диний лавозим. Қадимда епископлар ҳам пресвитер деб аталишган.

**Раввин** – яҳудий дин арбоби. У яҳудий жамоаси диний ва оилавий масалаларида ҳакамлик қилади.

**Рисолат** – пайғамбарлик.

**Ровий** – (араб. «ривоятчи») ҳадис ривоят қилувчи киши.

**Рождество** – Христианликнинг асосий байрамларидан бири. Исо Масихнинг одам танасида мужассам бўлиб туғилиши куни муносабати билан ўтказилади. Ушбу байрам ҳақидаги илк

маълумотлар IV асрга тегишли христиан манбаларида қайд қилинган.

**Роҳиб** (юнонча-монах – “зоҳид”) – христианликда дунёвий лаззатлардан таркидунёчилик қилиб, фақат ибодат билан шуғулланувчи шахс.

**Рош-Ҳашона** – яҳудийликдаги янги йил байрами.

**Рўза** - йилда бир ой – ҳижрий қамарий календарнинг *Рамазон* оии давомида кундуз кунлари ейиш-ичиш ва жинсий алоқада бўлишдан тийилиш.

**Садуқийлар** – қадимий яҳудийликдаги оқим.

**Сафо** – Макка шахрида Каъба яқинидаги тепалик. Ҳаж ва умра қилувчилар Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти бор югуришлари лозим.

**Саҳих ҳадис** – (араб. «соғлом; тўғри») олимлар тарафидан ишончли, тўғри деб топилган ҳадис.

**Саҳобий** – Расулуллоҳ алайҳис-саломни имон келтирган ҳолда кўрган ва шу мусулмонлик ҳолида вафот этган киши.

**Сиддхартха Гаутама** – Будданинг шахсий исми.

**Синагога** – яҳудийлар ибодатхонаси.

**Синион** – Қуддус яқинидаги тепалик.

**Сунан** – Ҳадислар “таҳорат” бобидан “васиятлар” бобигача фикҳ тартиби бўйича жамланган тўпламлар.

**Сунна** – исломда «Пайғамбар йўли».

**Сура** - (араб. «девор, тўсиқ») Куръонни ташкил этувчи қисмлар. Куръон жамланиш даврида уларнинг умумий сони 114 та деб белгиланган.

**Сутра** – (санскр. «ип») Қадимги Ҳиндистон диний-фалсафий таълимотларининг лўнда иборалар шаклидаги қисқа баёни. Диний-фалсафий адабиёт тури.

**Сутра-Питака** – Трипитаканинг дин мазмунига бағишланган қисми.

**Суфий** – исломдаги мистик-аскетик оқим вакили.

**Табу** – тотемистик тасаввурлар мавжуд бўлган жамиятдаги диний тақиқ. Бу тасаввурларга кўра, табуни бузган одам рухлар ва худолар томонидан унга оғир касаллик ёки ўлим юбориш билан жазоланади. Табу маълум бир буюмга тегмаслик, маълум

сўзни айтмаслик, маълум ҳайвонларнинг гўштини емаслик кабилардан иборат бўлиши мумкин.

**Таваккул** – тасаввуф таълимотига кўра, ўз иродасини Аллоҳга ишониб топшириш.

**Тавоф** – Каъбанинг атрофини айланиш.

**Таврот, Тора** (ивритча — “таълимот, қонун”) – яхудийлик ва христианлик динларида тан олинадиган ва Библия таркибига кирувчи муқаддас манба. Тавротнинг муаллифи сифатида Мусо пайғамбар кўрсатилади. Таврот беш китоб: “Ибтидо”, “Чиқиш”, “Левит”, “Сонлар” ва “Иккинчи қонун”дан иборат.

**Тақририй суннат** – саҳобийлар томонидан қилинган бирор хатти-ҳаракат ёки гап-сўзга Пайғамбарнинг индамасликлари ёки маъқуллалари.

**Талмуд** – (иврит. «ламейд» - «ўрганиш» сўзидан) Тавротга ёзилган шарҳлар тўплами.

**Танжур** (тибетча – “шарҳлар таржимаси”) – буддавийликнинг асосий ақидавий масалалари баён қилинган “Канжур” китобининг шарҳи. 254 жилд ва 3 мингга яқин матнлардан иборат.

**Тантризм** (санскритча – “тантра”-мат) – буддавийлик ва ҳиндуийлик динларида мавжуд бўлган диний-фалсафий таълимот. Эрамининг биринчи асрида пайдо бўлган. Инсондаги жинсий ва шахвоний ҳислатлар муҳимлиги асосига қурилган. Таълимот асослари “тантралар” деб номланадиган ёзувларда баён қилинган.

**Тафсир** – (араб. «баён қилиш») Қуръон оятлариға ўзига хос равишда маъно бериш.

**Терроризм** - (фр. «қўрқитиш») ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш. Бу йўлда суиқасд, кўпоровчилик каби усуллардан фойдаланилади.

**Тобну** – (араб. «эргашувчилар») Пайғамбар саҳобаларини кўрган ва уларга эргашган кишилар.

**Тотем** – (Шимолий Америкадаги Ожибва қабиласининг тилида - «унинг уруғи») тотемизмда муқаддас саналадиган ўсимлик ва ҳайвон.

**Традиционализм** – анъаначилик. Диндаги рационализмга қарши ўлароқ, нақл (тақлид) тамойилига асосланувчи оқим.

**Трипитака** – (санскр. «уч сават») буддавийликнинг муқаддас китоби.

**Тўлиқ инжил христианлари** - протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири бўлган пятидесятникликнинг иккинчи номи. “Инжил”га ҳақиқатан амал қилувчи соф эътиқод вакиллари деб билганлари учун ҳам ўзларига нисабатан шундай номни ишлатадилар.

**Улум ал-ҳадис** – ҳадисларни ривоят қилиш, ишончли ва ишончсизини ўрганадиган илм.

**Фақиҳ** – фикҳ илмининг билимдони.

**Фанатизм** – мутаассиблик.

**Фарз** – ислом дини таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амалга айтилади.

**Фарзийлар** – қадимий яҳудийликдаги оқим.

**Фаришта** – нурдан яратилган, нафс ва хоҳишга эга бўлмаган, фақатгина унга худо томонидан буюрилган муайян вазифаларни огишмай бажарадиган, инсонлар кўзига кўринмайдиган махлуқ.

**Фатво** – фақиҳнинг динда пайдо бўлган янги муаммоларни Қуръонга зид келмайдиган равишда ҳал қилиб чиқарган ҳукми.

**Фатҳ** – (араб. «очиш») бирор шаҳар ёки мамлакатга ҳарбий йўл билан динни олиб кириш.

**Фетиш** – (фр. «бут, санам, тумор») табиатдаги жонсиз предметларга сизиниш.

**Фикҳ** – (араб. «тушуниш») шариат қонун-қоидаларини ўрганувчи фан.

**Фиръавн** – илоҳиёт даражасига кўтарилган Қадимги Миср подшоҳлари титули.

**Фундаментализм** – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суриш таълимоти.

**Хабар** – Муҳаммад алайҳис-саломнинг сўзлари ва ҳатти-ҳаракатлари ҳақида ривоят (синоними ҳадис, осор).

**Халоскор** – яҳудий ва христиан атамасида Мессия (ивритча - Машиах; қадимги юнонча - Христос). Яҳудийлар ақидасига кўра Халоскор қиёматга яқин келиб яҳудийларни нажот сари

етаклайди. Яхудий “мессияси” Довуд авлодидан бўлиши шарт. Христиан ақидасига кўра эса халоскор бу Исо Масихдир.

**Хинаяна** – (санскр. «кичик арава») буддавийликдаги оқим.

**Хонақоҳ** – 1) суфийлар жамланиб зикру само билан машгул бўладиган махсус бино; 2) масжиднинг меҳроб ва минбар ўрнатилган қисми.

**Хоч** – крест, чормих.

**Шаман** – рухлар олами билан мулоқот қилувчи руҳоний.

**Шойихет** – яхудийликдаги руҳонийликнинг бошланғич даражаларидан бири бўлиб, уни эгаллаган киши қурбонлик ёки кундалик истеъмол учун аталган ҳайвонни сўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Шом** – Суриянинг қадимий номи.

**Шопур** – 243-273 йилларда ҳукмронлик қилган Сосонийлар сулоласи ҳукмдори, Авестонинг бизгача етиб келган нусхасини тартибга солдирган.

**Эволюционизм** – диншуносликда дин ҳам дунёнинг шаклланиши каби босқичма-босқич соддадан мураккабга қараб ривожланган деган ғояни илгари сурувчи таълимот.

**Экстремизм** – ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.

**Эранвеж** – Авестода зикр қилинган Зардуштнинг ватани.

**Эсхатология** – дунёнинг охири, нариги дунё, жаннат, дўзах ҳақидаги тасаввурлар мажмуи.

**Эътиқод** – дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш - уни ҳақ деб билиб, унинг таълимотини тан олиш.

**Юҳанно (Иоан)** – Исонинг 12 ҳаворийларидан ва “Инжил”нинг муаллифларидан бири. Христианликка кўра, Юҳанно “Янги Аҳд” таркибига кирувчи “Ваҳийнома” китобининг муаллифи ҳамдир.

**Янги Аҳд** – Библия қисмларидан бири. Тўрт Инжил, Ҳаворийлар фаолияти китоби, 21 та ҳаворийнинг номлари ва Юҳаннонинг “Ваҳийномаси” ни ўз ичига олган, 27 китобдан иборат.

**Ясна** – Авестодан бизгача етиб келган тўрт китобнинг иккинчиси.

**Ясриб** – Мадина шаҳрининг ҳижратдан аввалги номи.

**Яҳве** – яхудийлик таълимотига кўра, дунёларни яратувчи ягона қудратли Худо.



**Яхудо** – Яъқуб пайғамбарнинг фарзандларидан бири. Унинг авлодлари «яхудийлар» деб аталади.

**Яшт** – Авестонинг 1-қисми.

**Қадимги Аҳд** – Библиянинг қисмларидан бири. Таврот (Мусонинг 5 китоби), Забур ва бошқа китоблардан иборат, жами 39 китобни ўз ичига олади.

**Қудсий ҳадис** – Маъноси Аллоҳ таолодан бўлиб, айтилиши, яъни лафзи Расулуллоҳдан бўлган ҳадислар.

**Қуръони карим** – Ислом динининг бирламчи муқаддас манбаси, 23 йил мобайнида Муҳаммад пайғамбарга Жаброил фаришта орқали баъзан оят-оят, баъзан эса тўлиқ сура тарзида нозил қилинган илоҳий китоб ҳисобланади.

**Ҳадис** – (араб. «янги; сўз») Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар.

**Ҳаж** – қодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этишдан иборат.

**Ҳажарул асвад** – (араб. «қора тош») Каъбанинг жанубий-шарқий бурчагида ердан 1, 5 м. баландликда ўрнатилган муқаддас тош.

**Ҳанифлик** – исломдан аввал Арабистон ярим оролида мавжуд бўлган яккахудолик ғояси.

**Ҳаром** – ислом таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далиллар билан бажарилиши таъқиқланган амал.

**Ҳасан ҳадис** – саҳиҳ ҳадис шартларига эга бўлган, лекин забти пастроқ бўлган адолатли ровийнинг ўзи қабилардан қилган ривояти.

**Ҳошимийлар** – Маккада яшаган Қурайш қабиласидан бўлган Ҳошим ибн Абдуманофнинг авлодлари.

# МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## Расмий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, Т. 19. Т., Адолат, 1998, – Б. 224-234.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 415-683.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, – 1999. – Б. 132-154.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, – 1999. – Б. 84-102.
6. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 349-355.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда: Президент Ислом Каримовнинг Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 14 апрель. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 526 б.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т. 10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 429 б.
10. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 318 б.

11. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 30 б.
12. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 158 б.
13. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

### Ўзбек тилида

14. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам): 4 жилдли. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.
15. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
16. Авесто “Видевдаг” китоби / М.М.Исҳоков таржимаси. – Т.: ТошДШИ нашриёти. – 96 б.
17. Авесто “Яшт” китоби / М.Исҳоков таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – 124 б.
18. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.
19. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номли миллий кутубхона нашриёти, 2007. – 275 б.
20. Беруний Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб. – Т., 1973. – 590 б.
21. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968. – 486 б.
22. Босворт К. Мусулмон сулолалари. Йилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома. Изоҳлар билан таржимаси. – Т.: ФАН, 2007. – 270 б.
23. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев; – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – Б. 246.

24. «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги 1-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
25. «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги 2-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
26. «Диншуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги 3-илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
27. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Марказий Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 256 б.
28. Жўраев У.Т., Саиджонов Й.С. Дунё динлари тарихи: Ўқув қўлланма. – Т.: “Шарқ”, 1998. – 176 б.
29. Жўраев Ш. Зардуштийлик илоҳиёт тизимининг функционал таҳлили. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2010. – 40 б.
30. Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Марказий Осиёга саёҳати. – Т.: Шарқ баёзи, 1993. – 104 б.
31. Имом Аъзам Абу Ҳанифа. Муснад / мутаржим Абдуллоҳ Мурод Холмурод. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 386 б;
32. Имоми Аъзам асарлари / Таржимон ва нашрга тайёрловчи. Абдурашид қори Баҳромов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – 235 б.
33. Ислом ва дунёвий маърифий давлат (ўзб. ва немис тилларида). / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг Умумий таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-Фридрих Эберт жамғармаси, 2003. – 291 б.
34. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005. – 360 б.
35. Ислом маърифати: аслият ва талқин: ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир Усмонхон Алимов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 158.

36. Ислом маърифатида дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлиги / масъул муҳаррир О.Юсупов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 271.
37. Ислом тарихи / А. Ҳасанов, Н.Комилов, У.Уватов, А.Азимов, Д.Раҳимжонов, Қ.Зоҳидов – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – 288 б.
38. Ислом: энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
39. Исҳоқов М. Халқ даҳосининг қадимги илдиэлари ва илк куртақлари. (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида)“Тил ва адабиёт таълими” журналы, 1992. № 2. – Б. 3-12.
40. Исҳоқов М., Жўраев Ш. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби. – Хоразм Маъмун академияси, 2008. – 32 б.
41. Исҳоқов М., Қудратов С. Марказий Осиёда шаҳарсозлик ва давлат тарихи. – Т.: “Қудратпринт” нашриёти, 2010. – 126 б.
42. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Са‘да Абду-л-Карима ибн Муҳаммада ас-Сам‘ани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т.: Фан, 1993. – 184 с.
43. Каримов А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдиэлари ва замонавий кўринишлари: ўқув-услубий кўлланма – Т.: Мовароуннахр, 2011. – 63 б.
44. Кароматов Ҳ.С. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: ЖИДУ нашриёти, 2008. – 663 с.
45. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Китоб 1. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
46. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожига тасаввуфнинг ўрни. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.
47. Марказий Осиё динлари тарихи / масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.
48. Маънавият Юлдуэлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймоалр, алломалар, адиблар)//Масъул муҳаррир: М.М. Хайруллаев/. – Тўлдирилган қайта нашри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999. – 400 б.
49. Минг бир ҳадис: 2 жилдли / Арабчадан Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Т.: Ўзбек маскани, 1991.

50. Минг бир ҳадис: 2 жилдли. – Т.: Ўзбек маскани, 1991.
51. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004. – 315 б.
52. Обидов Р. Қуръон ва Тафсир илмлари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003. – 448 б.
53. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 200 б.
54. Раҳимжонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик: ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 71 б.
55. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – 397 б.
56. Уватов У. Буюк муҳаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Муслим Имом ат-Термизий. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1998. – 63 б.
57. Уватов У. Донолардан сабоқлар: – Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994. – 94 б.
58. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Биринчи китоб / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Т.: Маънавият-Мовароуннаҳр, 2010. – 398 б.
59. Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат / илмий мақолалар тўплами. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
60. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. 1-12. – Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2000-2006.
61. Қориев О. Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳониддин Маргиноний. Т.: ФАН, 2009. – 255 б.

62. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – 517 б.
63. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Мехнат, 1992. – 79 б.
64. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ. Ислом тарихи. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – 256 б.
65. Ҳусниддинов З. Ислом – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. Ўқув қўлланмаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2000. – 107 б.

### Рус тилида

66. “Религиоведение”, типовая программа по предмету (для бакалавриата). / Составители: Х.Х. Юлдашходжаев, Д.А.Рахимджанов, М.М.Камилов. Ответственный редактор: Н.И.Ибрагимов. – Т.: Министерство высшего и среднего специального образования; Центр развития высшего среднего специального, профессионального образования, 2005. – 18 с.
67. Бартольд В.В. Работы по исторической географии. Сочинения. Т. III. – М.: Восточная литература, 1965. – 711 б.
68. Бартольд В.В. Халиф и султан. // Бартольд В.В. – Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966. – Б. 15-78.
69. Бартольд. В.В. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии: Сочинения. – Т. II. – Часть 2. – М.: Наука. 1964. – 657 с.
70. Бартольд. В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия: Сочинения. Т. I. – М.: Издательство восточной литературы. 1963. – 760 с.
71. Большаков О.Г. История халифата. В 3-х томах. – М.: Наука, 1989-2000.
72. Босворт К.Э. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Пер. с англ. П.А.Грязневича. – М.: Наука, 1971. – 324 с.

73. Васильев Л.С. История религий Востока. Учебное пособие для вузов. – 4-е изд. – М.: “Книжный дом “Университет”, 1999. – 432 с.
74. Введение в общее религиоведение: Учебник / Под ред. проф. И.Н.Яблокова. – М.: Книжный дом “Университет”, 2001. – 576 с.
75. Введение в общее религиоведение: учебник / Под ред. проф. И.Н.Яблокова. – М.: Книжный дом “Университет”, 2001. – 576 с.
76. Гогиберидзе Г.М. Исламский толковый словарь. – Ростов на Дону: Феникс, 2009. – 266 с.
77. Горелов А.А. История мировых религий: учебное пособие / А.А.Горелов. 2-изд., испр. – М.: Флинта: МПСИ, 2006. 360 с.
78. Дервиш Р.А., Лавтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Укитувчи, 1994. – 80 с.
79. Ёвкочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном мире: учебное пособие. – Т.:ТашГИВ, 2003.
80. Зеленков М.Ю. Мировые религии: история и современность: учебное пособие. – Ростов на Дону: Феникс, 2008. – 364 с.
81. Ильин В.В., Кармин А.С., Носович Н.В. Религиоведение. – Сп-б.: Питер, 2007. – 240 с.
82. Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – 315 б.
83. Исламизация и сакральные родословные в Центральной Азии: наследие Исхак Баба в нарративной и генеологической традициях / отв. ред.: А.Муминов, А. фон Кюгельген, Д.ДиУис, М.Кемпер; сост., пер. на рус. яз., коммент., прилож. и указ.: А.Муминов, З.Жандарбек, Д.Рахимджанов, Ш.Зиядов. – Алматы: Дайк-Пресс, 2008.
84. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Дия, 2004. – 106 б.
85. Круглов А.А. Основы религиоведения. – Минск: ТетраСистемс, 2002. – 192 с.



86. Кудрявцев В.В. Лекции по истории религии и свободомыслия. – 3-е изд., испр. и доп. – Минск: ТетраСистемс, 1998. – 384 с.
87. Лимэн Оливер. Введение в классическую исламскую философию / Пер. с англ. – М.: Издательство «Весь мир», 2009. – 280 с.
88. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. Методика преподавания вузовского курса по 40-часовой программе. – Москва-Воронеж. 2000. – 128 с.
89. Муминов А.К. Центральная Азия // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М.: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 1998. – Вып. 1. – Б. 102-105.
90. Мюллер М., Вундт В. От слова к вере. Миф и религия (История религии). – М.: Изд-во Эксмо; Санкт-Петербург: Terra Fantastica, 2002. – 864 с. (Серия “Антология мысли”).
91. Остроумов Н.П. Исламоведение: Аравия, колыбель ислама. Изд. 2-е. – М.: Издательство ЛКИ, 2007. – 280 с.
92. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – 304 с.
93. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. – М.: Восточная литература, 2004. – 471 с.
94. Резван Е.А. Коран Усмана (Санкт-Петербург, Катта-Лангар, Бухара, Ташкент). – Т. I. – СПб: Петербургское Востоковедение, 2004. – 368 с.
95. Религиоведение. Учебная программа для высших учебных заведений. / Составители: Х.Х. Юлдашходжаев, Д.А.Рахимджанов, М.М.Камилов. Ответственный редактор: Н.И.Ибрагимов. – Т.: Министерство высшего и среднего специального образования, 2002. – 12 с.
96. Религиоведение. Хрестоматия / Пер. с англ., нем., фр. Сост. и общ. ред. А.Н.Красникова. – М.: Книжный дом “Университет”, 2000.–800 с.
97. Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. – М.: Гардарика, 1998. – 536 с.
98. Религиоведение: Учебное пособие. 4-е изд., испр. и доп. / Научный редактор д.ф.н., проф. А.В.Солдатов. – Санкт-

- Петербург: Издательство “Лань”, 2003. – 800 с. – (Учебники для вузов. Специальная литература.).
99. Религиоведение: хрестоматия / сост. В.Б.Рожковский, Д.Л.Устименко. – Ростов на Дону: Феникс, 2009. – 317 с.
  100. Религиозные верования: Свод этнографических понятий и терминов. Вып. 5. – М.: Наука, 1993. – 239 с.
  101. Религия в истории и культуре: учебник для вузов / Под ред. ред. проф. М.Г.Писманика. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2000. – 591 с.
  102. Религия и закон. / Составитель: А.Т.Юнусова. Сборник международных документов и законодательных актов Республики Узбекистан. – Т.: Издательство “Тошкент ислом университети”, 2002. – 239 с.
  103. Религия и общество: Хрестоматия по социологии религии / Сост. В.И.Гараджа, Е.Д.Руткевич. – М.: Аспект Пресс, 1996. – 775 с.
  104. Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. – Алматы: Фонд “XXI век”, 1999. – 295 с.
  105. Рустам Батыр. Абу-Ханифа: жизнь и наследие. Часть 1. – Под общ. Редакцией Д.В.Мухитдинова. – Нижний Новгород – Ярославль: Медина, 2007. – 288 с.
  106. Сюкияйнен, Леонид Рудольфович. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. – М.: Наука, 1986. – 256 с.
  107. Тора (Пятикнижие Моисеево). / Под. общ. ред. проф. Г.Брановера. – Иерусалим, Москва: Шамир, 1993. – 1136 с.
  108. Тримингэм Дж.С. Суфийские Ордены в исламе. Пер с англ. А.А.Ставиской, под редакцией и с предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука. ГРВЛ, 1989. – 328 с.
  109. Хашимов М. Религиозные и духовные памятники Центральной Азии. – Алматы: Издательство «САГА», 2001. – 251 с.
  110. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. – М.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература», 1994. – 238 с.: ил.
  111. Шемакин Я.Г. История мировых религий. – М.: РИПОЛ классик, 2005. – 432 с.

## Хорижий адабиётлар

112. Classical Approaches to the Study of Religion: Aims, Methods and Theories of Research. 1: Introduction and Anthology by Jacques Waardenburg, University of Utrecht // Religion and Reason. Method and Theory in the Study and Interpretation of Religion. General editor: Jacques Waardenburg, University of Utrecht. – Mouton-The Hague-Paris, 1973. – 742 pp.
113. Daniel L. Pals. Seven Theories of Religion. New York-Oxford: Oxford University Press, 1996. 7+294 pp.
114. Eliade Mircea. A History of Religious Ideas. Vol. 3. From Muhammad to the Age of Reforms. – Chicago and London: The University of Chicago Press, 1985. – 12+360 pp.
115. Eric J. Sharpe. Comparative Religion: A History. Second edition. Great Britain, 2003. 16+344 pp.
116. Goldziher I. Muslim studies (Muhammedanische Studien). Tr. By C.R.Braber and S.M.Stern, –London: George Allen and Unwin, 1971, vol. 2, 378 p.
117. Guillaume Alfred. The Traditions of Islam. An Introduction to the study of the Hadith Literature. –Oxford: At the Clarendon Press, 1924. –184 p.
118. Ibrahim T., Sagadeev A. Classical Islamic Philosophy. Translated from the Russian by H.Campbell Creighton, M.A.(Oxon). – Moscov: Progress Publishers, 1991. – 350 pp.
119. Juynboll G.H. Muslim tradition: Studies in chronology, provenance and authorship of early hadith. – Cambridge, London, New York, New Rochelle, Melbourne, Sidney: Cambridge University Press, 1983. – 273 p.
120. Juynboll G.H. Studies on the Origins and Uses of Islamic Hadith. –Vermont: Variorum, 1996. –194 p.
121. Lewis M. Hopfe. Religions of the World. – Upper Saddle River, New Jersey, 2001. – 17+400 pp.
122. Robert C. Monk, Walter C. Hofheinz, Kenneth T. Lawrence, Joseph D. Stemey, Bert Affleck, Tetsunao Yamamory. Exploring Religious Meaning. Fourth edition. – Prentice Hall, Englewood Cliffs, New Jersey, 1994. – 13+337 pp.

123. Vernon S. McCasland, Grace E. C. Sims, David C. Yu. Religions of the World. – New-York: Random House, 1969. – 16+760 pp.
124. William A. Lessa, Evon Z. Vogt. Reader in Comparative Religion. / An Anthropological Approach. Second edition. – New York, Evanston, and London, 1965. – 13+656 pp.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
1-мавзу. «Дунё динлари тарихи» фанига кириш.....	5
2-мавзу. Илк диний эътиқодлар.....	16
3-мавзу. Қадимги Миср, Месопотамия, Юнон ва Рим динлари .....	25
4-мавзу. Хитой ва Япония динлари: конфуцийлик, даолик, синтойлик .....	41
5-мавзу. Ҳиндистон динлари: ведизм, брахманлик, ҳиндуийлик, жайнизм ва сикхийлик.....	54
6-мавзу. Зардуштийлик ва унинг тарқалиши .....	69
7-мавзу. Монийлик ва маздакийлик .....	86
8-мавзу. Буддавийлик тарихи, таълимоти ва маросимлари .....	94
9-мавзу. Яҳудийликнинг келиб чиқиш тарихи, таълимоти ва маросимлари.....	108
10-мавзу. Христианлик тарихи, таълимоти ва маросимлари .....	120
11-мавзу. Христианликнинг асосий йўналишлари: католиклик, православлик, протестантлик.....	136
12-мавзу. Ислом дини ва унинг тарқалиши тарихи .....	158
13-мавзу. Исломдаги йўналиш, ғоявий оқим ва ҳаракатлар .....	157
14-мавзу. Мусулмонларнинг анъана, маросим, урф-одат ва байрамлари .....	194
15-мавзу. Ноанъанавий диний оқимлар.....	207
16-мавзу. Замонавий дунёнинг этноконфессионал манзараси .....	220
17-мавзу. Динлараро бағрикенглик – тинчлик ва барқарорлик гарови.....	227
Глоссарий.....	237
Манба ва адабиётлар рўйхати .....	250

Босишга рухсат этилди 28.12.2011 й. Офсет усулида чоп этилди.  
Офсет коғоз. Бичими 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Нашр табоғи 16,4.  
Адади 100 нусха. Буюртма №3244.

МЧЖ “REN-POLIGRAF” босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Муқимий кўчаси, 178.